

РАҶНО РАҲМОНБЕРДИ ҚИЗИ

ВАҚФ ЎРИК

Ҳикоялар, сұхбатлар, мақолалар

МАЖБУРИЙ НУСХА

ТОШКЕНТ
„ИСТИҚЛОЛ“
2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7 - Узб. язоб.
Р 33

Ушбу китобимни мени бу ёруғ оламга келтирган, тарбиялаган отам Раҳмонберди ҳамда онам — биринчи муаллимам Азизахонимларнинг ёрқин хотираларига бағишилайман.

Муаллиф

Китобни нашрга тайёрлашда ва чоп этишда ўз маслаҳатларини аямаган ҳамда ҳомийлик кўрсаттган инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

84(5Ў)7

Р 33

Раҳмонберди қизи, Раъно.

Вақф ўрик: ҳикоялар / Р. Раҳмонберди қизи. – Тошкент: Istiqlol, 2013. – 224 б.

„ВАҚФ ЎРИК“ ҳикоялар, мақолалар ва сүхбатлар тўпламидан газета-журналларда айримлари чиққан, бавзилари дафтарда қолиб кетган бадиий ва воқеий ҳикоялар, маданий-маърифий, таҳлилий мақолалардан намуна-лар жой олган. Биз ҳикоялар ва мақолалар ҳақида гапириб, китобни таргигбот қилиши ниятидан узоқмиз. Фикр айтишини ўқувчининг ўзига ҳавола этамиз. Аммо ишонамизки, китобни ўқирип экансиз, сиз кетган вақтингизга ачинчаймиз.

Ҳар бир муаллиф учун қандай бўлишидан қатъий назар, муштарийнинг фикри, қарашлари ниҳоятда қадрлидир. Танқидий фикрлари, таассу-ротларини ўртоқлашмоқ истовачи муҳтарам китобхоноларимиз мулҳоза-ларини ушбу: ranorahmonberdi@mail.ru эл.манзилга жўнатишлари, муаллиф билан учрашишини истовчилар нашриётимиз орқали боғланишлари мумкин.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-308-80-0

2014/12

A
1460

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

42313
H 2

© «Istiqlol nashriyoti», 2013



„ҚУШЛАР БЕРМАС ҚАРЗГА ҚАНОТ...“

Раъно Раҳмонберди қизи...

Тўрткўлнинг ўзига хос ижодий муҳитида юртдошлари ва шеърхонлар кўнглига чўғ ташлаб, пойтахтда Зулфия назарига тушиб, Устоз таклифи билан 1985 йили Тошкентдай шаҳри азимга, „Саодат“ жамоасига ишга келганини эшиттанимда, етмишинчи йилларнинг бошлари, ТошДУ журналистика факультетида сиртдан ўқиб юрган Раъно Рамонова— бўйлари самбитдек, силлиқ қилиб таралган, узун, қалин қўнғир сочлари, латиф юз тузилиши, майсадек қошлари, ҳаё аралаш иссиқ боқишлири, ўзига ярашиб туштан қизил атлас кўйлаги... кўз олдимда намоён бўлади. Ўшандада мен факультетда методист бўлиб ишлардим. Сиртқиларнинг деярли кўлчилиги ёдимда қолган. Эсимда, Тўрткўлдан уч қиз – Лола, Раъно, Гулистон. Гулистон ҳозирда Қорақалпогистоннинг катта шоирларидан, давлат арбоби. Лола ҳам маҳаллий давлат бошқарувига ўтиб кетганини эшиттанимман.

Ўша сobiқ талаба Раъномизнинг пойтахтга ишга келганидан, тўғриси, дилдан қувонганман. Менинг матбуот тарихига доир кандидатлик илмий ишим „Саодат“ журнали тарихидан бўлиб, бу жамоага ва унинг раҳбариятига ҳам руҳан яқин бўлиб қолган эдим. Зулфия опамиз ўшандада 70 ёшнинг бўсағасида бўлсалар-да, республикамиз ижодкор қизларининг қаламини зукколик билан кузатишлари, кадр танлашда адашмасликларига қойил қолганман. Раънонинг мақолалари ва ҳаётга муносабатида сobiқ журъатли талабанинг улғайган жасоратини кўрганман. Негаки, ўша пайтда у – ўзига яраша катта оиланинг бекаси, бешта фарзанднинг онаси, бир қўлида қалам, бир қўлида рўзгори билан маҳаллий шароитда шаклланиб, изга тушган ҳаётини ишонч билан катта оқимга бура олди. Эски яқинлик, қадрдонликми, орамизда мустаҳкам дўстлик пайдо бўлди.

Дарвоqe, мен бу мақоламни Раънонинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан унинг „Иқрор“ китобини ўқиб ёзган эдим. У менинг самимий туйғуларимдан хижолат бўлганди: „ортиқча мақтаб юборибсиз, агар бирор жойда чиққудай бўлса хафа бўламан“, деб туриб олди. Мен бошқача ёзолмадим, шу билан қўлёzmам тортмадан

жой олганича қолди. Яқында ниманидир қидириб юриб, қўлёзмага кўзим тушиб қолди ва уни қайта ўқиб чиқдим. Ҳаммаси бор гап, қўшиб-қуралган бир нарса кўзимга тушмади. Бир жойи, мен уни Абдулла Қодирийнинг „Меҳробдан чаён“ романидаги Раънога ўхшатганим, шеърлари ҳақидаги бир-икки фикрларим унга муболага бўлиб кўринганди. Мана ўша сатрлар, у менинг ҳақиқий тасаввурим эди, уни яна айнан келтираман:

мен уни илк учраттанимда А. Қодирийнинг „Меҳробдан чаён“ романидаги Раънога жуда ҳам ўҳашашлигини кўнглимдан ўтказган эдим. Тарихий Раъно билан замонамиз Раъносида қандайдир бир руҳий яқинлик бордек эди. Агар А. Қодирийдек улуғ адаб ўзининг Раъносида „Раънонинг шеърий бир ҳуснини“ кўрсатганидек, унифазл ва закавотда ҳам ўқтам, хон замонлари асрининг нодир учрайдиган якто, фозила қизларидан“ санайди ва „санашга ҳам ўзимизда мажбурият ҳис этамиз“, деб алоҳида бир меҳр билан тасниф беради.

Худди шунингдек, Шўро замонасида туғилиб, педагог отаси орзулагандек вояга етган Раънода ҳам ижодкорлик билан бирга ҳаётга тийрак кўз билан қарашиб, тарихга ва дунёвий билимларга қизиқиш, миллий қадрияларга амал ва эҳтиром, танлаган йўлига ишонч, ўзига хос жасорат сифатлари мужассамлигини туйганман. Буни унинг таҳририятига келган шикоят хатларига ва арз билан келган хотин-қизларга опа-сингилларча муносабатида, ноҳақликларга муросасизлиги, бир ишни охиригача етказишга бўлган ҳаракатларида кўрганман.

Айни қайта қуриш йилларида чиниқиб, матбуот қозонида қайнаган Раъно, кейинчалик Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, ЎзР ВМ ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва ЎзР Хотин-қизлар қўмиталарида масъул лавозимларда ишлар экан, қаламини кўлдан қўймади, диний-маърифий мақолалари билан матбуотда, сұхбатлари билан давраларда доим иштирок қилди. Унингча, инсон ўзига берилган умр ва ҳаёт неъматларида илоҳий муҳаббат, ишқ тимсолини кўра олсин. Буни сезмас экан, унда яшагани ёлгон:

Ишқсиз дунёларга келганим ёлғон,
Бу ёруғ жаҳонда юрганим ёлғон.
Ростакам туғилиб яшашим зарур,
Йўқса, яшаганим, ўлганим ёлғон.
Ҳали мен юракни парча-парчалаб,
Ишқнинг йўлларига гулдай сочарман.

*Чақмоқ чаққан сари вұжудим тиңтрап,
Жаладай шовуллаб, селдай тошарман.
Ишқисиз дүнәларга келганим ёлғон.*

(„Тола нур“ китобидан. „Камалак“н., 1994й.).

Раънонинг дастлабки шеър ва ҳикоялари „Қорақалпогистон“ нашриётида умумий тұпламаларда чоп бўлиб турди. Унинг мустақиллигимиз билан вобаста илк мустақил китоби камгина (минг) нусхада чоп этилган бўлса-да, ўз ўқувчилари кўнглига „тола нур“ мисол оқиб кирди. Китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева тўғри таъкидлаб ўтганидек: „Раънонинг дардлари, туйгулари жонсарак, куйгунчак дилнинг қаламгатина айтган изҳори, майин бир шивирлаши“дир. Инчунин Раънодаги янги давр руҳи, масъулиятини англаш туйғуси ўлароқ, руҳоний чуқур эврилишни айнан ўша китобда, „Ўзимга“ деган шеърда ҳис этамиз:

*Энди сен ҳақиқий одам бўлишинг керак,
Ишонч-у, меҳрга муносиб.
Энди оёқни ерга маҳкам тираб,
Тинимсиз ишлашга киришиш лозим.*

Кўп ўтмай „Кечир она ер“ („Қорақалпогистон“ н. 1995 й.), „Тирилиш“ („Қатортол-Камолот“ н. 1999 й.) шеърий китоблари дунёга келди. У „Руҳимдаги ёзувлар“ шеърида ҳар қандай мустаҳкам салтанат каби, инсон ҳам келадиган ҳисоб олдида ожизлигига ишора қиласи:

*Кулоқ тутсам, тарих тахида додлар,
Оҳуларни нишон олган сайёдлар,
Узоқ-яқин, паст-у, балланд, не зотлар,
Бир кун занжирларнинг узилмоги бор.*

Шундоғ экан, кимсадан муруваттап кутма, битта имкониятинг – Ҳақни маҳкам ушлаш имкониятингни бой берма, ана шунда майдон эгаси – ўзи „улуг ҳакам“дир:

*Демишилар фидо бўл, истама маҳкам,
Ҳақдан кечма, ширин жондан кечсанг ҳам.
Ишқ майдони ўзи улуг бир ҳакам,
Сулҳлар, битимлар тузилмоги бор.*

Унинг шеърларида ҳаётта бўлган шукронга, ишқ иймоннинг аж-
ралмас бўлаги бўлиб келади:

*Баҳорлар бош эгган бу олтин кузим,
Ишқ-иймон демакки, ёргудир юзим.
Вақтики, ўзимдан ўзаркан сўзим,
Ҳали бир оятдек ўқилмогим бор.*

Раъно шеърларида самимият, туйғуларнинг соғлиги киши
қалбини тозартиради ва ўқувчидаги шаффоғ ҳиссиётлар туғдиради,
маънавият дунёсини бойитади.

Васфиялар, лавҳалар, мақолалар ва ҳикояларни ўзида жамлаган
педагогик-психологик руҳдаги „Руҳ манзаралари“ тўпламидан
(„Ўқитувчи“ нашриёти, 2003 й.) ижодкорнинг шахс руҳияти ке-
чинмаларига доир лавҳалари ўрин олган. „Кўнгил салтанати“, „Ав-
вал ва охир қўшиғи“, „Остонага бир қадам“ каби руҳият васфия-
лари ўзининг ҳайратомуз ечимларида фикр тезлиги яшинга айлан-
ганини кўрамиз. Ижодкор „туйғуларининг булоқ сувидан тозали-
ги“га, „боқий муҳаббат йўли... юрагининг оташига гулоб сепиши“ -
та гувоҳ бўламиз. Жон олгувчи ўҳшатишлар, ташбеҳларнинг „тилла
ҳовури“ни хўплаймиз.

Кўлимда Раъно Раҳмонберди¹ қизининг янгигина тандирдан
узилган, „Т. „Истиқол“ нашриёти, 10 б.т.ҳажмда чоп этилган шеър-
лар ва кичик ҳикояларни ўз ичига олган „Иқрор“ номли китоби.

Китоб аннотациясида ёзилгани – „Ҳар гулнинг ҳиди бошқа,
ҳар дилнинг диди бошқа“, деганларидек мавзулар айтиб битилган,
ҳаёт ўша-ўша давом этаётган бўлса-да, ВАҚТ мудом сирлидир. Ин-
сон ўзининг такрорланмас сўзи ва овози билан Вақтда қайта ва
қайта туғилаверади“.

*Бир кон топдим, ҳазиналар тамом бисёр,
Борлик шунда – сабр, ризо, шукр, иқрор.
Энди менинг кузагимда фасли баҳор,
Иншааллоҳ, Дўстга аён сирларим бор.*

Раънонинг „Сўлмас, ҳеч замонда гулим“, „Бежавоб саволлар“,
„Хуррият“, „Онагинам“, „Олтин олма“, „Дийдор“ туркумидаги
шеър ва достонларида аждодларимиз нафасларини сезгандек бўла-
миз ва айни вақтда Раънонинг ўзига, ўзигагина ўҳшаган, бошқа-

¹ Кейинги вақтда Раъно отасининг исмини тўлиқ ва тўғри ёзяпти.

ларнинг шеъриятини тақрорламаган ўз қалами борлигини ҳис этамиз. Шоиранинг кўнгил жавҳарлари билан „Ҳаж йўлида“ жилоланган муҳаббат эпкинларига бағримизни очиб, тўйиб шимирамиз. Натижада шеър қалб гавҳарингизга айлананаётганини ҳис этасиз, Яратган олдида тозаланасиз.

Шоира тўртликлари фитратингизни бойитса, „Бежавоб саволлар“ фикрлашга ундайди.

*Вақтики, сўзга жон инади,
Сўз тулпор, суз турур суворий.
Сўз ишглаб, кулишни билади,
Сўз буюк неъматидир илоҳий...*

„Ҳуррият насими“ (Зулфия) Раъно Раҳмонберди қизи юрагига „лаҳча чўғ“ солиб, „илоҳий неъмат“ бўлган сўз мулкини сарбаланд тутади ва „маърифат мулкида мукаммал аҳлоқ“га „саловоту саломлар“ айтади.

Магзи тўқ, пурмаъно, самимий ташбеҳлар, муаллифнинг ўзига хос ширали изҳорлари, малол келмайдиган, балки вулқондек жойига тушган муболага ва таснифлар, фалсафий мушоҳада, тозаланиш ва ёруғ юз билан Ҳаққа етишмоқ орзуси:

*Майли бу дунёда соил бўлай мен,
Бўлсан ё Ҳақ деган шоир бўлай мен.*

каби муножотлар шоиранинг „Олтин олма“, „Дийдор“ туркумлари билан ҳамоҳангидир. Яна „Агар бу муҳаббат бўлса...“, „Икрор“, „Эй сен...“, „Руҳсиз, кайфиятсиз...“, „Ҳаж соғинчи“, „Икки гул“, „Сукут“, „Насиб этсин десанг“, „Дийдор“ каби шеър ва ғазаллари шоиранинг „бўй-у басти“ни кўрсатиш билан ижодида анча илгарилаш содир бўлганини ҳам изоҳлайди. Ўқувчи руҳи нурга чўмилганини ҳис этади.

*Фарқи дарё исёnlар ичра,
Сабр садафидан дур тердим.
Ип ўтказдим кўксин қоқ тешиб,
Фарёдидан ўзимга келдим...*

ёки

*Алевон тўйларингни киярман, Дунё,
Куйдирганинг сари суюрман, Дунё.*

Шоиранинг „Онажон“ туркуми ички бир армон билан ўқилади:

*Кимдир тўхтар, тўхтамас ҳаёт,
Ўз-ўзидан ортмас бирор зот,
Қушлар бермас қарзга қанот,
Софинганда уча билмадим...*

ёки

*Она ватан, она бешик, нозбўй ҳидли йўлкалар,
Вафодор им пешвоз чиқиб оёқларга суркалар,
Биз борганда таҳтдан тушса, шойи, атлас кўрпалар,
Тўлин ойдек тўлишгайдир сийратингиз, онажон.*

Шоиранинг кўплаб шеърлари мағзи тўқ ёнғоқни эслатади. Уни балки бир марта ўқиб мағзини чақа олмассиз. Лекин ўқиганингиз, ҳис қилганингиз сари у сизни ўзининг ёргу, латиф, ҳайратли оламига етаклайди, кайфият бағишилади.

Замондошимиз, дўстимиз Раъно Раҳмонберди қизини етуқлик бекати, қутлуг ёши билан табриклар эканман, назаримда, „фазл ва заковатда“ ҳам, жасорату шиҷоатда ҳам ҳар иккала Раънодаги ўҳшашликни айтгим келади, гарчи шоиромиз эътироҳ қилса ҳам.

Устоз Зуфияхоним айтганлариdek эл-юрт олдидаги „божли“-ликни ҳар нафас ҳис этиш воситаларидан бири, қалбларга йўл очувчи „Икрор“ китобингиз муборак бўлсин.

Ушбу тақризни ёзишдан мақсад ўсиб, улғайиб бақувват дарахтга айланган, ўзи ёзганидек,

Дунё боғларидан, бўстондан узоқ,

Саҳрода бир сарв, сафо бўлган... “ижодкорни таваллуд айёмлари билан қутлаб, унга матбуот орқали ўз меҳрим ва ишончимни билдириш эди. Афсус, Раънонинг эътироҳи билан тақриз уч-тўрт йил тортмада қолиб кетди.

Яқинда мен унинг „Истиқлол“ нашриётида яна бир китоби тайёрланётганини эшитдим ва ушбу қўлёзмани нашриётга лутфан элтиб, мұҳаррир Жаббор Рассоқовга топширидим ва китобга киритишларини, бу муаллиф ва китобхон учун ҳам бирдек совға бўлсин, деб илтимос қилдим.

*Хурмат билан Марҳамат АЛИМОВА,
тарих фанлари номзоди.
2009 – 13 йил, сентябрь ойи.*

Ўтудлиицистикা

ВАТАН – СЕВГАНЛАРНИКИДИР

Биз, шу азиз Ватаннинг баҳтли фуқаролари бугунги кунда бизга бебаҳо қадриятлар, маънавий бойликлар қолдириб кетган аждодларимиз билан ҳақли равишда фаҳрланамиз. Ҳар биримиз камида беш-үн алломанинг муборак номларини ёд биламиз... Қилган ишларидан хабардор бўлмасак ҳам номларини ёдга олиб, нутқларимизни безаймиз. Шунисигаям шукур, аммо баъзан „Алпомиш“ни Навоий ёзғанми?“ ёки „Навоий пайғамбар бўлған-а?“ каби сўзларини эшитганда, Навоийни ҳамма билмаслиги мумкин, аммо Пайғамбарни билмасликни тасаввурга сидириш қийин. Қачон шунчаликка бориб етдик, дейман ўзимча. Зиёлинома бир киши динга эътиқод қилмасаям, тарихни, кечаги кунни билиши лозимку?! Ҳали биз, „ҳар куни ТВ кўриб, ахборот эшитадиган одамнинг маънавий даражамиз шу экан-да“, деган фикр кечади кўнгилдан. Муҳтарам Юргбошимиз „Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда“, деб турган бир пайтда ўзбек бўлиб, шу заминда яшаб, дини Исломга эътиқод қилиб, агар эътиқод қилмаган тақдирда, миллат тарихи сифатида бўлса ҳам Пайғамбарни билмайдиган дунёвий маълумотли кишини маърифатли инсон деб бўлармикан?

Беш-үн одамга бош ўз даврасининг „авторитет“ шахслари (ҳеч бўлмаса, мансаби ҳурмати) „Алпомиш“ни билишлари лозим эмасми? Балки мен ноҳақдирман. Нима бўлганда ҳам (диний-эътиқодсиз замонлардан бошлаб) эсимиизни танибмизки, шу кунгача ҳам эртак ва достонлар мактабларда (маънавиятимиз ҳазинаси сифатида) ўқитилган ва у шу кунларда ҳам таълим-тарбия соҳаси кун тартибida ўз ўрнини сақлаб келади. Шундоғ экан, биргалашиб

ечим топайлик, „арзимас“ кўринган қусурларимизнинг асосий сабаблари қаёқда экан?

„Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...“

„Миллий тилимизнинг қадри йўлида нималар қилмоқдамиз?“ дей савол ташларканман, ўзбекона андиша лоп этиб рўпарамга чиқади. Кўп миллатли Ватан бўлганимиз учун ҳам ҳар бир ўзбек фуқароси миллий мавзуда гап кетса, ўзимиздан аввал, бошқа миллатларнинг кўнглини ўйлашга, бошқалар нотўғри тушуниб қолмасмикан, деган андишага ўрганиб қолганимиз. Иккинчидан, аввалги замонларда „миллий тил, миллий давлат“ ибораларини тилга олганларнинг „миллатчи ва халқ душмани“ сифатида қатоғон қилинишларини унутиб бўлармиди?

Гап Миллий Ўзбекистон ҳақида борар экан, биз айтмоқчи миллатчилик Мустақил Ўзбекистонимизнинг мамлакат сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга ва миллатнинг баҳт-саодатига қаратилган ватанпарварликдир. Чунки жаҳон халқлари она Ўзбекистонимизни ўз миллий паспортида белгилаб қўйилган Байроби, Герби, Давлат тили, Миллий валютаси ва Мадҳиясига кўра ер курраси халқининг бир қисмини азалдан ва бугунда ҳам ўзбеклар ташкил қилгани боис ўзбеклар Ватани, Ўзбекистон сифатида танийдилар ва тан оладилар. Шу билан бирга юртимизда туғилиб ўғсан ва шу юрт фуқароси бўлган бошқа миллатлар ҳам „Ватанни миллатчилик руҳи билан севиш“ деганда „Ўзбекистон умумий уйимиз!“ туйғусини ҳис қиласагина ягона миллий руҳ камол топади ва қудратли миллий давлат барпо бўлади, Ватанни миллий ва миллатчилик руҳи билан севишдек ягона муҳаббатга эришилади.

„Миллатларнинг миллий ифтихор туйғуси қай кўринишларда намоён бўлади?“ деган савол атрофида ушбу мақолани фикрлаб юрган кезларимда, Кабел ТВнинг „СофТС“ каналида ғалати бир рекламага кўзим тушиб қолди. Мана у: „Сергелийский филиал банка „Асака“ приглашает на работу в обменный пункт. Требуются девушки европейской

национальности в возрасте до 25 лет, со средним специальным образованием...“

Қайта-қайта ўқиб, тушунолмадик. Бу қандай эълон бўлди? Нега энди европа миллатига мансуб қиз бола, ёши ҳам айнан 25 да?! Ундан бошқачароги бўлмас эканми? 26-30-40 ва ҳоказо ёшли Ўзбекистон фуқароси – эркакми, аёлми, Европами, Осиёми, пул санашини билишмас эканми? Дарвоҷе, биз ўз она-Ўзбекистонимизда, инсон хукуқ ва эркинликлари кафолатланган ҳуқуқий демократик жамиятда яшаётганимиз йўқми?

Бир танишим афсус билан: „мен жон-жон деб ишлаган бўлардим-а, лекин уларга маҳаллий қизлар керак эмас экан. Тўғриси, шундай ёзилмаган қонунлар учраб туради, ўзи. Масалан, келинларни ҳамма ҳам ишга олавермайди. Декретга чиқиб кетади, деб қўрқишиди... Аммо буниси ошиб тушибди, жасоратини қаранг. Бу инсонларни ошкора камситиш, ҳаддан ошиш эмасми? Қонундан бехабар бошликлар ҳам бўлар экан-да“, деди. Реклама бир ойдан ортиқ айланниб турди.

Зеро, Республикасим Конституциясида „Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт“ (18-модда), деб ёзиб қўйилгани ҳолда ишга қабул қилишнинг „Асака“ча услуби қайси қонунга кўра амал қилганини мутасаддиларнинг ўзлари айтишар?

Ватан деганда аввало ҳар ким ўз туғилган жойини эслайди ва шу Ватан ҳақида тасаввур берувчи миллий рамзлар – Давлат тили, Байроби, Герби, Мадҳияси, Миллий пули кўз олдига келади. Рамзлар миллий ифтихорга айланади ёки бошқача айтганда инсон фитратидаги миллий фурур ботинан Ватан рамзлари билан чамбарчас боғланган бўла-

ди. Доим ҳам юзага чиқавермайдиган бу түйғу, кутитмалганда ўзини намоён қилиши мумкин. Мисол учун дейлик, Сиз чет элдасиз, бир катта майдонда жаҳон халқларининг байроқлари ҳилпираб турибди. Кўзингиз беихтиёр Ўзбекистон Байробини қидиради, Байроққа кўзингиз тушганида бошқача тўлқинланиб, ғайри бир ҳис оғушида жунбушга келасиз. Ўзга юрт ҳар қанча бой ва гўзал бўлмасин, содда ва бағри муҳаббат ила лиммо-лим уйингиз, она шахринизни ва ҳар кун учрашиб юрганингизда ўрни билинмаган ҳамкасларингизни софинаётганингизни ҳис қиласиз.

Ҳаётий тажрибаларимга асосланиб, миллий ғурур ҳақида шундай деган бўлардим. Инсон миллатпарвар бўлиши учун аввало, оиласда миллий руҳда тарбия топиб, инсонпарвар жамиятда камолга етмоғи керак. Бугунги жамиятда ОАВ ва ТВ кўрсатувларига кўра фикрлайдиган бўлсақ, маънавий баркамоллик борасида ҳамма нарса рисоладагидек кўрингани билан мустақилликнинг йигирма уч йиллиги томон кетаётган бўлишимизга қарамай, „Асака“ банк мутасаддиларига ўхшаш кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларига қараб, жамиятда миллий ғурур, мустақиллик билан фаҳрланиш туйғуси шаклланиб етмаганинг гувоҳи бўласиз. Оддий бир мисол: бир жойга шошилиб, такси ушладик. Такси олд ойнасида АҚШ байробининг акси туширилган ҳаво тозалагич (дезодарант) осилиб турарди. Ҳайрон бўлдим-да, ҳайдовчидан „Бу нима?“ деб сўрадим. „Дезодорант“, деб жавоб берди у. „Сувратни айтаман, юлдузлар АҚШ давлат рамзи эканини биласизми?“ – дедим яна. „Ҳа“, деди у ва ҳатто рамзнинг кимга тегишлилигини билганидан фаҳрангланган каби жилмайиб кўйди. Мен яна: „Унинг ўрнига ўзимизнинг рамзлардан оссангиз бўларкан...“ дедим. Ҳайдовчи қулиб „Опа, менга фарқи йўқ. На бу байроқ, на бошқаси қорин тўйдирмайди. Ҳўжайн осган, турибди“, деди совуққина қилиб. Бу ёғига бир сўз ортиқча эди, индамадим. Ҳайдовчи барибир ниманидир, балки қиёфаси намоён бўлавермайдиган юрт туйғуси, ғойибона бир дил оғригини ҳис

қилдими, АҚШ байробини юлиб олди-да, бардачокка со- либ қўйди.

— Менинг гапимга шундай қилдингизми? — сўрадим гап- ни давом эттиргим келиб.

— Йўқ, опа. Ростдан ҳам нима кераги бор. Тўғрисини айтсам, бирдан оғирлашиб кетгандай бўлдим. Ўзимизни- килар шундай нарсаларни чиқаришса бўлмасмикан, дей- ман-да. Одамлар тагини ўйламай, ялтираган нарсага ёпи- шаверадиган бўлганмиз. Ростдан ҳам бир мамлакатнинг бай- рофининг бизга нима алоқаси бор экан, деб ўйлаб қол- дим, — деди йигит ёришиб.

— Мен ҳам ҳайронман, наҳотки бизниклар ўша дав- латлар билан фахрлансалар. Бундай ҳолатларга жамоат транс- портларида ҳам кўп бор дуч келганман. Ҳар хил бегона рам- злар туширилган сувратларни бирор билиб, бирор билмай безак учун осиб олишади, кўйлак, шапка, майка қабилар- ни кийишади. Чет давлат байроби акси туширилган дурра- чаларни бошларига тангигиб олган қизларни, болаларининг бошига танғигиб қўйган ёш оналарни кўрганимда индамай ўтолмайман. Ўз ватанида „бегона байроқни бошга кўтарув- чилар“ табиатида ўз юртига бепарволик, меҳрсизлик, қола- верса, шу ишни қилган одамнинг ўзи ўзига беҳурматлик кўрсатаётганини тушунтиргим келади. Мустақилликдек олий неъматнинг қадри шу бўлдими, дейман. Чунки, Ватанга муҳаббат туйғуси аввало оиласа шаклланиб, кейинчалик мактаб ва жамиятнинг ўзида ўсиб, камолга етади, деб ишо- намиз. Ватан рамзларини билиш ва унга бўлган севгида имон нури, киндик қони томган тупроққа бўлган муҳаббат мужассамлигидан *Ватанинни севмоқ имондандир*, дейи- шади. Демак, Ватан севгиси орқали Аллоҳ муҳаббатига эри- шилар экан. Бошқача айтадиган бўлсак, имон дегани Ва- танини, Яратгувчини танимоқ, севмоқ деганидир.

Ривоятларга кўра, Бишр Хофий деган киши оёқ ости- дан „Бисмиллаҳир-роҳманир роҳийм“ деган ёзувни кўриб қолди-да, олиб, ўпиб, мушки анбар исларини суриб, бо- шига қистириб қўйди. Ўша куни тушида: *Бишр! Сен ме-*

нинг исмимни гўзал ислар билан улугладинг... мен ҳам сенинг исмингни икки жаҳонда хуш қилгайдирман”, деган овозни эшигади ва ана шундан кейин Аллоҳнинг дўсти мақомига этишган экан.

Ҳар ким ҳар нарсадан маънавий озиқ олади, ҳар кимнинг бир хоббиси бор, дейишади-ку. Менга қолса айтардимки, хобби ўз йўлига, гап одамнинг қалб бойлиги, дунё-қарашининг нарса ва ҳодисаларга муносабатида қай тарзда намоён бўлишидадир. Маънавий бой инсоннинг Ватанга муҳаббати онага муҳаббати кабидир. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ёзганлариdek:

*Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
Такрор айтилганда рангизидир қалом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.*

Шундай экан, қандай инсон ўзининг кўринишдан ҳокисор, содда, камсукум онасини бошقا бирорнинг бой, башанг, олифта онасига алмаштириши мумкин?

Инсон табиатан моддий фаровонликка интилади. Яхшироқ яшагиси келади. Баъзи чет элпараст инсонлар ўз уйи, ватани камбағалигидан ор қиласдилар, чет эл нарсалари билан фахрланадилар. Ҳатто фарзандлари ва невараларининг ривожланган чет элда таваллуд топишини, ўша юртнинг фуқаролигини олишини шараф биладилар. Бундай орзуларнинг амалга ошиши учун киши ўзини минг мاشаққат билан ўқитиб, одам қилган, оқибатда таъна-маломатга қолган Ватани устидан катта одимлар билан ҳатлаб ёки босиб ўтиши лозим бўлади. Қани, ўзингиз айтинг, шундайларнинг Ватан ҳақидаги осмоний гапларида бир чимдимгина бўлсин, Ватан туйгуси бормикан?

Тўғри, биз ўтиш даврини бошдан кечиряпмиз. Аммо жаҳондаги барча ривожланган давлатлар, ҳалқлар ўтиш давридан ўтишганлигини тарихдан анча-мунча биламиз. Матбуотда ҳам кўпроқ Корея Республикаси ҳалқининг матонатли ҳаёт йўли ҳақида ҳавас билан гапиришади. Ўзбеклар ҳам худди корейс, япон ҳалқлари каби меҳнатсеварликда

улардан қолишмасликларини айтишади. Яқин тарихга мурожаат қиласиган бўлсак, масалан, биз пул топиш учун Россия ва бошқа чет элларга иш излаб, кучимизни сув текинга сотаётганимиз каби бир пайтлари кореислар ҳам Япония ва бошқа жойларда машаққатли ҳаётни бошдан кечиришган экан. Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг „Мўъжиза содир бўлмайди“ хотира китобини ўқиб чиқар эканман, китоб менда Президентимиз асаллари каби Ватанин севгувчи инсонлар ёдига ўрнатилган олтин ҳайкал сифатида жуда катта ва ёрқин таассурот қолдирди. Шундай раҳбарлари бор мамлакатлар фуқаролари тақдир синовларида аро йўлда қолиб кетмайдилар, уларнинг ҳаётга бўлган ишончлари бир тан, бир жон каби бирлашиб, келажак сари дадил интиладилар.

Аллоҳ инсонларни беҳудага миллат ва элатларга ажратмаган. Уларга шунчаки ўйин учун бири биридан фарқли тил бермаган, манзил ва мақомлар белгиламаган. Ўзликни англаш, миллий, диний қадрият тушунчаси, аввало, инсоннинг ўз Ватани, туғилган жойи, аждодларимизнинг абадий манзили бўлган она тупроққа бўлган севги ва эътиборида намоён бўлади. Қандай ирқ ва элатга мансубликдан қатъий назар, ватанга нисбатан ягона миллатчилик севгиси шу ватан фуқаролари бўлган турли миллатларни бир умум оиласа бирлаштирган тақдирдагина ҳар қандай ожиз давлат ҳам кучли Давлатга айланishi буюкларимиз ўйтларида қайд этиб келинган. Шундоғ экан, Мустақиллик бизга „шу она-Ватанин миллатчилик руҳи билан севиш“ни тақдир қилганига шукроналар бўлсин, деймиз.

ДАВЛАТ БАЙРОФИНИНГ ТИЛИ

Тасаввур қилингки, юртимизда меҳмон бўлиб турган бир чет эллик сизга ўзбекча мурожаат қилди. Сиз эса ўз тилингизга ўзингиз тушунмайсиз... шундоғ экан, сиз қандай қилиб миллий Байробингиз тилини тушунасиз? Байроқ ҳам сўзлайдими, демоқчимисиз? Ҳа, ҳар бир Давлат ва

Миллатнинг Байроғи ўша миллат тилида сўзлайди. Агар миллат ўз тилини унутса, Байроқ назардан қолади ва ҳил-пирамай қўяди. Демак, биз ўз тилимизни билиш-бilmаслигимиз орқали Байроғимизнинг мавқеига у ёки бу маънода ҳиссамизни қўшиб борар эканмиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ватанимизга ташриф буюрган чет элликлар оз бўлса-да, ҳурмат юзасидан ўзбекча салом-аликка доир бир қанча сўзларни ўрганиб келишарди. Лекин мулоқотда бўлган баъзи ўзбекларнинг ўзбекчани ўзидан ҳам ёмонроқ билишларини қўриб, меҳмон ҳайрон. Бу қандай миллатки, ўз давлат тилини билмаса? Демак, миллий фурури, қадриятини қадрлай олмаган миллат ўз мамлакатининг иқтисодий манфаатларини нечоғлик ҳимоя қила олади? Яна бир томони, Ватанимизда фаолият олиб бораётган кўпгина жиддий чет эл ташкилотларига ишга кириш учун меҳнат шартномаси талабларига кўра маҳаллий ходим, яъни Ўзбекистон фуқароси чет тилини билиш билан бир қаторда Ўзбекистон Давлат тилини ҳам яхши билиши лозим бўлгани ҳолда, ҳозирги пайтда бунга эътибор қилишмайди, деб ҳикоя қилган эди бир танишим. Кўриниб турибдики, ўзимиз қадрламаган она тилимизга халқаро жараёнда на мансабдор шахслар, на фуқарода эҳтиёж йўқ.

Яхши биламизки, Давлатнинг қайси миллатга мансублигини унинг тили белгилайди. Тилсиз миллат йўқ. Ўзбекча билмаган ўзбек ҳар қанча ўзбекман демасин, у ўзбек бўлолмайди. Чунки у миллатнинг миллий фурурини ифодаловчи миллий тилидан, миллий тилгина ифодалай оладиган миллий хусусиятлардан ҳам маҳрумдир... Ўзбек бўла туриб, (хеч бир узрли сабабсиз) ўзбекчани луғатдан ўрганишгача етиб бориш билан фахрланишдан ўзи асрасин. Демак, тил фуур ифодаси экан, кимки миллий фуурни бошқа нарсага алмаштирибди, у ўз ихтиёри билан она тили (она)дан, миллатидан воз кечибди.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 20 йилдан ошганига қарамай, тилимиз ҳали ўзининг лозим бўлган сиёсий мавқеига кўтаришгани йўқ, деб ўйлашга асослар

тўлиб ётибди. Бунга кўчаларга, ишхоналарнинг пештоқига, рекламаларга, магазин ва турли идора ва ташкилотларнинг номланишига эътибор беришнинг ўзи кифоя қиласи. Масалан, биргина Сергели туманига кираверишда „Сергели туманига хуш келибсиз!“ деб ёзилган бўлса, унинг ёнгинасидаги йўл қайрилиши белгисига „Сирғали“, паспортларимизнинг прописка варафидаги муҳрда „Сирғали“, ишхона ва ташкилотлар номи ёнида гоҳ „Сирғали“, гоҳ „Сергели“, автобуслар пешанасидаги „Сергели“ ёки „Сирғали“ каби ҳар бири алоҳида маъно касб этувчи атамаларга қараб, туманимизнинг асл номи нима экан, деб ўйлаб қоласиз. Шаҳримиздаги магазинлар ва фирмаларнинг аллақандай мексикача, итальянча, европача, номларини-ку, Қўяверасиз... Авваллари дўкон дердик, эндиликда маркетларга ўтдик. Ким янги маркет очса, пешанаси ёки деворида (уч фоиз русий забон халқ яшамайдиган жойда) „Мы открылись!“ каби чақириқ ва эълонлар, гўзаллик салонлари деган жойларда очиқ-сочиқ хонимларнинг одам бўйи сувратлари ва русча чорловлар. Хўш, борингки, (ўн, йигирма фоиз русий забон аҳоли яшаган тақдирда ҳам) „хлеб“ эмас, „нон“, „Мясо“ эмас, „Гўшт“ деб ёзилса, ўшани одамлар ўқиша олмайдими ёки норози бўлиб кўчиб кетадими? Буниси ҳаммадан ошиб тушади: битта ҳам инглиз яшамайдиган маҷаллада дўкон пештоқида инглизча ном ва инглизча ёзув: „NEW LIFE“. Бу нима дегани экан, деб таниш талабадан сўрасам, у „янги ҳаёт“ дегани, деб жавоб берди. Ё тавба, шуни ўзбекча ёёса ҳам бўларкан-ку?! Қайтанга чиройлироқ жаранглар экан, десам, талабам „янги ҳаёт“ни янгича тил билан бошламоқчиидир, дея ҳозиржавоблиқ қилди.

Бундан йигирма йил муқаддам, жамиятда ўсиб-унаман деган одам ўз тилини билмаса ҳам ўрис тилини билиши шартлиги ой билан кундай, ҳаммага бирдай аён эди. Наҳотки ўзбегим мустақилликни жаҳонга „хўжайн тил“ларнинг ўрин алмашиши деб тушунаётган бўлса?! Шу ўринда тарихдан бир мисол, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари. Биздан Ленин асарларини, ҳаётини билишни талаб қилишар-

ди, ўқирдик ҳам, аъло баҳоларга имтиҳонлар ҳам топшириардик. В.И.Ленин Октябрь тўнтаришидан олдин Финляндияда яшириниб юрган даври – финларнинг миллатчилик қилиб, финча гапирмаган муҳожирлар билан гаплашмасликлари, рус тилини билгани ҳолда Лениннинг саволига жавоб бермагани ҳақидаги маълумотдан қаттиқ таъсиранганимдан, бир умр миямга жойлашиб қолган экан. Қачон тил, миллат ҳақида гап бўлса, финларнинг миллатга, ватанга нисбатан ижобий маънодаги „миллатчи“ лигини Совет Ўзбекистонимиз тарихида кўп бор эслашга тўғри келган. Масалан, Республика ёш механизаторларининг қайси бир қурултойида русча маъруза қилолмаган йигитнинг минбардан тушиб кетиши, заводларнинг кадрлар бўлимидан русча билмагани учун ҳужжати қайтарилиган маҳаллий йигитларнинг ўзи истамаган ҳолда чўлқувар бўлиши... каби ҳоллар тез-тез учраб туради.

Яқиндагина бир ажойиб ҳолнинг гувоҳи бўлиб ёқа ушладим. Ватанга катта хизматлари сингтан бир улуғ олимнинг фарзанди отаси ҳақида хотиралар ёзмоқчи бўлибди ва бир ижодкорга маслаҳат солиб, менга китобингни ўзбек тилида ёз дейишяпти, ўзбекча ёзишга уяляпман. Иккинчидан, ўзбекча ёсам, элитага етиб борармикан, дея хавотирини билдирган экан.

Бир ишбилармондан „нега фирманизнинг номи бунча ғалати, ўзбекчароқ ном қўйсангиз бўлмайдими?“ деб сўрадим. У: „Масалан, қандай ном?“ деди. Масалан, Мустанг демасдан, „Оқ тулпор“, „Човкар“, „Фиркўк“, „Қоракўз“, „Учқур“ каби отларимизнинг миллий номлари, „Смак“ ўрнига „Мазза!“, „Роҳатижон“, „Оҳ-оҳ!“ каби номлар, хуллас атайман десангиз, Ўзбекистонда исм йўқми?

– Гапингизда жон бор, – деди суҳбатдошимиз, – аммо шу чет эл билан борди-келди, муносабатларда сал жарангдорроқ исм керак-да. Ҳалиги, Эшмат ота, Тошмат ота фирмалари дегандан кўра, „Музা“, „Эльбрус“, „Контингент“, „Орёл“, „Алгоритм“, „Нобель“, „Атрибут“, шунга ўхшаш исмлар яхши-да.

— Бу ишларнинг барчаси Давлат тилининг моҳиятини англаб етмаганликдан келиб чиқиши ҳақиқат. Миллат тилини улуғлаган ишбилармон, менимча, „Мы открылись...“-га ўхшаган рекламалар ўрнига фаҳр билан: „Марҳабо, хурсанд бўласиз...“, „Биз иш бошладик“, „Бир кириб ўтинг...“, „Кирмаган армонда...“ каби такаллуф ила харидорини чорлаган бўларди. Ҳа, сизга нима дейишни ҳам билмадим. Нима деб аташса аташсин-у, ўзбекча номлаша кўришмасин. Ҳа-а, ким бўлсанг бўл-у, ўзбек бўла кўрма! Ўзинг ўзингни қадрламаганингдан кейин бошқалар нима қилсин, тили саломга келсинми?

— Ўзбекчилик, тўй-томушада яхши, катта бизнесда, ҳалқаро муносабатларда ўзбекчилик кетмайди, ўзбекчиликнинг яхши томони ҳам ёмон томони ҳам бор, опажон, — дея суҳбатдошим фикрида давом этди, — хафа бўлманг, мен сизга бир мисолни, бўлган воқеани айтиб берай. Тасаввур қилингти, бир танишингиз банкда ишлайти. Сизга пул керак бўлиб қолди. Борасизда: „фалончижон, менга фалонча сўм керак бўлиб қолди. Жуда зарил бир нарса олгандим. Тушгача бериб тур, пешингача етказаман“, дейсиз. Таниш кассирингиз ўзбекчилик қиласи-да, давлатнинг пулини сизга бериб туради. Сиз эса пешингача етказиб беролмайсиз. Шу орада текширувчи келиб қиласи ёки кимдир пулинин олиши керак, кассада эса пул йўқ. Бундай ҳоллар кўп бор содир бўлган, опажон. Шунинг учун ҳам банкларга маҳаллий қизларни олишда ўйлаб кўришади.

— Тушунарли. Демак, юқорида эслаганимиз кассир қиз олиш ҳақидағи реклама ҳам бежиз эмас экан-да. Аммо бу адолатсизликдир. Бир-ярим одам „адашган“ бўлса, бутун маҳаллий ҳалқни, миллатни қоралаш қонунга ҳам, виж-донга ҳам хилоф-ку?! Ким жиноят қилган бўлса, қонун олдида жавобини бериб, жазосини олиши керак. Сиз айтгандай иш олиб бориш миллат шаънини ерга уриш бўлади, азизим. Одамларнинг ишончсизлигига сабаб бўладиган ишларнинг олдини олиш ўрнига уни кучайтириб, авж олдиришни қандай тушунмоқ керак?

... Мулоҳазани шу ерда тўхтатиб, шаҳримизга биргаликда бир разм солайлик, кўрайлик. Кўпроқ кимга ўҳашашга интил-япмиз? Мустақил Ўзбекистондамизми, ёки бошқага, меҳмон тилларни бошга кўтарганча қай томон кетмоқдамиз...

Тил билмак илмидир, аммо

Мустақилликкача бўлган даврда рус тилини ўз тилимиздан юқори қўйиб (барча тилларга шон-шарафлар бўлсин), мактабларда „рус тили кунлари“ни ташкил қилишгача эришганимиз. Айрим мактабларда „рус тили кунлари“да ҳатто математика, она тили дарсларида ҳам русча сўзлашишга ҳаракат қилганимиз. Ҳатто она тили қоидалари мавзуидаги диссертациялар ҳам рус тилида ёзилмагунича ёқлашга қўйилмаган. Кинолар сценарийлари рус тилида ёзилиб, Москов маъқуллагач, „Ўзбекфильм“ кино устида иш бошлар эди. Бу бизнинг қулликни тақдир билган кунларимиздан бир ибратли тарих бўлиб қолди. Шу тарих бизга қандай хуносалар берганини кўриш учун бугунги иш услубимизга бир назар ташлаш кифоя.

Тил ўрганиш илмидир. Шул боисдан ҳам ўнта тилни билган одамни ўнта мамлакат сифатида тасаввур қиласин. Аммо айрим боғчаларда болаларимизга ўз тилини иккинчи ўринга қўйиб, хориж тилларини ўргатишга зўр беришнинг ижобий томонлари билан бирга салбий оқибатларини ҳам унумаслигимиз керак. Токи вақт ўтиб, ўтмишдаги каби, болаларимиз ҳам ўз тилига паст назар билан қарамасин, бир пайтлар бизнинг наздимизда „рус тилини билмаган одам одам эмас“дек, бола ўрганаётган тилини ўз она тилидан жарангдорроқ, обрўлироқ ҳис қиласин. Устоз дарс жараёнида боланинг қизиқишини ошириш учун файри тилни ортиқча улуғлаши натижаси ўлароқ „ўрислар бўлмаса, тараққий қилмай, ўлиб кетардик“, деган одамлар ҳам тарихимиизда кўп бўлган. Тўғри, тараққиёт деган ўзи шундай, бир халқнинг ютуқлари жамиятга асрларга татигулик таъсир ўтказади. Ўрни келганда ўрта асрларда мусулмон олами, хусусан, Марказий Осиё халқларидан, асосан – отабоболаримиздан чиқсан алломаларнинг жаҳон халқлари маданиятига таъсирини эслайлик...

Ўзга тилларни ўзидан ҳам яхши билган ҳолда ўзгаларга тақлид қиласр эканмиз, миллий ғууррга эътиборсизлигимизни ҳокисорлик, камтарлик, меҳмондўстлик, бошқа халқларга эҳтиром сифатлари билан безашга қанчалик интилмайлик, бу тил олдидағи масъулиятимизни тариқча юмшатмайди. „Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман“ деганларидек, биз қандай ҳам „ҳеч кимдан кам бўлмаган халқмиз“ки, ўзаро мулоқотда ҳам ўз она тилимизда сўзлаша олмасак? Ўзлик ўзимиз билан ҳам „привет“лашиб саломлашсак...

Ушбу мақолани ёзаётган қунларим (24 апрель 2011й.) Россиянинг „Россия 1“ телеканали Марказий Осиё Республикаларида миллий масала хусусида кўрсатув бериб қолди. Уларнинг фикрича, барча республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам русларнинг аҳволи ёмон эмиш, рус тили четта суриб қўйилган эмиш ва ҳ.к. Бу кўрсатув кўпчилик телетомшабинларнинг, ҳатто ўзбекий русларнинг ҳам нафратини қўзғатгани аниқ. Чунки Мустақиллик эълон қилинганига 20 йил бўляптики, ҳали Ватанимизда бирор бошқа миллатта ўзбекчани ўрган, аризангни ўзбекча ёз, деб масала кўтарилмаган. Бизнинг багри кенг халқимиз миллатлараро ҳурматни, меҳмоннавозликни жойига қўйишини ҳар қандай ғанимларимиз ҳам шубҳасиз тан оладилар. Оддий сутқатиқ сотувчидан тортиб, катта бозорларда ҳам русий забонлар билан мулоқот русча олиб борилади. Русча боғча, мактабларда маҳаллий миллат болалари русий забонларга кўра икки-уч ҳисса кўплигини ўша журналист ҳамкасабаларимиз яхши билишгани ҳолда миллатлараро раҳна солувчи кўрсатувдан муддаолари аниқ. Ўзбекистонимиздаги миллатлараро тинчлик, ўзаро дўстлик отдан тушсалар ҳам эгардан тушишни истамаётган „тарихий оға“ларга малол келаёттан бўлса бордир, лекин ишонамизки, улар энди муродларига етолмаслар, иниша Аллоҳ. Ўзбекистон ўзбекистонликларники, Ватан Ватанин севганларницидир.

„Карвон қўнғироғи“
2011 й. июнь, 24-25 сонлар

ТҮЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Тўйлар тарихимиз билан бирга неча минг йилларни яшаб келаётган қадриятларимиздан бири эканлигини яхши биламиз. Кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, қанча баҳслашсак шунча мураккаблашиб, ёнига янги-янги одатлар қўшилиб бораётган яхши кунларимиздан бири никоҳ тўйидир. Тўй, мракаларни кам чиқимили, чиройли ва мазмунли ўтказиш тўғрисида ўз вақтида Президентимиз Фармони қабул қилинган бўлишига қарамай, дабдабали тўйлар қаторида замонавий, эскича, баъзи бирорлар тушунишича „исломий“ деб номланувчи тўй турлари ҳам пайдо бўлди...

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси Раъно (Раҳмон) Раҳмонберди қизининг мулоҳазалари сизни баҳсга чорлайди деб умид қиласиз. Дарвоҷе, муаллиф ҳақида: У кейинги йилларда Ўз.Р ВМ ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фаолият олиб борган, халқимиз турмуши тарзи, тўйлари ва диний-маърифий урф-одатларини таҳлилий ўрганган. Кузатишлари натижасида юзага келган мақолалари „Ўзбекистон мусулмонлари тақвими“ китобчаси, „Оила ва жамият“ газеталари саҳифаларида, „Рӯҳ манзаралари“, „Иқрор“ номли китобларида маълум маънода ўз аксни топган.

Тўй бу (бешик тўй, ўғил тўй, ёш тўйи, никоҳ тўйи ва ҳ.к.), ҳар кун рўй беравермайдиган бирор хурсандчиликни дўст-ёр, яқинлар даврасида нишонлаш, эл олдига дастурхон ёзиш, яхши кунни дўстлар билан баҳам кўришдир. Инсонларнинг бармоқ излари бир-бирига ўхшамагани каби, табиатлари ҳам ўзига хослиги, айниқса, тўйларимиз мисо-

лида яққол кўринади. Тарихга назар солар бўлсак, бизнинг „етти маҳаллада машхурлик орзу-ҳавасимиз“ фаҳримиз бўлиши билан бирга неча йиллар, балки асрлар давомида миллатимизнинг зиёлиларини ўйлатган, ҳатто қайғуга солган. Мисол учун, 20-асрнинг фозил ва олимларидан бўлмиш Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари „Бизни кемирувчи иллатлар“ (1915 й. „Ойна“ журналида босилган. Р.Р.) мақоласида шундай ёзадилар: „Астагфируллоҳ, субҳаноллоҳ. Бизни қшатурғон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутилиб бўлмайдур. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтиратурға хона ва боғи бор бир киши никоҳ учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмагандан минг сўм. Ҳар бир бенаво киши бу мавридоларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар эса беш минг, ўн минглаб сарф этар. Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан қолган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан, зўраки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яхудий ё бир армани ажнабийга сотиб, тўй ва таъзия қарзини берар.

... бир дўкончи, бир гулкор, бир фақирҳол, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлимдан қаттиқдурки, мунинг учун бечора ҳар кун ўлур. Ҳар кун ўлғон ила-да қутулмас. Ўзидан сўнгра аҳлу аёлига бу йўқсулик ва бу мусибатни мерос қўяр. Ҳўб, яҳши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиқсун. Ҳай, бонка оқчасини, бирор пулини на учун барбод этар? Бу девоналикини у тарафи эмасми?.. бу ҳол яна 20-30 сана ўтса, ер ва ҳовлилар ажнабийларга ўтуб, аксар халқимиз гадойлик даражасига инур...“ (Ганланган асарлар, 191-б). Шундай ҳам бўлди. Илмисзлик, жоҳиллигимиз туфайли Беҳбудий домла башорат қилганларидек, сал кам бир аср давомида ўзлигимиздан маҳрум яшадик. Бир замонлари Европагача машхур бўлган миллатнинг жаҳолат туфайли фожеамиз эди бу ҳол.

Афсус. Миллат баҳт-саодати йўлида бундан юз йил олдин жон куйдирган ул зотлар „бир умр йигиб, бир кунда совиришимиз, ҳеч миллатда бўлмаган „беқиёс болажонли-

гимиз (ким боласини ёмон кўради), тўйпарамстлигимиз билан фаҳрланишимиз “дан „ўзбекона менталитет“ ясаб олган бугунимизни кўрганларида не ҳолга тушардилар? „Бизни қилатурғон ақлсизлигимизни“ бугунда мерос олиб, дабдабали тўйлар орзусида пул топиш учун ҳар ерларда сарсон-саргардонларни айтмайсизми?

Хукуматимиз тўй ва маракаларни дабдабаларсиз, ихчамли ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилганига қарамай, ке йинги йилларда дабдабаларни тарғиб қилувчи қўшиқ-клип-лар ҳаддан ортиқ кўпайди, назаримда. Биргина совчилигу „келин-куёв“, қайнана-келинга, „Тўйбола“га, чақалоқнинг туфуруқхонадан чиқишига, бешикка белашга бағишлиланган (барака топишин, „бахт формуласи“ни яратган баъзи санъаткорларимизнинг), тўй берувчиларнинг қонини қайнатиб, сохта обрў сари рағбатлантирувчи „асар“ларни номманим санар бўлсан..., ҳалиям, тўйчининг хуши бошидан учмабди, „кўзи чиқмабди“. (Сабабларга чалғидик чоғи, узр. Кўшиқдаги дардларимиз ўзи бир достон-ов).

Шу кунларда „Бизни қилатурғон ақлсизлигимизни...“ ҳам иложи топилганга ўхшайди. Яъни одамлар орасида: „зўр тўй“ беришни бойларга чиқарган, камбағалларга ўйин-кулги, хурсандчилик ўрнига маърузага асосланган „исломий тўй қулай“, деган гапларни эшитяпмиз. Қизиқ. У қандай тўй бўлдийкан, ўзи?

Саволга жавобдан олдин тўйларимиз босиб ўтган тарихий йўлга бир назар солсан, янги иборани тушунишимиз осон бўлади. Ўйлаб кўрайлик. Октябрь тўнтаришидан олдин бизда исломий тўй тушунчасининг ўзи йўқ эди. Тўйларимиз ўзбекча, миллий тўйлар эди. Абдулла Қодирийнинг „Ўтган кунлар“идаги Отабекнинг уйланишини эслайлик. Аввало унаштириш, эркакларга ош, қиз базмидан кейин никоҳ ва қизни олиб кетиш, куёвникида ҳам келинни олиб борилгандан кейин аёлларнинг ичкаридаги урф-одатлари, эртасига эса келин салом билан тўй ниҳоясига етарди. Ана шу ўзбекча, таъбир жоиз бўлса, эътиқодга кўра миллий тўй эди. 20-асрнинг биринчи ярмигача ҳам Ўзбекистони-

мизда айрим ҳолатларни истисно қылмаганда, эркак ва аёллар аралаш түйлар бўлмаган. Ўзингиз эсланг, вилоятларда эса ўтган асрнинг 60–70-йилларига қадар ҳам „қизил тўй“лар ёппасига урф бўлмаган эди.

Нисбатан „илгор“, замонавийлаша борган оиласларда аввал қўни-қўшни, маҳаллага, кечқурун келин-кўёвга, яъни куёв жўралар ва келиннинг дугоналарига алоҳида давра – „комсомол тўй“, „қизил тўй“ қилиб бериш урфга кирган бўлса, кейинчалик бу икки ҳисса чиқим аста-секин оммалашиб, одатдаги никоҳ тўйларимиз – эскича; кечқурунги, эркак-аёл аралаш даврали, дастурхонга маст қилувчи ичимликлар қўйиладиган тўйлар – „янгича тўй“ деб атала бошлиди. Миллий тўйларимиз бола-чақа, ёшу қари аралаш ўтирилиши, улуғлар дуолари ёнига ичкилик ичиш воситаси бўлган қадаҳ сўзлари кириб келиши ҳисобига „бойиб“ борди ва ярим аср ичиди „миллий менталитетимиз“га айланди.

Бу „замонавий маданият“ бизга осмондан тушганий йўқку. (Агар бу „маданият“нинг нафақат бизга, бутун жаҳон халқлари ҳаётига келтирган ва келтириб ётган оғатини гапирадиган бўлсак, мавзудан чекиниб кетамиз). 60–70-йилларда эркаклар йигилган жойдан четлаб ўтадиган қиз-жувонларнинг бугунги авлодлари учун қулгили бўлган шарм-у, ҳаё тушунчаларини қўя турайлик-да, ўкувчини интизор қилмай, „исломий тўй“га қайтсан.

Мустақилликка эришилгандан кейин мамлакатимизнинг ички ва ташқи оламида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Бугунги 25–30 ёшгача бўлган ёшлар учун ўтган асрнинг 80–90-, ҳатто иккимингинчи йиллари ҳам мисоли бир эртакка ўхшайди. Чунки мустақиллик дунёқараши дунёга келди, эътиқод эркинлиги, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида қонунлар қабул қилинди. Ҳамма соҳаларда гўзал ислоҳотлар даври бошланди. Одамларнинг фитратида асрий тазийклар туфайли мудраб ётган диний эътиқод туйғуси кўз очди. Эндиликда ҳамма бирдек ичкиликли, енгилтак ўйин-кулгили тўйларни хоҳламай қолди. Ўзлигини англай бошлаган руҳоний табиатли эркак-аёл, чол-кампир, қайнона-

келинга, ёту бегона аралашиб ўтириладиган мастона тўйлар мос келмай қолди. Одамлар яна тарих қатларида қолган ич-киликсиз, шарқона назокату одобга юрилган, биз эскилик тўнини кийдирганимиз – аслида турган битгани миллий тўйларни соғина бошладилар. Бундай тўйни кимдир эскича, кимдир исломий деб атагани билан бу тўйлар ўз номи, моҳиятига кўра ўзбегимнинг қадим никоҳ тўйининг ўзгинасиdir.

Асрлар оша келаётган миллий қадриятларимизга кўра оиласда ва жамиятда ота-она, кексалар, ёшлар, ҳар кимнинг ўз муносиб ўрни, иззат-ҳурмати бор. Аммо тўй ўз номи билан хурсандчилик, икки ёшнинг баҳтидан қувониш, барча яхшиликлардан баҳра олиш, хурсанд бўлиш, яхши таомларга, дўстларга тўйиш, завқланиш каби маъноларни ўз ичига олади. Бир умрга эсдалик бўлиб қоладиган, шундай бир унтилмас кунда, айтишларича, айрим отинойиларнинг узундан узоқ маъруза қилишлари қадим тўйларимизга зид ҳолдир. Шу ўринда севимли ёзувчимиз Ойбекнинг ўтмиш ва янги давр тўқнашувидан ҳикоя қилувчи „Кутлуғ қон“ романи қаҳрамони, дин пешволарини тез-тез меҳмон қилиб турувчи Мирзакаримбой хонадонини, Ҳурининг дабдабали тўйини эслайлик...

Тўйни беҳудага тўй-томоша дейилмайди-ку?! Ислом дунёсида яшаётган барча мамлакатларда ва ҳалқларда ҳам тўйлар мусиқа, қўшиқ, рақс, ўйин-кулги билан ўтади. Баъзи отинойилар ёшлар ҳақига дуо ва насиҳат қилишни маърузага айлантирган бўлишлари мумкин. Аммо Куръони каримда ва давлатимиз Конституциясида ҳам „динда мажбурлаш йўқ“, деб ёзиб қўйилганлигини унумасликлари, маҳалла маслаҳатчисими, отинойими, ёпи улуг онахонларимизми, келин-куёвни табриклиш билан бир қаторда оила олдидаги бурчларни шукроналик билан насиҳат тарзида айтиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Чунки одобномамизга кўра насиҳат қилиш, насиҳат эшитиш, яхшиликка бошлаш, ёмонликдан қайтариш ҳам фазилат ҳисобланади. Бу келин-куёвнинг ёдидан ўчмайдиган, унтилмас дақиқа-

лар бўлиб қолади. Яхши сўз каби яхши қўшиқ, мусиқа ҳам қалбнинг ўзига хос эҳтиёжидир. Ислом оламининг буюк мутафаккир, файласуф шоири Шайх Саъдий Шерозийнинг ушбу, бундан сал кам саккиз аср олдин ёзилган сатрларига эътибор беринг-а:

*„Кўнглингга мувофиқ ёр топган маҳал,
Эшигинг тагида қўш ногора чал...“*

Шунингдек, яна ўқувчиларимизнинг „биз эркин, демократик жамият қураётган бўлсак, кўча-кўйда аралашиб юрсак, ишда бирга ишласак, нега энди тўйларда алоҳида ўтириш керак“, деган саволига тўхталсак...

Дарҳақиқат, биз эркин, демократик жамиятда яшаяпмиз. Демократия одамларни хилма-хилликка, таклифлар киритишга, ўз шахсини англашга, дидига, руҳига ёқмаган нарсалардан воз кеча билишга ўргатяпти. Демократия дегани бу бурунги замонлардагидек кимнингдир ҳоҳиши ёки буйруғи асосида яшаш, „ҳамма бир вақтда ётиб, бир вақтда турсин“ деганга ўхшаш нарса эмас. Зоро, Қомусимизнинг 29-модда, иккинчи бандида „Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга таалуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин“, дейилади. Агар бу бандни кишиларнинг шахсий баҳт-саодати, орзу-ўйларига татбиқ қиласидан бўлсак, икки ёш ва ота-онанинг тўйни қонунга хилоф бўлмаган ҳолатда, ўз кўнгилларига кўра ўтказишлари уларнинг қонуний ҳаққи ҳисобланади. Шунингдек, яна Конституциямизнинг 20-моддасида: „Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт“, дейилади. Ўйлаб кўринг, эркаклар ошдан кейин кечки тўйда иштирок этмаса, келин ўз тўйида ўзини фақат қизлар даврасида кўришни орзуласа, тўй охирлашини интизор кутган куёв қадамига гуллар сочилган ҳолатда келинни машинагача кўлида кўтариб олиб борса... ундан жамиятга ё бирор шахсга моддий ёки маънавий зарар тегадими? Албатта йўқ. Энди кимгадир у ёки бу кўриниш ёқмаса

ва қизга тазийк ўтказмоқчи бўлса, у кимса Қонуннинг 27-моддасида белгилаб кўйилган: „*Ҳар ким ўз шаъни ва обруси га қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланниш ва турар жойи дахлизлиги ҳуқуқига эга*,“ бандини бузган бўлади-ку?

Фикрлар хилма-хиллигини Президентимиз, ҳукуматимиз инсонлар бахт-саодати йўлида қабул қилаётган қонунлар, ислоҳотларни англаб етишдаги ижобий уринишлар натижаси дейиш мумкин. Биз кўпинча „намуна оладиганимиз“ фарб кинофильмларида келин-куёвлар ўз тўйларининг сценарийларини ўзлари тузган ҳолларни кўрамиз. Тўйлари бири-бирига ўхшамайди. Келин-куёв одамлар иштирокисиз никоҳдан ўтган, тўйларини ҳечкимларсиз нишонлаган ҳоллари ҳам учрайди. Исломий эътиқодли мамлакатларда ҳам тўйлар бизнинг тўйларимиздек тўйдан кейин ҳам турли лозимандалар ҳисобига сурункали чўзилмас экан. Жамият бундан ҳайратланмайди, ёқа ушламайди. Чунки улар эркин фикр, демократияга таяниб, ҳар ким ўз имконича, ўз орзусича яшашга ҳақли, деб ҳисоблайди. Биз эса, узоқ ўтмиш давомида бошқалар ўйлаб, чизиб берган издан юришга ўрганиб қолганимиздан бўлса керак, сарф-харажатда ўзига хос камтаринликни қабул қилишда қийналамиз. Тўйларни ихчамлаштиришга ҳам нимадир, ўша қадимий тушунчалар ва уни беҳуда орзу-ҳавас ҳисобига бойитаётган янгича дабдалар йўл бермайди. Мана, ўзимиз яхши билган русий забон миллатларни олайлик, нари борса, ўттиз-қирқ киши билан чиройлиkkина тўйлар қилишади... Бизда эса... Беҳбудий домла куйганларича бор:

„Астагфируллоҳ, субҳаноллоҳ. Бизни қилатурғон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутилиб бўлмайдур...“ Наҳотки, юз йилдан бери бир қарорга келолмасак? Сув бошдан ошишини кутиб яшайверсак?!“

„Карвон қўнғироғи“
2011 йил август, 34-сон



МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ ЁКИ ТИЖОРАТЧИ БҮЛАЁЗГАНИМИЗ...

Бундан ўн беш иш алдин ёзган ушбу йўл очерким „чет элга йўлларимиз эндигина очилган бир пайтда танқидий мақола қандай бўларкан?“ каби мулоҳазалар сабаб тортмада қолиб кетди. Лекин ўзим гувоҳ бўлганим сафар таассуротлари менга тинчлик бермасди. Тижорат мавзуи ҳамиша дол зарблигидан уни „Аёл, олам, ижкорат“ рукнингизда аскотар деган ниятда эътиборингизга ҳавола этмоқдаман.

Муаллиф

1. ТАДОРИК

Ҳали йўлга чиқмай туриб, хужжат тайёрлаш бекатларидаёқ сафаримиз осон кечмаслиги кўринниб турарди. Шундай қарорга келгандик: „Маънавий мезон талабларига жавоб бера олганларгина чет элга чиқишилари керак ёки четта чиқувчилар учун алоҳида шундай қоидалар мажмуаси яратилиши керакки, у четда юрган киши учун ҳам, унинг Ватани учун ҳам раҳмат келтирсин, бошқаларда шу юртга ҳурмат уйғотсин...“

Гуруҳимизда, гап-сўзи, ўзини тутишига қараганда, маънавий оламдан йироқ, қандай йўл билан бўлмасин, бир сўмни икки қилиш истагидаги кишилар кўпчиликни ташкил этарди. Албатта, улар орасида нозиктаъб кишилар йўқ эмас. Улар бизни англашлари ва маъзур тутишларидан умидвормиз. Ахир бизнинг аждодларимиз „Буюк ипак йўли“ни ўтаган, жаҳон маданиятига ўз камтарин ҳиссаларини кўшган, диловар, билимдон савдогарлар бўлганлар. Ушбу

„Мустақиллик сабоқлари ёки тијоратчи бўлаёзганимиз..“ номли йўл очерки ҳам айнан ўша тијоратчи, маърифатчи аждодларимиз руҳига эҳтиром, бугунги аҳволимизга надомат асносида дунёга келди.

Қафасдаги күш озодлик нашъасидан потирлаб, ҳар тарафга ўзини уришлиги, ҳатто узоқ вақт учишни унугтган қанотлари унга панд бериб қўйишлиги ҳақиқат. Чунки биз – хос кишилардан ташқари омма – салкам бир аср ўзимиздан ташқарини кўрмадик. „Кўрмаганнинг кўргани курсин“, деган ибратли ибора ҳам ўзимизники. Ахир биз, оламнинг бир мўъжизаси – Истамбулга кетяпмиз. Хуллас, гап шу: ўзимизнинг аҳволимизни ўзимиз кўришимиз, узоқдан туриб кузатишимиз керак экан, деган холосага келдик. Ёрлақагувчи буюк Аллоҳдир. Чиройли, нурли, бой-бадавлат кунлар олдимизда...

2. ДАРВОЗА ОЛДИДА

Врач укам Рашидбек ҳадя қилган, Туркияга саёҳат йўлланмаси учун Аллоҳга минг бора шукроналар айтиб, ўзимга ҳамроҳ излай бошладим. Ҳамкасбимиз Санъат Маҳмудовани ташвиқот қилдим.

– Истамбулни бир томоша қилиб келайлик, балки тијоратга ҳавасимиз ортиб кетса, касбларни ўзгартирамиз, савдогар бўлармиз. Ҳар ҳолда анча бақувват журналистлардансиз. Келинг энди, опагинам, Бекмирза поччамиздан руҳсат олинг.

Санъат опам бироз ўйлаб туриб, қатъий қарорга келдилар: „Маъқул гап. Поччангиз рози бўладилар. Имконимиз етади, агар тијоратта қизиқиб кетсан, мана бу узугим ва сирғамни сотаман“.

– Албатта-да. Сотамиз. Сотиб, совға-салом оламиз.

Иш битди. Санъат хоним билан зерикмай йўл юрса бўлади. Латифа, кулги, қизиқларга бой аёл. Оддий, содда, ўта камтарин. Қалтис ҳазилларни, ҳажвларни ҳам

бағрикенглиқ билан қабул қиласы, арази тез тарқайды, ҳамроҳининг руҳиятини ҳисобга олиб, алдаб-сулдаб кай-фиятни күтаришга тиришади. Ҳуллас, ҳамроҳдан кўнгил тўқ. „Яхши йўлдош етти хазинанинг бири“, деб бежиз айтишмайди.

Россия пули билан йўлланмаларга 20 мингдан тўладик, ёнимизда 100 доллардан пулимиз, алмаштиришга (ўзимизга яраша) латта-пугталаримиз, эсадлик буюмларимиз бор. Яна озроқ Россия пулимиз ҳам бор, ҳар эҳтимолга қарши. Яна қўрқамиз, чунки гуруҳ раҳбаримиз – учаргина хонимнинг гапларига қарагандა ҳамма ёқни ўғри-қароқчи, рекет эгаллаган эмиш. Ахир замоннинг паторот кунлари, собиқ империя тўзғиган, чиндан ҳам йўлтўсарлар ҳақидаги ҳар хил гап-сўзлар урчиган. Аммо ноумид эмасмиз. Яхши хотиралар ёзамиз, балки китоб ёзамиз, деб ширин хаёлларга берилиб, кетадиган кунга ҳам етдик.

Эртага 1992 йилнинг 16 апрели. Худо ҳоҳласа, Тошкент–Пермь–Ленинград–Болгария–Туркия деб йўлга чиқамиз. Шукрларки, мустақилликнинг илк меваларидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Йўқса, бизга бу кунлар – Истамбул деган тарихий мамлакатга ой сайин, ҳафта сайин сафар қайдада эди? Мустақиллик, келажагимиз ҳақида худди эртаклардагидек орзу қиласиз, болалардек ҳаяжонланамиз. Ватанимизнинг дунёларга очилаётган эшиклари, тоғ залворли, қораланган тарихи кўз олдимдан ўтади. Туялар зўрга очадиган чўян занжирли қадим дарвозалар.... Азамат Тошкентнинг ана шундай 12 дарвозаси бўлган-а... Журналистнинг ҳаяжонлари орзулари бир қанот ёйса борми, етти иқлимини кезиб чиқмоғи, ҳайрат дунёсига ғарқ бўлмоғи учун сокин тунлар ўзини қизғанмайди.

Шундай қилиб, биз Тошкент аэропокзалида йифилдик. Буёғи парвоз... Аммо „ишиқ бошқа, ҳавас бошқа“, деган машойихларга балли экан. „Йўл азоби“ отли чашмадан саҳоват билан тўлдирилган косаларни саҳарлаб симиришиб, группа раҳбаримиз М.хоним олдида гуж бўлдик...

3. ЙЎЛОЧАР

Салом алиқдан кейинги гап шу бўлди:

„Ҳар ким икки минг рублдан йиғиб, шу ерда, кимгалир „йўл очар“ беришимиз керак экан. Группада ўттиз уч киши, демак, 66 минг рубль бўлади“. Битта ишбилармон қоғоз-қалам топиб, рўйхат қилишга тушди. Биз бир неча „законкаш“лар бир-биrimизга қарадик. „Йўл очар“нинг расмий маъноси нима, кассага тўланадими?“ Кассага тўланмас экан. Маълум бўлдики, группа раҳбари М.нинг синглиси ва эри шу ерда ишлашар, имтиёзли, текширувсиз ўтиши ташкил қилиб беришаётган эканлар. Бирорлар рози бўлди, бирорлар норози.

— Менинг ортиқча пулим йўқ, мен меҳнат қилиб пул топаман, — деди қўшиқчи ҳамроҳимиз Эркинхон. Орамизда, ҳукумат юқори муассасаларида ишловчи, кичикроқ ходимлардан яна бир опахон ҳам бор эдилар. (Опахонни шартли равишда „кичик ходим“ деб атадик). Кичик ходим менга мурожаат қилди:

— Райнохон, бу қандай гап? Сизлар ҳам пул берасизларми?

— Йўқ, опажон. Менинг жомадоним бундай чиқимларга жавобгар бўлолмайди, деб ҳазилга бурмоқчи гапим бошқа бирорнинг бензинга ботирилган тилига гутурт чақиб юборса бўладими?

— Кимнинг жомадони жавоб берармиш? Ўлдим деганинг... Шунақалар йўл бузади.

„Ёнгин“ раҳбарнинг яқинларидан экан. Яна ўнтача одам ҳар гал бирга чиқиб юрган, йўлнинг ҳадигини олганлардан эканликлари билиниб қолди.

— Биз учун ортиқ қайгуришга арзимайди, биз юкларимизни қонуний текширитириб ўтамиз, зарур бўлса бож тўлаймиз, — деди яна бирор.

— Телевизорда текширадилар, ичига ютилган нарсалар ҳам чиқади.

— Бу айни маъқул иш экан бўлмасам, ҳеч кимнинг ҳеч кимдан гинаси бўлмайди.

— Биз туристлармиз, — деб түшунтира бошлади группа бошлиғи, — нарсаларингиз күриниб турибди. Буларни олиб ўтиш учун албатта қўшимча пул бериш керак. Эй инсонлар, ҳали валюта алмаштирганда, давлат чегараларидан ўтганда, поездга чиқсанда, меҳмонхоналарга жойлашганда пул керак бўлади.

— Оббо, — дедилар Санъат опам, — бурун ҳам чет элларга чиқсанмиз. Интизом борми ўзи, бу одамлар давлат ўйли билан кетаётган бўлсалар.

— Бурунги гаплар бурунда қолди, ҳозир бошқача, қароқчилар бор.

— Йўғ-эй.

— Менинг таможнийда танишим бор, ҳозир билиб оламиз, — деди бир аёл.

Бир маҳал истараликкина бир йигит келди, ҳужжатини кўрсатди, „ҳеч қандай пул йиғишларга ўрин йўқ, бу гапни ким топган?“ деди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Сир очилиб қолди. Одамларнинг юки битта-битта тарозига қўйилиб, ўтила бошланди. „Зўравонлар“ ҳам бир пасда ака-ука чиқишиб, „ўзлик — ўзимиз, бир миллатмиз, бир одаммиз“, деб сулҳ талаб бўлиб қолишиди.

— Биз, тижорат қилишга ҳаққимиз борми? — деди сайёхлардан бири.

— Бор. Ҳар ким ўзи билан йигирма килограмм юк олиб ўтади ва шунча юк билан келади. Ортиғига қонуний тўлов тўлайди.

— Ҳар кимнинг кийими ўзи йигирма кило келади. Юз минг сўмдан мол олгансизлар, — деди алами ортиб, раҳбаримиз.

— Қизиқ экансиз, — эътиroz билдириди яна биров, — путёвкага тижорат деб ёзиб қўйилгандан кейин олмай нима қиласди... Мана қаранг, „Путёвка коммерческая, иметь при себе не более 2 мест“. Сиз қанақа раҳбарсиз, нуқул одамларни нишонга қўйиш пайидан бўляпсиз. Таможний текширса текширавермайдими?

Бу гап бир қанча одамларга маъқул келди. Бирорлар пул йиға бошлади. Группа иккига бўлинниб, ишбилармонлар ва супраси Қуруқ сайёҳларга ажралди. Биз ҳам шубҳасиз иккинчи гуруҳда эдик. Шундай қилиб кўзланган пул йиғилмади. 20 тача киши танишчилик орқали ўтиб бўлган эди. Регистрация вақтида ҳам раҳбар „ўзиникилар“нинг билетларини йиғиб, бир йўла регистрациядан ўтказди. Бизга келганда регистратор ҳам, ҳозир, деганича йўқ бўлиб кетди. Кимдир аэропорт бошлиғига кирибди, яна тўпалон бошланди. Ва охири самолётга чиқиш гали етди. Одамлар билетларда кўрсатилган жойларга эмас, дуч келган ўринларга юкларини босардилар. Салон чангид кетди. Бунақасини ҳеч кўрмаган эканмиз. Бир амаллаб жойлашиб кўзларимизни юмиб олдик.

„Кўзим чиқсан сени кўргунча бундоқ,

Кесисин тил сени сўргунча бундоқ...“.

Бир одамга бир оғиз сўз айтиб бўлмайди. Бу ерда фақат қонун ва калтаккина иш бериши мумкин. Шуларми, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Ал-Бухорий авлодлари... Ким ишонади??!

— Кўяверинг, — дедилар бир маҳал Санъат опам, — дўмбира овози хижоз куйини босиб кетиши табиий-ку. Яхшиси латифа айтиб бераман. Бир савдогар, тижоратчи бор экан...

4. ПЕРМЬ АЭРОПОРТИДА ТОНГГАЧА

Оқшом кирганда самолётимиз Пермь аэропортига қўнди. Атроф тунд, „шиша синиқларини“ ичib олган ҳаво гўё кесиб кетаман, дея увиллайди. Ҳалигина бири-бирини ёраман деб турган оломон бирпастда жунжикиб, зал айлана ўтган иссиқ қувурлар бўйлаб, жойлашиб олишди.

Залнинг бир четида магазинлар бор экан. Санъат опам бинокль, мен 250 граммлик пачкали қора чой олдик. Бизни кузатаётган ҳамроҳларимиз кесатишди: „Одамлар саёҳатга борармишлар-у, пуллари йўқ эмиш-у, тижорат, сав-

до-сотиқни ҳалитдан бошлаб юбордилар“. Биттаси чидаб туролмади. Менга қараб, ошиқча пулимиз йўқ, дегандингиз-ку, деди фижиниб.

— Тўғри, — дедим мен, — ошиқча пулимиз йўқ. Чойни йўл-йўлакай ичиб кетамиз, биноклда томоша қиласиз. Бунинг нимаси ёмон? Истамбулга боргач эса зарурат бўлса, айирбош қиласиз, ёки бирор турк дўстга совға қилиб қолдирамиз.

Шу икки минг рубл нақд бало-қазонинг ўзи бўлди. Группа раҳбаримиз гоҳ юмшаб, гоҳ қотиб асабга таъсир қилиб ётибди. Лекин бизнинг, айниқса менинг асабларим Ҳудога шукр, мустаҳкам. Аёлгинанинг отган ўқлари ўзигагина қайтмаса, биз ҳам инсон қалбининг чаласавод „инженерлари“ эканмиз-да, кечади кўнглимдан. Ҳудо хаққи М.нинг кўнгли оғринишини истаётганим йўқ, аммо у отган тошларини эътиборсиз „қабул қилаётганим“ уни куйдираради. М.га қийин бўлиб кетди, шарт-шурт уришиб, аламдан чиқай деса яхшими ёмонми „ёзувчилармиз“, жим кетаверай деса, пулнинг алами, ичидаги ишончсизлик. Ёлғон сўзга тириклик қиласидиган одамнинг ростга ишониши қийин бўлар экан. Қийналиб кетди, бечора. Ишонмаса ҳам ўзи билади. Бундай савдогарлар ҳақида эшитганим тўғрига ўхшайди. Бу олиб сотарлар тушгача ҳалқни, тушдан кейин бир-бирини, кечқурун эса бола-чақасини алдашар экан. Шу боисдан ҳам ўзларидан бошқага ишонмасалар керак. Балки ўзларига ҳам ишонишлари қийин-ов. М. куймаланиб яна биздан ҳабар олгани келди. Шахло кўзларида алам найзалари отилади-ю, курғур ҳеч нишонга теккизолмайди:

— Опалар, таможнийлар ёмон бўлиб кетган, суяқ аппаратларда текширади, аёлларни гинеколог кўрар экан. Шарманда бўлганлар қанча дейсиз. Оғзини мойламасангиз йўл йўқ.

— Пешонада боридан қочиб қутулиб бўлармикан? Хафа бўлманг, бизнинг группа сизни иснодга қўймайди, барчамиз ўз одамларингизмиз.

— Билмайсиз-да. Ўтган сафар андижонликлар группасидами, икки ўқитувчи аёл „йўл очар“ бермаган экан, таможний нарсаларини тортиб олибди. Таможнийдан бошқа ректетчиларни айтмайсизми? Финг десангиз қўлингизни қайриб, кетингизга бир тепади-да, молингизни кўтариб кетаверади.

— Аллоҳ паноҳида асрасин, — дейман бепарволик билан, — Қароқчилар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Яхиси, таваккал қиласиз, бизни Аллоҳ ўзи асрайди, ҳаммаси яхши бўлади...

— Илоҳим айтганинг келсин. Қароқчиларнинг кўзини қора мулла боғласин. Ёмонликлари ўзига урсин. Ҳар кимнинг нияти ўзига бўлсин. — дейди бир ҳамроҳимиз.

Қароқчиликка доир кинолар, савдо карвонларига қароқчилар ҳужуми ҳақидаги эртаклар кўз олдимизга келади. Мана, энди қароқчилар билан тўқнашадиган кунларга ҳам етяпмиз, ростдан ҳам ҳужум қилишса-я! Космос аспи қароқчиларининг қиёфаларини кўрмоқдан ўзинг асра, ёмоннинг юзи терс дўйсин, илойим. Агар пешонада шу ўн беш кило юқ билан қароқчилар қўлида шаҳид бўлмоқ битилган бўлса, ҳар қанча ҳаракат қилмайлик нима ҳам келарди қўлимиздан. Нима бўлса ҳам пора бермаймиз. Биз соғ, тоза ниятда йўлга чиқсанмиз. Асосий мақсадимиз зиёрату риёзат, агар болаларга, дўст-ёрларга оладиган майда-чўйда нарсаларимиз савдогарчиликка кирса, майли, савдогарчилик бўла-колсин. Аммо унинг ҳеч ноқонуний жойи йўқ.

— Булар билан ўчакишишдан фойда йўқ. Берайлик-да бош оғрифидан қутулавлик, — дейдилар Санъат опам. — Худодан кўрқмагандан кўрқиш керак, Раънохон. Келинг энди бир марта принципиаллик қилмайлик.

— Йўқ, — дейман кескин, — бу ёғини менга қўйиб беринг. Бир тийин ҳам тўламаймиз. Ҳозир минг рубль берсангиз, поездда булар ўн доллар талаб қилишади. Шундай қилиб мишишларининг харажатини чиқаришади. Биз бир оддий одам бўлсак, ё сизнинг ҳам яширин молларингиз борми? „Юз йиллик коммунистлигингиз“ қаёқда қолди?

— Хўп-хўп, — дейдилар Санъат опам дарров ён бериб, — лекин менинг юрагимни оғритяпти булар.

— Юрагингизни қўлга олинг, дадил бўлинг, ишонинг, ҳамма нарса Аллоҳандур. Ҳаммаси яхши бўлади, Худо хоҳласа. Сураи Ихлосни етти марта такрорланг,— дейман бир чеккаси ҳазил, аслида чин ишонч билан. Бу ҳожатбарор сурани беҳудага Ихлос деб аталмаган, дилдан такрорлаб кўринг, елкангиздаги юқдан қутуласиз, қўясиз.

Шундай қилиб Пермнинг қаҳратон баҳор оқшомини ҳар ким ўзича ўтказдик. Саҳар Ленинградга учдик.

5. „РУСЬ“ МЕҲМОНХОНАСИДА

Ҳамроҳларимизнинг заҳарли нигоҳлари тикилган сари менинг кўнглим оқибатни таҳлил қиласди. Бир этак бойвачча тўртта-бешта зиёли сайёҳни ғажиб ташлашга тайёр. Одамни аяш, қадр-қимматдан асар ҳам бўлмаслиги мумкинми? Қани миллий ғурур, наҳотки дунёда пулдан бошқаси бекор бу одамлар учун? Қаторимиизда магазинчилар, бизнесменлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг масъул ҳодимлари. Барибир бизнинг бу бойларимиз орасида чет эллардагидек миллионерлар йўқ. Мустақиллик шарофати билан қўллари беш-ён сўм пул кўриб, ўзларидан кетаёзган, бойлик вас-васасида бир қадар довдирашга тушган одам миллий ғурур ҳақида ўйлай олармиди? „Кўрмаганинг кўргани Қурсин“, „Таги кўрган“ деган гапларнинг маъноси шу бўлса керак. Наҳотки, бизнинг бойваччаларимиз тижоратга алоқаси йўқлиги кўриниб турган ҳамроҳларини бир ҳовуч қуруқ, ҳўл мевалар-у, бир неча шиша ароққа ёки 10 доллар пулга сотиб кетаверса? Наҳотки, инсофга келинмаса, ҳатоларини англашмаса? Ахир уларнинг катта кўпчилиги олий мактабларни битирган, (ўз вақтида) меҳр-оқибат ҳақида етарли фикрларга эга одамлар эмасмидилар? Йўқ, уларни улкан бир шайтон йўлдан оздиряпти. Бизнинг ўзбеклар тубанликка қодир эмас. Улар акалар, опалар, бир-биrlарига жону жаҳонларини бағишлайдиган одам-

ларнинг авлодлари дидирлар. Агар одамлар қалбидаги ёруглик кўролмайдиган бўлсам, буни ўтказиб юборишим қийин. Мустақилликни шу тариқа тушуниб нимага эришамиз? Шу бойлар миллат фахрлари бўла оладиларми?

Агар бой бўлсанагу, шу қадар ожиз ва нотавон, жоҳилона ҳаёт кечираб бўлсанак, илоё, ҳеч қачон биримиз икки бўлмасин!

Салонда кечаси билан еб-ичиб, ухламаганлар уйқуни олишяпти. Бирорлар ҳамон тамшаниб, еб-ичиб кетаяпти. Ҳайрият, бир неча одам газета-журнал ўқиш билан банд. Энди ичимда бир куч ҳамроҳларимизни яхшилай бошлади: „Кечадан бери ҳамма жаҳлдор. Ҳақиқатда йўл ёмон, рекетчилар ҳам қароқчиларни булар ўйлаб топишаётгани йўқ. Аҳволимиз шу даражага етган эканки, улуф бир империя парчаланиб кетди. Қандоқ кучли давлат эди, дунё зир тит-рарди. Маърифатпарварлик ғояларимиз пуч эканки, ичдан тамом бўлибмиз. Ҳозир ҳамма аламзада, ҳамма пулга, бойликка ўч. Қалби ожиз кишилар дилида мол, бойлик жазаваси. Тор жойда ўз қобигимизга ўралган одамлар эдик, эшиклар очилди-ю, кенгликларга ўнгли-чапли ўзимизни урдик. Хуруж ҳам ўтиб кетади, ҳали бир яхши кунларда учрашамиз, балки бир-биримизни таниб, албатта бир-бирларимиздан хижолат бўлармиз. Ожизлигимизни кечир, Тангрим. Бизга ўзинг адлу инсоф, аҳиллик бергин. Бегона юртларда шармисор қилмагин...“.

Самолётимиз кўнишга ҳозирланди. Пастда булувлар ичра кулранг оқим, гиштин шаҳар, сирли хаёл оғушида Питер кўринди..

Аэропортда бизни Гриша исмли баланд бўйли, оқиши юзлари мулойим, билимдонлиги сезилиб турган хуштабиат йигит – гидимиз кутиб олди. У йўл-йўлакай аёлларнинг сумкаларини қўтаришди, табассум билан сўрашди.

– Бир йўла валюта алмаштириш пунктига кириб, кейин меҳмонхонага борамиз, – деди у.

„Внешбанк“даги аҳволимизни таърифлаб ўтирмай, соат тўртгача кутдик, деб қўяқоламан. Ҳужжатларни қайта бош-

дан „микроскоп“дан ўтказиб, паспортларга мухр босиш-гунча ранг-рўйимиз бир ҳол бўлди. Бир маҳал группа раҳ-баримиз ҳаммага эшиттириб шанғиллади:

— Оғизларини мойлагандан кейин бўлди бу ишлар. Бўлмаса эрталабгача кутишга тўғри келарди.

— Бизнинг ортиқча пулимиз йўқ десак ишонмагандинглар, — деди бир зиёли опа, — кўрдинглар-ку, атиги йигирма доллардан алмаштиридик.

Бир ишбилармон бизни четга тортди. Бизнинг номимизга пул алмаштирувчилар ҳам топилиб қолди. Кимdir ақдли маслаҳат берди. „Номидан пул алмаштирган кишига ҳам фоиз берилади. Буларга йўли куруқ бўлмасин“.

Кейин харидорлар чекинишиди. Ишбилармонлар орасида келишмовчилик чиқиб, бир мавқеи каттароги бўлса керак: „ҳеч ким пул алмаштирмаиди“, деди. Шунинг билан операция йўққа чиқди. Эмишки, Истамбулда бемалол рус рублини алмаштириб олиш мумкин экан. Ҳамроҳларимиз орасида пулдорлари маълум бўлиб қолди, ҳақиқатда ёқа бўғишганларича бор эканлар. Улар инсофи бўлса, ўз пули ўзида, бемалол, қонуний йўл билан кетаверсалар ҳам бўлардиди-ку? Нафс эса доим инсонни йўлдан оздирап экан. Кўрмай-кўрмай кўрганлар қирпичноқ бўлмай нима қилишсин? Доллар деган нарсани совет даврида номинигина эшитган бўлсак. Мустақиллик одамларни шу сафарнинг ўзидаёқ сарагини саракка, пучагини пучакка чиқараётган, қирпичноқликка шайларни, отасини сотишга тайёрларни ҳам ажратиб бермоқда эди. Банк расмиятчилиги учун ҳам тўловларни тўлаб, ит азобида меҳмонхонага қайтдик. Жойлашдик. Соат 17 – 18 да бир йўла тушлик қилиб, дам олган бўлдик. Кеч-курун яна „бизни кутиб ётган қароқчилар“ учун пул йи-фиш можароси бошланди. Агар „йўл очар“ берилмаса, Украйна чегарасида кунимизни кўрсатишар эмиш... Йўл хара-жати – арақ, қовунлар одам бошига 55 рублдан тўғри кел-ган эмиш. „Вакил“лар нафрат билан „майли борингизни, берганингизни беринг“, дейишиди. Жуда ҳолдан тойишиди-да ўзи ҳам. Санъат Махмудова опамнинг ҳам сабрлари би-

тиб борарди. „Кўйинг-е, порасиям, бошқасиям жонга тегди, берайлик-да қутилайлик“, деди. Порами, йўл очарми, еб кетарми, нима бўлса ҳам сафаримизга алоқаси йўқ пулни бердигу, гуруҳимиздаги қароқчиларнинг чакагига дам берган, озгина бўлса-да, қулоғимиз тинчигандай бўлди. Икки кун Питерни томоша қилиб, кейин яна йўлга тушдик.

6. ЙЎЛ. ЧЕГАРА. ҚАРОҚЧИЛАР

Йўл азоби – гўр азоби Ленинград вокзалида қор ёғиши билан бошланди. Кийимларимиз юпунлиги билиниб қолди. Шамолли совуқ, қор уфуради. Юкларни тарозига торттириш керак. Тарози эса очиқ ҳавода. Наҳотки тарози деган нарса қишининг изфирини, ёзниң иссиғини ҳисобга олиб панароқ жойга қурилмайди, қўйилмайди. Совет кишисининг одам сифатидаги қадри етмиш йилки, шу экан?... Бир маҳал ҳамма поездга чопди, итар-итар, ур-сур... Ҳар бир одам билетларда жойи кўрсатилган бўлишига қарамай вагоннинг ўрта хоналарини эгаллаш учун интилади. Бу аёл экан, ёши улуғроқ экан, деган гаплар ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Ит эгасини, мушук бекасини танимайди. Ҳайрият, биз ҳам ўрнашдик. 7-купе – икки суткалик ватан эди бизга.

Ҳамма жойлашиб бўлгач, гурух раҳбари келиб: „Бутун вагон учун 135 рубль тўладик, мана квитанция“ – деди сал миннатли оҳангда.

– Шу квитанциядан менда ҳам бор, ўзимга ўзим тўланман, юким ортиқча эмас, – деди ҳамроҳимиз. Раҳбарнинг яна жаҳли чиқди ва узиб олди:

– Агар таможний келиб текширса, ҳар ким алоҳида квитанция кўрсатиб юрманг деб айтвопман. Агар шундай қиласак, группа қор тагида яна бир соат қолар эди.

У квитанцияни атай кўрсатаётгани шунданки, Тошкент аэропортида йигилган 60 минг рублнинг ҳужжатини сўраганимизда „Сизнинг ишингиз бўлмасин“, деган эди фазаб билан. Баъзи зиёлилар эса шу пулнинг давлат йўли билан давлат хазинасига тушишини уқтироқчи бўлганди-да.

— Бир этак пулни кимга бераётганимизни билишимиз керак-ку?! Ҳозир гүё ҳеч нарсаси йўқдек ўтиб кетишимиш учун аллакимга 60 минг қолдиришимиз керак. Сиз группа бошлиғи бўлсангиз, ҳалол одам бўлсангиз ҳалол йўл билан иш тутинг. Одамлар таможнийдан битта-битта ўтсин, ортиқча юки учун давлат хазинасига тўлов тўласин, аллақайси корчалонга эмас! Шунда биз ёввойи тўда эмас, сал тарбия кўрган одамлардек иш қилган бўлардик. Мана ҳозир ҳар бир саиёҳ Ўзбекистон ҳукуматининг тижорат соҳасидаги қонунларини бир муттаҳамлик, деб тушуняпти, ҳеч ким ўзини эркин ҳис қилаётгани йўқ. Сиз бизни қандайдир қароқчилар гурӯҳи билан қўрқитиб ётибсиз-ку, аслида шу ерда, аэропортнинг ўзида қандайдир қароқчиларга купа-кундуз куни шерик бўляпсиз. Одамларнинг ҳақ- ҳукуқларини ҳимоя қилиш ўрнига нуқул тескари агитация қилаяпсиз.

... Бошлиқ хонимимиз ҳозирги гапларга ҳам, маънавиятга ҳам тупурган, эътиrozлар кўнглиниң кўчасидан ҳам ўтмасди. Сафар баҳона, беш-ён сўм пул ишлашдан бошқа муддаоси йўқлигини хаспўшлаш билангина оввора эди у бечора. Хуллас, бизнинг 17-вагонимиз асаб ва нафратдан қайишганича, инқиллаб зўрға силжимоқда.

Яна пул йиғиши бошланди, 10 доллардан. Яна бермайдиганлар топилди – супраси қуруқ тўрт-беш киши.

— Бўлмасам, йўл очар бермаганлар алоҳида купега жойлашсин, – деди раҳбар хоним. – Рекет билан ўзлари ҳисобкитоб қиласидилар.

— Бўпти, биз қароқчиларга ем бўлақолайлик.

Кечқурун энди дам оламиз деган эдик, яшил ранг адидас спорт форма кийган коммерсант купемизга „ташриф буюрди“, яшил кўзлари ғазабдан ёниб турган бўлса-да, ўзини босишига базўр ҳаракат қиласидилар.

— Биз бу ҳақда келишганимиз, – деди кимдир. – Биз босқинчилар учун пул бермаймиз, Аллоҳга таваккал қиласидилар.

— Бу мусулмончиликдан эмас, – унинг кўзлари ёнди. – Кемага тушганнинг жони бир.

— Ахир бизнинг 10 доллар бож тўлашга арзийдиган молимиз йўқ. Ундан кўра қароқчилар молимизни олгани маъкул.

Вакил эшикни тарсиллатиб ёпди. Даҳлизда ҳаёсиз иборалар эшитилиб турди. Кўшимча пул бермаган бешта одамни лаънатлашди.

Мана юракларни така-пука қилган ўша ваҳимага — собиқ совет Руминияси чегарасига етиб келдик. Божхона вакиллари вагоннинг охиридан кириб келишди. Раҳбар порасини бериб улгурдими, улгурмадими, Худо билади. Улар бизнинг купега ёруғ чехра билан кирдилар, биттаси юкларни текшириш лозимлигини тушунтириб, изн сўради. Чехраси чарапқаб турган бу йигит нарсаларимизни текширди, оқ йўл тилаб купедан чиқди. Биттаси менинг сумкамдаги совға учун олинган чуст пичогини қўлига олди, дастасидаги нақшларини завқланиб тамоша қилди. Йигит эмасми, ҳаваси келганлигини сездириб қўйганиданми, уялиб, бошқа буюмлар солинган сумкани очди. Ички кийимларга кўзи тушиб, дувв қизарди. Ҳамма нарса жойида эди. Йигит ўзига яраша ёқимлилик билан „кечирасизлар“, деб узр сўради, кейин бошқа купега ўтди. Биз жойимизга кирдик.

Кела-келгунча ўша „таможнийчи-қароқчи“ларнинг шаънига қандай тұхмату бўхтонлар ёғилиб келгани аён бўлди. Шунчалар одобли, кўркли қароқчи ҳам бўлар экан-да. Биз купеда ўтириб, „қароқчи“ йигитга ўша чуст пичогини ҳадя қилиш ҳақида маслаҳатлашдик. Ўғли ҳарбийда хизмат қилаётган бир ҳамроҳимизга йигитнинг ўзини тутиши, маданияти жуда ёқдан эди. У астойдил қувонганидан „шу йигиттага бир нарса эсдаликка берайлик“, деди. Лекин ҳеч биримиз журъат этиб унга совға обчиқолмадик, уни хижолат қилишдан, ўзимиз ҳам уялиб қолишдан андиша қилдик. Чунки у хизмат вазифасига жуда муносиб ҳаракат қиласарди. Унга, унинг онасига ҳавасимиз келди. Биздан кейинги купелардан эса декларацияга киритилмаган ортиқча моллар олиб чиқиб кетилгач, „қароқчи“лар учун йифилган пуллар раҳбаримиз ва унинг гумашталарининг найранги эканли-

ги очилиб қолди. Вагонимизда бир неча маротабадан тијоратга чиққанлар бўлиб, улар ҳаммаси бир-бирларининг яқинлари экан. Пул йигиши сиёсати янгилар учунгина қўллануб, ҳар галги сафарда „ташкilotчилар“ беш, ўн сўм шу йўл билан ишлаб келишар экан. Текширишдан кейин ортиқча нарсалари олинган кишиларга пора учун тўланган пуллари қайтариб берилиби. Қолганларнинг пуллари эса айбсиз айбдор „қароқчилар“га берилганга ўтди. Ноҳақ тухматдан, кўринар-кўринмас оғатдан Ўзи паноҳ берсин, деган дуоларни эсладик.

7. ТУРКИЯ. ЧЕГАРА

Орзиқиб кутилган мамлакат бўсағадасидамиз. Турк чегарачиларининг чеҳралари очиқлигидан уларнинг бизларга хайриҳоҳликлари, маданий савиялари аён кўриниб туарди. Ойдин тун, совуқ шамол эсади. Автобусда, йўл азобида ун-ушоқ бўлган баданларни аёзли шамол пичоқдек кесади. Ширинсухан йигитлар аҳволлашади:

— Ўзбеклар, қардошларми?

— Ҳа. Ўзимизниkilар, жигарлар, дўстларимиз, — қийқиради бир аёл кўнгилдан чиқмаган сохта хушчақчақлик билан, — шунча эркаклар туриб бу аёлнинг йигитларга хушомадларидан кўнгилда бир хижиллик пайдо бўлади. „Ахир эркаклар туришибди, ҳар ҳолда бир катта мамлакат остонасидамиз“. Бир маҳал кимдир қўшиқ бошлади. „Мўйловлaringдан ўзим“ қийқири бир аёл. Ана холос! Ҳали бундоғ томошалар ҳам бор экан-да, пешонада. Беш-олтита чапани аёлларимиз бири олиб, бири қўйиб, ўйин, қўшиқ бошлаб юборишди. Юкларни титкилатмаслик учун бўлаётган бу найрангбозлик илтифотидан қизил юзлар қизариб, не бир ҳолга тушаётгандар ҳам бор эди. „Дастурда йўқ дастур“ тугаб, текширишдан кейин яна автобусларга томон чопдик. Шу ерда кўнглим, дилим, сўзда ифодалаб бўлмайдиган нозик бир туйгуларим қаттиқ оғриганини ҳис қилдим. Ахир

биз мустақилликнинг дастлабки тиҷоратчилари-ю, зиёратчилари ўзбек аёли ҳақида уларда бутунлай бошқача таассурот қолдирмоқда эдик.

8. БОЗОРДА

Жаҳон бозорларидан бири бўлган бу қайноқ савдо маркази эшитганларимиздан ҳам ўн карра ҳайратланарлироқ эди. Бизниkilар икки кун ичидаги олиб борган нарсаларини айрбошлиш ишларини бажариб, савдога киришиб кетдилар. Истамбул бозорида бизниkilар — собиқ совет иттифоқи кишилари, кўпчилиги, деярли хотинлар ажралиб, кўзга ташланиб туради. Бечора хотинлар оғир сумкаларни кўтарган, бозор аравачаларига ортган, кўринишдан хорликлари шундоққина кўзга ташланиб туради. Сочлари тўэзиб кетган, чарчаганликларига қарамай, гўё улар бозор деган майдонда жон сотиб, жон олардилар. Улар молни озроқ бўлса-да, арzonроқ олиш учун турк сотувчиларига эрига қилмаган хушомадлар, нозларини қиласар, елкаларига қоқар, „бўлди энди, келишдик“, дея магазин эгасининг тирсагини тутиб, эркакчасига қўл ташлар, хуллас иймон-эътиқод, исломийлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бозорда жуда бир хунук манзара кўзга ташланиб туради. Таги зоти муслима ҳисобланган, айни пайтда „лўлининг эшагини суғор-да, пулини ол“ тутимини тутган бизнинг баъзи аёлларнинг чапанича хатти-ҳаракатларига айрим турк магазинчилари хижолат бўлганини яширолмай дув-дув қизаришар, айримлар эса бу ҳол ёқаётганини билдиришдан тортинишмасди.

У ерда турли миллат кишиларини кузатдик. Шунчаки тамоша қилиб юрган, қўлида биттагина сумкачаси-ю, сумкаси бўлган европаликлар, ўранган ва замонавий кийинган турк аёллари, талабалар, ёшлар орасидан бизнинг собиқ иттифоқ одамларини ажратиб олиш жуда осон эди.

— „Зарар, зарар, ўлмаз“, — дейди дўкондор, бизнинг аёлларнинг таклифини қабул қилолмаганидан хижолат, қўлини кўксига қўйиб.

— Ўзбекистон — Туркия дўст, Турғут Ўзал дўст, — дейди дўкондорни елкасидан қоқиб ўзбек савдогар аёлимиз. — Келиштиринг энди, бўлди, келишдик, окагинам...

Аёл унинг розилигини кутмай нарсаларни ўраб, олдига торта бошлайди. Дўкондор норози, аёлга гап тушунтиrolмай хижолат. Хуллас. Аёлнинг айтгани бўлмагунча қолмайди..

Биз эса тижоратдаги бу уятсизлик ва очопатликларга қараб туриб ҳайрон бўлардик. Наҳотки, биз, аждодлари юқори савдо маданиятига эга бўлган, тупроғимиздан Буюк Ипак йўли ўтган ерликлармиз?

Наҳотки, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган қадим халқнинг бугунги вакилларининг қиёфамиз шу бўлса? Бу ёввойи оламон, таъбир жойиз бўлса, тижоратчилар, кўриниб турардики, маданиятнинг „М“ ҳарфини ҳам тан олмасдилар...

9. ИШТАҲА

Кечқурунги овқатда меҳмонхона директори ҳам иштирок этарди. Бир маҳал ўзимизникилар ичида анча таникли бир зот ўрнидан туриб, ҳақоратомуз гапира кетди.

— Кеча, таможнийга 100 доллар берган эдим, мана менга беришгани. Менинг орқамдан барчангиз эсон-омон ўтиб олдинглар, шуми оқибат? Худони ўртага солиб айтаман, баъзилар бизнинг соямизда барча таможнийлардан ўтиб келяпти. Ўлдим, деганнинг беш юз доллари бор. Агар мен пул бермаганимда чегарада икки соат қотиб турардинглар. Мен аёл кишининг, раҳбарнинг сўзини қайтармай хўп, дедим. Менга ўтказиб қўйганларинг борми, ифлослар?

Бу гап ҳали пулини бермаган яна бир „катта“га тегиб кетдими, у ҳам столни уриб, бор овози билан бақира бошлади:

— Оғзингизга қараб гапиринг, эй одамлар. Мен йўл-йўлакай бошдан бошига тўлаб келяпман. Арақقا ҳам, сигаретга ҳам, қовунларга ҳам тўладим. Поездда эса менинг

пулларимни олиб қўйиши, биринг „ғинг“ демадингларку. Агар чиндан ҳам таможнийга шунча пулни берган бўлсаларинг нега чегарада молларимизни, пулларимизни олиб қолдилар? Нима бу ўзи, ҳам бўйидан ҳам энidan экан-да?! Менинг тўлайдиган бир тийиним ҳам йўқ!

У столни бор зарби билан урди. Иккала бойвачча бир-бирларига тиллари-ю, кўзларидан заҳар сочарканлар, муштлашиб кетишдан ўзларини аранг тутиб турардилар. Меҳмонхона эгаси ўрнидан туриб, узр айтди. Эр-хотин тижоратчилардан биттаси ҳам норозилик билдирилар.

— Биз икки киши учун етти минг тўладик. Лекин таможнийда нарсаларимизни олиб қолиши. Пул йифишдан, неча кундан бери бош оғритишдан мақсад нима ўзи? Биз энди бир тийин ҳам бермаймиз.

Овқат заҳарга айланди. Қий-чув, уятсиз сўзлардан қизарип, бир ҳолга тушган мезбон бу ғалати меҳмонларга бир оғиз сўз айттолмасди. Шаддод хотинлардан бири, ҳар ҳолда уялдими, мезбоннинг билагидан олди.

— Юринг афандим, сизда ишим бор эди. Бу ер бизга тўғри келмайди.

Мезбон, уялган кулар, деганларидек етакдаги қўйдек аёлга эргашди.

— Сизми маданиятли, сиз билан бўлганларга тупураман! — деди ҳалиги аламзада бойвачча.

— Кулоғум яхши эшитади, ўзингизни қўлга олинг, — деди шаънини ҳимоя қилган одам, — тижорат дегани ҳаромхўрлик, ёввойилик эмас. Ҳар ким молига яраша бож тўлайди. Масалан, мен, оддий туристман, йўлланмам тижоратчилар группасига кўшиб берилганлиги учун йўл-йўлакай бошқаларга тегишли эгри чиқимларни тўлолмайман, хоҳламайман ҳам. Майли, сиз пора бериб ўтинг, мен эса юкими текширтириб ўтаман, худди келганимиздаги каби текширтириб ўтаман.

Барча жим бўлиб қолган эди, одамлар пулдор билан сайёҳ баҳсини жим кузатардилар. Сайёҳ босиқлик билан гапида давом этди:

— Агар сиз, ваколатингиз бўлса майли, мени йўлда қаш-қирларга ем қилиб, ташлаб кетишингиз мумкин. Тошкентда ҳисоблашамиз, деб қийналиб юрманг. Куни битган одамга Аллоҳнинг ҳамма жойида ҳам жой топилади.

У жойига ўтириб, сувдан қуийиб ичди. Бойвачча ўрнидан шарт туриб, четта қараб чирт туфлади. Кимга қаратилгани номаълум бир тарзда сўкинди.

Группа раҳбаримиз кечкурун ётоқقا келди. Ҳеч бўлмаса 4 доллардан беринглар, деб одамларга ёлворарди. „Чегарада 100 долларни кимга берган бўлсангиз, ўшандан қайтариб олинг. Емаган сомсага...“, тўнғиллади бир аёл.

Хонада ётиб, Санъат опам билан ёқа ушлаганимизча воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қиласиз. Биз ҳозир журналист сифатида қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигини тушуниб қолган эдик. Группа раҳбаримизнинг Тошкентдан чиқмасиздан бошлаб йўллардаги қароқчилару, божхона ваҳимаси билан одамларни қўрқитиб, пул йиғишдан бошқа муддаоси йўқлиги, оғзидан бирор дуруст сўз эшитмаганимиз ва йўлда бу гапларнинг бутунлай аксини кўрганимиз, у бўлса, кўриб туриб ҳам яна пул йиғиш ҳақида гап бошлийвериши одамни ҳайрон қолдиради. Яна бойваччаларнинг пул устида жанжаллашишларига сира-сира тушунолмасдик. Йиғишгани, пора беришгани рост бўлса, нега яна молларини олиб қолишади?

Биз эса юкимизни барча текшириш жойларида ходимнинг ихтиёрига қўйиб, қоида бўйича ўтиб келяпмиз. Нега бу бошлиқ, М. хоним кўра-била туриб, уялмасдан яна пул сўрайди-я! Уятдан юз териси шилиниб кетиши керак эди бу туҳматчининг. Чунки Украина, Руминия, Туркия божхоналаридан ўтар эканмиз, одамларга зарарли, қонунга ҳилоф ҳаракат содир бўлмади, молини яширганлар фош бўлди, поралари иш бермади, баъзи бирорларнинг низомга

зид моллари чегараларда ушлаб қолингани ҳақ, ҳеч ким ҳеч кимни талагани йўқ. Агар йигилган пуллар ана шу молларни соғ-омон ўтказишга қаратилган бўлса, нега ўтказилмади? Нима учун пул берганлар икки ҳисса жабр кўрди, ҳам пулидан, ҳам молидан айрилди?

Группа раҳбари шундан кейин ҳам қароқчилару пул йиғиши ҳақидаги эртакларидан бўшамасди. У бирор марта ҳол аҳволимизга қизиқмади, чет элда ўзимизни қандай тутиш, маданият, муносабатлар ҳақида сўз айтмади. Аслида у сафардан олдинги учрашувларда нимани олиш, олмаслик ҳақида гапирганида одамлар бундай эгри ишларга қўл урмаган, зарар кўрмаган бўлишарди.

Касб тақозоси бир чўпон аёл билан суҳбатни эслайман: „Халқда мақол бор. „Эчки бошлагандан йўл бўлмас, хотин бошлаган тўй ўнгмас“. Аёл ҳар қанча ҳурматга лойик, аммо эркакнинг ўрнига давогарлик аёлнинг иши эмас. Қийин ишларда доим эркаклар бош бўлиши керак. Биз мана шунга амал қиласмиш. Эркакнинг эркакча сўзини, жамиятдаги ўрнини қадрлаймиз. Ўзимиз ҳам қадрланамиз.“

Бу оддий, мантиқий ҳақиқатни ушбу „тижорат“ сафаримизда яна ҳам яхшироқ англағандек бўлдик. Агар ўзимиз иштирок этмаганимизда, ўз кўзимиз билан кўрмаганимизда етмиш йиллик мафкура эр ва хотин тенглиги шиори билан аёллар дунёсини тубдан ўзгартириб юборганига ишонмаган бўлармидик? Алам қиласигани, сафар жадвалида Истамбулнинг зиёратгоҳ жойларини кўриш белгиланган бўлишига қарамай, зиёрат насиб этмади. Кўпчилик ўзларини бозорга уриб кетиб, зиёратга вақт қолмади. Ишнинг кўзини билган раҳбаримиз М. эса, уч-тўртта талабтор учун автобус бормас экан, деб ёлғонлади. Йўл можаролари, ҳақ талашиш, бозор чарчатган тижоратчи-сайёҳларимиз қайтиш олдидан ётиб, дам олишни лозим топишди...

10. ВАТАНДА

Сафардан эсон омон қайтиб келдик. Самолётдан тушгач, юкларни олиш учун яна кутишга түғри келди. Шунда бир-бирига: „Тошкентга борайлик, ўшанда гаплашамиз“, деган акахонлардан бири ёнимизга келиб, саломлашиб, ўзидан ўзи гап бошлади: „Жуда хунук, лекин ёдда қоладиган сафар бўлди-да. Бошлиқ нотўғри танланган, ўзи. Сизлар тўғри йўл тутдингизлар, раҳмат. Ҳали яхши кунлар олдин-да. Ўшанда яна кўришамиз, деб ўйлайман. Ҳозирча хайр...“

Ўша кунларда иккала журналист – Санъатхон Махмудова ва мен бу мавзуда зўр бир мақола ёзадиган бўлдик. Ёзик, йиртдик. Ёзик, йиртдик. Оғриқли таассуротлардан иборат мақоламиз ўқувчини ранжитишини истамасдик. Биз мақоламиз охирида шундай таклифлар билан ҳукуматга мурожаат қиласр эдик: „Аёлларимиз чет элларга чиқиб, тижорат қилишга ҳали тайёр эмас экан. Чунки четта чиқсан одамлардан, айниқса аёлларимиздан юксак ахлоқий маданиятга эга бўлмоғи талаб этилади. Чет элга чиқиш дегани фақат пул ишлаб келиш дегани эмас, тижорий ва муомала маърифати билан ўз халқининг шаънини ҳам улуғлаб келиш демакдир. Шунинг учун тижоратчиларимизни маълум тест қоидаларидан ўтказишни таклиф этамиз... Токи борганд жойларида аждодлар тутумига амал қилиб, Ватан, Ўзбекистон руҳини намойиш этсинлар, қайтишларида ҳам мол, ҳам маданият ола келсинлар...“

Эндиғина йўллари очилган халқимизга бундай шарт қўйишда ҳам қандайдир малоллик борга ўхшарди. Ҳуллас, биз шундай олаговур босқичдан табиий равишда ўтишимиз, мунозараларда, мулоқотларда ўзимизни танишимиз, ўзимизга ўзимиз баҳо беришимиз лозим бўлар эди. Начора, кўргиликларимиз, бу ҳаммаси қуллик меваси бўлиб, уни татишимиз шарт ва бу қисматимиз эканини ҳам билиб турардик. Шундай қилиб хотиралар хотиралигича қолди.

Ён дафтаримни варақлар эканман, 1992 йилги Туркия сафаримни ўқиб, яна бир бор шукр қилдим. „Худога шукр-

ларки, мустақилмиз, мана, ўзимизни, жаҳонни танияпмиз. Болаларимиз чет элларда ўқимоқда, бевосита иқтисодий, маданий алоқалар йўлга қўйилган. Ҳозирги Ўзбекистон билан бундан ўн беш йил олдинги Ўзбекистон орасида фарқ катта. Лекин, барибир четга чиқувчилар ҳақидаги фикримиз ўша-ўша. Четга чиқувчилар маданий-маърифий тест синовларидан ўтишлари шарт. Аёлни ҳар қанча шарафламайлик, унинг иқтидорини юқори баҳоламайлик, унинг табиатига, нозиклигига муносиб вазифалар берилиши нур устига нур бўларди. Айниқса йўл, тижорат ишларида эркаклар раҳбар бўлсин. Бу билан аёл номи, шаъни заррача зарар кўрмайди. Бу қайтанга аёлга ҳурмат-эҳтиромни оширади, уни ҳар хил ортиқча ташвишлардан, ёмон назарлардан асрайди, аяди. Зеро аёл ҳамиша меҳрга, эъзозга муҳтож ва лойиқдир.

„Кўнгил кўчалари“,
27 январь - 1 февраль. 2008 й.



ЭЛНИНГ УЛУЕЛИГИ ОНА ҚАДРИ БИЛАН

„Аёл ноёб жавҳардир, уни асрар ва мақомини улуғлаш лозим. Аёл мактабдир. Йўқ, балки у маҳаддир. Асло, у солих авлодлар етишигурувчи дорил-фунундир. Шундай экан, унга бу масъулиятни адо этишга имкон берувчи шароитни яратиб бермоқ керак“.

Устоз СОЛИҲ МУҲАММАД ЖАМОЛ

... Ҳаммаси бир неча кун ичидаги ҳал бўлди. Ҳукумат топшириғи билан Туркияда ўқиётган қизларнинг оналарига бу суюнчлик хабар етказилди ва уларнинг ҳужжатларини тайёрлашга киришилди. Оналарнинг бу сафари фоят зарур, агар она боролмаса, хола ёки опаси борсин. Кимдир қолиб кетиб, у ерда қизимиз ўксимаслиги керак. Чунки улар ҳар қанча меҳру эътиборда бўлишмасин, барибир мусофиirlар. Бунинг устига фарзандларимизни – айниқса, қизларимизни биринчи марта бағримиздан – ватандан узоққа юборишими...

Сафар мугасаддилари сўзларидан ҳар бир она ҳаяжонланган. Ҳар бир онага қизи билан кўришишдан ҳам ҳукуматнинг меҳр-муруввати кўпроқ таъсир қилаётгани шундоқ кўриниб туради. Албатта бизда оналар қадрлидирлар, деб кўп айтганмиз. Қаҳрамон ва ёлғиз оналарнинг имтиёзлари ҳақида жуда кўп гапирганмиз. Гап шундаки, оналар мустақиллик шарофати билан дунёда аёллар, инсон қадриятлари, ҳуқуқлари улуғланадиган мамлакатлар яккаю ягона эмаслигини била бошлаган, ўзимизнинг кўпгина кемтикларимиз кўзга кўриниб қолган эди. Биз ўзбекистонлик она ўз ҳаётида ҳозиргидек улкан эътиборни биринчи марта кўраётганидан ҳам ҳаяжонланарди. Ахир давлат фарзандларини кўз қорачиғидек асрар уни хорижларда ўз ҳисобидан ўқитса, уларнинг кўнгилларига кулоқ тутиб, соғинчларига

таскин бериш учун маблағ ажратса, сафарнинг бутун масъ-улиятини зиммасига олса, шугулланса! Ахир умрида идора ва рўзгор ишидан бўшамаган, ўзининг хурсандчилигини мутлақо кам ўйлаган, сайр-у саёҳатларга вақти бўлмаган меҳнаткаш ўзбек онахони — онани қадрлаган эл, давлат бир кун келиб кучли мамлакатга айланажагидан ҳукуматнинг савобли қадамларидан нечук ҳаяжонланмасин.

Сафар тараддути билан Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Шуҳрат Илҳомович Жалилов қабулида бўлганимизда ана шундай онахонларимиздан бири савол бериб қолди:

— Нега айнан оналар боришаپти, оталар, акалар ҳам борса бўлмайдими?

— Йўқ, фақат оналар, ҳеч бўлмаса холалар ёки опалар бориши мумкин, — деди қулимсираб Шуҳрат Илҳомович оналарни қуттуғ сафарлари билан табриклар экан, ҳазилкашлик ҳам қилдилар, — балки имкон бўлса оталар ҳам бориб қоларлар. Ҳозир оналаримиз боришлари жуда муҳим. Чунки қизларимиз биринчи бор хорижга чиқишилари, улар ҳали ёш, оналарини кўпроқ соғинишган. Бундан ташқари қизларимиз олдида оналаримизнинг алоҳида масъулиятлари бор. Сиз улар билан бир ҳафта бирга бўласиз, ҳаётлари билан танишасиз, иссиқ меҳрингизга қўшиб жиддий оналиқ насиҳатларингизни берасиз. Бу учрашувнинг давлат аҳамияти ҳам шунда. Туркия қизларимиз қиёфасида Ўзбекистон оналарини, аёлларини кўради. Шунинг учун ҳам ҳар бирингиз бу масъул кўришувга ҳам она, ҳам Ўзбекистон вакили сифатида борасизлар.

Сафар куни эрталаб Республика Вазирлар Маҳкамасида вазир муовини Муҳаммаджон Қорабоевнинг оналар билан йўл олди суҳбати бўлди. Вазир муовини табрик сўзидан кейин сафар йўналиши билан таништириб Президент Ислом Каримовнинг толибларга мактубини ўқиб эшиттирди.

— Бу ҳаяжонли хат ҳар бир ўғил-қизларимизга ҳукумат томонидан тайёрланган алоҳида совғаларга қўшиб топширилади, бу ташрифимиз фарзандларимизга қувват бағишлайди... — деди М. Қорабоев.

Совға-саломлар, дори-дармонлар, Республика байроқлари, она юрт соғинчларини олиб ҳавога күтарилган „Ўзбекистон ҳаво йўллари“ учқуримиз тўрт ярим соатдан кўпроқ парвоз қилиб, 83 нафар онани Туркия тупроғига эсон-омон қўндириди. У ерда бизни бутунлай бошқа олам ва у олам бағрида, аэропортнинг ойнаванд деворлари ортида турк дўстларимиз, Ўзбекистонимизнинг бир парчаси – оналарини, юртини соғинган талабалар, ўғил-қизларимиз лолазорлар, қулоқ-қулоқ атиргуллар каби лов-лов ёниб кутиб турардилар. Уларнинг овозларини эшитмасакда бизларни кўришлари билан юраклари кабутардек потирлаб, ҳаяжондан қичқиришиб юборгандарини ҳис қилдик.

Улар кутиш йўлларига қараб чопишиди. Яқинлашишимиз билан худди эртаклардигидек ойна деворлар икки томонга тортилиб, эшиклар очилди. Аэропортта Истамбулда ва шу ерга яқин шаҳарларда таҳсил олаётган йигитларимиз ҳам чиқишган эди. Мехр мусоғирчиликда билинади, деганларидек, оналар ҳар бир талабани елкаларидан қоқиб, иссиқ сўрашишлар давом этди. Бўйларингга бўй тумор Ўзбекистонжон, давралардаги ўрнинг боқий бўлсин она юртим, дейишарди оналар йигит-қизлардан кўнгиллари тўлиб.

Қизлар, оналар, йигитлар, дўстлар бир-бирларига табассумлар, эҳтиромлар узатадилар-у юракларда ушлаб, қолдириб бўлмайдиган соғинч жавоҳирлари бу ҳароратли учрашувга дош беролмай кўзларга қалқиб чиқарди.

– Биз икки соатдан бери Ўзбекистонимизни кутамиз, – дейди қизлардан бири. – икки соат икки йилдек узайиб кетди.

– Вой, Ўзбекистон айлансин сизлардан, – деб бир неча қизни бир йўла бағрига босди Ўлмасбону. Бофча мудираси эмасми, ҳеч кимни кўздан қочирмай бир-бир қучиб чиқади. – Ширин-ширин туришларингиздан ўзим айланниб кетай.

Истамбулда ўқийдиган қизларнинг оналари „Зубайдахоним“ лицейининг директори Азиза хоним ва бошқа ходимларнинг машиналарига чиқдик. Бошқа делегатлар йўналишда кўрсатилгани бўйича ўз гуруҳлари билан тегишли

жойларга йўл олдик. Оналарнинг катта гуруҳи Истамбулда қолиб, бошқалар Анқара, Басра, Измир шаҳарларига жўнаб кетадиган бўлдилар.

Истамбул томони кунларни мароқли ўтказиш режаларини тузиб қўйган экан. Келишган, дилкаш ва ёқимли, аёл-қизларимизнинг меҳрибон устози Азиза хоним бизни яна бир бор „хуш келибсиз“-у „марҳабо“лар, „кун ойдин“-лар каби илтифотлар ила қутларкан, қадрдан дўсту дугоналардек сўрашиб, кечки нонуштага таклиф қилдилар. Чой устида у ерда кечадиган кунларимизнинг мазмуни билан танишдик. Дилкаш танишувдан кейин бизни ўзимизга аталган хоналарга кузатишиди.

Олти кун давомида ўтган ҳар бир дақиқа мароқли ва мазмунли кечди. Делегатларимиз Туркия шаҳарларининг гўзал ва табаррук жойларини зиёрат қилдилар. Истамбулда қолган делегатлар энг муборак зиёратгоҳда пайғамбаримизнинг, ислом дунёси улуғларининг буюмлари, либослари, қуроллари сақланаётган саройда бўлдилар. Бу қутлуғ зиёратгоҳда туриб фарзандларимиз, она юртимиз, саҳоватпеша Президентимиз, қимматли Ислом Каримов ҳақига дуо қилдилар, юрга омонлик, равнақ тиладилар.

Шунингдек, Истамбулнинг бир қанча улуғ масжидларини зиёрат қилмоқ ва жамоатда иштирок этмоқ насибасидан руҳларимиз покланиб, Аллоҳга ҳамду санолар, шукроналар айтдик. Умумий сайдарлардан бўш вақтларда машҳур бозорларни, Мармара бўғози бўйлари, шаҳарнинг Европа ва Осиё қисмларини туташтирувчи ҳашаматли, пурвиқор кўприкларини тамоша қилдик, одамларнинг муомалаларини, маданиятини кузатдик. *Истамбул жаҳон бозори, жаҳоннинг улкан майдонларидан бири Майдон аро тушган одам энди ўзини ўзи кўради.*

Истамбулда кечган энг ёрқин кунлардан бири Ота турк номидаги тил ўрганиш марказий маданият саройида ўтган тантанали ва бадиий концерт кечаси бўлди. Учрашувнинг бош қисмида делегациямиз ва мезбон томон раҳбарлари, ўзбекистонлик ёшлар дил сўзларини айтдилар. Туркия диёрига қилинган бу улкан ташриф икки халқ дўстлигининг

ёрқин кўриниши деб баҳоланди. Делегациямиз раҳбарлари турк дўстларга Ўзбекистоннинг эсадалик совғаларини топширдилар. Ўзбекистон Давлат байроғини зал денгиздек қалқиб, давомли қарсаклар, кўзларда ёш билан қаршилади. Ҳамма ўринларидан турган, зал гуриллайди, ҳар бир ўғилқизнинг юракларида соғинч. Бу ҳаяжонли дамларда Ватан туйғуси, Ватан севгисининг сўзларга сифмас қудрати жамулжам эди. Фарзандларимизнинг ота-она, дўсти-ёрлари соғинчи Ватан соғинчларига айланиб кетганидан тўлқинландик. „Ватанингни сев болажон, ҳар жойда, ҳар қадамда Ватан меҳри сени қўлласин, жигартгўшам“. Оналарнинг меҳр тўла ҳар бир таъсирили сўзидан, фарзандларимизнинг мантиқли ҳикояларидан, қизғин дамлар ҳароратидан қадриятларимиз тикланаётгани, оналарининг пойида жаннат гуллари фунчалаётгани, Тангрининг марҳамати ила кўксига эрк шамоллари тегиб, жаҳон майдонида бўй ростлаётганинг аниқ равшандир Ватаним...

Ўтган олти кун биз учун баъзи соҳаларда ибрат мактаби эканлигини англадик. Тўкин-сочинлик, бойлиknинг асоси тежамкорликда экан. Болаларимизнинг вақтнинг қадрига етиши, моддий бойликларни асрashi, бу моддий дунё келажак авлодники эканини ҳам англаб етаётгандардан қувондик. Хайрлашув дамлари етди. Дарё қалбли Азиза хоним ва бошқа масъул мутасадди кишилар бизни аэропортгача кузатиб келдилар. Азизахоним ҳар бир аёл билан минг йиллик қадрлондек, опа-сингиллардек ҳайрлашди. „Онаジョンлар, кўнглингизни тўқ тутинг. Албатта, ҳеч ким ҳам она каби бўлолмайди, лекин қизларингиз меҳрибон бафнимизда бўладилар. Ахир ҳамма оналарнинг юраги, эзгу ниятлари яхшиликка йўғрилган. Сизнинг қизларингиз энди менинг ҳам қизларим бўлиб қолди.“

Она барибир она экан, орқамизга қайрила-қайрила, юракларимиз узила-узила, чўғли дилу, ёшли кўзларимиз билан самолётга чиқдик. Ёши улуғ онахонларимиздан бири дуо қилдилар. Яхши кунлар, яхши ниятларда кўришмоқ насиб этсин, омин!

„Ишонч“ газетаси, 1993 й. 10-сон.



ҚАҲРАМОНИМНИ СЕВАР ЭДИМ

(„Қайта қуриш йиллари“ кундалигидан)

Шаҳноза опа (исмларини ўзгартирдик) иккита институтни тугатган. Ўқитувчи ва агроном. Ҳозирда қишлоқ хўжалигини гуллатмоқда. Пахта, каноп экади. Кўринишидан файрат ёғилади. Қадамидан ўт чақнайди.

У кишини бошлиғимизнинг қабулида кўриб, ҳайрон бўлдим. Шаҳноза опа ҳам ғалати бўлиб кетдилар.

— Раъно, бу кишини билар экансиз, депутатликка номзоди ҳақида газетада ёзишибди, тўртинчи сонни кутиб ўтирамай матнни учинчига тайёрланг, агар тайёр бўлса, котибиятга беринг, шу сонга тушиб кетсин, — деди раҳбаримиз.

— Ҳа, бу киши журналишимизга қадрдонлардан. Узоқ йилги сонлардан бирида ўзларининг чиқишиларини, давра суҳбатларини берган эдик. Туғилишни режалаштириш, деҳқон аёлининг оғир турмуш тарзи ҳақида сўзлагандилар, — дедим опанинг ҳозирги ғалати термулиб туришига ҳайрон қолиб. Шу вақтгача мен у кишининг дарду орзуларини бир меҳнаткаш кўнгилнинг фидойилиги дея тушуниб, у кишига ҳавас қилибман, меҳр берибман. Нега энди у аёл шундоқ кўз ўнгимда, шу оддий дақиқаларда ўша юксакликдан гувиллаганича пастлади. Ўзини мақташларини дил-дилидан хоҳлагани учунми? Тезроқ тарғибот қилинишни истаб, бошлиқ ҳузурида ялтоқланаётгани учунми?

Унинг кўзлари ўртадаги нокулайликни зўр билан ютмоқчи бўлдими, кулимсиради, киприклар ерга эгилди. Гадонинг оғир имтиҳони биринчи эшик, деганлариdek парда аллақачон кўтарилиган эди. Начора. Бу аёл ёзишга арзийди. Эҳ, бир кам дунё. Эндинина бир юлдузни топдим, деганимда унинг ожиз бандалигини, менинг одам таний ол-

маслигимни фош қилмасанг нетарди? Шу лаҳзаларда ҳеч нарсадан ҳеч нарса, ўзимдан ҳам, қаҳрамонимдан ҳам ҳафсалам пир бўлганини тушунолмасдим.

Яна бир муҳим томони, айни кунда бошлиғимиз унинг туманидан ноибликка кўрсатилаётганлиги унга қўл келиб, фурсатдан фойдаланиб қолишни айб деб эмас, балки барча воситаларни ишга солиш, ишбилармонлик деб олқишилашда оғирлик йўқ.

Айни пайтда қаҳрамонимнинг манфаатидан ўзининг манфаати салмоқлироқлигининг ҳисобини олган, муҳитда кибр-ҳаво-ю, шуҳратпарамонлигига билан анча ном қозонган бошлиғимиз тез ишга киришишимни тайинладилар:

— Шундай аёлларни ёзмасдан кимни ёзамиз. Бир гаплашиб олинглар. Ҳали айтадиган гапларингиз кўп, Шаҳноза опа.

— Менинг хонамга чиқамизми, бўлмасам?

— Мен ҳозир чиқаман, — деди Шаҳноза опа бошлиғимизга ялтоқи табассум билан менга узр айтиб.

Ўн беш дақиқалардан кейин улар биргаликда „емакхона“ томон ўтишди. Алламаҳалларда Шаҳноза опа кирдилар. Синашта нигоҳларида ички бир оғриқ, таъма юқидан виждени ҳар ҳолда увишган, юз-кўзлари гапириялти: „Бошлиққа ялтоқланяпман, тўғри, бу менга керак, лекин нега сиз ўзингизни жамоадан четга тортяпсиз?“ Лекин у, кўпни кўрган ишбилармон қайта қуриш берган эркинлик сабаб ўз манфаатлари кўчасида жавлон ураётган жамоамизда гап нимадалигини аллақачон билиб олган ва мендан у кўзлаган натижа чиқмаслигини англағач, ишини билиб қилаётганди. Бу ўсишга талабгорлар учун қайта қуриш муҳитидаги энг тўғри йўл эди.

— Сожидахон кўринмайди? — деди меҳмон бошлиқ ўринbosарини сўраркан овозини сохта шира билан сайқаллаб ва ўз ҳолатидан ичини сичқонлар кемириб, ҳар қандай одамда бир қараашда ишонч ва умид уйғотиши мумкин бўлган хотиржам қиёфам, савлатимга бош-оёқ ачиниш билан тикиларкан, гапини йўқотиб, кўзларини олиб қочди.

Ё тавба, орада худди жодугар илм-амал қилиб турған каби ўртадаги жар кенгайиб, қирғоқлар оғирлигимиздан чўкиб борарди гўё. Шу лаҳзада менда чўкиб кетиш, амал-парастлар дастасидан кутилиш хоҳиши шундай кучайдики, истак завқидан кулимсирадим. Шаҳноза опани эса ўйилиб бораётган соҳил домига тортаётган каби чехралари ўчди, безовта ва беҳол стулга чўкди.

Қаранг, мен бу кишини „ҳозир чиқаман“, дегани учун кутдим. У эса ишнинг каттамизга боғланганидан, аниқроғи, „каттани боғлаб олганидан“ хотиржам қўшини хонада чойхўрлик қилди. Демак, унга „майли ҳечқиси йўқ, озроқ кутади-да“ дейишгандир. Шундай бўлган тақдирда ҳам одоб, маданият деган нарсалар бор-ку?!

Қаҳрамоним ҳам ошкор, ҳам яширинча бошлиқ атрофига пой-патак бўлаётганини, уни қандай „сехр“ лаганини бошига тортса оёфи, оёғига тортса боши кўриниб қолаётган „кўрпа“си ила зўр бериб яширади. Нима қилсин, бечора. У бир очиқ кўнгилли аёл, ўзининг эл аро мақталишини хоҳлар. „Муқовада рангли сувратим билан чиқсан, юбилейимда дастурхонга журнал тортсан, яъни ҳар кимга биттадан журнал кўйсан“, деган орзулари бор. Шунинг учун, соҳта камтаринлик қилиб ўтирасдан „Кўринглар, мен шундай одамман!“ демоқчи. Унга ҳозир ҳукумат нашрида яхши бир мақола, ташвиқот керак! Мақсадига эришиш учун қўлидан келган ишни қиласди, келмаганини келтириш учун тиришади. Вилоятдан, керак бўлса кунда, кунора пойтахт тушиди. Редакциялар-у, вазирликларнинг остонасини чанг бостирумайди.

... Аста-секин орадаги хирадик кўтарилиди. У дилини очиб гапира бошлади: „Миллатчилик деган гаплар пайдо бўляпти. Миллат ва Ватан дегани нима? Планни ким белгилайди? Ўзбек деҳқони кимнинг қули? Пудрат нима? Ўзбекнинг қонининг айланиши нима? Ҳеч кўрқмай менинг дардларимни ёзаверинг, мендан сўрашса ўзим чиройли қилиб тушунтириб кўяман. Менимча, Ватаним СССР дегани нис-

бий тушунча. Ватан – бу уй, ер, тупроқ – бола-чақа. Хотиннинг яна битта ватани бор, у эр!“

Гапимиз охирлаб қолди. Кузатиб чиқдим. Йўлакда „ўнг қўл“ турган экан, шангиллади... „Анави эшик меники, келиб туриング, опагинам!“

– Ўзим ҳабар бераман, биринчи котиб билан гаплашгач, кейин сизларни олиб кетаман. – „Ўнг қўл“ни ўзидан узоқлаштириб, секин деди: – Учрашув ташкил қилсам, женсовет томонидан менга, ноиблик томонидан у кишига фойдаси бор-да. Бир ўқ билан икки қўённи „пак-пук“...

Қаҳрамоним қаҳрамонона, эркакчасига қаҳ-қаҳа отди. Мен ҳам кулган бўлдим. „Бошлиғингиз ҳеч нарсага арзимайди, ўзим учун шундай йўл тутишга мажбурман“, дегандай қилиғи билан яна бир карра қовун тушираётган қаҳрамонимгагина эмас, ўзимга ҳам ачиниб кетдим. Елка қоқишиб, балки елкамиздан босиб турган юкни қоқароқ, хайрлашдик.

Мана, давр аёли деб шу кишини айтса бўлади. Сўзни ҳам, ишни ҳам, ялтоқданиш, олди-бердини ҳам дўндириб юрибди. Лекин раис ёки ижроқўм раиси бўлганда ҳам боплайди, фойдасини биладиган аёл.

„Жумҳурият халқ депутатларининг иккинчи съездидагай қайд этилишича жумҳуриятишимизда 9 млн. аҳоли қашшоқ, ўртадан паст турмуш кечиради. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида ишлайдилар. Колхозчи гўшт, ёғ, пахта... планларни ортиғи билан бажарса, ишласа-ю, тишламаса?! Қишлоқ, колхоз мисоли соғин сигир, уни ҳар ким, хоҳлаган пайтида соғиб кетялти. Лекин сигирнинг ўзига ҳам, қишлоққа ҳам тирикчилик керак. Ўт, сув, ем, шароит... аммо бу томони билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Масалан: сизнинг хўжалик давлатга қанча маҳсулот сотади-ю, қанча маҳсулот олади. Мана шу саволларга ўз бригадам мисолида жавоб берсан аниқроқ бўлади.

Бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича бир гектар ердаги ғўзанинг одам бўлиши, яъни теримга тайёр ҳолга келиши учун

дәхқонга 100 сүм тұланади. Холосани шунга қараб чиқара-веринг.”

Шағноза опа бир қанча ҳисоб-китобларни күндаланг күйди. Үйлаб, инсоф билан айтганда дәхқоннинг ҳоли хароб (ҳисоб 1989 йилнинг ёзида олинған).

... Қаҳрамонимнинг инсонпарварлық фазилатларини ахтарар эканман, у кишининг қишлоқ хұжалиги соҳасини танлагани сабабларини билгим келарди. Пединститутни битиргач, мактабда ишлаган эканлар. Зиёли учун мактабни тарқ этиш нега зарур бўлиб қолди? Беш-үнта болани тарбиялаш, илмга йўллаш чангга беланиб, беш-үн гектар жойда рўза ўстиришдан фойдалироқ эмасми? Мутахассис-педагог учун бола тарбиясидан ҳам муҳимроқ нарса бўлиши мумкинми?

Суҳбатларимиз давомида мактаб-у, дала орасида ўзимча бориб келаман. У кишининг қиёфасидан дала аёлини қидираман. Йўқ, йўқ, йўқ! – дейди опанинг чиройли, шаҳарчасига турмакланиб, лаклар билан қотирилган қоп-қора, қундуз соchlари, силлиқ ва юмшоқ бармоқлари, ички маишатсеварлиги...

... Шағноза опа яна келдилар. Хурсанд. Кўзлар, бизнинг ички дунёларимизни, ожиз томонларимизни фош қилувчи, қатъиятимиз билан ғанимларимиз руҳини алғов-далғов қилгувчи кўзларимиз кулиб сўзлашамиз.

– Кечаги учрашувимиз зўр бўлди-да, Раънохон. Биринчининг ўзи қатнашди. Одам унча кўп бўлмаса ҳам зўр бўлди. Ҳаммаси зўр бўлди. Ҳатто ўйинга тушиб кетишди. Бошлиғингиз ҳам менимча хурсанд бўлиб қайтди.

– Яхши бўпти-да, меҳнатларингиз жойига тушибди. Бу ҳам сизнинг ташкилотчилик қобилиятингизнинг бир қирраси, ахир.

Қаҳрамоним кўзларини олиб қочганича ниманидир айтгиси келарди-ю, айттолмаётгандай. Ҳижолатдан қутқаргим келди:

– Кайфиятларингиз яхшими ахир, сал чарчагандекмисиз?

— Мен ҳали, анча бўлувди келганимга. „Кичик ўринбосар“нинг хонасида эдим. Рассом ҳам бор эди, бошлиқ ҳам. Улар рангли суратингизни берсак, дейишиди. Шунга, летучкада сиз муаллиф сифатида таклиф киритсангиз, кейинги сонда бўлса ҳам майли... ахир яна қачон чиқаман журналларингизда, шуни айтмоқчи эдим, нима дейсиз Раънохон?

— Албатта, — дедим ўйлаб ўтиrmай, — Зарварақقا қанчадан қанча аёллар чиқиб ётишибди-ку!

Шахсий манфаат, шон-шуҳратдан устун турувчи одамларни ёқтирганим боисми, бир пайтлар, назаримда ифтихори ўзига муносиб аёлни айни пайтда йўқотганимни кўриб турардим. Кимга ачинаман, қаҳрамонимгами, ўзимгами, ундан фойдаланиб қолмоқчи бўлаётганларгами? Қани энди раҳбаримизга қараб: „Эй, инсон, бўласиз депутат, насиб қилса шу хотиннинг ташвиқотисиз ҳам бўласиз“, қаҳрамонимга қараб: „шундай хатти-ҳаракатларсиз ҳам чиқасиз журналда, жуда бўлмаса бошқасида чиқасиз, сал сабрлироқ бўлсангиз-чи“, ўзимга эса: „Сен-чи? Сен нега рост сўзни айттолмаяпсан? Совет матбуотининг кимларнингдир шахсий манфаатларига хизмат қилаётганига жим қараб турибсан“, дегим келар, лекин кўринмас тўсиқни енгиб ўтольмасдим. Наздимда шу одамларнинг орасида энг ожизи ўзимлигимга ишониб турардим.

— Шаҳноза опа, шу рангли суврат Сизга нима учун кепрак? — дедим ахийри, оғизлари мойлангач, мени ноғорасига ўйнатмоқчи бўлаётганларидан ғашланиб. — Ахир биз гаплашган эдик. Сайлодан кейин яна мавзуга қайтиб, фолиятингиз ҳақида батафсилроқ мақола берамиз деганимда, бўпти, шунгача анча-мунча ишларим бор, шуларни қилиб олай, дегандингиз.

— Тўғри, энди шу бир йўла рангли бўла қолса дедимда, Василий деган суратчиларингиз бор-ку, шу туширад экан.

Ўйлардимки, бу аёл ким ўзи? Ҳам ачинарли, ҳам кулгили. Не боиски, бу аёл таҳририятнинг ички дунёсига ўзининг пахта даласига киргандек тез ва осон кириб, ҳатто

жиловни ҳам ўз қулига олиб, йўналишлар беряпти? Эй коммунистик тузум, сенинг қиёғангни янада ёрқинроқ очиб бераётган фаолларингга яна бир кароа раҳмат! Аниқки, унинг бутун ютуқларидан совияпман, нафис маникюр қилинган фўзапарвар бармоқларига, бўялган қоп-қора сочларига, кўкраги чуқур ўйилган фасон кўйлагига қараб туриб, илтифотсиз сўрайман: „Менга топиб беринг, пахтакор Шаҳноза опахонимни? Йўқ, менга пахта-ю, каноп қўлларини юлган, ўзини фидо қилса-да, бирор мартаба шуҳратга интилмаган, том маънодаги ҳалол ва пок, кўнгли пахтадек оқ дехқон аёл керак!“

„Биз уни билмаймиз, – дейди либослар ўзидан фаранг ифорини таратиб, – биз уддабурро, ўз манфаати учун дехқон номидан иш қўраётган, минбарларда аллақандай мансабга, депутатликка номзодларни мақтаб, сохта овозлар йиға оладиган, ўзига маҳкам суюнчлар, йўлдошлар топишда ғоят файратли, устамон аёлни биламиз“.

Жавоб дилимни кўйдирали. Дилим кўзларимни, кўзларим қаламни кўйдирали.

Энди билсан, қаҳрамонимни аллақачон йўқотибман. Алданибман. Унинг чечан сўзларида ўзим билган чечан меҳнатнинг азоб-изтиробларини кўрибман. Юмшоқ кафтлари қўлимни қистганида деганларим-чи: „Аёл дегани шундай бўлиши керак. Сочини тўғрилатиш учун вилоятдан шаҳарга келиб, гулдек очилиб, ўзига қарашларини кўр! Яшашни шу дехқондан ўргансанг арзийди, Раънбону!“

Тўғри, у киши билан биринчи бор учрашганимиздаёқ „офтоб тифида, дала тафтида ўзини йўқотмабди, бу аёл“, дея ҳавасим келган. Аммо, мен билган дала қуёши аёлнинг назокати, чиройини аяб ўтирумайди, бу бригада бошлиғими, арбобми, колхозчими фарқи йўқ, сочларини, юз-қўлларини кўйдирали, либосининг елкаларини ўйиб олади, кўйлагининг гулларини ўнгдериб юборади. Нозик бармоқларини қора чўянга, отапкуракка айлантиради. Далалардаги аёвсиз меҳнат менинг болаликдан ҳам дўстим, ҳам душманим, бу далалар ўсмирилгимизни, орзулари шаршара-

дек ёшлигимизни ўзининг аёвсиз тиғлари билан тилиб, офтобда қоқлади ва устимиздан Ўлмас Кашшай сингари ёвуз қаққаҳалар отди. Мен ҳозир ҳам „Ой ғўзам, ойдин ғўзам, Ойдек кулиб турган ғўзам“ тимсолида миллат бошига тушган фалокатларни эслайман.

У ҳозир ҳам пудратчи хонадонлар болаларининг кучини эртаклардаги ялмоғиз сингари шимиб ётибди. Ахир қачон-гача бўлар ишни бўлдириб, кейин надоматлар чекамиз. Шундай экан, бир колхозчи аёлни қора меҳнат оғушида маликалардек баҳтли тасвиrlашдан заррача уялмаган қаламлар синсин, синсин!

Минг афсуски, азобли меҳнат қаддини дол қилган оммани битта-иккита баҳтиёр чеҳралар билан тўсиб яшашга ўрганганд эдик биз. Ва бу шарафли вазифани адо этииша афгор қишлоқлар-у, ғарип хонадонлар кулбаларини сохта саодат истеҳкомлари билан тўсишда совет матбуотидан, „Саодат“ларданда саодатлироқ, „ойнаи жаҳон“данда, ҳаво тўлқинлариданда жонбозроқ бирорта қудрат ёки сўз бўлмаган. Қалам ва Сўз хизмати ҳозирда ҳам заррача ўзгармаган, қайтанга мавқеи кун-кундан мустаҳкамланиб, оқ пахтанинг қора салтанати ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

*Ма, рўмолча, қўлингга ол,
Юм-юм ииғла дехқоним.
Гар аччиқни аччиқ кесса,
Фамни кесар бўлса фам.
Юрагингни қўрқмасдан оч,
Фаниматдир ушбу дам.
Эркин, озод ҳаволарда,
Кундан кунга шўрлимиз.
Биз учишни хоҳлардик-ку,
Қайдан кишан, тўримиз...*

У ҳақдаги мақолани ёзиб бердим, нима бўлганда ҳам у бечора бир аёл-ку! Мақола баҳтли аёллар туркумида лавҳа-

ахборот сифатида чиқиб кетди. Күплар хурсанд бўлишди. Мен эса мадҳиялар, мақтovлардан камалакдек жилоланувчи коммунистик шакл-шамоилни томоша қиларканман, коммунистик партиянинг инсонпарвар Устави ва йўналиши ўрнашиб қолган қалбимда „доҳий Лениннинг ёрқин сиймоси ҳаққи“ коммунист-муттаҳамларга бир сўз деёлмаганимдан ўкинаман.

...Ҳаҳрамоним кейин кўринмай қолди. Биламан, у киши буюк ишлар билан банд. Ҳар ҳолда бир ишбilarмон, тенг ҳукуқли сиёсатчи совет аёли қадам қўйиши мумкин бўлган юксалиш поғоналаридан нима қилиб бўлса ҳам дадил ўта билиш ҳаҳрамоним учун оддий ҳолга айланган қатъий мақсад — саодатли қисмат эди. Ўша юксакликлардан унинг СССР Олий Советига сайловлар давридаги ғайратли овози қулогимга чалинади:

— Қонуннинг сайлов системаси бўлимидаги 93-моддада „Сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилиши мумкин“, деб қайд этилган. Роза кураш кетадиган бўлди-да. Икки рақибимни ишончли вакиллари инсофга келтиришди, улар ўзи ноибликни хоҳлашмаётган экан-у, аммо менинг рақибларим машмаша топишга уста-да. „Нурбоқиев“-ни СССР Олий советига сайлаш учун катта кураш кетди. Мен унинг ишончли вакилиман. Чоп-чопни қўяверасиз. Қишлоқ советими, колхозми, районми бориб, ўтириб оламан. Ҳаммасининг ҳисоби бор. Мана қўлимда рўйхат. Туман бўйича шунча минг сайловчи. Қайси участкалар ва кимлар овоз бермаслиги мумкин? Шуларга қизиқаман, ташвиқот қиласман. Карл Марксдан шунча сайловчи овоз бермасмиш, деган миш-мишлар болалаган. Ҳақиқатда, бир туман аҳолиси мутлақо овоз бермади. Вилоят миқёсида бу ҳеч нарсани ҳал қиласмайди. Бу бугун бир округда 10 фоиз бўлиши мумкин. Хуллас, номзод кўрсатиш, сайлов дегани бу кураш экан, азизим...

Бутун бошли туман овоз беришдан бош тортган экан, ҳозирча бунинг аҳамияти йўқ. Лекин қишлоқ советида ва

туман советларида бошқа ишончли вакилларнинг сўзи қандай қабул қилинади? Яъни номзодни бюрократик бошқарув томонидан яширин равишда тавсия қилинмасдан халқ, борингки, „экстремист оломон“ таклиф қилган бўлса-чи? Тажрибалардан маълумки, „Халқ тавсия қилган“ кўпгина ноиблар бюрократик бошқарув қолипидан чиққан кишилар бўлиб, халқ уни фақат амалдорлиги учун „танийди“... Халқ тушунмайдики, бюрократик қолипдан чиққанлар барабир Ўз содда сайловчиларининг ишончини оқлай олмайдилар...

Шаҳноза опа минбарга чиққанида деҳқоннинг ҳақиқий меҳрибонига айланади:

— Агар пахтага ҳақ тўлаш адолатли ҳал қилинганда ҳамма пахтакорлар „Мерседес“ машиналари минишган бўларди. Ҳамма харажатлар ҳисобланганда (1989 йилги ҳисоб) одд пахтанинг нархи атиги саккиз тийин. Иқтисодчиларнинг ўзи, кўзи қаерга қарайпти, деҳқоннинг ҳаққини кимundiриб беради? Меҳнаткаш деҳқон эса нарх-наво, жаҳон бозори ҳақида ҳеч нарса билмайди. Пахтанинг туриш-турмуши тилла. Халқнинг олаётган иш ҳақи эса ўша хазинанинг эпкини ҳам эмас! Мутахассисларимиз, раҳбарларимиз арзимаган нарсаларга ҳамду сано битиб, ўпкаларимизни қўлтиқлаганча осмонларда учиб юрибмиз. Пахтага бериладиган ҳақ халқнинг қадоқ қўлига суртишга қўл мойи — оддий крем ҳам бўлолмайди. Хўш, шундай экан, пахтамизнинг хузурини ким кўряпти?

Ўзбекнинг қишлоқдаги ўтириш-туриши ўзингизга маълум. Эшак топса тушов йўқ, тушов топса эшак йўқ. Аёллари касал, болалари нимжон, қозони сувда. Томлари лойсувоқ, ери зах, ичган суви шўр, ўзбекнинг ошқозони ҳам худди даласи каби захри озиққа ўрганди. Шундай экан, қорнидан ўзга қайғуси бўлмаган, захри озиқдан тирикчилик қилаётган халқимиз тараққиёт, илм-фан ҳақида қачон фикрлайди? Бунинг учун ким айбдор? Ўзимиз, ўзимизни ўзимизга едириб қўйган бошлиқларимиз, олимларимиз, хукуматимиз айбдор!

* * *

Күй, энди күнглингдан чиқарып ташла ўтган гапларни, — ёзибман дафтаримга. — Шунча ур-ийқитта елка тутиб, бирлигимизни асрайлик, деган Иттифоқнинг ҳоли не кечди? Аммо, лекин бизнинг депутатлар охиригача „иттифоқ“ деб съездлар саройида ўтиришди, охири ўзларидан бошиқа қолмагач, Ватан эсларига тушди. Шунисига ҳам шукр. Зеро, бизга тақдирнинг ўзи ҳақ йўлни кўрсатмоқда эди. Қаҳрамоним ўзини ўтга-чўғларга уриб, ўтказган номзоди (СССР Олий совети депутати)ни Москвада навбатдаги олий йиғинларда иштирок этиш машаққатидан Аллоҳнинг ўзи озод қилди. Ўзимизнинг ноиблар-чи? Қоп-қоп ваъдаларнинг оғзини боғлаб омборга думалатгандарича, ишга киришсалар-да, дехқон ва зиёли ҳаётида бирор нарса ўзгармади, ўша йилларда.

Қаҳрамонимга қайтар бўлсак, ҳар ҳолда мен уни, ундаги шиддатни севган эканман. Аммо у шиддат пахтакор-дехқон дардларига зарра дармон бўлолмаганигини ўйлаб армон қиламан. Чунки Шўро даврида миллион тонналаб пахта бериб ҳам кафаникка ёлчимаган, оддий оқ мато учун ҳам ариза ёзиб, райижрокомда навбатда турган ҳалқ эдик биз ўзбек ҳалқи. Тўғриси, ҳаммамиз давр кишилари эдик ва минг уринсак ҳам бундан бошқачароқ бўлолмасдик. Дарё бўйида туриб ташналиктан томоги қақраган кишини биласизми? Пахтакор ҳам, ўзим ҳам назаримда шундай эдик. Шеърдан парча:

*Телба десанг, телба ичра тенгим йўқ,
Даҳо “ларнинг бу дунёдан кўнгли тўқ.
Бўлолмайман энига эн, бўйга бўй,
Кимдир ҳўнграп: кафаникка мато йўқ...*

1990—92 й.
„Ҳуррият“ газетаси,
1997 йил, 27-28-сонларида қисқартириб босилган.



УМРДА БИР МАРТАЛИК ХИЗМАТ

Инсон дунёвий ҳаётининг ибтидоси қундоқ (йўргак), интиҳоси тобутдан иборат – бешикдан қабргача бўлган ҳаёт ўғли бизга „Ўз“ ва „Ўзлик“ ни англаш учун берилгандир.

ДОЯ

Умримиз давомида фақат бир мартагина бажариладиган, беш кунлик дунёда бизни илк бор кутиб олгувчи, боқий ҳаётга абадий қузатиб қолгувчи, боқий манзилингизни қуриб бергувчи шундай касб эгалари борки, улар ҳақида ҳамиша ҳам гапиравермаймиз.

Инсон туғилган заҳоти дунё суви билан покланиб, оқقا ўралади ва она бағрига берилади... Оламдан ўтар экан, яна бир бор худди келишидаги каби дунё суви билан покланиб, оқقا ўралиб абадий маскани – Она ер бағрига қўйилади. (Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун. Яъни, биз Аллоҳдан эдик ва унга қайтгувчимиз).

Мазкур хизмат соҳиблари қисматимизда қандай ўрин тутади? Масалан, сиз дунёга келган кун қандай эди? Қиш, баҳор, ёз ёки кузмиди? Тунмиди, кундузмиди, ҳаво очикмиди? Шунингдек, чақалоқ она жисми-жонидан узилиб бу оламга ташриф буюрар экан, уни илк бор қўлига олган одам – Доя қандай шахс эди? Зурриёдингиз ташрифини қувониб суюнчилаган Доянинг, жумладан, макон, замон, вақт ва осмон жисмларининг фарзандингиз тақдирига таъсирига ҳеч қизиққанмисиз? Аммо... Бизнинг моддий фикрлашимиз, шууримизга сифмайдиган баъзи ҳоллар ҳам борки, биз кўрмаган нарсаларимизни ботил ҳисоблашга ўрганиб қолганимиз. Шу боисдан Доянинг боланинг тақдирига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тасдиқлаш осонроқ. Лекин

нүткимизда учрайдиган „Сут билан кирган жон билан чиқарп“, „Сут ўрнига асал эмган“, „Дод доясидан ўтган“, „доясига тортган“, „танглайини ким күтарган?“ каби ифодаларга қараганда, „киндик момо“ нинг бола рұхиятига таъсир күрсатажаги аниқ.

Дояни „киндик она“, „энака момо“ ва ҳ.к. деб ҳам аташади. Номидан ҳам маълумки, аввалги замонларда киндик она оиласынг эң яқын одами сифатида ҳурматта лойиқ зот бўлган. Гарчи бола бу ҳақда ҳеч нарса билмаса ҳам она икки жаҳон бир тутам кундаги суюнчини ҳеч қачон унутмайди. Яқин тарихимизда ҳам Дояларга катта ҳурмат билан қарашган, фарзанднинг яхши кунларида йўқлаб, тўйларида тўрга ўтказишган. Бизнинг кунларда эса доялар туғруқхонадан чиқибօқ унутилади. Чунки бугунги тезоб ва гавжум даврда Доя ҳақида ўйлашга вақт ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Аммо чакки қиламиз. Доя ҳақида фарзандимиз дунёга келмасдан олдинроқ ўйлаш, ҳалол, покиза, ибратли дояларни танлашимиз муҳимдир. Чақалоқни илк бора бисмиллоҳ, деб қўлига олгувчи, киндинини кесиб, малҳам боғлагувчи, дунёга илк қадами билан қутлагувчи ва уни оқ ювиб, оппоқ йўргаклагувчи, оқ ниятлар тилагувчи инсон Доядир. Шундай улуғ, шарафли вазифани адo этгувчи инсоннинг фарзандларимиз тақдирига рұхий ёки жисмоний таъсирини инкор қилиб бўлармикан? Жисмоний таъсир ҳар кимга аён: агар доя ўз вазифасини яхши билмаса, она ва боланинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шунингдек, унинг рұхий дунёсининг боламиз рұхиятига таъсири қандай бўларкин?

Чақалоқ билан доя орасидаги беш дақиқалик учрашувнинг нечоғлик аҳамияти бўлиши мумкин десак-да, яна қандайдир сезгилар орқали „бу учрашувдан ўзига хос из қолиши ҳам мумкин-ку“, деган фикрдан ҳам холи бўла олмаймиз. Зеро неча минг, милён йиллик масофадаги сайёралар, юлдузлар, буржлар, фаслларнинг рұхиятилизга таъсирига ишонар эканмиз, чақалоқни илк бор қўлига олган зотнинг қўл ва тил ҳарорати чақалоқнинг кейинги тақдирида маълум из қолдиришига нега ишонмаслик керак?

ДОЯ ЭНА

(Үтмишдан ҳикоя)

Ҳалигина кўзи илинган доя энага негадир уйқуси ўчиб, безовталанди. Қишлоқдаги ой-куни яқин жувонлар беихтиёр бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади. Худойим ўзи оқ йўл берсин-да, ҳар бирига, деб дуо қилиб қўйди, ўзича.

Ётай деса ёстиқ бошига тошдек ботганидан уйқуси ўчиб, тикланиб ўтирди. „Бошланди, уни тўлғоқ тутяпти“. Доя эна кармонидан занжирли соатини чиқариб ёруққа тутди. Соат бир ярим. „Худойим оқ йўл берса, бомдодга қолмай қутилиб олади“, кечди кўнглидан.

Аёл безовталиги ортгандан ортиб, ўрнидан турди. Дераза пардасини қайириб, йўл тинглади. Нега келишмаяпти!

Шу пайт дераза аввало оҳиста, кейин қаттиқроқ тақиллади.

— Доя эна, доя эна?

— Ҳозир.

Эна эшикни оча сола сўради: „аҳволи яхшими?“

— Кутиб ўтирганмидингиз эна, билибмидингиз? — деди йигит иши ўнгидан келганидан суюниб.

— Мана, мен ҳозир, Отабой. Бундай пайтда момонгни момолари ухлатадими, Отабой.

Қишлоқнинг ҳамма йигитларини бирдек Отабой деб чақиравчи момо тугунини қўлтиқлаганча эшикка чиқди.

— Э-э, Отабой, қани оёқни қўлга олинг энди, тез-тез юрайлик. Бутун малоикалар, фаришталар бошида парвона ҳозир келинимнинг, қани илдамлашайлик.

Ўша малоикалардан бири „Отабой“нинг кўнгил чироғига мой қуйиб пилигини кўтардими, йигитнинг хавотир соя соглан кўнгли ойдинлашди. Ҳали келаётганида ҳаммаёқ қоронғи эди-ёв, ёки малоикалар доянинг йўлини ёритяптимикан?

Йигит кўкка қаради. Тўлин ой ҳам улардан қолишмай пилдираб борар, тугунидаги лим-лим ёғдунинг тўқилиб-сочилишига эътибор ҳам бермасди. Ёнида эса ўзи билган

кўримсизгина доя энаси, отини ҳам билмас экан момонинг. Водариғ, наҳотки шу қорачагина аёл бир пасда малонига айланди, қолди. Бўй-бастидан, тугунидан даста-даста нур тўкилар, қорача чеҳрасими, рўмолими лов-лов ёнаётгандек шуълаланаар, қадамлари пардек енгил, тўғриси у юриб эмас, учеб борарди. „Малоика“ йигитни шоширди.

— Илдам, илдам, Отабой. Бўшашибманг, мана келиб ҳам қолибмиз. Сиз тирикчилигингиздан қолманг. Буёғи момоларнинг иши, Отабой.

„Доя момосининг айтишича, қўчқордек ўғил кўрган „Отабой“ куни бўйи ўғил билан ўйлашиб, ўзича маст бўлиб юрди. Кечқурун ундан юз кўрим олишиб, Қўчқорвойни кўрсатишганида ҳайрон қолди: „Мунча лофт урасизми, доя эна. Қўчқордек деганингизга ишонибман-а, қўзичноқдан ҳам кичкина-ку!“

ФАРИШТАЛАР ЙЎРГАКЛАГАН ЗОТЛАР

Инсоният дунёсида ҳаёт йўли энг кўп ўрганилган, тадқиқ қилингандай инсон оламлар сарвари Муҳаммад алайҳиссалом эканлар. Жумладан, амриқолик олим Майкл Хартнинг „Тарихдаги 100 буюк одам“ асарига кўра тадқиқотлар қиёмига етди.

„Майкл Харт тадқиқотининг моҳияти бундай эди: „У шу кунгача яшаб ўтган буюк инсонларнинг қобилиятлари, курашлари, тадқиқотлари ва муваффақиятларини комп’ютернинг ҳофизасига киритиб, инкор қилиб бўлмайдиган йўл билан уларнинг энг қудратлисини аниқлади.

Харт комп’ютерга лозим бўлган дастурни жойлаб бўлгучиба орадан ойлар ўтди ва ниҳоят қунлардан бир куни у керакли тутмачани босди.

Натижа жуда ҳаяжонли бўлди. Комп’ютерда кетма-кет эшитилган қитир-қитир товушлар кетидан ер юзидағи энг улуғ инсоннинг исми ёзилади:

ҲАЗРАТИ МУҲАММАД (САВ) „Илоҳий мўъжизалар“
китоби, 35-б.

Олим ва бошқалар бу ҳолни қайта-қайта текшириб кўришди. Аммо компьютер фикрини ўзгартирмади.“

Инсоннинг дунёга келиши ва Доя хизмати ҳақида ўйлар эканмиз, ЭНГ БЮК ИНСОНга доялик қилган баҳтли аёлнинг шахсига қизиқиб, баҳоли қудрат тарихий китобларга мурожаат этдик.

„Қиссаси Рабгузий“даги маълумотлар ғоятда таъсирили: Уларнинг қисқача мазмуни шундай. Пайғамбаримизнинг волидаи муҳтарамалари ой-куни етиб ёлғиз ўтирган вақтларида бир киши келиб, „Эй Амина, бу тун шундай улуғ тундирки, ул сўнгги кундаги азиз вужудга келгувсидир, турғил, бошингни, бўйингни ювғил, ҳеч кимни ўзингга йўлатмагил“, деди. Бобоси Абдул Муталлиб бу хабардан кўзлари ёшланиб: „Ул киши нима деган бўлса шуни қилғил, мен бориб Каъбанинг ҳалқасин тутайин, Отика қизими ни сенинг ҳузурингга юборайин“, деб равона бўлгач, Амина бошларини ювиб, покланиб, вақти-соатини кутдилар. Тун яримлаганда ҳеч бир оғриқсиз, сизлогсиз ҳавога кўтарилдилар. Оlam равшанликида, жумла маҳлуқот ҳавода йигилиб турурлар. Барчаси Абдуллоҳ ибн Абду Маннофнинг қизлари Отикага менгзаюрлар. Амина аларнинг жамолларин, тавозесин кўриб ҳушидан кетмиш. Улардан бириси айтди: „Биз барчамиз хизматчилармиз. Бизни қўйиб унга боқғилки, фахри олам ул турур. Биз барчамиз унинг туфайлидин турurmиз. Унга боққин, кўзинг ёришгай“. Амина боқсаки, бир ўғлон турмиш. Сўл илки билан ўз андомини, ўнг илки билан кўзини беркитмишки, онасининг кўзи анга тушмагай. Дарҳол саждага бош қўйиб, сўзлай бошлар: „умматий, умматий“. Қўлин узатиб ювмоқчи эди, бир овоз эшилди: „Эй Амина, ул ариғ покиза турурки, қўлингни тортқил“. Ва бир оқ булут пайдо бўлди, ўғлонни ҳавога кўтарди. Шундан кейин кавсар сувларида ювиб, кўзларига сурма тортиб, жаннат хушбўйлари билан муаттар қилиб, ҳарирга йўргаклаб Амина ўнгидага қўйдилар. Отика айтар: „Севинчдан сакраб турдим, ўғлонни олиб бағримга босдим. Бундоқ муаттар бўйларни илк бор туйдим“.

Азиз ўкувчи бул муборак куннинг ҳикматидан кўнглиниг ёришар экан, бу ҳам фарзандларимизнинг саодатмандлик билан дунёга келмоғидан бир ишорадир. Дояда ҳикмат кўп. Дояни олдиндан танлаш, унинг хулқи-руҳиясига, аҳлоқи-камолига эътибор қилган кишилар, шубҳа йўқки, болалар тарбиясини бола туғилмасидан олдинроқ бошловчилардир.

ХОСИЯТЛИ ҚИРҚ КУН

— Болам, одамзот тупроқдан яралган. Бувак (чақалоқ)-нинг баданига совға (соғ) тупроқ оқар сувларнинг ўзанидан, қизғиши рангли пишган лойдан олинади. Уни ҳалқ совға кесак, яъни — пишган кесак дейди. Юмшоқ, мулоийим, танга ёқимли бу тупроқ суртилса, яра-чақа, иссиқлик тошмайди. Чақалоқ туғилган заҳоти намакобли сувда чўмилтирилса, етти чилласи чиққанича оғзи, кўлтиқ осллари, чотлари ўша сувга ботирилган тоза пахта билан ювиб турилса, бола каттайганида кўланса ҳидлар бўлмайди.

БИБИ МОМОНИНГ АЙТГАНЛАРИ (боқий жойлари-га раҳмат нури ёғилсин):

— Боланинг соғлиғи онасига боғлиқ. Туғруқдан кейин болани чўмилтириб, қундаб (йўргаклаб) онасининг ёнига ётқизиш, дарров исириқ тутатиш керак. Исириқнинг хосияти чексиздир, болам. Босиб-босиб тутатинг, она-бала тўйиб-тўйиб ҳидласин. Онанинг бели охорли мато билан танғиб боғланса, бақувват бўлади, бод, ҳар хил оғриқлар йўлмайди. Кейин беш-ўн тухумни сариёғда лимиллатиб қовурсангиз, туққан аёлга малҳам бўлади. Қайноқ, новвотли чой ичиб, сел-сел терласа, бошқа барча оғриқлари ҳам чиқиб кетади, тизиллаб сут келади. Чунки тўлғоқ давомида аёлнинг бутун суюги ўт бўлиб қизиб, бола суюк ёриб дунёга келади, дейишади. Суюклар аслига қайтиши учун қирқ кун керак бўлади. Келинни қирқ кунгача авайлаган, совуқ ебичишидан сақлаган қайнона ва эр боланинг, ўз наслининг соғлигини асрраган бўлади.

Булар бундан ярим аср олдинги гаплар бўлиб, ундағи ҳақиқатлардан тониш оқни қора дейиш билан баробардир. Дарҳақиқат, ўша вақтларда ариқларда шаффоффек тоза сувлар оқар, тупроқ ҳам заҳарланмаган эди. Инсоният табиатдан узилмаган ҳолда бирга ўсиб, яшаб келарди. Инфекция тушиши деган тушунчалар ҳозиргидек кўрқинчли эмас эди, дейишади.

Ҳозирги 80 ёшли бувиларимиз билан суҳбатлашсак, улар уйда кўзи ёриган бўлсалар ҳам түғруқдан кейинги касалликларга камдан кам чалинишганликларини айтишади. Чунки ҳалқ доялари минг йиллик ҳаёт сабоқларини авлоддан-авлодга олиб ўтишган, ҳамма ҳам доя, ҳамма ҳам табиб, ҳамма ҳам синиқчи бўлавермаган. Бу касблар наслдан наслга, суюқдан суюкка ўтиб борган. Тибет табобатида ҳозир ҳам шифокорликнинг авлоддан авлодга ўтишига аҳамият берилар экан, ўн олтинчи авлод табибга „Лама ҳаким“ — буюк табиб деган етуклик унвони берилиши бежиз эмас...

„Суҳбатдош“ газетаси, 1998 й. 2-сон.



ФАРОСАТ – МИСОЛИ КҮЗГУ

Замонлар чигириғида чийралиб, ўзига хос мазмун яратған „жамият ва аёл“ ибораси бугунги кунда янада чукурроқ мазмун касб этаётгани билан мунозараларга сабаб бўлаёт.

Соғлом авлод хусусидаги гаплар, орзулар бизни энг аввало аёл ҳақида ўйлашга даъват этади.

„Аввало фаросат, нафосат каби қадриятларимизни тиклашимиз керак. Фаросат сабоқлари ҳаётимиизга сингдирилмагунча жамиятимиз соғлом бўлолмайди, – деди битта дуғонамиз, – Аёллар, болалар қадрсизланаверади. Йигитлар бувисидек оқсоч аёл ёнида туриб бепарда сўзларни гапиришидан тийилмайди. Ахир фаросатимиз хаста бўлса, одоб, маданият, сиҳҳатимиз қайси манбадан озиқлансан?“

Хўш, фаросат нима ўзи?

Аввало Яратувчини таниш, жамият олдидаги масъулият, яхшиликка ташналик, гуноҳдан қўрқиш, шарму ҳаё, меҳр-оқибат. Биз собиқ совет мактабларида адабиётдан иншолар ёзганимизда Фофири мард, содда, ишонувчан, чин муҳаббат эгаси, фидойи каби сифатлар билан улуғлардик. Ҳозирда ўйлаб қоламан: Бирор қаҳрамонимизга „фаросатли инсон“ иборасини ишлатмабмиз. На Гулнор, на Фофири, на Жамила, на Йўлчи, на Шокир ота, на Назир ота – бу образлардан фаросат сифатларини ахтарганмидик? Балки бунга зарурат бўлмагандир... нима бўлганида ҳам фаросатсизлик мулкимизга айлангачтинга бармоқ тишлилармиз.

Бир куни мактабда ота-оналар йиғилиши сабаб бўлиб, юқори синф қизлари билан суҳбатлашиб қолдим. Улар ўқитувчиларини ёмонлай бошлишди. Айниқса, физкультура ўқитувчиси қизларни мазах қилас экан. „Касал бўлдик“, дейишса, қани маълумотноманг, нега ҳар ойда касал бўла-

верасан, деб ғалати қараш қилас, югуриш, сакраш каби машқларни бажаришга мажбурлар экан.

Бу ўқитувчи аввало қиз боланинг қандай „касал“ эканлигини яхши билганлиги аниқ. Аммо у қизларнинг ана шу нозик қасалланиш даврини мазақлаш билан эркак сифатида „ҳузурланган“ бўлиши ҳам мумкин. Устозлик бурч ва одобларини сақламаган, болаларга оталарча, мураббийларча муносабат қилолмаган кишилар эркақдир, аёлдир мактабда ишлашга лойиқ эмас.

60-70 йиллари Тўрткўлнинг Шўрахон қишлоғида Пушкин номидаги ўрта мактабда ҳарбий таълим ва физкультурадан дарс берган ўқитувчимиз, раҳматлик Фатхи домла Хакимовни эсга оламан. Спорт майдонига чиқишидан олдин йўқлама қилиб, қизларга ким дарсга қатнашолмаса, қолсин, дердилар. У кишининг рафиқалари Фарида опа бичиши-тикишдан устозимиз бўлиб, қиз боланинг баҳти иғнанинг тилини билишида. Игна-ип ушилашни билмаган аёлнинг зўр оналигига, зўр аёллигига ишонмайман, дердилар. Шу устозимиз туфайли синфимииздаги қизларнинг ҳар бири ўз кийимини ўзи тикиб, киядиган бўлди.

Мактаб ер участкасида ишлаганимизда Фатхи ака „ўғиллар“ сўзига ургу бериб, уларнинг қизлардан кучлилигини, кучлилик эса меҳр-шафқат эканлигини таъкидлардилар. Биргаликда ўтоқ қилиб, пахта териб, беда ўриб, фишт қуяр эдик, лекин биз қизлар ҳеч қачон юк кўттармасдик. Юкни ўғил болалар таширди. Бугун ишонч билан айта оламанки, синфдошларимиз ҳаётда ўз эркаклик ўринларини билиб ўсдилар. Қизлар олдида доим мард бўлишга уриндилар, уларнинг сўкинишганини бирор маротаба бўлса ҳам эшитмаганмиз. Болаларимиз уйда ота-онадан, мактабда ўқитувчидан, қолаверса, кўча-кўйда бири биридан, жамоадан ўрганиди фаросатни.

Ҳозирги ота-оналар йиғилишларини кузатиб кўринг, бўй етган ўғил-қизларимизнинг хулқларини муҳокама қилавериб, бошимиз хум бўлади. Ўқувчилар ўқитувчидан ҳайикмайди, ҳатто хижолат ҳам бўлмайди.

Хозирги ўқувчи қизларимиз ўқитувчисининг оиласи
аҳволини, боласи касаллигини, қайнонасининг баджаҳл-
лигини, палончи эркак ўқитувчининг хотини шоколадни
севажагидан гапирадилар... Албатта бундай ҳолга ота-она ва
бала, ўқитувчи ва ўқувчи, катта ва кичик... орасида доим
сақланиши керак бўлган парда кўтариғланлиги сабабдир.
Пардани кўтарган эса биринчи навбатда катталардир.

Мана сизга тарих дарсидан домла билан ўқувчининг
мулоқатидан мисол:

- Домла, декабристлар ким бўлган?
- Декабристлар аммамнинг бузоги бўлганлар, қунора
чойхонада ош қилиб еганлар...

Ана холос, шундан кейин бу ўқитувчи декабристлар-
нинг тогаси, деган номга мушарраф бўлди-қўйди.

Мактабда эстетика, маънавият, одобнома дарслари ўти-
лади. Аммо болаларимизнинг оғзидан чиқадиган сўзларни
қоғозга туширишга хижолат тортади киши. Аждодларимиз
улуғлаган ўзаро ҳурмат, андиша, ҳаё, ибо каби инсон зий-
натлари қаёққа ғойиб бўлмоқда, болаларимиз кимларга
ўхшаб ўсишмоқда?

„Адабиёт кўпроқ нафосат, эътиқод дарси бўлолсайди,
биз образларни қуруқдан қуруқ сифатлашдан қутила ол-
сайдик“, дейди бир адабиёт ўқитувчisi. „Ўтган қунлар“ни
нечун севамиз? Чунки, Кумуш ҳам, Отабек ҳам, Зайнаб
ҳам, Юсуфбек хожи ҳам, ҳатто хизматкор Ҳасанали ҳам
бутун бир олам, ҳар бири тенгсиз фаросат эгасидир. Фаро-
сат туфайли Отабек Ҳасаналидек хизматкорни „отамиз“ деб
танишириади. Ҳасаналининг меҳмонхона эшиги тагида овоз
чиқариб гапириш ўрнига оҳиста йўталиб қўйишининг ўзи
нақадар ёқимли. Нима учун? Фаросатлилиги учун-да.

Ҳар ким ўз ўрнини билиши фаросатимизнинг ўлчовла-
ридан биридир. Кўпгина йигин ва маъракаларда айрим ёшлар
таклиф қилинмаганлари ҳолда дарров юқорига чиқиб оли-
шади. Гўё тўрда ўтирса, обрўси ошиб қоладигандай. Афсус-
ки, аксинча ҳол рўй беришини билишмайди. Улуғ туркман
шоири Махтумқули ажаб айтмишлар:

*Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб туршини кўринг...*

Менимча, бизнинг кунларда қадриятлар ҳақида гапирганимизда, ҳа деб аждодларимизнинг буюкликлари билан фахрланавермай, ҳа деб уларнинг панасиға беркинавермасдан ўша зотларга муносиб бўлиш учун нималар қилишимиз кераклиги ҳақида кўпроқ ўйласак ва ишласак яхшироқ бўларди. Зоро, „Келажаги буюк давлат“нинг халқаро майдондаги мавқеи моддий бойликлари, ютуқлари қатори кишиларнинг маънавий савиясига қараб баҳоланар экан, демак бу борада хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ.

„Ишонч“ газетаси, 1994 й.
20 май сони.



ФАХРИЙ „БОШ ВРАЧ“ ЁКИ ЯХШИЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

„Мени мақташ, менга нисбат беріб бошқаларни танқид қылиш ҳам тұғри эмас, чунки ҳар кимнинг ўз тош-тарозусы бор...“

„Сизлар таъмагир врачлар, қаллоблар ҳақида фельетонлар ёзмаяпсиз, дори-дармонлар етишмайды, қасалхоналар хароб, сизлар эса врач маслағати-ю, баъзи ахборотлар билан чекланиб қоляпсизлар...“, деб ёзади тошкентлик муштари С.Ҳабибулла қизи муҳарририят олдига қатор талаблар қўяр экан.

Муштари ҳақ гапни айтяпти. Ҳозир камчиликлар гапи-рувчининг оғзига сиққанича ва ундан ҳам ошириб фош қилинаётган (сўз салқи ёйнинг ўқи каби оёқ остидан нарига тушмаётган) бир замонда ойномамизнинг қасалликлар ва маслағатлар билан кўпроқ банд бўлаётганлиги муштарий наздида бир ёқламаликдек туюлиши табиий. Лекин „ураверсанг эт қотар, сўқаверсанг бет қотар“ деганларидек баъзиларга қайтангга яхши бўлди. „Замоннинг зайлар танқид экан, начора, чап юзингга ургангага ўнг юзингни тутиб бер“, қабилида иш кўриб ўз билганидан қолмаётганлар озми? Оддий мисол: тижоратчи ниқобини ёпингланча одамларнинг сўнгги чақаларини ҳам тортиб олишга тайёр олиб сотар, кооперативчилар, дўконлар тинимсиз танқид қилинаётгани билан бирор ижобий натижага бўлаяптими?.. Бу кўпроқ ҳукумат миқёсидаги иш дейишяпти кўпни қўрган одамлар. Бу тузум, сиёsat қасаллиги, уни даволаш учун адолатли қонунлар ва унинг амалиёти зарур...

Азиз муштари, яххиси бу ишларнинг ўз мутасаддила-рига инсоф-у иймон, ўзимизга яна бир карра сабр-у бар-

дош тилаб сирқираб турган диллар-у, афгор вужудга мал-хам излайлик. Зеро, ҳар биримиз яхшиликка, бир яхшининг шарофатига зормиз. Бир яхшининг шарофати юзта ёмоннинг касофатини ёпади, дейишади-ку. Илдизлари она заминнинг юмшоғу тошли қатламларини ёриб ўтиб, чукур-чукурлардан озиқланадиган дараҳтларнинг меваси баракали, сояси қўламли... Алқисса, ана шундай инсонлардан бири Очил ака Ёрқуловга эҳтиромимизни очиқ хат тарзидা баёнлашни лозим топдик.

„Ассалому алайкум, муҳтарам Очил ака!

Аввало, Сиз билан бир сафдаги фидойиларга, оила аъзоларингизга, айниқса, дили пахтадек оқ, қўллари меҳнатдан қадоқ рафиқангизга эҳтирому саломлар ила мунавварлик тилаймиз.

Очил ака, ўзингиз айтгандай ҳамма раҳбарларга бир хил талаб қўйиб бўлмайди. Сизнинг совхоз билан қайси бир хўжаликни тенглаштириб, унинг раҳбарини уқувсизликда „калтак“лаш одобу адолатдан эмас. Айтганингиздай, „ҳар кимнинг ўз тош тарозуси, имконияти бор“. Бирор югуриб юриб битиролмаган ишни бирор ўтирган жойида ёки бир оғиз сўзи билан бажариб қўйиши мумкин. Хўш, бунинг сири нимада? Ўша иш билган одам сеҳргарми, юзи иссиқми, қўли „узун“ми ёки бошқа хусусияти борми? Бу гапларга бир нарса дейиш қийин-у, лекин ўша довруқли ка-салхонангизнинг пойдевори қўйилаётган кунларда бу ҳол айниқса билинди. Цемент йўқ! Иш тўхтаб турибди. Ўзингиз боришингизга тўғри келди, тегишли жойга. Икки-уч кунда керакли ашёни тушириб олдингиз. Албатта қайси бир хўжаликнинг ҳақини эмас, ўзингизга тегишли ҳақни олдингиз. Сиз жанжал ҳам қилмадингиз, шикоят ҳам, пора ҳам бермадингиз. Хуллас ишлар юришиб кетди. Чиндан ҳам баъзи бирорлар ҳавас қилганидек Худо ёрлақаган одамлардан сиз.

Тўғри, ҳаётингиз фақат ютуқлардан иборат бўлмаган, агар сиз ҳам турли чиғириқлардан ўтмаганингизда, тегирмондан бутун чиқиш учун одамга қанчалик иродада-ю қув-

ват зарурлигини билармидингиз? Режалар ҳақида тонготар мажлислар, далада тунаб қолишлар, узоқ йиллик маънавий инқироз (тўй-у аза машмашалари), ниҳоят ўзи емай едирган ўзбекнинг „Ўзбек иши“ – кўпга келган тўй қатори бардошингизни эговлаганлари ҳақ! Шу билан бирга кўпга хизмат қилишнинг ўзи қийин. Кимлардир бир оғиз арзи ҳол айтиш учун неча кунлаб эшигингизни пойлагандир, муроди ҳосил бўлмай останангиздан йиғлаб кетгандир. Рағбатлантирилганлар қаторида кимдир ўз номи айтилмаганидан ранжигандир... Сиз инкор қилмайсиз ва ўша хафа бўлган одамнинг кўнглини овлаш истагингиз тавба туйфуси билан қоришиб дилингиз ёришади. Худо ёрлақагани балки шудир.

Ҳадис: Ҳар бир нарсанинг авжи бор. Омади келган киши ўзини тўғри тутуб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабодо шуҳратпарастлик ва мансабпарастликка ўтса уни мукаммал одам ҳисобламанглар.

Шаҳарликларга нисбатан қишлоқ одамларининг юраги кентлиги азалдан маълум. Меҳмонхона bemalol дейишимизга қарамай, уйингизга чорладингиз. Бир ҳисобда яхши бўлган экан. Хонадонингиз тартиб-қоидаларида бошқаларга муносабатингизни тасаввур қилдик. Уйингиздаги саранжомлик хўжалик юритишингизда ҳам ўз аксини топган. Сизнинг фарзандларингиз, қиз-у келинларингиз кўпчилик қатори Сурхон офтобида обдон тобланишган, меҳнат нималигини, „деҳқончилик – қорақончилик“ эканини яхши билишади. Бунинг устига келим-кетимли хонадоннинг хизмати, меҳмон кутиши осон эмас. Бир томонда ерсув, сигир-бузоқ, иссиқхона, лимонарий дегандай.

Югослав қурувчилари қураётган довруқли касалхона биноси қурилишини биргаликда кўрдик. Сиз савол бердингиз:

- Қурилиш худудида нималарни кўряпсиз?
- Қурилишни, – дедик биз диққат билан атрофни кузатиб.
- Яна нималарни?

— Озодалик, саришталиктини.

Бизнинг кўзларимиз қурилиш бор жойда сочилиб ётадиган тахта-ю, темир-терсакларга ўрганиб қолган эканми, югославларнинг иш услуби буткул ҳайратимизни оширди. Куни кеча битказилган биринчи қават супурилган, ҳудуд цемент қоришма билан қуюлиб, сувалаб, сип-силлик қилиб қўйилган эди.

Сантехника ва иситиш системалари учун маҳсус ичак ўтказилган тешиклар қолдирилган, эндиликда деворларни тешиш, бузишига эҳтиёж йўқ. Биз шу пайтгача кўрган қурилишларда сантехника ишлари қурилган деворларни бир сидра тешиб, бузиш ҳисобига бажарилишига ўрганиб қолганмиз. Бирор қуради, бирор бузади. Лекин югословларга қойил қолиш керак. Ҳамма ишлар ўйланган, ҳисобланган, кетмателлик билан бир йўласига олиб бориларкан.

Курувчиларнинг яшаш шароитига қараб ҳавасимиз, ҳатто бироз ҳасадимиз келди. Улар ётоқхона учун берилган шифохона биносини таъмирлаб ошхона, оромгоҳ, ҳаммомларигача қайта қуриб, безаб-бежаб, салкам шоҳона шароит яратиб, кейин кўчиб киришибди. Бизникларга ўхшаб ҳамма нарсаси аралаш-қуралаш яшайверишмас экан. Ана сизга бизнинг юксак санитария аҳволимизга уларнинг муносабати ва берган баҳоси.

Кейин улар қурилиш моддиятлари сақланадиган омборхоналарни ҳам худди шу тарзда боллаб қуриб олишибди. Ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиб бирор чиройли тахлашибидики, ҳатто биз хусусий уй-жой қурилишимизда ҳам шундай саранжомликка эришолмаймиз.

Сиз таржимон орқали уларнинг ҳол-аҳволини сўрадингиз, баъзиларини елкасига қоқиб, оталарча эркаладингиз. Ҳали бу даражага етмоғимиз учун бизга кўп нонлар зоелигини таъкидладингиз. Нима, биз меҳнаткаш ҳалқ эмасмизми, ялқовмизми? Йўқ! Хўжасизлик, эгасизлик бизнинг этимизни ўлдириган, шу боис биз ҳатто рўзфорда ҳам саришталикка эришолмаймиз. Йўқса, бизнинг ҳалқдек танглайи меҳнат билан кўтарилган бирор ҳалқ бормикан, оламда?

Қадрсиз меҳнат на ҳалқни ёлчитади, на давлатни. Мана шунинг учун ҳам бугунга келиб, абадий туюлган советча тузум инқирозга юз тутди.

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Мусулмонқул Ҳолматов Сизнинг меҳнатларингизни, айниқса соғлиқни сақлаш ишидаги хизматларингизни қадрлаб гапирганларида сиз хижолатомуз: „хўжалик 70 йилда битта яхши касалхона Қураётганига шунчаликми?“ дедингиз.

— Жумҳурият аҳамиятидаги дастлабки иш денг, — деди Ҳолматов жилмайиб, — тўғрисини айтадиган бўлсақ, Ўрта Осиёда ягона шифохона бўлади бу, Худо ҳоҳласа. Ахир Сиз чет эл жиҳозлари билан жиҳозланган, компьютерли томограф шифохонасини қурдиряпсиз-ку, Очил ака. Шу туфайли неча минглаб беморларга тезда тўғри ташҳис қўйилиб, беасорат даво қилинади.

— Бундай шифохона пойтахт ва бошқа марказий шаҳарлар туриб қандоқ қилиб бир тог этагидаги савхозга тушиб қолди экан?

— Кўрдингизми гап қаёқда, — дейди Ҳолматов дона-дона қилиб, — тушиб қолибди эмас, бу касалхонани бизнинг ҳалқ академигимиз, Фахрий „бош врачи“ миз Очил ака қурашиб, тортишиб, минг тонна пахта толасини югославларга долларга сотиш йўли билан ундирганлар. Ҳали бу киши бизга шу хушманзара тог этакларига санаторийлар қуриб берадилар. Қани айтинг-чи, бу ер ҳавосининг Кисловодск ҳавосидан қаери кам?

Очил ака, Сиз шу лаҳзада назаримизда ўн ёшларга яшарган қиёфада дилингизни очдингиз:

— Ростдан ҳам Шеробод тоғларининг қадрига етмаймиз бизлар. Ўлмасам, — дедингиз касалхона биносига рўпара, йўлнинг нариги бетидаги дараҳтзорни кўрсатиб, — ўша боғни ҳам мана шу шифохонага берамиз. Боқقا йўл тагидан ер ости йўли ўтказамиз. Касаллар муолажадан кейин боғларни айланиб ҳордиқ чиқаради, куннинг ботиши-ю, тонгнинг отишида хил-хил товланувчи анави тоқقا боқиб, ором олади.

— Меҳмонларга дачангизни кўрсатмайсизми, — жилмайди мудир.

— Кўрсатаман, — дедингиз ўша кўтаринкиликда, — ҳоҳласалар хўжаликдаги бошқа қурилишларни, сув тегирмонини, жувозхонани ҳам кўрсатаман.

Кейин сув тегирмонида тортилган буғдой унида витаминалар кўпроқ сақданиши хақида сўзладингиз.

... Совхоз ерларининг тоққа туташган жойи, тоғ этаги сизнинг „дача“ нгиз экан. Майсалар тўпиққа уради, қишу тоғларнинг гўзалликка айни тўлишган пайти. Шом кириб келяпти. Баланд-паст чўққиларга урилиб, хилма-хил товланаётган қўёш нурлари ўтлоққа ўзгача фусункорлик берган. Табиат дақиқа сайин турланади. Қизғиш ранглар сутдек оқишига, кейин зангори, сарғиш, кўкишта алмашинади. Бахмал майсалар тароватига осмон ҳайратли ва маъюс термулади, шундай термуладики, ҳозир хушидан кетиб йиқиладигандай. Бу мислсиз гўзалликлар соҳиби улуғ ОНГ — Яратгучининг ўзи нечоғлик гўзал экан-а, — ўйлайман баҳайбат тоғларни оғушига тортган гўзаллик шавқидан йиғлагим келиб, — Парвардигор-о, яхшиларинг қўли билан гўзалликлар яратгувчи, дилларни мунаввар айлагувчи, ўзингни, ўзлигимизни англатувчи ҳам Ўзингсан...

Суҳбатимиз халқ ўйинлари, спорт турларига кўчади. Тоғликлар нима учун узоқ яшашади? Чунки уларда тоза ҳаво, покиза ва шифобаҳш гиёҳлар бор.

Яйловнинг чўпини еб ўстган ҳайвоннинг қони тоза, сути, гўшти ҳам бошқача бўлади, — дейсиз бироз хомушлануб, — ҳар ҳолда пестицидлардан йироқ. Ҳайрият тоғларимиз, пахта кўкармайдиган тошларимиз бор экан...

Биз кунни кеч қилмай уйга — сизниги қайтдик. У ерда эса Тошкентдан профессорлар келишганини эшитган қўни-қўшни аёллар кутиб ўтиришган экан. Доцент Ҳанифа хоним Ҳалимова гўё шундай бўлиши лозимдек bemорларни қабул қилишга тушиб кетдилар.

Мұхтарам Очил ақа!

Балки мақола ойномада ёритилгунга қадар сиз бошланған савобли иш – жумхурият аҳамиятидаги физиотерапевтик шифохона биноси ишга тушар. Мазкурни ўқырсиз. Бу ёзув бир қаламкашнинг кечинмалари, ҳаяжонларига ўжшаб туюлар. Нима бўлганда ҳам янгиланишнинг шундай долғали кунларида Сиздек инсонларнинг борлиги эртанинг давомийлиги эмасми? Профессор ва дўхтирларимиз буни қайта-қайта таъкидлашди. Майли, ҳар бир жамоа хўжалигига эмас, ҳар ноҳияда учта-тўртта ана шундай касалхоналар курилганида ҳам зўр бўларди. Лекин, пахтасини четта чиқариш ҳамма раҳбарларнинг қўлидан келавермаслигини, бу соҳада ҳам қанча тўсиқлар қалашиб ётганини ким билмайди, дейсиз.

Ҳар ким қурби етганича интилса, топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидек ҳалқ соғлигининг бир чеккаси сиз каби раҳбарларга ҳам боғлиқлиги бугунги кунда янада аён бўлиб қолди. Ишқилиб, Шерободнинг Кисловодск билан рақобатлашадиган кунларга етишида Сизга куч ғайрат, омонлик тилаймиз.

„Сиҳат-саломатлик“ журнали,
1993 йил, 4-сон.

ҲОКИМ ЎРИНБОСАРИ – МУАТТАР ОНА

Оила тинч, фаровон, бой бўлса, Давлат ҳам худди шундай тинч, фаровон, бой бўлади. Ҳозирги ўтиш даври, демократлашиш жараёнлари ва иқтисодий қийинчиликлар ҳам оиласий муносабатларга ўзининг у ёки бу маънода таъсирини ўтказмоқда... дейман. Тошкент шаҳар, Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, педагогика фанлари номзоди Муаттар Содиқованинг „оиласий низоларни бартараф этиш комиссияси“ фаолияти хусусида фикрига қизиқиб.

– Одатда оиласий можароларга қозилик қилишдан қийин иш бўлмаса керак, нима бўлганда ҳам бу можарога аралашгандар икки дунёда ўзига етарли гуноҳ-у, савобни орттириб олиши табиий. Сиз бунга нима дейсиз?

– Сиз ҳақсиз. Лекин бир-бировни англамасликдан ма-салала каттайиб, халқимиз тили билан айтадиган бўлсак, орага шайтон аралashiб, бузилишга келиб қолган „хаста оила“ бошқаларнинг маслаҳатига, танбехига, насиҳатига муҳтожлик сезади. Зеро икки инсоннинг бирга яшаб кетиши минг бир ришталар билан чамбарчас боғланганки, бирор риштанинг бўшлиги ёки хомлиги худди инсон аъзоларидағи хаста қисмнинг ёнидагисига таъсир қилгани кабидир. Жисмоний, маънавий, руҳоний етукликка етишмай туриб, қурилган оиласалар ҳаёти узоққа бормайди. Ажралишмоқчи келинлар кўпроқ шундай шарт билан чиқадилар: „Тўйдан кейин алоҳида чиқараман дейишган эди. Сўзидан қайтиб қолишибди. Мен бундай шароитга кўниколмайман. Мени деса чиқсин...“ „Қандай чиқади, жўжабирдай жон бўлишса, кўриб турибсиз. Сизга уй қилиб беришолмаслиги аниқ, энди учбеш йил оиласанинг, рўзгор деган мамлакатнинг аччиқ-чу-

чигини тотасиз. Шунда ҳаёт ширин бўлади“, деб ўгит қила-ди маҳалла оқсоқоли. Бундай насиҳатларга қулоқ тутади-ганлар камдан-кам учрайди, кўпинча турмушнинг илк „мушт“ ларига чидамаган оиласалар ажралиб кетадилар.

— **Демак, оиласаларни мустаҳкамлаш юзасидан ўтказила-диган табдирларнинг натижаси сезилар экан?**

— Албатта. Оиласавий низолар қандай кўринишда кечма-син, оиласани сақлаб қолишига ҳаракат қилинади. Кўмитанинг кенг миқёсдаги йиллик иш режасига мувофиқ маҳаллаларда хотин-қизлар билан қатор тадбирлар ўтказиб, озми-кўпми яхши натижаларга эришилди. Низолар иқтисодий қийинчиликларга бориб тақалар экан, бундан қутилишнинг бирдан бир йўли изланиш ва яна изланиш билан бир қаторда ўтиш даври „сабр, иродамизга ўзига хос синов“ эканлигини тушунмоқ керак. Ҳадди сифиб ўрнида қилинган „дўқ“ ҳам шифо. Шундай оқсоқоллар ва онахонлар борки, адашгандарга ўз фарзандларига гапиргандаи гапира ола-дилар: „Сен қандай эркаксан ёки келинсан? Аввалида ҳам-мадан яхши эди, энди „пуф сассиқ“ бўлиб қолдими? Ҳе йўқ, бе йўқ „Америка“ қурмоқчи бўласанми? Дунёга ке-либ не каромат кўрсатдингки, ажрашмоқчисан? Бу бола-ларга ким ота бўлади, ким она бўлади? Ўладингми ҳеч? Чидаш керак, енгни шимариб ишлаш керак, ўрнида бир гапдан қолиш керак. Сизларга муҳлат: Озроқ танаффус қилиб, бир-бирингиздан узоқда туриб, ўйлаб олинглар, бир-бировни тушунишга ҳаракат қилинг, шайтони лаъиннинг бўйинини синдиринг, ана ўшандада яшаб кетасиз.“ Оталарча, оналарча насиҳатга муҳтоjlарга „аччиқ ҳақиқат“нинг нафи тегади.

„Пуф сассиқ“ бўлдими“ ибораси бир ривоятни эсга ту-ширади.

„АДОЛАТЛИ ҲУКМ“

Бурунги хонлардан бири ҳузурига бир келин келиб арз қилибди.

— Этим билан мен бир-биримизга мос эмасмиз. Талогимни олиб беринг.

Хон ҳайрон бўлибди:

— Эрингизнинг нима камчилиги бор?

Аёл секин юзини очибди. Қарааша бир пари пайкар эмиш.

Хон ўйлаб турибди-да мулоэмиларига дебди:

— Синглизнинг гапи нечоғлик рост, бориб эрини кўринглар, шинни адолатли ҳал қилиб беринглар.

Мулоэмилар боришса, эрнинг бурни оқма яра туфайли ярмидан йўқ эмиш. Шартта келиннинг бурнини ҳам ярмидан кесиб ташлашибди.

— Мана энди тенг бўлдинглар, яшайверинг.

Адолат кутуби йигилган одамлар фарёд қилишиб, хоннинг хузурига боришибди ва воқеани баён қилишибди. Шунда хон:

— Иккита— учта болани бунёд қилиб қўйиб, „сен менинг тенгим эмассан“ деб ажрашиб кетаверишса, мамлакат етимларга тўлмайдими? Уларнинг кўз ёши кимни тутади? Шундог экан, болани отадан айришига сабаб бўладиган ҳар қандай чиройли бурун кесилишига лойиқдир...деган экан“

Ривоятдан холоса чиқаришни ўқувчининг хукмига қолдириб, эътиборингизни бир қизиқ мисолга қаратамиз.

Бир куни кабинетига кириб борсам, у телефонда гаплашаётган экан. Ҳоким ўринбосари бўлса ҳам барибир она-да, кечди дилимдан. Кўз ўнгимда раҳбар эмас, туман аёлларининг „Муаттар онаси“ намоён бўлди.

— Менга қара,— дерди у қайта-қайта тайинлаб,— совчи келадими йўқми, ўтирган жойингни чинни-чироқ қилиб қўйгин. Эҳтиёт бўл, яхши гап гапирганинг гапига ишонаверма. Ҳозир сен боладан бошқа ҳеч нарсани ўйламаслинг керак. Фикри-ёдинг болангда бўлсин, тушундингми? Уни касал-пасал қилмай оёққа қўйиб олсанг, бошқаси кейин бўлаверади.

Трубкани бироз тинглаб тураркан, дўқ оҳангига тайинлай бошлади:

— Соддалигингдан фойдаланиб қоладиганлар ҳам тўлиб ётибди. Агар бир гапинг чиқса, биласанми, мендан ўпкалаб юрма? Аввало тагини-зотини суриштириш керак. Керак бўлса ўзим гаплашаман. Элчиларга айт, Муаттар опам-

га боринг де. Ҳа, бўпти, кейин гаплашамиз. Маҳаллага айтаман, хабар олишади. Майли, яхши ўтири, қизчангни ўпиди кўй. Ҳайр.

У гўшакни жойига кўяркан, енгил „уҳ“ тортди.

Менинг савол назари билан қараб турганимгами, гап очилиб кетди.

— Эндинга оёққа босди, бола бечора, — деди у ичичидан қайишиб. — Ўзи „Меҳрибонлик уйи“да ўсган қиз экан. Ҳеч кими йўқ. Ёшликми, болаликми, севгими, бир талаба йигитга кўнгил қўйиб қўйган, ишонган, оқибатда алданиб қолган. Йигитнинг ота-онаси „ҳеч кими йўқ етимчани оласанми, орзу-ҳавасим нима бўлади?“ деб оёқ тирашган, йигит осонгина таслим бўлганидан кейин қизни олдига солиб ҳайдашган. Ҳуллас ҳомиладор ҳолида кўчада қолган. Ҳатини ўрганаётсак, „жўнатиб юборинг ўша йигитнинг юртига“ деб маслаҳат солганлар ҳам бўлди. Йигитнинг юртида масала ҳал бўлгунича қизнинг ҳоли нима кечади? Ўзингиздан соқит қилмоқ осон, виждон-чи? Мен ҳам бошқаларга ўхшаб айтсан бўларди „ўзинг рози бўлгансан, ўзинг пиширган ошни қандай иссанг шундай ич“ деб. Аммо... Шундай сўзни ўз фарзандингизга айттолмайсиз, раҳм қиласиз. У ҳам бироннинг боласи, ахир. Бошида роса жаҳлим чиқди. Бу қизлар шунчалар илиқма, бефарқ бўладими? Гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқмайдими? Ўғил болаларга осонликда ён берган қизнинг аҳволи шундай бўлади, дейман куйинганимдан. Уни 13- туғруқхонага ётқиздик, фаолларимиз навбат билан хабар олиб турдик. Ўзим врачларига алоҳида тайинладим. Шукр, эсон-омон, зиён-заҳматсиз кутилиб олди. Ётоқхонадан уй топгунимизча туғруқхонада бир ой ётди. Қизчамизнинг отини яхши кунлардан хабарчи бўлсин деб Үмидга қўйдик. Ҳокимнинг машинасида, гуллар билан олиб чиқдик. „Наққошлик“ маҳалласи фаоллари, ўзимизнинг Зумрад (ҳокимият ходими) хабар олиб турибмиз. Ўзи попукдеккина, кўзга ёқимли қиз. Кимдир йўлдан урмасин дейман-да. Қулоғини бураб туришим керак, — дейди

оналарга ҳос ҳам меҳр, ҳам жавобгарлик билан. – Аҳволингни билдириб тур деб тайинлаганман. Ўзига яраша енгилроқ иш топиб бердик. Ишляяпти, боласини ҳам қарайапти. Совчилар пайдо бўлиб қоляпти. Шунга бунинг ҳеч кими йўқ экан, деб енгил қараашмасин дейман-да. „Орқамда ҳокимият бор, опаларим бор“, деб айтгин деб тайинлаганман. Астойдил ният қилган яхши инсон бўлса, майли, ўзимиз узатамиз. Шу қиз ҳам бахтли бўлишга ҳақли, униб-ўсиб кетсин. Ҳақиқатда бир хонадонни гуллатадиган қиз ўзи...

Бу ҳар бир виждонли раҳбар, инсон қилиши лозим оддий иш эди. Негадир томоғим „ғиппа“ тўлди. Рўпарамда раҳмат фаришталари тургандай кўнглим орзиқди. Ҳақиқатда Аллоҳ бир ғариб бандасини Муаттар хоним қўли, Мустақил Ўзбекистон меҳр-муҳаббати орқали ёрлақаётган эди. Қанийди барча раҳбарлар ҳам ўз ишига Муаттар хоним каби ёндошсалар эди.

... Таассуротларимни ён дафтаримга ёзиб қўйдим. Журналистнинг „ён дафтари“ унинг экин майдонидир. Бир кун келиб қарабсизки, фикрнинг ҳосил вақти етган бўлади. Муаттар хоним билан яна бир кўришганимизда, ўша қизнинг тақдирига қизиқдим. Суҳбатдошим бир чиройли кайфият ичидаги кўзлари чақнаб деди:

– Йигит ҳам мард экан. Келди, ярашиб олишди. Бинойидек чиройли оила бўлишди қолишди. Яшашяпти. Лекин барибир ўз ҳолига ташлаб қўёлмаймиз, ҳолидан хабар олиб турибмиз...

Муаттар хоним курсанд бўлишга ҳақли эди. У Умида қизчага отасининг фамилиясини олиб бериш, бир тақдирни келажак маломатларидан асраб қолиш учун озмунча йўл-йўриқ қидирдими? Туғилганлик гувоҳномасида ота исмининг қайд этилишини биринчи навбатда она қалби билан ҳис эта олганликдан бу ишни чиройли ҳал этиш учун бутун чоралар билан курашди. Ниҳоят кувончли натижа: Инсон қадрияти, атрофдаги қадршунослик сабоқлари йигитнинг ва унинг оиласининг қалбини юмшатди, уларнинг аждодлик туйғу-

ларини уйғотди, ниҳоят улар хатоларини англаб ўз фарзандларини муҳаббат билан бағрига олдилар.

Бу унинг фаолиятидаги ягона мисол эмас. Нечта ёш она қийналганларнинг „Муаттар она“си таъсирида ҳаётда ўз түгри йўлини топиб кетганлигини мисоллар билан санаб вақтингизни олмоқчи эмасмиз. Айтмоқчи сўзимиз бу камтарин раҳбар исми ёнига оддий кишилар ҳурмат ва ишонч билан қўшиб айтаётган „Она“ сифатининг ўзида аёndир. „Муаттар онага айтдингизми?“, „Муаттар она биладилар“ каби эътирофлар Муаттар Содиқова фаолиятига берилган энг гўзал ва чиройли баҳодир. Унинг раҳбарлигида ва иштирокида ўтказилган тадбирлар ҳақида гапирап бўлсак, яна бир қайноқ оламга киргандек бўламиз. „Энг намунали оила“, „Оила муқаддас даргоҳ“, „Оила ҳуқуқи давлат ҳуқуқидир“, „Кобил фарзанд ота-она баҳти“, „Эр-хотин оила устунлариidir“, „Фахрийларимиз – фахримиз“ каби ўнлаб мавзулардан мақсад оилани мустаҳкамлашга, пиру бадавлат оилалар тажрибаларидан ўrnak олишга қаратилган. Тумандаги қирқ учта маҳалланинг хотин-қизлар қўмиталири раислари, оқсоқоллари, эл ишончидаги бу кишилар маҳаллаларини ўз оилалари каби яхши биладилар.

Туманнинг „Шотурсин Фуломов“, Лутфий номидаги, „Шарқ“, „Иккинчи Қатортол“, „Шарқ тонгги“, „Мевазор“, „Чилонзор“ каби қатор маҳаллаларида ажралишлар кузатилмади. Ўтган олти ой давомида 6 та оилавий масалалар бўлиб, низолар адолатли ҳал қилиниши, бир-бировни тушунишга бўлган уриниш ва интилиш самараси – тўртта оила қайта тикланди. Ҳеч иложи бўлмаган иккита оила тақдиди суд ҳукмига ҳавола қилинар экан, уларни иложи борича яраштиришга ёрдам бериш сўралиб, суд ҳайъатига Хат жўнатилди.

Ўзига хос сабаблар билан яраштириш имкони бўлмаган оилалар ҳам борки, улар аслида табиатан аллақачон ажралишган бўладилар. Масалан, битта аризачининг турмуш ўртоғи узоқ йиллик қамоқ жазосини ўтаётганликдан ажралишга икки томон ҳам рози, аёли кутишни истамайди. Яна

шунга ўхшаш учта аризада узоқ йиллардан бери бирга яша-
майтганликлари ва ҳар бири ўз баҳтини топиб кетганликла-
ри учун ажрим қилиб бериш сўралади.

Аризалар одатда иложи борича яраштириш мақсадида
қаралса ҳам ярашишдан йироқ оиласлар борки, уларнинг
ажрашишлари ўсиб келаётган болаларининг тарбияси учун
ажралишмаганларидан кўра фойдалироқдир. Бир-бирига
хиёнат қилган, тұхмат қилган, бир умр бир-бирини тушу-
нишдан йироқ, ҳамиша ўз манфаатини – ўз нафсини би-
ринчи ўринга қўювчи эр-хотинлар тасодифий қурилган
оиласлар бўлганликдан, бир неча бор яраштиришга қарамай
албатта ажраладилар.

Айрим оиласлар туфайли шундай оғир оқибат-
лар содир бўладики, ҳар икки томон бир-бирларини одам-
гарчиликка хос бўлмаган даражада ҳақоратлайдилар. Эр то-
мон ҳатто ўз фарзандларини ҳам назарга илмайди. Оталик
бурчини унутади. Аёлининг ҳуқуқларини оёқ ости қиласди.
Бунга туманнинг „Мевазор“ маҳалласида истиқомат қилув-
чи Д.нинг аризасини ўрганиш жараёнини мисол қилиб кел-
тириш мумкин. Суд қарори билан уйга киритиб қўйилган
Д. ни эри, қайнонаси, опа- сингиллари биргалашиб учта
фарзанди билан уйдан ҳайдаб чиқаргандар. Унинг ҳуқуқи
тикланиб, эри томонидан бир хонали уй олиб берилди.

Туманнинг Еттитерак кўчасида яшовчи М. иқтисодий
шароит туфайли оиласлар турмушни бузишга қарор қил-
ган. Улар яшаган ҳовлида тўртта оила истиқомат қиласди.
М. Содиқова оила аъзолари билан турмуш мавзуида ҳар то-
монлама чуқур сұхбат олиб борган бўлса-да, келин ўз та-
лабидан қайтмади. М. билиб туриб шу хонадонга келин
бўлган эса-да, ўз талабларини биринчи ўринга қўйганлик-
дан оқибат оила бузилиш билан натижаланди.

Нутқимизда „фидо“ деган бир сўз бор. Ниҳоятда юкли
ва салмоқли бўлган бу сўзни онанинг ўз фарзандига муно-
сабатини ифодалашда ишлатсангиз ўрнига тушади, ҳақин-
гиз кетмайди, эътиroz эшитмайсиз. Чунки болага ҳеч ким
онадек фидойи бўлолмаслигини яхши биламиз. Аммо мен

ҳозир ушбу сўзни кўпдан яхши биладиганим, Чилонзор туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси-нинг раиси Муаттар Содиқовага нисбатан ҳам қониқиши билан ишлатмоқдаман. Республикаизда ўз касбини сев-ган, ҳалқа яхши хизмат қилиб юрган ҳоким ўринбосарла-ри ўнлаб топилади. Аммо бизнинг Муаттар она ўзини ўша аёлларнинг улуғларига фарзанд, ёшлиарига опа ёки сингил, қизлари қаторларига она каби муомала қила олишда ўзига хос „раҳбар ва аёл“ мактабини яратганлигига амин бўлдим.

„Халқ сўзи“ газетаси, 2002 й.



ЎЗБЕК ҚИЗИНИ ИЗЛАБ...

Ўғлига келин танлаб юрган бир дўстим: „Бир ойдан бери қиз қидирамиз, ҳозирги замонда миллатларни, қизларни бир-биридан фарқлаш қийин, ҳамма бир-бирига ўхшайди-яй. Бошим қотиб кетди, сиз нима дейсиз?“ деб қолди. Ростини айтганда, бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканманми, масала анча жiddий кўринди. Бу ҳол яхшими, ёмонми? Уни ҳам билолмадим. Агар яхши бўлса, дугонам келин танлашда нега бунчалик қийналяпти? Ёмон бўлса, нимаси ёмон? У қанақа қизни орзулайпти, ўзи? Ўғилдан қиз кўп замонда қиз то-пиш шунча қийинми?

Унга ҳақиқий ўзбек қизи керак эмиш. Малика, Саида, Дилдора, Гулнора... лар ҳақиқий ўзбек, яъни отаси ҳам, онаси ҳам ўзбек бўлганидан кейин ўзи ҳам ўзбек-да!

— Дараҳтни силкитсангиз қиз ёғилади-ю, ваҳимангиз кўкка ўрлайди. Кўп танлаган адашади, деган гаплар ҳам бор. Танлаб-танлаб тозисига учраб қолманг тагин, — дедим гапни ҳазилга буриб.

— Тўғри, аммо сиз тушунмаяпсиз. Мен тушунтиrolмаяпман, — дейди у оловланиб.

— Шу қизларингиз ўзбекча гапирадими, гапингизга тушундими ахир?

— Гапиради, тушунади. Ўзбекликка ўзбек, лекин ҳеч ўзбекка ўхшамайдигандек.

— Унда нима етишмаяпти?

— Ўзим ҳам тушунолмаяпман. Лекин шу қизларга ҳеч юрагим жизилламаяпти-да.

— Нимаси ёқмайди ахир, кийинишими, хулқими?

— Билолмадим. Умуман олганда кийиниши ҳам, юриштуришлари ҳам ёқаётгани йўқ. Ўзи менга бир нарса бўлган шекилли. Ҳа, кўяверинг. Бу менинг руҳиятимга, бошқа-

лардан анча орқада қолганимга боғлиқ бўлса керак. Шундай. Худди шундай.

— Дўстим, одамлар, оламлар ўзгаряпти, қизлар ҳам ўзгарида-да. Ўзимиз ҳам аввалгиларга ўхшамаймиз. Қиз танлашни ўрлингизга қўйиб беринг, унинг кўнгилига ёққани сизга ёқади.

— Айтишга осон бу. Ўзбек ўзбекка ўхшаши керак-да, дейман-у, бошим қотгани қотган.

— Ўзбек ўзбекка ўхшамай кимга ўхшайди? Буёғи қизиқ бўлди-ку. Сизингча ўзбек қандай бўлиши керак, ўзингиз ҳам ўзбекмисиз, ахир?

— Алҳамдуиллаҳ ўзбекман, етти пуштим ўзбек ўтган. Лекин ўзимда ҳам нимадир кам, нимадир зиёд. Назаримда ўзимдан ниманидир тушириб қолдирганман-у, ўрнига ниманидир қўшиб олганман. Чунки биз ўзбекларнинг бошқалардан „қўшиб олишга“ ишқибозлигимиз ҳар қадамда кўриниб турди-да. Кийинища ҳам, юриш-туришда ҳам, мусиқаларда-ку, ҳеч ким бизга етолмаса керак.

— Буни тараққиёт дейдилар, дўстим. Бу гапларнинг келин танлашингизга нима алоқаси бор? Карнай-сурнай, ногора-тогора...ни эпласангиз ўзбексиз-да, топдимми? Ўнта-га дастурхон ёзмоқчи бўлсангиз, камида элликта-олтмиштани мўлжаллайверинг. Артист деганингиз ҳам муаммо эмас, дарахтни тепсангиз „санъаткор“ ёғилади. Қарабсизки, фирт ўзбексиз.

— Барибир сизга тушунтиrolмадим. Майли, бу гапларни қўятурайлик, бир гап бўлар...

Бир тўхтамга келомай хайрлашдик. Танишимнинг ташвиши ўй-хаёлимни бутунлай эгаллаб олди. Биринчи навбатда фойда ва зарарга, яъни иқтисодга қараб хулоса чиқариладиган ҳозирги замонда лоп этиб: „Ўзбекка ўхшамай қолган ўзбек“ лигимиздан бизга етадиган зарар нимада-ю, фойда нимада?“ деган савол ҳам пайдо бўлди. Қани энди бу ёпишқоқ фикрдан кутила олсан? Ўйлай бошлайман: „Ўзбекман. Ўз уйимдаман, ўзимга бекман. Мисқоллаб йигаман, лак-лак сочаман, обрў бўлсин, дейман. Ҳар қандай „изм-

пизм“ларни хуш кўравермайман. Бошлиқдарни хурмат қила-
ман, сизники тўғри, дейман, чунки у бошлиқ, ходимига
ёмонликни раво кўрмайди. Яна бир эшитганимга кўра,
қиёмат кунида бошлиқлар қўл-оёқлари боғланган ҳолда
Аллоҳ ҳузурига чақирилар экан ва ходимларига, одамларга
қилган яхшиликлари келиб бофични ечмагунча ётаверар-
миш ул бечора бошлиқлар. Шундоф экан, не ғамимиз бор,
ўргилайлар. Ундан ташқари ҳар ўзбекнинг бошида яхшидир
ёмондир томи бор, ўз уйи— пойгаки, тўри бошқа, ўлгани-
да гўри бошқа. Қассоб ҳар қўйни ўз оёғидан осади“... Шун-
доф экан, ўзбек бўлса, шунча бўлар-да, яна нима керак
екан у дўстимга, билолмадим.

Шунда ҳам бу саволдан қутила олмадим. Яна хаёл олиб
қочади. Ана, ўзбекнинг машҳур ашулачилиридан бири куй-
ламоқда:

„Айланайин қора қошу кўзингдан-еъ...“.

Ха, у ўзбек ҳақида куйламоқда. Номини бош ҳарф билан ёзиш керак бўлган Ўзбек ҳақида. Демак, ўзбекнинг биринчи белгисини топдик: Қора қошу кўзлари, қундуз-дек қора соchlари. Оҳ, бу мафтункор ва сеҳрли овоз, шоирнинг ўзбекона лутф ва фахрланишлари. „Айланайин“даги меҳр-муҳаббатни ҳеч ким ўзбекчалик тушунмайди, ҳеч ким бу сўзни ўзбекчалик қиёмига етказиб, ич-ичидан тошиб, қирроқлардан ошиб айттолмайди. Нима у „айланайин“? Бирор нарсанинг атрофида гирди-капалак бўлиб айланишми? Бир зум бўлса ҳам ундан айрилолмасликми? Айрилган тақдирда ҳам уни хаёлан соғиниб, ичикиб, юраклари узилишми? Ана энди ўша „қора қошу кўзлар“ бир кечада мўйчинакка тушиб, оппоқ оқариб, зафарондек сарғайиб ёки олабула қўзичноққа айланиб қолса, нима деб айланасиз?

„Айланайин қизил, ола сочингдан-еъ,“

Дұппи, дурра айланмаган бошингдан-еъ“,
деб куйлайсизми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Бу масалада замон билан келишилса, яъни компромиссга келса бўлади. Асосийси, ўзбегимнинг ички дунёси омон бўлсин. Қошкўзи қора бўлмаса ҳам майли, ичи ола-байроқ бўлиб кет-

маса бўлди. Ўзбекчилик қалбида бўлса бас. Бундан ташқари ўзбегим ўзи хуш кўрмаган, ёқтирган қанча нарсалар, урф-одатларга ҳам муросасозлик қилиб яшаяпти-ку. Масалан, унинг севиб амал қилувчи шиорларидан бирига қаранг, зап айтиб кўйган-да: „шавла кетса кетсин, обру кетмасин“. Албатта обру учун, бирорни бирорнидан қолмаслик учун курашади, ўзбек. Йиллаб, тирноқлаб йигади-ю, қарзга ботади-ю, бир кечада, бир кунда совириб, юрагига совуқ сувни уриб, кейин тинчийди, ўзбек. Буни яна ўзбекчилик, мардлик, деб фахрланиб юради, ўзбек.

Қани жаҳоннинг яна қайси ҳалқида бор юз килолаб гуруч дамлаб ош беришлар? Айланайин ўзбегимдан, ўзбегимда бор. Бор бўлгандан кейин беради дейсизми? Бу ҳам тўғри. Аммо жаҳондаги бошқа „мил-мил“ чилар нега бермайди? Чунки улар қурумсоқ, зиқна. Унчаликмасдир-ов. Овропа ва амриқолик „мил-мил“ чилар ҳар йили жаҳонда қанча талабаларга, не бир болалар уйлари, ўқув даргоҳларига, қариялар уйларига ҳомийлик қилишлари ва бошқа эзгу ишларни амалга оширишларини билмаймизми? Қобилиятли, иқтидорли болаларни ўқитаётганлар ўзбегим бойлари орасида ҳам бордир... Бор бўлса овозаси чиқар эди. Ишқилиб ўзбегимнинг бойлари „ўнг қўли қилган хайрни чап қўли билмасин“ қабилида иш тутаётган бўлсин-да, биз уялиб қолайлик.

Ўзбегимнинг яхши ишлари кўп, фидойилигига гап йўқ. Миллат айириб ўтиргайди, одам боласига ҳурмат билан қарайди, четдан келгандарни тўрга чиқариб, кези келса, „кезнинг қандай келиши билан боғлиқ“ ҳолда уйини бўшатиб бериб, ўзи ташқарида қолган замонлари ҳам бўлган, ўзбегимнинг. Қардошлиқ, қариндошлиқ ўз йўлига, ҳар бир уйнинг тўри бор, пойтаги бор, уйига яраша эгаси бор. Очиқ-кўнгилликни ҳамма ҳам тушунавермас экан. Иззат қилиб тўрга чиқарсангиз, бошга чиқиб кетгувчилар, вой бу менинг уйим-ку, дегувчилар, мулойим сўзингиз, ўзбекона адабингизни эси пастроқликка йўйгувчилар бор... Шунда ҳам қўй оғзидан чўп олмаган ўзбегимга бунинг қизиги йўқлиги қизиқ...

Яна бир қизиқ томони, ўзидан бирор амалдор чиқадиган бўлса, албатта ғаши келиб, кечагина „жон дўсти“нинг тагига сув қуйиб, тезроқ ўсишига кўмаклашувчилар ҳам шу ўзбегим орасидан чиқиб қолгани ҳам қизиқ... Кечаги яқин ўтмиш, Собиқ Иттифоқ давридан мисол, бирор мамлакат миллатидан вакил йўқки, ўзбекнинг юртида амалдор бўлмаган бўлсин. Аммо бирор ўзбек бормиканки, арман, эстон, латиш ё ўрис қардошимиз юртида ўша даврларда амалдор бўлган бўлсин? Агар адашиб бўлиб қолган бўлса ҳам уларга юз фоиз ўхшаб, ўзини бутун тарк этгани учун бўлгандир.

Ҳа, майли. Ўзбек қизини ахтарамиз, дедигу, яна ўзбекчилик дегандай, чалғиб кетдик, узр. Балки ўзбек қизининг дараги чиқиб қолар, чиқмаса нима учун чиқмаётганининг сабаби маълум бўлар. Яхшиси, шошмаймиз. Ақидага амал қилиб, келин бўладиган қизимизнинг етти пуштини ўрганамиз, бугундан топмасак, бир қадам орқадан қидирамиз, ундан ҳам топмасак, икки қадам олдинга, келажакка ўтамиз. Шундай қилиб...

Ўзбекчиликни ёқтирмовчи ўта замонавий бир дўстимизнинг гапи ёдга тушди:

„Юртимизни ям-яшил, обод, жаннатмакон деб ёзишган қадим битикларда. Бир замонлари Кўнғиротдан Бухорогача томдан юриб келиш мумкин экан. Ҳозирги не бир тараққий мамлакатларда қишлоқ қурилмаган вақтларда бизда ана шундай шаҳарлар бўлган экан. Афсус тошдан, фиштдан қуришмаган экан-да. Икки минг, уч минг йиллик тарихга эга давлатлари саройларидан бугунга, бизга фақат тупроқ тепалар қолган. Бу қолоқликдир. Начора, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларга ўхшашдан фойда йўқ“.

Хўп. Лекин қадимги ўзбек қолоқ бўлса ҳам, тошдан қасрлар тикламаган бўлса ҳам, пешанасида шохи бўлмаса ҳам, назаримда, нимасидир бор эди. Ҳозирги ўзбекнинг ҳамма нарсаси бору, нимасидир йўқقا ўхшаб кетаверади-да. Ниманидир қаердадир йўқотиб кўйганга ўхшайвераман. Нима

бўлганда ҳам бир нарса аниқки, инглиз филологиясида ўқиётган бир талаба жиянимнинг фикрига қараганда, ҳозир замонлар бошқача... Тўғри, биз қарияпмиз, балки эскирятмиз, ёшлар ўсиб, фикрлашлари ҳам янгилини бормоқда. Улар бир нарсани билмаса гапирмайди. Ҳа деб, аралашавериш ҳам маъқул эмас. Гал кийимдами, орзу-ҳавасдами, нима бўлганда ҳам ўтмишда-ю, бугунда ҳам бир меҳригиёмиз борки, мана ман деган халқлар ҳам юртимизни бир кўрсам деб, етти иқлимдан келишяпти.

Ўзбегимнинг бу қадим йўлларда йўқотганлари топгандаридан кам эмас. Йўқолган нарса йўқолмайди, аслида, қаерлардадир ётган бўлади. Ишқилиб, ўша нарсани тополсак эди. Чунки у жуда қадим ва эскирган бўлса ҳам ўзимизники, аждодларимиздан ёдгордир.

Кўнглидагидек қизни қидириб юриб оёқлари қаварган, асрлик уйкудаги ҳасратларга ҳам тегиниб кетган „миллийчи“ дўстим, келинг, ўша йўқолган нарсаларни биргаликда излайлик. Нарса баҳона ўзимизни, қадриятимизни, эътиқодимизни, ҳеч кимларга тақлид қилмаган, қилмайдиган ўзлигимизни кашф этайлик. Юртимиз донолари, муҳтарам Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, аждодлардан мерос шу она-Ватан барчамизники, ўзимизники, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўзига бек ўзбегимницидир. Шундай бир гўзал замонада қофозга ўралган қанддек, онаси ўпмаган келин-қизингизни хаёлан суюб, уни ипак кўшклар ичидатасаввур қилишингиз, бир тенгсиз гўзаликни соғиниб куйингланларингиз қандай ҳам гўзал, эй азиз дугона. Илоҳим, кўнглингиздагидек келин насиб этсин, Сизга! Тўй қилаётганингизни эшитсак, айтмасангиз ҳам, буёғи ўзбекчилик, „эшитдик, бормасак уят бўлар“, деб табриклагани бораверамиз, мана кўрасиз...

„Кўнгил кўчалари“ газетаси,
2006 йил, 15-сон.



ТУГИЛГАНИДА ФАРИШТАДЕК ЭДИ...

Нутқимизда шарму-ҳаё сўзи кўп ишлатилади. Ҳаётда „Фалончи кўп шарму-ҳаёли, андишли одам“ ёки „Фалончидаги шарм қолмабди...“ каби сифатлашларга дуч келамиз. Демак, таърифи келтирилган шарму-ҳаёли одамни кўрмаган бўлсак ҳам унга нисбатан ичимиизда меҳр туямиз. Агар бадиий адабиёт билан дўстлигимиз бўлса, дарров Абдулла Қодирийнинг Юсуфбек ҳожиси, Кумушбебиси, ҳатто хизматкор Ҳасанали оталар бири-биридан файзли кўринишда кўз олдимизга келади. Шарму-ҳаёли киши хулқида яхшиликлар гулдастасини кўрсак, шармсиз одамдан иложи борича тортилишга ҳаракат қиласиз...

Шаклланиб келаётган ёшларнинг бирларини кўриб ҳавас қилсак, бирларини кўриб хафа бўламиз. Айниқса, сўкинмасдан сўзлашадиган болаларнинг камлигидан ҳайрон бўлмасак ҳам бўлади. Чунки улар ўзларимизнинг – кўшнимизнинг, таниш-билишларимиз, маҳалламиз болаларидир. „Ҳа, сени фалоний, ҳаҳ, сени пистоний...“ каби сўзларни гапираётган болаларнинг ичларидаги гўзаллик фаришталари аллақачон чекиниб бўлган. Чақалоқлигида, гўдаклигида ширин бўлган бу болалар қачон шу қадар ёқимсиз бўлиб улғайиши? Ахир улар нақадар чиройлик, беозор, мўмин болалар эдилар. Қиқирлаб кулганларида борлигимиз оромга чўмарди. Улғайтан сари янада чиройли бўлиш ўрнига ёмон хулқларни эгаллаб олганларига қараб ҳайрон бўламиз. Агар эътибор берилса, улар ҳамма яхши-ёмон жиҳатларни ўзимиздан – тарбиячилардан олишган. Мана қаранг, болага танбех ва тарбия беришининг кўринишларидан баъзилари: „Эй, сен қайси тўқайда ўсгансан? Оғзингга қараб гапирсанг бўлмайдими?“ „Сен, анави пиёнистанинг боласимисан?“ „Отандеги эди носковоқ, онандеги эди ошковоқ, сен-чи?“ „Қандай боласан ўзи, калласиз!“

Бундай ҳақоратли танбек өз тарбия норозилик уйғотади. Бола ҳозирча „тарбиячи“дан құрқиб, индамагани билан ёмон сүзнинг заҳри унинг қалбини яралайди ва ундаги нафрат руҳдаги насиҳатдан ором олишдек яхши сифатни сүндиради. Ҳамиша танбек, сўкиш эшишиб, калтак еб ўсан болалар одатда ўзи ҳам сўкинишдан ҳузурланадиган бўлади. Ўртоқлари билан ўйнар экан, сўз орасида сўкинаётганини сезмайди. „Сўкинмасдан ўйнагин, уят бўлади“ десангиз, кўзингизга қараб туриб, „мен сўкинмадим“, дейди. Чунки у қилаётган иши кўнглидагидек чиқмаса сўкиниш табиий ҳолга айланган мұхитда ўсаётгани учун ҳам айттаётган сўзларининг сўкиниш эканини идрок этмайди.

Бир уйнинг кўча эшиги олдида турган 35 – 40 ёшлардаги эркак қўлидаги ўғилчасини „эркалайди“: „Анавиларни қара, мунча асал. Қайси бирини оласан?“ Бола ўткинчилардан бирини „танлайди“: „анавини“. „Баракалла!“ Ўзини эркакларнинг „марди“ леб билган бу одам, ўзича, қўлидаги гўдак ўғилчаси билан гаплашган бўлиб, йўлакдан ўтиб бораётган қиз-жувонларга гап отар экан, *носоғлом маънавиятини болага юқтираётганини, мурғак қалбга шармисизлик уруғини экаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди*. Ичкарида уй ишлари билан банд хотинига эса „ма, ол болангни, безор қилиб юборди, азамат, „ж...“ дея фахрланиб ҳам қўяди. Хотин ҳам шунга яраша ярамас бир сўз билан жавоб қайтаради. Бугунча сезилмаган „ҳаёсизлик“ бир куни кўзга ярқ этиб ташланганида, бехосият боладан норози ота, эркакча гапларни қулоғига қуийб ўстиргани – ўзидан ҳам ошиб тушган фарзандини „Оқ қиласман! Ҳароми!“ каби сўзлар билан ҳақоратлаб, кўчага ҳайдайди.

Ҳадисга кўра, бу ўғлон ҳам „мусулмонликда“, яъни фариштадай покиза бўлиб туғилган эди. Афсуски, ёшлигига кўчани гуллатган „баҳтсиз ота“ бу ҳақиқатни тушунишини истамайди. Умрининг кексалигини эса ноқобил фарзандни дуойбад қилишга бағишилайди...

Эркаклар, Сизга нима бўлган?

Автобусдами, бекатдами, бозордами, эркаклар, ҳатто „катта арава“ изидан дадил кетаётган ўсмир йигитчалар ҳам

кўпинча, бир-бирларига икки гапнинг бирида ўша „урфга кирган“ „ж...“ калимасини қўшиб гаплашаётганини эши-тиб қоламиз. Ёнларида турган одам кексами, ёшми, эркак-ми, аёлми, болами, ишлари йўқ. Бир нарса деб бўлмайди. Дарров ёқантдан олишади. Мана, бир мисол. Бир автобусда уч нафар йигитнинг оғзидан чиқаётган пардасиз гапларга чидолмаган бир отахон: „Эй болаларим, жамоат жойида-сизлар, уят бўлиб кетди-ку.“ – деди. Улардан бири „Сизга гапираётганимиз йўғ-у, нима ишининг бор?“ – деб отахонни жеркиб берди. Отахон яна оғирлик билан деди:

– Албатта менга гапираётганингиз йўқ, аммо бу ер жа-моат жойи, онангиз тенги аёллар бор. Одоб-ахлоқ деган гаплар бор.

– Сани нимма ишинг бор, ишингни қил!

Мўйсафиднинг рангти оқариб кетди:

– Ҳайвон! Тарбия кўрмаган!

– Ўзинг тарбия кўрмагансан, туш баққа, гаплашиб қўямиз.

Кулоқлар кар-у, кўзлар кўр каби ҳамма жим. Бир аёл чидамади:

– Э, бир мард йўқми, эркаклар? Буларни тартибга ча-қирадиган одам йўқми? Ҳой шопир, тўхтатинг машинани, тушиб кетишин бу уятсизлар...

„Уятсиз“лар кучайиб кетишиди:

– Ҳей, „.....“, сан нега суқиласан? Ишинг нимма? Аёл бўлсанг ўзингга, жағингни йириб ташлайман ҳозир...

Орқароқда турган бир эркак олдинга ўтди.

– Ҳозир кечирим сўра, абллаҳ, бўйнингни узиб ташлай-ман!

Зўравонларнинг кўзлари ярқ этди. Кучли эркак уччала олифтани бирини бирига қўшиб, бир тутам қилганича бошларини ерга эгди:

– Кечирим сўраларинг, деяпман!

Мўйсафид эркак ва аёл юракларини чанглаб, ранглари оқарганича ўринидикқа суюниб қолдилар. Амаки нуқул бошини чайқар, „ўлдираман, ўлдираман“ дея безовта бўларди. Кимдир, қўяверинг, булар ўзлари ҳали замон қирчин-

ларидан қийилиб кетажаклари күриниб турибди-ку. Буларнинг нафақат ўзлари, ҳатто ота-оналари ҳам лаънатга учраган, отахон, деди.

Автобус тўхтаб „ботир“лар тушиб кетиши. Пастга тушиб ҳам мўйсафидни „жангга“ чақиришарди:

— Ҳали учрашшамиз, ҳисоб-киттоб қиласиз...

Хурматли муштари!

Автобусни жамиятнинг бир бўллаги деб қарайдиган бўлсангиз, хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Бундан ташқари бу жамиятда без бўлиб ўтирганича асабларни бузадиганлар қанча? Рупарасида мункиллаган чол ёки кампирми, иккиқат аёлми, ёш болалик аёлми турганлигидан қатъий назар ёнидаги „дўсти“ билан гулингга киришиб, ёки „қизи“ билан қучоқлашиб кетаётган йигитларни кўрганингизда қандай ҳолга тушасиз? Уларни айблашга шошилманг. Чунки боболари, бувилари, ота-оналари уларни қаттиқ севганларидан „автобусга чиққанингда дарров ўтириб ол, жой бераман деб юрма“ деб қайта-қайта тайинлашган, ҳаммадан ҳам ўзини кўпроқ севишга ўргатишгандир. Энди эса меҳнатларининг мевасини биринчи бўлиб ўзлари тотишар экан, „билмадик, бу ўғлимиз қандоқ қилиб бундай танбал, енгилтак чиқди“, деб ҳайрон бўладилар.

Хурматли ота-она! Балки сиз ҳам ҳозир ўғил-қизингиз устидан қуш учирмаётгандирсиз, мактабга кузатаётib, егуликлар ўраб берәётib „ҳеч кимга бермай егин, автобусга чиқшишинг билан ўтириб ол, кампир-кумпирларга жой бериб юрма“ деб қайта-қайта тайинлаётгандирсиз. Ундаи бўлса (*Худо сақласин*), сиз „фарзандларнинг иймон-эътиқодига эмас, қорнига оталигингиз“, эртанинг хуббинларини тайёрлаётганингиз, унинг меваларини биринчи бўлиб тотадиган инсон ҳам ўзингизлигингизга, ҳали сизни келажакда турфа кўргиликлар кутаётганига ишонаверинг. Ота-она бағрида фақат „севилишга ўрганган бола“нинг жамиятдаги баҳтсизлиги – бошқаларни севишини, ҳурмат қилишини билмаганлигининг икки дунёдаги ажр-савоби, жавобгарлиги ота-она зиммасидадир. Зоро инсон ҳамиша экканини ўриб келган экан, олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи тушиши табиий ҳолдор.

„Суғдиёна“ газетаси, 2007 йил, октябрь

ЙЎҚ, БУ ЎЗГА САЙЁРА ЭМАС ЭДИ

...Бекатда башанг кийинган бир тўп ёшлар қирсиллатиб писта чақяптилар, оёқлари тагига қараб бўлмайди. Яна бир чиройли қиз музқаймоқ қофозини фижимлаб туриб, четроққа ташлаган бўлди. Рўпарадаги ариқча ўз ҳолига ўзи юмюм йиғлаб ётибди. Нарироқда кимдир томогини қириб, боплаб туфлади. Яна уч-тўртта азамат атрофидаги одамларни унугтанича, қайсиdir улфатларини бири олиб, бири қўйиб роса сўкишяпти. Ариқчанинг нариги томонида турган такси ҳайдовчилари ёнларидан ўтиб кетаётган ҳаддан ортиқ очиқ-сочиқ кийинган қизнинг қадди-қомати ҳақида у эшигмайдиган овозда пардасиз „мақтовлар“ изҳор этиб қолишиди... Манави икки қиз ҳалитдан бери имтиҳонларнинг буғунги нарх-наволаридан баҳс юритишади...

Бу каби кўринишларга ўрганиб қолганмиз: „Менга нима, бизга нима!“ „Эътибор берма. Сенга нима? Балчиққа кесак отсанг, бетингга сачрайди. Яххиси қарама.“

Мен ҳам қарамоқчи эмасдим, лекин нима учун бизга Аллоҳ эллик, олтмиш ва ҳ.к. умрни берди? Улар ёшлар бўлишса, кўриб туриб насиҳат қилмасак, яхшиликка чақирмасак, ўша ёмон нарсани маъқуллаган бўламиш-ку?! Бобомлар доим „отана бўлган одамга, айниқса ёши улуғ кишига боланинг бегонаси бўлмайди“, деб айтардилар. Мен бу ҳикматнинг ёнига „Элим-юртим деган кишига элининг бегонаси бўлмайди. Ёшларимизнинг яххисини кўрганда қувониб рағбатлантириш, ёмонини кўрганда меҳр билан опаларча, оғаларча насиҳат қилмоқ жоиз“, деб қўшиб қўйгим келади.

Ариқчадаги биз йўловчиларнинг „ижодимиз“ — қофозлар, коробкалар, музқаймоқ кутичалари, оёқ тагидаги пис-

та пўчоқларига қараб туриб, кўзларимга ишонмасдим. Одам-зодга бундан ҳам оғирроқ жазо борми? Ахир биз маърифатли ва маданий жамиятда, дунё таниган, тан олган бир мамлакатнинг пойтахтида янаётган одамлар бўлганимиз ҳолда бу қандай кўргулик? Кимнинг ҳаққи бор, нима ҳаққи бор? Сал нарироқда ахлат қутиси тургани ҳолда кўринишдан гулдек қиз турган жойини бежаб, писта чақарди. Анави дўкончанинг атрофига қараб бўлмайди-я. Ёнгинамизда рангидек сап-сариқ иш кийими кийган фаррош хазонларни йиғиб юрибди. У ҳам одам, фаррошлиқдан кун кўради, бола-чақа боқади. Уни, меҳнатини кибру ҳаво билан оёқ ости қилиб, одам ўрнида кўрмаётганимизни бир зумгина ҳис қилсанчи? Бир кун келиб у ҳам, биз ҳам шу оёғимиз остидаги қаро ердан макон топажагимизни ўйлай олсак-чи? Афсус, биз ўйлаш баҳтидан маҳрумдирмизки, шу ишимиз маърифатсизлик эканини тушуниб етмаймиз, бироннинг меҳнатига муносабатимиздан хижолат чекмаймиз.

... Чет элда таҳсил олган талаба танишимиз Чилонзорнинг 22- мавзесидан бизнинг мавзегача яёв юриб келибди. Сўрашялмиз-у, унинг кўзларида ёш. „Нима бўлди, бирор хафа қилдими?“ дейман. У хориждалигида Тошкентни соғинганидан: „агар юртга оёғим тегса, фақат яёв юриб кўчаларни кезаман“, деб аҳд қилган экан.

— Шаҳримизни шундай кўраман, деб ўйламагандим. Кварталлар оралаб келяпман-у, хўрлигим келади, қадам сари ахлат уюми. Авваллари билмаган эканманми? Азалдан шундай эдикми, опажон? Мени ёмон нарсаларнигина кўряпсан, чет элга берилиб кетибсан десангиз қаттиқ хафа бўлман, аммо... — дейди у кечинмаларини ифодалашдан ожиз.

— Бизнинг маҳалламиз қандай экан? — сўрайман бу ажойиб йигитнинг сўзларидан таъсиранганимча.

— Жуда ёмон. Бофча, мактаб, болалар уйи бор экан атрофингизда. Ҳаво ифлосланиб кетибди, нафас олиб бўлмайди. Наҳотки, сизларга сезилмаса?

— Ҳа, биз ураверсанг этимиз, сўқаверсанг бетимиз қотиб, дегандек ўрганиб қолганмиз. Э, ўғлим, бир-икки,

беш-ўн одам билан бутун бир мавзеда тозаликка эришиш қиин. Кўрганингиздек айрим домларнинг подъездларига бош суқиб бўлмайди, гўё бу ерларда одамларга ўхшаган бошқача бир жонзотлар яшайдигандек. Ҳар хил кераксиз нарсаларини, пўчоқлар-у қолдиқларини тепадан отиб ўтиришаверади. Истаган домингизнинг орқасига ўтиб қарашингиз мумкин. Узоққа бориб нима қиласиз, мана бизнинг домимиз. Орқа томонни кўринг, ахлатхонага айлантириб бўлишган. „Дом“чиликда ўзига хос қийинчиликлар бўларкан. Орамизда инсоний қадриятларни тушунмайдиган, тушунишни истамайдиган, ичкиликка берилганлар, такасалтанглар, Ватан, юрт севгисидан йироқ, миннатга яшайдиган олифталар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Бундайлар билан озодалик, болаларнинг тартиб-интизоми ҳақида гаплашиб бўлмайди. Эшик эшикка тегиб турганидан кейин подъездни фақат қўшнининг келини супиришига ўрганиб қолганлар бор. Шукур, биз кўп миллатли мамлакатмиз, лекин бундай масалаларни ҳал қилишининг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бўлади, гапни дарров миллий масалага бургувчилар топилади.

Хуллас, умрида қўлига супурги тутмагани тутмаган, аммо тепангиздан тўкиб ўтирадиган нусхалар, керак бўлса, тилларини бир қарич қилиб, озодаликка „эътиборсиз ширкат“ларни таңқид ҳам қиласилар. У ахлатини ариққа ташлайверса-да, ширкат келиб тозалаб берса?! Қани энди, атроф-муҳитни тоза тутиш ҳақида кескин қонунлар қабул қилиниб, домларда ит сақлайдиганлар, ўтирган жойини булғаб ўтирадиганларга чора кўрилса, бу бошқа гап. Баъзи подъездларда одамлар шу даражага боришганки, қўча эшик олди у ёқда турсин, ўзи яшаб турган уйга киравериш эшигига бошига тегиб турган ис-қуримни олиб ташлай демайди. Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, қўлларида супурги, подъездларни тозалашгача боришди. Кўриб турибсиз, сиз орзулаган юқори маданиятга етишиш ҳали-бери бўладиган иш эмас. Лекин ноумид эмасмиз...

Меҳмон гапларимни ҳазм қилолмади шекилли: „Наҳотки мен адашаётган бўлсам, — дерди унинг ҳайрон нигоҳлари. — Наҳотки мен гўзал Тошкентимга ўхшаган, аммо кўримсиз бир сайдерага тушиб қолдим?“

— Хафа бўлаверманг, сиз мавзеларнинг ичкари томонларини кўрдингиз-да. Сал нари чиқсангиз, кўзингизни яйратадиган, гулларга бурканган катта қўчалар, обод хиёбонлар, озода жойларимиз кўп. Юртини сиз каби севадиган, ичи жizzиллайдиган ёшлиаримиз бор экан, Европа деганингиз нима бўпти, келажакда тараққиётда улардан ўзиди кетишимиз ҳам мумкин, дедим меҳмон йигитнинг кўнглини кўтариш учун. Аслида, орзуга айб йўқ, шундай бўлишини ўзим ҳам ич-ичимдан хоҳлаб турардим.

„Кўнгил қўчалари“ газетаси, 2008 йил.



БОРИНГГА ШУКР, ЯХШИЛИК

(„Устоз Хандакий“га мактуб)

„Қишлоғингизда чироқлар ўчиб қолса ҳам, сувни эшакда, аравада ташисангиз ҳам, телевизор кўрмасангиз ҳам, ёзган мақолаларингизга қалам ҳақи олмасангиз ҳам, авлиё Хандакийни унутишган бўлсалар ҳам майли, нима бўлганида ҳам сизни барча йўқликлар ва борликлардан қатъий назар ҳамиша тушунив, ҳурмат қилиб, яхши кўриб тургувчи, болаларни, ўқувчиларингизни севганингиз учун қувона оладиган гўзал қалбли рафиқангизни кўргим, сұхбатлашгим келиб кетди...“

„ЎТИШ ДАВРИ“ ҲИКОЯЛАРИ

Инсон ҳаётида шундай учрашувлар, ҳодисалар, сұхбатлар бўладики, ўша вақтда киши унинг моҳиятини унчалик ҳам англаб етавермайди. Дарҳақиқат, мен ўша ўқитувчининг ўрнида бўлганимда, албатта у қилган ишни қилолмаслигимни ўшандаёқ тушунгандим.

„Мен Хандакданман,— деганди у салом-алиқдан кеъин ўзини таништиаркан.

- Жуда яхши, хуш келибсиз. Хандаклар тинчми?
- Сиз Хандакни биласизми?
- Энди билиб оламиз-да.

У шундай жойни билмаган одамдан кўнгли тўлмагандай бир қараб қўйди-да, тушунтира бошлади:

— Самарқанд вилоятида Хандак жамоа хўжалиги (ўша замонда Р.Р.) бор. Қишлоғимизда Хандакий отли азиз авлиё ўтганлигини билишмас экан. Яқинда мен шу ҳақда туман газетасига ёздим, шов-шув бўлиб кетди. Ҳатто ҳоким ҳам билмас экан, — дерди меҳмон ҳокимдай кишининг эъти-

борини тортганигами ёки ўз ишининг самарасигами мамнуният билан.

— Ҳоким бўлгани билан азиз авлиёларга иши тушмаса, қаёқдан ҳам билсин. Мана, энди билиб олишди. Йўлларда қийналмай келдингизми?

— Йўл-ку, ўз йўлига,— деди у нимадандир ҳафсаласи пир бўлгандек кўринса ҳам гина қилиб ўтиргиси келмади чоги, қўлидаги гувоҳномасини саллафан тўрvasи устига кўйиб, ўзининг ташрифи ҳақида гапира бошлади:

— Редакция деган жойга мухбирларни киритмаса, кими киритади? Бу ҳужжат билан Республикадаги барча таҳририятларга кира оласан, дейишганди.

— Ҳа, тўғри. Кира оласиз, — деди ходимлардан бири. — сизни меҳмон деб сийлашган-да. Ўзи ҳозир тартиб-қоидалар ҳам дамо-дам ўзгариб турадиган бўлган. Барчаси хавфсизлик учун. Сиз-у, бизнинг хавфсизлигимиз учун-да. Хафа бўлмайсиз.

— Хафа эмасман, фақат вақт кетади-да, — деди у ўзининг кўринишини хонада ўтирганлар билан кўз уни таққослаб чиқаркан, бошқаларнинг ҳам ўзини кузатаётганини сезиб чимрилиб кўйди. Ҳар ҳолда ўқитувчи деган оти бор. Ўзи дарвештабиат одамми, жуда фалати кийинган эди. Кўринишдан колхозда мол-ҳолларга ўт-сув бериб юрувчи, ҳамма юмуш буюраверадиган ўта мўмин, йўқ, ўта қобил одамга ўхшаб кўрингани билан турмуш машаққатларидан эзилгандек юзида қандайдир тоф ҳавоси қолдирган софлик, руҳ ҳавосининг тозалиги ожиз бир эпкин таратиб турарди. Кўп йиллар яхши хизмат кўрсатган пальтосининг ичидан пиджак сифат бир нарса ва ёқалари бўйнигача қадалган тўқ қизил шотланка кўйлак кийиб олган. Пахта ип ва жун аралаш мато уни миннатдорлик ила иситиб турар, толиққан жисмини ғоят вафодорлик ила қучиб, ўла-ўлгунича садоқат билан хизмат қиласхагидан сўзлар эди гўё. Менга шундай эшитилди. Мен бу фақирона, аммо фахрли қиёфага ярашган, ўзимга ҳам жуда қадрдон бўлган-у, назаримда

анча узоқлашиб кетган самимиятни ҳурмат билан суҳбатга тордим.

— Ўқитувчиман дедингизми?

— Адабиётдан дарс бераман, юқори синфларга. Фалон газетадаги Пистоний (номларини кўрсатмадик. Р.Р.) билан бирга ўқиганмиз. Уни танийсизми?

— Ҳа. Шундай курсдошингиз бор экан, Сиз ҳам Тошкентда қолишни орзулагандирсиз?

— Отам розилигига қарадим, қишлоққа кетиб қўяқолдим. Шундай бўлса-да, туман газеталарига, бир-иккита маърифий газеталарга ёзib тураман.

— Моддий турмуш қалай?

— Мана, шу ергача етиб келдик, бу ёғига ҳам Худо раззоқ, — деди у зўраки жилмайиб, назаримда сезилар-сезилмас хўрсингандай бўлди.

— Мол-ҳол, сигир-бузоқ кўп бўлса керак-да.

— Мени ўзимда битта сигир-бузоқ ва битта эшак бор.

Кўй-пўй деган нарса йўқ.

— Тирикчилик қандай?

— Яшаб турибмиз.

— Аёлингиз ҳам ўқитувчими?

— Йўқ, уй бекаси.

— Болалар катта бўп қолишгандир?

— Бешта болам бор. Каттаси бу йил мактабни битиряпти.

Кичиги олти ёшда.

— Ҳаёт, „ўтиш даври“ қийин эмасми?

— Қийин албатта. Яхшиям вақтида „ўтиб“ қолган эканмиз, — деди у кулгига олиб, лекин ҳеч ким кулмади.

— Нега ундин дейсиз?

— Бурун Тошкентга етти ярим сўм билан келардик. Ҳозир саккиз юз сўм билан келамиз. Бир ойлик бир келиб кетишга етмайди. — У чала уйқудан зўриқкан қовоқларини силаб қўйди. — Неча йилдан бери мақола ёзаман, текинга. Пул йўқ. Хотин, пул топ, дейди. Мен, борим шу, дейман. Тушунади, индамайди. Ўзига сифмай кетган пайтида бир уришиб олади. Яна ярашамиз. Мана бутун Тошкентга келга-

нимни ҳам билмайди. Туман газетасига кетган, редакцияда ётиб қолган, деб ўйлайди.

— Сизга не зарил эди, болаларингизнинг ризқини қир-қиб, шу совуқда Тошкентга келиб?

— Ўқувчиларимнинг ижодларини редакцияларга олиб келганман.

— Почтадан юборсангиз ҳам бўлар эди.

— Эй, почтага ишониб бўладими ҳозирги замонда? Оч қолсам ҳам ўз қўлим билан топшириб кетганим яхши.

— Тўғри-ку-я, лекин ҳаётни яхшилашнинг йўлларини қидириш керак. Ахир шоир экансиз, қишлоғингиздан шундай азиз авлиёлар ўтган экан...

— Шу табиатимиз бўлса, ҳеч қандай йўл йўқ, одамларга бари бир, қандайдир қонга сингиб кетган бефарқлик бор. Ибтидоий тузумдагидек бўлса ҳам яшайверишади. Ўлишмаса бўлди.

— Ўзингиз-чи? Ўзингизга барибир эмасми?

— Ўзимми? Ўзим ҳам бошқалардан ўзиб кетган жойим йўқ. Эшакда сув ташиймиз. Кечқурунлари свет йўқ. Телевизор ҳам кўролмайсиз.— У стол устидаги газеталарга қараб, бир ютиниб олди.— Қаранг, Хандакнинг тушига кирмайдиган нашрлар бор экан. Марказий газетада мақоламни ўқиган журналистлар бизга боришса, мени излаб топишиади. Тоғларга чиқамиз. Бир гўзал жойлар...

— Мехмонларни олиб юрасиз-да. Гўзал жойларнинг қадрига етасиз?

— Битта таскин бериб турган нарса ҳам ўша гўзал жойлар. Худо беминнат яратиб қўйибди. Ўқувчиларим ҳам шуларни шеър қилишади. Ўз туғилган жойларини севишади. Шеърларини марказий матбуотда чиқишини орзу қилишади. Болаларнинг сазаси ўлмасин деб келаман-да.

— Ҳа, қойил қолса арзиди. Аммо шунча жойдан келганингизга яраша, шу болаларнинг шеърлари ҳали матбуотда босиладиган даражада етуклигига ишонасизми?

— Унчалик зўр бўлмаса ҳам илк ижод сифатида ёмон эмас. Берса бўлади, деб ўйлайман. Болалар меҳрга, қўллаб-куватлашга муҳтож. Мана буни эшитиб кўринг:

*,Қишлоғимда тоғлар бор,
Яшил арча, ўтлар бор,
Катта-кичик қүшлар бор,
Қишлоғим гүзал.
Баҳор келса ғуллайды ўрик,
Довуччалар териб ўйнаймиз.
Қиша да эса учамиз чана,
Қишлоғим гүзал...“*

— Ҳа-а. Сизга нима дейишга ҳам ҳайронман. Ҳафа бўлманг-у, шу шеърларни деб оиласизни хавотирга қўйиб, болаларингизнинг ризқини кўчага сочиб... Битта эмас, иккита эмас, бешта болангиз бор экан-а. Шу йўлга сарфлаган пулингизни хотинингизга берсангиз бўларди-ку! — деб юборибман.

У стол устидаги шеърларни тезгина йиғишириб олди. Мен сари норози бир нигоҳ ташласа ҳам юмшоқ овозда изоҳ берган бўлди.

— Гапингиз тўғри. Менинг манфаатимни ўйлаб гапиряпсиз. Куйинманг, болларнинг онаси уддабуррон, бир йўлини қиласди. Мен унга ишонаман, у ҳам менга ишонади. Ўқувчи болалар учун шаҳар тушганимни билса, хурсанд бўлади. Фидойи инсонсиз-да, болаларни, касбингизни севасиз, дейди.

...Яна бир маротаба қойил.

„Ҳақиқий устозлар, балки сиздек бўлишлари керакдир. Албатта сиз Тошкентга ўзроҳатингиз учун эмас, болаларни севганингиз учун келганингиз аниқ“, деб ёзибман дафтаримга. Ўзимча сизга „Шоир Хандакий“ деб от ҳам қўйиб қўйган эканман... бу ерда қандайдир киноя нафаси ҳам сезилиб турад. Ҳа, унга асосим, ҳаётингизда муаммолар қайнаб-тошиб турган бир пайтда ҳаваскорона бир шеърларни деб, болаларингизнинг ризқини қийиб, пул сарфлаб, вақт кетказиб юрганингиз, ноўрин дарвешлик эди назаримда. Аммо қанча уришиб-айтишмасин, ҳафа бўлмасин, қанча камчиликларингизни бир яхши сифатингиз ҳурмати кечи-

рұвчи, „үқувчи болалар учун шаҳарға түшганингизни би-либ, болаларни, касбингизни севасиз“, деб хурсанд бўлувчи юраги кенг рафиқангизга ҳавасим келди. Қишлоғингизда чироқлар ўчид қолса ҳам, сувни эшакда, аравада ташисангиз ҳам, телевизор кўрмасангиз ҳам, ёзган мақолаларингизга қалам ҳақи олмасангиз ҳам, авлиё Хандакийни унутишган бўлсалар ҳам майли, нима бўлганида ҳам сизни барча йўқликлар ва бор-ликлардан қатъий назар ҳамиша тушуниб, ҳурмат қилиб, яхши кўриб тургувчи, болаларни, үқувчиларингизни севганингиз учун қувона оладиган гўзал қалбли рафиқангизни кўргим, сухбатлашгим келиб кетди. Унинг болаларинтиз даврасида кулиб турган чеҳрасини тасаввур қилас эканман, Мусо пайғамбар ҳақидаги бир ривоятни эсладим.

Бир куни Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга дунёдаги энг залил, паст, хор бир одам (махлук) билан ҳузурига келишни буюрибди. Мусо (ас) одамлар орасидан ундей одамни то-полмабди. Энг ёмон деган одамида ҳам бир яхшилик кўра-верибди. Яъни, бировга Аллоҳ гўзал ҳусн берган, бировга мол-дунё, бировга чиройли нутқ, бировга келишган қадди-қомат, бировга сахийлик, бировга куч-қудрат берган экан-ки, уни ҳеч бутунлай ёмон одам деб бўлмас экан. Ахийри бир дарахтга суйкалиб, ишқаланиб турган қўтирир эчкига кўзи тушиб қолибди ва „бундан ҳам хорроқ маҳлуқ бўлмаса ке-рак“, деб уни етаклаб, йўлга тушибди. Бораётса, эчки ос-монга шундай сакрабдики, Мусо (ас) „бу ҳам мендан ях-широқ экан, у қилган ишни мен асло қилолмасман“, дебди-да, эчкини қўйиб юборибди ва Аллоҳ ҳузурига ёлғиз йўл олибди. Шунда нидо келибдики: „Эй Мусо, агар шу эчкини ўзингдан хор билганингда эди, мақоминг етмиш дара-жа пасаярди!“

Мусо: „Эй Аллоҳ, мендек бир ожиз бандангни нима учун пайғамбарликка таңладинг?“ деб сўраганида самодан: „Минг-та ёмонлик ичидан ҳам битта яхшиликни кўра олганинг, бошқаларни ўзингдан яхшироқ санаганинг учун“, деган овоз эшитилган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, устоз „Хандакий“, Сиз ва рафи-қанғиздаги бағри кенглик, муруват, ҳокисорликда бошқалар ва ўзим учун ҳам намуна кўрдим. Айниқса, бир-бirlарининг камчиликларини ҳар қандай жойда ва ҳолатда, газета ва журналларда достон қиласиган эрлар, хотинлар, оталар, оналар... нинг төғ-төғ хатлари кўз олдимдан ўтди. Энг ачинарлиси эса, аксарият ўқувчилар учун ҳам бирор ҳақидаги яхши мақоладан кўра, бошқа бирорнинг дарди-ҳасрати, гийбати қизиқарлироқ эканини айтмайсизми? Ё бошқачами?

Хатимиз охирида авлиё Хандакийга руҳан қўл берган устоз „Хандакий“ни ва барча қишлоқлик дўстларни 2009 – қишлоқлар обод бўладиган йил, яхшиликлар йили билан табриклаймиз. Кўп қишлоқлар қатори Хандак қишлоғи ҳам обод бўлажақдир. Чунки у ерда „Хандакий“ домланинг аёлига ўхшашиб иродаси төғ, юраги булоқ, фидойи ва қалби боғ дугоналаримиз, опа-сингилларимиз, табиатнинг ўлмас гўзалигидан ҳайратланувчи, қимиirlаган қурт-қумирсقا-ю, ҳар бир гиёҳда ҳикмат ва яхшилик кўрувчи, инсонлар яшайдилар. Борингга шукр, яхшилик!

„Оила ва жамият“ газетаси, 2009 йил 5-март



НУФУЗ ЁКИ „ХОРАЗМ МАДОННАСИ“

(Шайх Абдулазиз Мансур домланинг
„Кийиниш ҳам одоб, ҳам ахлоқ“ мақоласини ўқиб)

Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмай, яъни, ўта очиқ-сочиқ кийингланлар-у, ўта қора чодраларга бурканиб, „ўзини излаётган ва ҳамон тополмаётган“ биз аёллар қавми шаънига заррача бўлсин маломат қилишдан холи, ўзбекона андиша, виқор ва улуғворлик ила, таъбир жоиз бўлса, оталарча, оғаларча, устозларча ёзилган бу мақоладан, рости, қаттиқ таъсирландим. Миллат шаъни, ғуури, ватанга муҳабbat туйғулари билан сугорилган кенг қамровли мулоҳазалар шунчаки газета саҳифаларида қолиб кетмаслиги керак, кечди кўнглимдан. Бундай мақолалар мактабларда „одобнома“ дарсларида, „Камолот“ ёшлар ташкилотларининг маърифий йиғилишларида, жойлардаги маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тадбирларида „муҳокама учун мавзу“ сифатида эътиборга тушажаги ва албатта эшигувчига яхшилигини юқтиражаги билан қимматлидир.

Мақола сабаб, касб тақозоси баъзи хизмат сафарларими ни эсладим. 1986 йил бўлса керак, Марказкомнинг „Қишлоқ турмуш маданияти“ни ўрганиш юзасидан тузилган „нуфузли гуруҳ“лардан бирида „Саодат“ журналидан мухбир сифатида сафарга чиқдим. Вилоят марказидаги хос меҳмонхонага жойлашдик. Гуруҳимиздаги лавозими энг кичик ходим мен эдим. Иккитадан, учтадан хоналарга жойлашиб бўлгач, раҳбар бошлилигига вазифалар белгиланди. Навбатдаги пленумга аҳолининг яшаш тарзи, китобга эътибори, уй тутиши ва ҳ.к. ни ўрганиб, зўр материал тайёрлаш учун

Эртадан маҳаллий гурухларга биттадан қўшилиб, иложи борича кўпроқ маълумот йиғишимиз керак. Ким бўлмайлик, аёлмиз-да, эрталаб барвақт туриб, кийиниб-тараниб бошладик. Нуфузли ташкилотдан бўлган дугонамиз соchlарини бир неча бор тараб, йиғиб, яна бузиб тараб, ўзига маъқул бўлгунича ойна олдида туриб қолди. Ва охирида тарогидаги соchlарни худди қўллариға илашиб қоладигандек бармоқ учларида олиб, оёғи остига, гиламга ташлади! Шундай қилиб „аҳоли турмуш маданиятини ўрганиш“ учун бизни кутиб турган машиналарга миниб жойларга чиқиб кетдик. Оилаларга кириб, уларнинг ошхоналари, болаларнинг дарсхоналари, уй тутишлари, кийинишлари билан танишар эканмиз, нуфузли ходиманинг гилам устида ёйилиб қолган соchlари кўз олдимдан кетмасди... Расмий маълумотнома бақувват тайёрланган бўлса ҳам журналга деган мақолани амаллаб ёзиб бериб, ён дафтаримдаги таассуротларни „Балиқ бошидан сасийди, аммо думидан тозалайдилар“, дегани шу экан-да, деб хulosалаганим ёдимда.

Телевизорлардаги беодоб клипларни, баъзи санъатдан йироқ қилпанглашларни кўрганда, буларнинг режиссёрлари, агар бор бўлса, бадий кенгашлари нимага эътибор беришмас экан, деб ўйлайсиз. Бундан ўн йилча олдинми, бир байрам муносабати билан бир гуруҳ ижодкорлар суҳбати ёзилаётган эди. Шунда аёллардан бирининг кўйлак ёқа ўймаси сал паст тушиб, кўкси очилироқ қолган эканми, режиссёр ёш йигит, кўрсатув муаллифини ёнига чақириб, аёлнинг ёқасини тўғрилаб қўйишни шивирлаб илтимос қилди. Ташқи кўринишдаги кам-кўстлар тўғриланганидан кейингина сувратта олишга рухсат берди.

...Бир куни „Саодат“ жамоаси ва „Фунча“ журнали қизлари бир тадбир муносабати бетоб ётган журналист Насима опа Юсупованинг уйига бордик. Насима опа ёлғиз турардилар. Ҳовлига киришимиз билан „Фунча“нинг бош муҳаррири Яира опа Саъдуллаева дарвоза бурчагидаги челак ва супургини олиб, „қани қизларжонлар“, деганларича ишга тушиб кетдилар. Шунча ёшлар туриб, ҳеч кимнинг хаёлига

келмаган ишни бошлаб юбордилар. Раҳматли Насима опа хасталаниб, уйларига ҳам қаролмай қўйган эканлар. Бир пасда ҳамма ёқ чинни-чироқ, сувлар сепилиб, ҳовли ярақлаб, Насима опамизнинг ҳам кайфиятлари кўтарилиб қолди. Қачон камтарлик ва гўзалик ҳақида тап кетса беихтиёр исми жисмига фоятда муносиб, ҳозирда ҳам одамларга яхшилик юқтириб яшаётган, гўзал қалбли ижодкор Яйра опамларни эслайман.

Мақолага қайтар бўлсак: „*Қандай кийинишига қараб инсоннинг ички дунёсига, маънавиятига баҳо бериш барча ҳалқларда ҳам одат тусига айланган*, десак хото бўлмайди. Қолаверса, ушбу хилма-хилликда ибо, ҳаё, шарм каби илоҳий тушунчалар, ранглар борки, уни хиралашириш, рангини ўзгартириш ва ёки тархини бузиш мумкин эмас. Ушбу мажозий илоҳий ранглар, бичимлар қадимул айёмдан ҳалқимиз томонидан олий қадриятлар даражасида ардоқланган. Ана шу ранг ва бичимлар асосида миллий, ўзига хос либосларимиз туркуми шакланган. Унутмайликки, аждодларимиздан қолган кийиниши маданияти – ўзлигимизни англатади, асрлар шиддатига дош берган иродамизни, сабру қаноатмизни, пок умидларимизни ифода этади“, дейилади унда. Мазкур банд кишини тафаккур қилишга ундейди. Асрлар шиддатига дош берган момо мерос иродамиз, наҳотки йигирма биринчи аср қуюнида чирпирак бўлиб кетган ва кетаётган бўлса?! Йўқ, бу саволга жавобни ҳар ким ўзидан қидириши керак. Шу ўринда ўзим миллий ғуур ва ирова тимсоли деб билганим, турли қасб эгалари бўлган таниш ва нотаниш аёллар сиймолари кўз олдимдан ўтдилар. Улардан бири...

Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шакаржон Хўжаниёзовани сиз ҳам билсангиз ажабмас, азиз газетхон. Агар ТВ „Ахборот“ кўрсатувларини мунтазам кўриб борар бўлсангиз, Республикализнинг нуфузли йиғилиш ва анжуманларида жамоа ичида ярқ этиб кўзга ташланувчи, костюмдами, кўйлакдами бўлмасин, сариқ ёки яшил сим рўмоли ўзига ярашган, мутлақо ўзига хос бу аёл, гўё фитратингиздаги анчадан чанг босган ғуур

тушунчасига яқин нозик бир нуқтани титраттанича, кўзингизга иссиқ кўринса ажабмас. Хоразм қизи Шакаржон хоним шу киши бўладилар. Балким, оддийгина қишлоқи аёл экан-да, деб ҳам ўйларсиз. Аммо Шакаржон хонимни яқиндан танисангиз, шубҳасиз Шайх домламиз таърифлаган барча гўзал ва мард сифатларни унда кўрасиз-у, ич-ичдан меҳрингиз товланганини англайсиз. Мен хизмат сафари билан Хоразмга боргандаримда Шакаржон хоним билан тўйибтўйиб гаплашган бўлсан-да, унинг хоразмча, соф ўзбекона лутф-у, назокатини ҳозирда ҳам кўп қўмсайман. Узоқ йиллар Богоғ тумани ҳокими ва айни пайтда вилоят ҳокими ўринbosари бўлиб ишлаётган Шакаржон хоним ҳакида ёзувчи Комил Аваз „Кўнаға“ номли китобида шундай ёзади:

„Ҳар қандай ҳолатдаям ўзбекона либосини тарк этмайдиган, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран соддагина бу олия аёлнинг турган-битгани мақол. Баъзан каттароқ вазифадаги одамлар иши оғирлигидан нолиб зорлансалар, у :

— Туя ничалли, ёвури шунчалли, — дейди.

Билҳақ, Шакаржоннинг айтимида улкан маъно бор. Туя қанчалик катта бўлса, ётиб-турганида, юқ ташиганида, оёқ-қўллари, ён қоптоллари шунча кўп қирилади, яғирлари яраланиб қотиб кетади, унинг юки салдомига лошиқ-да. Биргина мақол билан ўзигаям енгил эмаслиги баробарида сұхбатдоши ни улуғлаб қўяди.

„Дала шийлонларида, аёллар кўпроқ йигилган қай бир йигинларда беихтиёр уй бекасига айланади, меҳрибонона дилидагини тўкиб солади:

— Ҳамирни ярим соат зиёдроқ қориб, қаттиқ муштлаб, даминиям меъёридан оширмай тоблаб, тандирни гўзапояяд обдан оқартириб ётган нонингизни икки томони ҳам бир текис қизариб чиқса, меҳнатингизнинг роҳатини бирорвга бемалол тушунтириб бера оласиз...“

Ушбу ўринда бир журналист дугонамнинг гаплари ҳам ёзувчининг фикрларига жуда мос тушгани учун айтиб ўтишни лозим топдим. „Жуда ажойиб аёл-а, ҳеч ўзгармайди. Қанча

аёллар матбуотда кўринишга ҳавасманд бўлгани ҳолда, у кишим фотомухбиримизга сувратини ҳам олдирмади, шарт эмас, дейди“.

Яна ўзим гувоҳ бўлганим бир ҳолат, Республика Хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарларининг пойтахтда бўлиб ўтган бир анжуманида хоразмлик вакилларни суриштирсан, учта-тўртта машҳур аёллардан бири: „Шакаржон опанинг группасини изляяпсизми? Ҳуванави қаторда ўтиришибди, яшил рўмолларини кўряпсизми?“ деб жавоб берди. Яна биттаси бўлса: „Шу Шакаржон опа, ўша рўмолдан вақтида, роса пачкалаб олиб қўйган эканлар-да, қаранг. Бир залда битта ўзлари-я!“ деди самимий кулиб. Ҳа, Шакаржон хоним беш-олтита ҳамроҳлари билан танаффусдан олдинги маърузани муҳокама қилиб ўтиришарди. Улар ортиқча пардозсиз, зиёли-ишбилармонларга хос сипо кийимлари, дадил нигоҳлари, ўзаги бутун фикрлари, талаффузларининг ич-ичига сингишиб кетган,райҳон тароватли нозлари, яна нималари биландир гўё, миллий руҳиятли ўзбегим боғидағи „Хоразм чаманининг ўзгинаси“ эдилар.

...Шакаржон опа билан вилоятдаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини ўргангандаримиз кўз ўнгимда. Мен улардан: „Ҳозирги кунда Хоразм ҳалфалари деганда одамлар кўпроқ тўйларни гуллатадиган қўшиқчи, яллачи аёлларни тушунишяпти. Биласиз, аслида ҳалфа дегани, отин — диний маърифатли аёл, устоз деганидир. Улар маросимларни тартибли ўтказиша бош-қош бўлганлар. Ҳозирда улар хизматидан фойдаланиш қандай?“ деб сўрадим. У:

— Ундей ҳалфаларимиз ҳам бор. Ҳатто уларнинг уюшмасини ташкил қилганмиз. Тўй-маракаларни кам чиқимли, маърифатли ўтказища улар бизга бажонидил ёрдам бермоқдалар, — деб жавоб берди.

Гапимиз қуруқ бўлмасин, деб бир неча жойлардаги тўйларга ҳам бордик, кўрдик. Пиру бадавлат онахонлар билан сұхбатлашдик. Қаерга бормайлик, Шакаржонни момолар қизим, деб ёшроқлар опа, деб қучоқ очиб кутаётгани-

даги самимиятдан илҳомландим. Сўзлари аниқ, фикрлар лўнда, ёзувчи тарифлаганидек мақол-у, матални жойига кўйиб, қотириб гапирадилар. Бирор жойда ўзини катта олиб турмаган, аёллар билан худди опаси, синглиси билан кўришгандай кўришиб, кўпчилигини исмлари билан атаб сўзлашгандарида хотираси-ю, меҳр-оқибатига ҳавасим келган. Халфа момолар билан халфалардек оят-ҳадисдан, жаҳолатга қарши маърифатдан баҳс юритганида, „халқнинг ўти билан кириб, кули билан чиқа олиш“ учун раҳбар том маънода ана шундай зиёли бўлиши лозимлигини кашф этдим. Президентимизнинг „ПФ-3434“ сонли Фармони, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимидан кўзланган мурод ҳам шу-ку.

Суҳбат асносида ундан „Йигирма биринчи аср юртимизда аёлларнинг кийинишларига катта таъсир кўрсатди, ёшларни-ку қўятурайлик, катталар – раҳбар, ишбилармон аёллар, айниқса, санъаткорлар жамоасида тубдан бурилишлар ясади. Сиз нега „имидж“ ингизни ўзгартирмаяпсиз?“ деб сўраганимда у кулиб, бир қизиқ воқеани гапириб берди. Чет эллардан ҳам аёллар иштирок этадиган бир нуфузли анжуманга таклиф қилинган Шакаржон (чинми, ҳазиллашишганми, „топшириқ“ қа кўра) ўша йиғинга „деловой костюм-юбка“ кийиб, соchlари прическа, бош яланг, пошнали туфлида келиши керак экан. Ҳатто бир пайтлари Масковдаги йиғилишларга ҳам шу ўзбекона кийимларида боргансми, ўзини „супер замонавий“ кийимда тасаввур қилолмай, роса боши қотибди. Ростдан ҳам кимdir топширган бўлса, пулга зиқналиқ қилган деб айтишмасин деган андишада умрида қилмаган ишни қилиб, айтилган нарсаларни сотиб олиб, ўша ерга боргандга бир гап бўлар, балки бир лозимандага ўтиб кетар, деб сумкага жойлади...

Кийдингизми ахир десам, эй сўраманг, дейди-ю, хижолатли кулади...

Мен ҳам уни ўша кийимларда тасаввур қилмоқчи бўламан-у, ҳеч кўз олдимга келтиrolмайман. Унинг шу туришлари „қандай бўлмасин, Шакаржон Шакаржонлигича қола-

ди“, деяётгандай. Эгнида пуштига мойил гулли, ёқалари бўйинларини оҳиста қучган, енглари, этаги узун помбархит кўйлак, оёғида юришга қулай туфли, бошида ўзига ярашган рўмоли, чехрасидан нур ёғилади. Кейинчалик ҳам уларни қачон ўйламай, ўша туришларида кўз олдимга келали, вақт ўтган сари, наздимда у Шакаржон хоним эмас, „Хоразм мадоннаси“га айланиб боради. Ичимда қолиб кетган саволлар тинчлик бермайди, у билан яна бир кўришишни, „Лачак, ёки хоразмча бош ўраш“, аёл дунёси, либослар тарихидан суҳбатларини қўмсайман.

Кашф қилганимиз шуки, бир кун келиб, ҳар қандай мансаб, бойлик, мартабанинг, ҳар қандай мўданинг нуфузи синиши мумкин, аммо ўзлигимизни англатувчи қадриятлар қадрланар экан, комил инсон шахсияти, миллий гурур нуфузи ортиб бораверади.

„Оила ва жамият“ газетаси“
2009 йил июнь



ОМОН ҚОЛГАН БОЛАЛИК

(Ўтмишдан бугунга)

„Янги ўқиши йилига З кун қолганда уйга кетамиз“. „Нега?“ „Энди зўрга оқардим деганда яна қоп-қора бўлиш кимга ёқади?“.

Узоқ қишлоқдан келган меҳмонларим, энди ўн учга кирган, бутун ёзни пахта даласида, пудратда ўтказган қизчалар, бизнинг омон қолган болалигимиз мевалари – мурғаклар сухбати менинг ҳаёлларимни узоқ-узоқларга, асри-мизнинг 70-йилларга олиб кетади. Ўша йиллари биз 6–8-синфларда ўқир ва ўқишдан кейин далага чиқардик. Оғир меҳнат худди ўша қизчалар каби бизнинг ҳам кўзимизни жойига солиб улгурган, даладан, пахтадан аллақачон бездирган эди. Начора, кўзингни очар-очмас нигоҳинг далага тушади. Қаёққа ҳам қочиб қутиласан? Пахтазор дегани томорқаларимизга, дарвозаларимизга тегиб туради. Күёш нури еру-кўкни куйдирали, бошингиздан қўйган тер ўқчангиздан оқади. Бошларида оқ дока рўмол, пахтанинг ширасидан кўрқиб, кўйлак устидан юбка-этак кийиб олган қизлар қатор-қатор тизилишиб кетмон чопамиз. Меҳнатнинг сехри ҳам, азоби ҳам чексиз эди.

Келинчаклар шундай қўшиқ айтишардики, ўсмиirlар бу ширали ва дардли овозни эшитиш учун ҳам улардан қолиш-масликка ҳаракат қиласардик.

Турган битгандари қўшиқ эди уларнинг, баҳсма баҳсга қўшиқ тўқишарди. Оқил бийи, Ҳожар бийи, Ўғилжон янгам, Ободон янга, Саражон бийи, Рўзигул янга, Жамила бийи, Чийни опам, Салимахон, Тўтихон, Гулжамила, Солия галин, Гулсара янга, Гулой янга, Жумагул янга... Бу келинчаклар қадди қоматлари расо, келишган, соchlари

түссиdek қора, қүёшдан қорайиб кетган қўллари, чехраларидан файрат ёғилар, кўзлари (мен энди англаб етганим эзувчи қора меҳнатга қарама-қарши) чақнаб турар, ишлаб, куйлаб чарчамас эдилар. Бу келинчаклар ғоят баҳтили эдилар. Уларнинг эрлари ҳам шу далада, кўпинча чорвада, ўт-чўп жамғаришида, молхонада, (ўғит) дорида, ҳар хил ишларда ишлашарди. Баъзан колхозимизнинг ҳозирги Элликқалъа туманидаги ерида 15 кунликка кетишарди.

Пахтамизга қорадириң деган курт тушиб қолар, биз шунда докаларга дуст (оқ бурга дори) солиб, элакдан элагандек сепар эдик, оғизларимизни боғлаб олардик, баригири эгатни ташлаб чиқмас, уни хаёлга келтирмасдик. Умуман тупроқ тагидаги қуртни ўлдирган дорининг одамга таъсир қиласажаги ҳеч кимни хаёлига кириб ҳам чиқмасди. Энди билсан, тиббий тушунчасиз, гирт маърифатсиз ва онгиз эканмиз ўша пайтларда. Ахир майли биз гўдак эканмиз, ҳидни биз билан бирга ҳидлашиб юрган бригада бошлиғи ва табелчилар нега бу ҳақда ўйламадилар? Назаримда қимирлаган жонки, сиёсатнинг сеҳридан буринлари ҳид билмаганидек, қулоқлари кар, кўзлари ҳам кўр эди. Одамларнинг жон-дили пахтани асраш бўлиб, ўзбек деҳқони жонини шу муқаддас ишга тиккан эди. СССР деган қудратнинг пахта мустақиллигини таъминлаш фахри кимларгайдир орден-медаллар, санатория ва саёҳатлар тақдим этган бўлса, афкор омманинг қонини зулук каби сўргани сўрган.

*Пахта менинг жонимсан,
Болам, онам, отамсан,
Акам, эрим, жигарим,
Бошга битган балосан...*

Ғўзанинг ҳам турли касалликлари бўлар экан.

Гувиллаб ўсиб турган яшил дала бир қарасангиз мунғайиб елкасини қисган, унга оқпалак деган оғат дориган бўларди, ана шунда галинбийи (келинойи)ларнинг куйибёнгандлари, қора гўтим (хуфтани)гача отизда қолиб ишланандлари, орқаларидан эрлари келиб обкетгандлари эсимда. Колхоз радиосида тушки, кечки эшиттиришда ударник (ил-

фор)ларнинг рўйхати ўқилиб, уларга колхоз правлениеси, партия ташкилотининг миннатдорлиги билдириларди, ил-форлар икки метр чийғи, гоҳо икки мегр баҳмал билан му-кофотланиб, қолоқларга ҳажв сўзлари айтилар эди.

Хуллас, ҳамма нарса – ҳаётимиз, ўлик-тиригимиз пахта асосига қурилган эди. Далага пропагандистлар келадиган кунлар энг қизиқарли кунлар бўларди. Тўқимбетов деган тарих ўқитувчимиз шундай чиройли маърузалар қиласр эдиларки, бурга дори анқиб турган қўлларимиз, елкаларини қуёш еб кетган кўйлакларимиздан ҳижолатликни ҳам унуби, сехрли бир дунёга кириб кетардик. Биз дунёдаги энг бой мамлакат – америкаликлардан 80-йилларда ўзиб кетажагимиз ва ададсиз моддий бойликларимиз, куч-кудратимиз билан осмонларда, жуда баландлаб учар эдик. Нега учмайлик, ахир домла айтаптиларки, меҳнат эрталаб юзни ювиш каби заруратга айланади, одамлар меҳнатсиз туролмайдилар, ҳар ким имкони борича меҳнат қиласди ва эҳтиёжига яраша ҳақ олади. Масалан, бир олим ойига минг сўмлик фойда келтириши ва эҳтиёжига яраша 100 сўмгина ҳақ олиши, бир одам эса соғлиғи туфайли ишлай олмаслиги, аммо умуммоддий бойликлардан керагича фойдаланиши мумкин. Бойликлар тоғ-тоғ уюлиб ётади, лекин ҳеч ким унга қайрилиб қарамайди, чунки одам ейиш учун яшамайди, яшаш учунгина ейди. Агар одам ейиш учун яшаганида бир кунда нафсдан ёрилиб ўлади. Одам оламга, табиатга эга бўлади ва уни ўзига бўйсундиради, бойликлар яратади. Худо деган йўқ нарса, тақдир деган пуч гап. Одам ўз тақдирини ўзи яратади.

Домлага ишонар, устоз таъбирича „Худонинг курдати“ каби бекорчи гапларни миямиздан чиқариб ташлардик. Сарқитдан қутилолмаган қолоқларнинг устидан кулар эдик.

... У киши „Жанговор варақа“ – дала газеталари тайёрлаб келар, биз эса Америкадан ўзиб кетадиган, оламга эгалик қиласрдиган шаклан миллий, мазмунан социалистик жамиятнинг яшин тезлигидаги тараққиёти акс этган чизмаларга маҳлиё тикилардик. Дунёга эга бўлиш учун албатта

биз пахта етказишимиз, жағон пахта бозорини тұлдириб ташлашимиз керак зди. Бунинг учун биз бир файратта ўн файрат құшиб 7 ёшдан 70 ёшгача ўз ўрнимизни пахта дала-сида, деб билар здик. Биз комсомоллар зафар эстафетасини құлдан бермаслигимиз, миллий ифтихоримиз, сиёсий құдратимизга айланған пахта учун курашмогимиз, ҳар бир виж-донли кекса камида мактаб дарслигидаги „Назир ота“ шеърида таъкидланғанидек, осмондан ёмғир тугул тош ёғса ҳам „*барибир пахтани териши, бир граммини ҳам қолдир-масдан ҳукуматга түплас бериши*“ лозим зди.

Чолларки, ўрнини далада деб билган экан, ёшлар учун 40 даража иссиқ нима деган гап? Кимники юрагида ўти бўлса, ҳалол меҳнат билан қозон қайнатаман, бола-чақа боқаман деса соат иккита ишга чиқади, — дер зди звено бошлиғи Отахон ака, — тушлик 12 дан 14 гача. Пахта сиёсатимиз, обрўйимиз, пахтадан бўйин бурганинг бўйни бу-ралади, косаси оқармайди, бири икки бўлмайди.

7-синф пайтимизда ёши биздан анча катта Қурбонбой исмли синфдошимизнинг отаси оламдан ўтди-ю, Қурбонбой яхши баҳоларга ўқишига қарамай тракторчига шогирд тушиб кетди. Чунки фўзага хлорофос сепиш пайтларида тракторчиларга имтиёзли ҳақ тўланар экан. Қурбонбой синфда-ги энг бўлали, бақувват болалардан зди. Тез кунда тракторни ўзи бошқарадиган бўлди, эстафетани қўлга олиб, ҳатто қўшни бригада фўзаларини ҳам дорилаб берарди. У нисбатан яхши ойлик олиб оиласини боқишиди, лекин айни кучга тўлган йигитлик йилларида касалманд бўлиб қолди... (унинг бутефос, маркаптафос дорилар туфайли касал бўлганини орадан ўн йиллар ўтиб ҳам билмаганимиз).

Тўғрисини айтганда, самолёт устимиздан дори сепаёт-ганида ундан қочищдан кўра, самолётдан ёғаётган сар-фиш, кўкиш ёмғирни томоша қилиш мароқли зди. Катта-лар оғизларини ўраб олишарди. Айни ёзинг ажойиб кунлари ҳашаротларга қарши мавсумга тўғри келиб, қанча мевалар ҳам дори тагида қолиб кетарди. Дори туфайли қишлоқдаги асаларилар қатори бизнинг ҳам ўн беш кути аса-

ларимиз қирилиб кетди. Пахта мустақиллиги деңқонни за-
ҳарли ҳаволар билан ана шу тарзда мукофотлаганини йил-
лар үтиб билимиз...

Машина теримиға тайёргарлик ҳам бир мавсум бўлиб, баргни тўкиш учун яна еру кўқдан заҳар сепиларди. Барглари тўкилган даланинг гир айланаси машинага мослаб гўза-
пояси чопилиб, дала четларига чиқариб қўйиларди. Машина майдон четидаги пахталарни теришга қўпинча Ўғилжон янга, Галинбийи, Анажон, Саражон бийилар юборилар, улар ўзларига берилган бу ишончдан фахрланиб, қийғос очилган „оқ олтин“га ҳавасланиб, заҳарли далаларда жавлон уришар ва ўн кунлик якунида одатдагидек икки метр чийғи ёки уч метр атласга эга бўлишарди. Биз эса зоф — чаман очилган пахталарни тераётган бу азамат жувонларга ҳасад ва ҳавас билан қарап, баъзан машина теримиға ажратилган, дори ҳиди бисқиб ётган далаларга ўғирликка тушар эдик. Тарози бошида пахтамиз ўзини фош қилиб, табельчидан дакки эшигардик. Дакки нима бўпти, эшитсан эшитибмиз-да! Ахир 180-200 килодан пахта териш осонми? (Пахтага дастлаб 1,5 тийин, кейинроқ 1,8 ва 2 тийиндан тўлашарди). 100 кило пахта терган киши бир ярим сўм ишлайди!

Ўша азамат жувонлар орасида менинг (50 ёшда раҳматлиқ бўлиб кетган) Ўғилжон янгам ҳам бор эдилар. Ўғилжон деса Ўғилжон дегудек эди-да, Тангри бизга кўп кўрдими ё заҳри қотил енгдими ишқилиб, ахийри озиб-тўзиб, сарғайиб, кўсаклари шилиб олинган гўзапоядек адойи тамом бўлди.

Мен Ўғилжон янгамни ва унинг ҳаётдан 45—50 ёшларида кўз юмган пахтадош сафдошларини эсласам дориланган пахтазорлар-у, ажал ҳавосини ҳавас билан симирган, алданган ватанпарварлар кўз олдимга келаверарди. 60—70 йилларнинг заҳарли ҳаволарини баҳсма-баҳс симирган тенгдошларимни кўрсам ўртанаман. Ўша давр ёшлари ҳозирда бирортамиз ҳам соғлом эмасмиз. Ҳар биримизнинг ўзимизга яраша касалимиз бор. Мен-ку пахтадан вақтироқ кутилдим.

Лекин қүёшнинг аёвсиз тиғида ўнгиб кетган рангсиз чехралар, томирлари бўртган саночдек қўлларни, ўз касаллиги тарихини шундай очиқ кўрсатувчи шиш жуссаларни... кўрганимда бошимиздан сепилган сарфиш-кўкиш ёмғир „хосиятини“ кашф қиласман. Пестицидларнинг ўзимиздан кўра наслимиздаги аксини ўйлаган сари даҳшатта тушаман.

Касаллик варақасида шундай савол кўп такрорланади: „болаликда қандай юқумли ёки оғир касал бўлгансиз, наслингизда, ота-онангизда бормиди бу касаллик?“

Биз бахтли авлод эл қатори қизамиқдан омон ўтган ва соғлом эдик. Пахта касалликларига сепилган дорилардан ҳам омон ўтдик, аниқроғи дорининг қувватини наслимизга қўшқуллаб узатганимизни билмасдик. Чунки биз тиббий саводсиз эдик. 1960-70 йиллар қишлоқ ёшлари қуллик до-вонларини ана шундай мамнунлик ва бахтиёрлик билан ўзлаштирган ва эгаллаган эдик... Бизнинг бу фидойиликли-римиз ўзимизга қандай қимматга тушган бўлса, шўр пешона еримиз, сувимиз, ватанимизга, наслимизга ундан ҳам кўпроқ қимматга тушганини бугунда ҳеч ким инкор қилолмайди. Чунки омон қолган болаликнинг бугунги етуклиги ва касалманд нигоҳларида ватан тутган замон юкини на ўтмиш, на бугун, на келажак яширишга қодир.

Тарихга айланган кечаги кунни ёдга олар эканмиз, чор империясининг тарихий қарори ва ҳукмидан ҳайратга тушамиз. „Бу ҳалқда иложи борича кўпроқ пахта эктириш, уларни иложи борича кўпроқ ишлашга мажбур этиш керак, токи бир зум ҳам ўйлашга, кундалик воқеаларни англатга вақти ҳам қолмасин“, деган экан Туркистон генерал-гу-бернатори Кауфман жаноблари. („Ҳалқ сўзи“ газетасининг 19/XI— 92 йил, 226-сони). Губернатор жанобларининг ниятлари васият эканми, сабиқ совет сиёсати пахтага шу қадар эътибор бердики, инсон ҳукуқлари поймол этилди. Бизнинг аянчли болалигимиз бўш чаноқларда дирдираган қиров каби мурғак вужудимизда неча тўнгиб, неча эриди.

Профессор Солихўжаевнинг тиббиёт институти студентлари учун „Гигиена курси“ қўлланмасида қайд қилинган

ушбу жумлаларга нима дейсиз: „*Пахтани тик оёқ туриб, эглиб терилгани учун ҳомиладор аёллар ҳомиладорликларининг тўртингчи ойидан бошлиб қисқартирилган иш кунига ўтказилади ва уларнинг иш меъёрини камайтирилади. Ўсмирларга 18 ёшигача паҳта тершига рухсат этилмайди*“.

Ажабо! Хуллас, мақсадимиз соғлом авлод экан, бола-чақа ку-чига таяниб пудрат олиш инсофисизлик, ўзлик туйгуларимизни англамаслик, меҳнатни зулмга айлантириш, инсон ҳақ-хуқуқларини поймол қилиш билан баробардир. Меҳнатсевар халқимизга ўзининг аввало инсон, одамлигини англатиш вақти келди. Бу аввало мустақиллигимиз, эркимиз тақозоси, экан, болаларимизни эзувчи оғир меҳнатдан асрайлар, азиزلар.

Бу 70-йиллар болалиги, ўсмирлигининг омон қолган кўксидан отилаётган илтижо, талаб, чақириқ эди. Зеро юртимизнинг бугуни ва эртаси соғлом авлод билангина ободдир.

„Сиҳат-саломатлик“ журнали, 1991 йил, 3-сон.

Ибрат бекатлари

„АҚЛЛИЛАР САЛОМЛАШМАЙДИ...“

„Ақл берилган ҳолида не бир күйларга түшиб, бири бирининг қонини ичиб ётган одамиздыга ақл берилмаганида нима бўлар эди?“

(Суҳбатдан)

Ишхонамизга киравериш зинапоя майдончасида элшунос олим, устоз Билол Аминовни учратиб қолдим. Отахон чехрасидан нур ёғилиб, сўрашдилар. „Келинг устоз, биз тарафларгами?“ – дедим.

– Сизларда ҳам ишим бор ўзи, асли. Шу опахон (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси)ни бир қулай фурсатларини топиб, айтадиган гапларимни айтмоқчи эдим. Яхши ишлар қиляпсизлар... Раҳмат. Биз энди нафақадаги одам, барибир қараб ўтиrolmas эканмиз. Бир минутга вақtingизни оламан, ўзим ҳам шошиб турибман. Сал четроқ чиқайлик.

Ўтган-кетганга ҳалақит қилмайлик деб зинапоя майдончasi бурчагига ўтдик.

– Шу, гапнинг қисқаси мен „Меҳржон байрами“ ҳақида гаплашмоқчи эдим. Хотин-қизлар кўп яхши ишлар қилишяпти, эл орасида юришибди, кўп маъқул қадриятларимиз эсланяпти. Аммо мен бир нарсага ҳайронман. Бир қанча ёшлар, ёши каттароқлар билан ҳам сұхбат қилиб кўрдим. „Меҳржон нима ўзи?“ дейишиди. Шундай байрамни билмайдиган ҳолга келибмизми? Ҳалқимиз бурунда Ер юзига меҳрини сочиб, борлиққа ҳаёт ато этгани учун ҳам Қуёшни Меҳржон дейишган. Айни пишиқчиликда Қуёш – Меҳржон байрамини нишонлашган, бир-бирларига ноз-неъматлардан улашишган. Баҳорда гул сайли, гуллар байрами –

Наврўз бор. Ёзда қовун сайлимиз, кузда Мехржон, қишида ялдо кечаларимиз бор. Унутилиб кетяпти. Шу масалани күтариб неча жойга бордим. Гапингизни эшитгандай туришади-ю, кўзларига қарасам, хаёллари бошқа ёқда. Ё мен шундай тушунадиган бўлиб қолдимми, дейман. „Мехржондай байрам“ни унутиш мумкин эмас. Қуёш бутун оламга мөҳрини сочиб, ризқ-рўзларни пишириб беради. Қаерга қараманг, тўкин-сочинлик. Ҳамма хурсанд. Шаҳар қиплоққа, деҳқонга раҳмат айтади, Аллоҳга шукrona ёғилади, карнай-сурнай чалинган, „катта ашула“лар олам бўйлаб таралади... Нимасини айтасиз, Хотин-қизлар қўмитаси мана шундай унутилиб кетаётган халқ байрамларимизни тиклашни ўз қўлларига олсалар иш осон кўчади, демоқчиман...

Домла илҳом билан гапираётган жойида бирдан тўхтадилар. Менда бир безовталик сезгандай кулиб, ҳа, сиз ҳам шишиб турибсизми, дедилар.

— Йўў-қ, мен сизни қизиқиш билан, астайдил тингляяпман. Е бошқача кўриндимми? — дедим мен устознинг андишасини англаб. Устоз кулиб юбордилар.— Мана кўрдингизми, сиз ҳам шошяпсиз... Лекин сизларни тушунса бўлади. Ишларингиз кўп.

— Шундай. Ишга кўмилиб ётганга ўхшаймиз. Лекин битган бир иш кўзга кўринмайди.

— Вақtingизни олдим, узр. Мана, кўрдингизми, бир салом бердингиз-да, балога қолдингиз. Ҳозирги ақллилар шунинг учун ҳам саломлашишмайди... Майли, омон бўлишин. Суҳбатлашгали алоҳида келаман. Ҳозирча иккинчи қаватдаги бошлиққа кириб чиқай-чи.

— Албатта, келинг.

Отахон хайрлаша туриб, бир қари чолнинг гапи-да бу, сизга эсдалик, деб ушбу байтни ўқидилар:

*,Ақллилик балосидан доно сиғмас дунёга,
Ақлсизлик балосидан бало урмас нодонга.“*

Икки марта юрак хуружини ўтказган бу кекса олим ички бир ғайрат шавқи етагида ҳассасига таянганича, юқорига кўтариларканлар, бир танишимнинг айтганларини эсладим: „Агар барча фуқаролар шу киши каби фидойи бўлганларида эди, ўтиш давридан аллақачон ўтиб кетган бўлардик...“



„РЎЗФОР ҚОПИГА ЯМОҚ...“ ВА БОШҚАЛАР

Олим Билол Аминов билан бир сұхбатимизни шундай ёзіб қўйған эканман-у, бугун ўқиб кўриб ҳайрон қолдим. Қизиқ, бошида сезмаганимни қаранг, туриб-туриб сўзнинг ҳам салмоғи ортаркан-а...

ОДАМИЙЛИК ФАНИ

— 1970 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражасини олганимдан кейин институтларда „Жаҳон халқлари этнографияси“дан маъruzalar ўқирдим, — деб сўз бошлади элшунос олим Билол Аминов, — Этнос — халқ, эл, граф — ёзиш маъноларини билдиргани учун ҳам бу соҳани ўрганивчи олимларни этнограф дейишади. Ўзбек тилида эса элшунос олим десак, ҳақиқий ўзбекча ибора ҳосил бўлади. Чунки бизда элшунослик, халқшунослик қадимдан мавжуд бўлган. Бу бор сўз, лекин биз ишлатмаганимиз учун бегоналашиб кетган. Хуллас, этнография — элшунослик мени очди. Капитан Кусто денгизда қандай сузса, мен ҳаёт, одамлар денгизида шундай сузаётгандай ҳис қиласман ўзими ни. Битта миллатнинг ранг-баранг урф-одатлари, тили, турмуш тарзи шу қадар турфаки, одамни ўзига мафтун қилали. Ҳатто бир одам бир одамга ўхшамайди. Бу мўъжиза-ку, ахир. Шунга қараб айтаман-да, дунёда ўрганиб тагига етолмайдиган биттагина фан бор, бу одамийлик фани.

ИЛМ ҚОРИНГА УРСА...

Ҳикмат нима, деган саволингизга жавобим шуки, илм қоринга урса (фақат еб-ичишга хизмат қиласа) иллат, қалбга урса ҳикматдир. Бу дегани одамийлик, деганидир. Шунинг учун айтадилар: олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деб.

Фармацевтика институтида маънавиятга доир „Фармацевтика – бу вужуд малҳами, ҳикмат эса қалб малҳами!“ шиори асосида стенд қилдик. Бир ҳикмат юққан киши табиб, шифокор бўлади, дейишарди бурунгилар. Чунки ҳар қандай одам ҳам тоққа, чўлга чиқиб, доривор ўтларни йиголмайди. Бугунги кунда ана шу ҳикмат етишмаганликдан баъзи табибларимиз биринчи навбатда беморнинг дардига эмас, қўлига қарайдиган бўлишган. Машинангиз бузисса уста тузатганидан кейин ҳақини берасиз, табиб ҳам шундай, аввал муолажа қилисин, бемор соғайсин, кейин ҳақини олсин, дейман менга қолса. Халқ табибини ташлаб қўймайди.

БОТМОН ВА МИСҚОЛ

Менинг битта армоним бор. Ҳеч бир халқда йўқ исрофгарчилкларни ўзбегимда кўриб, армон қиласман. Игна билан қудуқ қазиб, йиллар давомида бойлик тўплайди-ю, биринки кунда ботмонлаб совиради ва шу ишига фахрланиб юради. Исроф, ўринсиз исроф! Қани энди ўзбегим ботмонлаб топиб, мисқоллаб сарфлашни ўрганса эди.

ХОСИЯТЛИ ЯМОҚ

Ҳаётда яна бир кашф қилганим, рўзгор ғор, дегувчиларга айтадиганим шуки, таги тешик рўзгор қопига маънавиятдан ямоқ урмагунча тўлмас! Боболаримиз буни қаноат дейишган. Қаноатни эса маънавият бор жойдан изламоқ керак.

КЕТМА ҚҮЁШ, ПОРЛА ОЙ

Телевизорни ёқсан, уччала каналда ҳам қўшиқ! Тарақатурукдан телевизор ёриламан, дейди. Шартта ўчирдим! Меъридан ошса, асал ҳам бадга уради. Эътибор қилинса, қўшиқ ҳам бир неъматдир. Унинг қадрига етганларни, сехрли овоз соҳибларини ҳофиз дейишган. Ҳозирги артистман деган „юл-

дузлар“нинг орасида ҳофизи нечта экан, ким ҳам санабди, дейсиз. Ой чиқмаган кечаларда қоронфилик қуюқлашиб, „юлдуз“лар ҳар қанча чарақламасин, бутун коинот юлдузлари бирлашиб еримиз тунини Ой каби ёритолмайди. Шунинг учун ҳам илмни нурга, қуёшга қиёслашади, ой эса маънавият тимсолидир. Маънавият, илм-фан орқага кетган сари ой ҳам қуёш ҳам биздан узоқлаша боради.

Авваллари мафкура нима, тушунмасдим. Энди билсам, мафкура иммунитетини оширувчи дориларнинг барча му-қобилларини (компонентларини) ҳикмат ва ҳадислардан қидирмоқ керак экан. Маънавиятнинг бир қисми бўлган қўшиқ санъатини асрамас эканмиз, дупур-дупур рақслару, гупур-гупур қўшиқлар билан ҳеч қачон маънавий юксак, маърифатли жамият қуролмаймиз.

* * *

Элшунос олим Билол Аминовнинг дил сўzlари, кўпчиликнинг кўнглидаги гаплар эди, шунинг учун ҳам Сиз муштарийларга илиндиқ.

„Карвон қўнгироғи“
ва бир неча нашрларда чиқсан...

КЕЛИН БҮЛАЁТГАН ҚИЗ

ёки насиҳат қилишга ҳақли келинлар

*Сұзинг лутфи оқса бамисоли об,
Ұшанда ҳам камроқ гапирмоқ савоб...*

Низомий ГАНЖАВИЙ

Мендан „келин бүлаётган қызға қандай насиҳат қылған бүлардингиз?“ деб сұрашди. Нима ҳам дердим? Айтадиган гапларим бүлгани ҳолда үйланиб қолдим. Мени кечирсіннелар-у, кузатищларимга қараганда бугунғи қыzlаримиз XX аср қыzlарига ўхшаб буви-ю, момолари, амма-холалари ва бошқалардан насиҳат әшитадиган „үй қыzlари“дан әмас-ов. Тұғрисини айтганда, биз айтмоқчы нарсалар (қыzlаримиз нима демоқилигимизни жуда яхши биладилар) үзини замонавий деб билған күпгина қыzlарнинг күлгисини қистатиши ҳам мүмкін. Бунға күп бор рүпара келғанмиз. Мисол, ҳали ҳамма қыzlар бугунгидек „супер европалашиб“ ултurmаган, майка-шүртиқда юришга ўргана бошлашған йиллар әди. Үзим билған бир оиланинг қизи бөғици нозик бир ипдан иборат майка билан, узунлиғи бир ярим қаричча келадиган юбка кийганида мен: „вой қызим, қаёқдан ҳам олақолдинг буларни? Даданглар олдидә шундай юрасанми?..“ дебман. Шунда онаси: „сиз ташвишланманг, отаси ҳам, мен ҳам розимиз. Қандай хоҳласа, шундай кийинади“, деди. Шунда беихтиёр ўсмирлик қулоғимға сингиб қолған „Киз болага қирқ үйдан тийув (үгит)“, „Киз бола ўнға кирди, сонға кирди“, деган мақолларнинг „умри туғагани“га үзимча қайғуриб, бир неча күн „мотам“ тутиб юрдим.

Айни кунда эса шиддат билан кетаётған XXI аср мазкур ҳикматтарни ёnlаб ёки устидан ҳатлаб ўтиб борар экан,

у зоҳиран кўп нарсага эришаётгандай қўрингани, ҳамма нарсаси бисёр бўлгани ҳолда (ботиний оламида кечаги миллий, руҳоний қадриятларнинг ўрни ҳувиллаб), кўнгли розилигу хотиржамликдан йироқ. Атрофинг тўла „дўст“ бўлишига қарамай, ҳечкимга ишонолмаслигингни билиб туриш осон бўлмаса керак... Бугунги кунда етмишинчи йиллар келинчакларига ўхшаб, маҳалла қизларининг (болаларнинг ҳам) бирдек ишончига эриша олган келинойилар топилар-микан маҳаллаларимизда? „Хўш, нима бўпти, дейсизми?“ Ҳамма гап шунда-да.

Бизнинг ўсмирилик даврларимиз зўр бўлмаса ҳам ҳар ҳолда, космосга қадам етган йиллар эди. Қишлоғимизда узоқ-яқини билан 25-30 хонадон бўларди. Турли миллат – ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, татарлар – ҳамма бирдек, қариндошдек яашлари ёдимда. Бир қозоқ келинчак бўларди, Гулой женгеше (келинойи) дердик. Бизнинг тандиримизга келиб нон ёпарди, мени ёрдамга чақиради. „Мен ёйишни билмайман...“ десам: „Кўрқма, ўзим ўргатаман. Ўн ёшдан ўтдинг, катта қиз бўлиб қолдинг. Қиз бола ўнга кирса, сонга киради“, деган гапларни эшитмаганмисан?“ дерди. Қишлоқ қизлари, ҳаммамиз женгешега ёрдам беришни хуш кўрардик, катта ёпдан сув ташишиб берардик. Уларнинг ҳовлисининг олди кенг, ўйинга қулай жой эди. Укаларимизни аравачаларга ўтқазиб олиб, женгешенинг болаларини ҳам ўйнатар эдик. Баъзан беш тош, олабухча, оқ терак каби ўйинларга берилиб кетардик. Шунда женгеше чиқиб бизни койирдилар. „Қиз болага қирқ уйдан тийув (танқид, ўгит)“, деган гап бор. Бўйга етиб қоляпсизлар-у, сакраганингиз сакраган. Китоб ўқисанглар, Гулсара келиндан тўқишини ўргансанглар бўлади-ку?!“.

Хуллас, бутун қишлоқ аёллари бир она каби ўсиб келаётган қизларга „ақл ўргатишга“ ҳақли эдилар:

* Қиз бола баланд овозда гапирмайди. Ўзи сўзлаб (жиннига ўхшаб), ўзи кулмайди.

* Ота-онага айтмасдан энг яқин дугонаси镍иига ҳам бормайди.

- * Бирорлар гаплашиб турганда аралашмайды.
 - * Уйга мәхмөн келганида катта хотинлар олдида ўлтири-майды.
 - * Қариндошлариникигами, мәхмөнга борганида дарров ошхонага ўтиб, уй бекасига, келинларга ёрдамлашган қиз-нинг садағаси бўлсанг арзиди.
 - * Ўтириб туришда ҳам гап кўп. Оёқ-қўлларини йифиб, бир тиззасига кўниб, узукка кўз қўйгандек ўлтириши ке-рак қиз деган фаришта.
 - * Қиз бола мисоли бир сирли гунча, чиройи ва хушбўйи ичига яширган бўлади.
 - * Кир ювганида ички кийимларини ҳамма кўрадиган жойга осмайди. Сочини ўртача ҳафтада бир марта ювади, ораста бўлади.
 - * Қиз бола ўз кийимини ўзи тикиб кийгани қандоғ ҳам яхши.
 - * „Сепли қизим сарфлаб битар, эпли қизим эплаб кетар“.
 - „Эҳ, бикачжонларим, ўзим нимани эшитган бўлсам, сизларга айтиш бўйнимда қарз, фақат хафа бўлманглар“, дердилар ўгит берган янгалар.
- Гулсара янгадан тўқиши, Ўғилжон янгадан қуроқ ти-киши, Сорагул янгадан ўлан қўшиқлари айтиши, бош-қаларидан экин-тикинга қарашни... ўрганибмиз. Хуллас, ҳалол ва покиза бу аёлларнинг ҳар бири бетакрор, беғараз мураббий ва устоз эдилар. Билган нарсаларини бетаъма ўрга-тишар, уйларда бир тадбир бўлса, бири бирига ёрдамга ке-лишар, ошхоналарни йифиб-теришиб, кейин уй-уйларига кетардилар. Ҳозирда она қишлоққа борганимда, анча кек-сайиб қолган, юракка яқин қадрлонлар „Раъномисан, бор-мисан?“ деб қучоқ очишганида, ҳар икки томоннинг ич-ичимизда меҳрнинг қўллари пилигини кўтарган чироқлар порлаб, кўзларга ёш энади...

Ўзбекистон халқ шоири, устоз Зулфия хоним билан „Бугунги қизлар“ ҳақида сұхбатлашганимизда у киши „...буғунги қизларимиз оталари билан сепини олгани мебель дўконга боришади, деяпсизларми? Қандай қилиб... отасига мана бу каравотни оламан, деб айта олади? Бу тараққиётми, нима?“ дегандилар.

„Тараққиётнинг ғарбона поялари“га интилаётган йилларимиздан яна бир мисол. У пайтда „Саодат“ журналида ишлардим. Ёш бир рассом қиз ишларидан намуналар олиб келибди. Унинг олди ҳам чуқур ўйма, орқаси белигача очиқ майкасини кўриб, қизларнинг оғзи очилиб қолди. Назоатли ва ниҳоятда нозик дид Ойдин опамлар елкаларидан катта рўмолларини олиб, унинг елкасига ташлаганлари, уйингизгача шундай кетинг, бошқа бундай юрманг...“ деб опаларча кўйди-пишди бўлганлари ёдимда.

Ҳамма нарсага моддий тарафдан ёндошадиган қизларга, юқоридаги гаплардан фойда йўқ. Аммо бизнинг оддийгина, фидойи женгешемиз масъулияти, у етишган марта ба-ю, эҳтиром ўзининггина муаммолари ва ташвишларидан ортмайдиган ҳар қандай олий маълумотли келинга ҳам насиб қиласвермаслиги мумкин. (Гап руҳоният ва маънавият, инсон манфаати ҳақида).

... Бир танишимни қутлагани туғруқхонага ўтгандим. Дарвозанинг олдида тараққа-туроқ мусиқа, юзларига ниқоб туттган турли ёшдаги болалар (масҳараబозлар) сакрашиб ўйнашмоқда. Одамлар йифилган жойда дарров кўчма „мини дўконча“лар ҳам пайдо бўлиб қолибди. Касб қизиқиши билан интервью олишга киришиб кетибман. Маълум бўлишича, тўрт кун олдин фарзанд кўрган бир келинчакни чиқариш тантанаси экан. Кучукча-ю, айиқчалар, Микки-Маус дейишидими, қайсиdir Истироҳат бофининг „томоша гуруҳи“ни чақалоқни кутиб олишга ёллашибди. Узун-қисқа, уч-тўрт қимматбаҳо автомобиллар янги меҳмоннинг чиқишини кутмоқда. Менинг одамлар билан сұхбатлашаётганимни ўзича тушундими, қора автомобилнинг шоferи олдимга келиб, хизматини таклиф қилди: „Сартарош ҳозиргина

кириб кетди, ҳали-вери тайёр бўлмайди. Уйингиз шу атрофда бўлса, 40 минутча вақтим бор, кўп сўрамайман, 80 минг сўм берсангиз бўлди, физиллаб элтиб қўяман“, – деди.

– Раҳмат, – дедим.– сир бўлмаса кундалик иш ҳақингиз қанақа бўлади?

– Бизда вақтга, масофанинг узоқ-яқинига қараб, ҳар хил. Ками 100 дўллар-да, опа.

Ҳа-я. Орзу-ҳаваслик ёш она ва болага ғайбона баҳт ти-лаб, ўзимча қувондим. Аммо эндиғина 23-25 ёшга кирган, олий маълумотли келинчак – ёш ва соғлом ОНАни тасаввур қилмоқчи бўляпман-у, дарвоза олдидаги тарақа-турук, маймун ўйини, туғруқхоналарга ҳам кириб келган машшоталар хаёлимдаги гўзал тасвирни босиб кетаверди. Яна бир қизиқ жойи, бировни кўргани борсангиз киритишмайди-ю, машшоталар учун яшил чироқ, йўл очиқ. Пардоз воситаларининг химиявийлиги, чақалоқ учун зарарлилиги-чи? Шунингдек, бу ер туғруқхона (қисман беморхона ҳам) экан, у ерда ҳар хил ҳолатларга тўқнашасиз. Кимнингдир юраги ярим, чақалоги хаста, кимнингдир фарзанд доғини чекаётган, кимнингдир ҳаёти қил устида, кимнинг қўли қисқа, дори олишга пули йўқ, қайфудан кўзлари ичига чўққан. Бой киши, ўзини босиб олган киши, ўқимишли келин шундай бир нозик жойда бошқаларни ҳам ўйламоги, меъёрни билиб, одоб сақламоғи дуруст эди...

Дарвоке, келин бўлаёттан қиз...

Мавзу баҳона „Чиройи ва хушбўйи ичига яширинган сирли бир ғунча...“ ҳақидаги ҳикоялари билан дугоналаримизга „ҳаяжон оламини“ ижод қилдира олган ўз даврининг руҳшуносларини ҳам эсладик. Пардоз қилмасдан кўчага чиқмайдиган бугунги қизларга бу „эртак“дан нима фойда, дейсизми?

Афсус ва яна бир бор узр, шундай бир мақолани ёзмоқчи эмасдим, ёзилди.

Қаёққа қараб кетяпмизки, эндиликда бешик тўйлари-мизни Микки-мауслар, „маймун“лар ўйини билан безашга ўтибмиз... Шуми тараққиёт, шуми савия, шуми орзу-

ҳавас, олий маълумот? Шуми икки ёшнинг мустақил ҳаёт йўли, оила қуришдан мақсади? Одамни пул бузади, дейсизми? Пул бу тузувчи неъмат, давлат мулки, давлат бойлиги, унда Давлат рамзи бор. Пул инсонларнинг ризқ-рўзи, фаровонликка, илм-маърифатга хизмат қилувчи муомала воситасидир. Пулни жойига ишлатмаслик катта гуноҳ, пулнинг увولي тутса ёмон тутади. „Пулинг кўп бўлса кўза олиб синдир“ ишдан қўрқ, демишлар донолар.

Келин бўладиган қизга насиҳат: „Ҳар соҳадан бир шингил“дан мурод — маърифатли умр йўлдоши, фойдали илм ёр бўлсин, деймиз.

„Карвон қўнғироғи“
2011 йил, июль, 30-сон



ЯХШИ ҚАЙНОНА ҚАЙДА БОР, ЯХШИ КЕЛИН-ЧИ?

Севимли журналимиз „Саодат“ топширигига күра умримизга шерик, қадим ва ҳамиша қайноқ мавзу – қайнона-келин муносабатига доир ихчамгина, маънили бир мақола ёзишим керак эди. Тұғрисини айтганда, қайнона-келин можароларига ҳушим йўқроқ. Қачонгача гиди-биди ат-рофида үралашамиз, дейман. Эсимни билганимдан бери таниш олам – ҳар бир газета, журнал, ТВ дастурларида бу мавзу харидоргир. Айтишларича, қанча одилман, улдабуронман демасин, ҳар бир келин, ҳар бир қайнона турмуш „мушт кўтартганда“ ўз бошини ўзаро тикланган деворга бир урмаса, кўнгли жойига тушмас эмиш.

Мен қайнона бўлсам, фалон-фалон ишларни қиласман, келиним уйимда сувдаги балиқдай яйраб ўсади, деган бир замондошимиз қайнона бўлгач: „Э ўртоқ, бурунгилар билбай айтган экан: „келиндан қиз бўлмас, алакидан бўз бўлмас“, деб. Ношукур, мани ўғлимга чақиби-я!“ – деб бош чайқаганини эслайман.

Тўғри, қиз қиз, келин келин-да. Можароларга „қозилик қилган“ фаоллардан бирининг холосасига қараганда, одамзот муроса йўлини тополса, келин-ку келин, ҳатто дев билан ҳам аҳил яшаса бўларкан. Ҳамма гап муроса-ю, мадорада эмиш.

„Муроса-ю, мадора дегани тўғрироқ, – деди бир онахон гапларимни тингларкан, – Сиз аввало шу „қайнона“ деган сўзнинг маъносига эътибор қилинг. Нима дегани у: „қайнона“? Қайнандай мустаҳкам, келиннинг зулмларига чидамли деганими ёки „қай она?“ – қанақасига она у, деганими? Менга қолса, ҳаётнинг оғир-енгилига сабр билан келинга оналик қилиб, лочин күшдай кифтига қўндира ол-

ғанларни туққан онадан ҳам айло – „қайин она“, бир йилга етмай келиннинг кавушини тўғрилайдиганларни эса у қанақасига ҳам она – „қай она?“ деган бўлардим“.

Нима бўлганида ҳам оила муқаддаслиги ҳақиқат.

„Эрга тегиши осон, этигини ечиш қийин“, деганлари ҳақ бўлса, ҳамма гап этикни ечувчида – келиндамикан ёки этиги оёғига мос келмаган күёвдамикан? Ҳарчанд изланманг мавзунинг поёни кўринмайди. Яхшиси, ушбу мақолани ўқигувчиларни ҳам мунозарага тортган маъқул кўринди. Бир неча саволлар билан қайнона жонларга мурожат қилгандик, улар ҳам: „сизларга нафимиз тегса хурсанд бўламиз“, – деб ўз муносабатларини билдирилар.

Саволлар:

1. Яхши қайнона бўлиш учун нималарга амал қилиш керак?
2. Сиз ўзингизни яхши қайнона деб ҳисоблайсизми?
3. Уйчилик, тоҳида ошхонада идиш-товоқлар ювилмай туриб қолса, нима қиласиз?
4. Келинга насиҳат қилиб турасизми?

Жавоблар:

Беш келинли қайнона Уллибиби она (60 ёш):

1. Аста-секинчилик билан келинни уйингизга, ўзингизга ўргатиб борасиз. У ҳам бирорнинг боласи, бизнинг уйимизнинг паст-баландини қайдан ҳам билсин. Ҳар икки томон учун ҳам дастлабки бир, ярим йил ўрганиш даври бўлади. Шу даврда қайнона оғир-босиқ бўлиши керак. Иши дидингизга ёқмаса, баъзида ўзингизни кўриб кўрмаганга, эшитиб эшитмаганга оласиз. Бошқа бир гал ўша ишни ўзингиз қилиб кўрсатасизки, келин хушёр, фаросатли бўлса, оиласа киришиб, сингишиб кетиши осон бўлади. Мен, келинни ҳа деб текширавериш тўғримас, деб ҳисоблайман.

2. Буни келинлар билади.

3. Мен ўзим ош қилсан, қозонга ёғни солиб, гўшти, пиёзи қоврилганича сабзини тайёрлайман. Орада идишларни ҳам ювив, жой-жойига қўйишга одатланганман. Идишларнинг ювиқсиз, пала-партиш туришига тоқат қилолмай-

ман. Агар шундай ҳол бўлиб қолса, асабим ўйнаб кетади. Уйчилик, бир-икки шундай бўлган. Индамай, ўзим ювиб бошласам, келин: „ҳозир ювмоқчи эдим-а, менга беринг, она. Беринг энди“, – деб келганида, қўявер, турган экан, ювақолай, – деб юваверганман. Шунга қараб ўзи тушуниб олаверади.

4. Ҳа. Эрнинг обрўсини олиб берувчи хотинлар ҳақида кўп айтаман. Эрингнинг кўнглини кўзига қараб туриб билишинг керак, дейман. Эрнинг ўзига тааллуқли нарсалари ҳамиша бир жойда турсин, фалон нарсам қани, деган савол бўлмасин. Энг катта жанжаллар аслида ана шундай майдан нарсалардан чиқади, дейман... баъзида насиҳат ҳам оғир келиши мумкин. Қизингизга танбеҳ берсангиз, хафа бўлсам дарров унугади. Келин келин экан, тўғри тушуниши камдан кам бўлади, ўзини камситилган сезиб, гапингизни ичига туғиб юради. Яхшиси, индамаслик. Сабр қилинса яхши тарафга бораверади.

Утга келинли Сораҳон она (60 ёш):

1. Ўзи дунёда икки кишининг ўзаро тил топишишидан оғир нарса йўқ, деб ўйлайман. Яхши қайнона бўлиш дегани, менингча, муроса йўлини қидириш бўлса керак. Менинг онажонимнинг бешта келини бор эди. Лекин бир кун оёқ узатиб ўтирганини кўрмадик. Беш вақт намозини ўқиган, қачон қарасангиз, томорқада, молхонада қуйманган, ўт ўрган, шунча келини бўлишига қарамай, кирини ҳам ўzlари ювиб киярдилар. Нега бундай қиласиз, энди оёқ узатиб ўтирадиган даврингиз ахир, десак: „Худога шукур, кучим-қувватим бор, ишлайман. Келинларга оғирлигим тушмасин. Эрта бир кун изимда қолишсин, қайнанам яхши одам эди, деб чин кўнгилдан дуо қилишларидан умидворман“, – дердилар. Мен ҳам шунга ўрганибманми, келинларим билан рўзгор юкини тенг тортишиб ўрганганман. Келинларимнинг уччовини ҳам ўн саккиз ёшида олганман. Болам, кўзим деб буларга ўз хунаримни – магиз тутиб, гул солиб кўрпа қавиши ўргатдим. Уччовининг ҳам қўллари гул. Озода, пазанда, чевар. Супер маркетга пишириқ чи-

қаришади. Маҳалланинг тозалигини ҳам бўйинларига олишган. Ҳарна, рўзғорга беш-үн сўм бўлса ҳам ёрдам. Эрнинг қўлига қараб қолган хотин хотин эмас, дердилар қайнона-миз раҳматлик.

2. Болалар нима деса шу. Ишқилиб яхшилардан қилсин-да.

3. Ёш боласи бор, гоҳида бўлгандир. Чарчайди-да, бечора. Ўзим ювиб қўяқоламан. Нега бундай қилдингиз, ахир, дейишида хижолат бўлиб. „Кўявер, сенга ёрдам бергим келди“, десам хурсанд бўлиб кетади. Ўз онаси бўлганида албатта ёрдам берарди-ку, тўғрими?

4. Қариндошларнинг яхши ҳислатларидан, аввалгиларнинг одобларидан гапириб бераман. Худога шукр, динимиз, диёнатимиз бор, мустақилмиз. Қўлидан, тилидан бирорвга озор етмайдиган кишилар ҳақиқий мусулмондирлар, дейман.

Уч келинли Муқаддамхон ҳожа она (65 ёш):

1. Бунданда оғирроқ масала йўқ дунёда. Ҳозир нима десам, тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Тўйдан олдин тагини суриштириш, келин келгач эса оstonадан бошлаб, шу уйнинг тартиб-қоидаларини ўргатиб бориш керак экан. Чунки келин ҳали ёш, тортинчоқ, „юзи очилмаган, тили чиқмаган“ даврда сизни тушуниши, бўйсуниши ҳам осон бўлади. Шунинг учун масалан, эри келганида: „ана, эрингиз келди, салом бериб бегим, деб кутиб олинг, туфлиларини тўғрилаб қўйинг, қўлига сув қўйинг...“, деб айтиб турилса, мослашиб боради, бир йилдан кейин эрини „палончи ака“ деб юрмасдан (хонаси келганида айттай, эрга ака деб бўлмайди-да. Эр аёлнинг шаръий „эга“си, ака қариндоши, жигари. Иккаласи икки хил ҳолни, маънони англатади. Ҳаммадан ҳам айтиётган сўзимизнинг маъносига эътибор беришимиз керак) „адаси“, деб кутиб олаверади. Агар уйда қайната бўлса, адангиз (қайнотангиз) келар вақт бўп қопти, оstonага қараб қўйинг, дейилса хушёрлик одат тусига киради, фаросат камол топиб боради. Овқат пиширишдаям оиласда ёши катталарнинг соғлиги ва таъбига қараб, маса-

лан, адангиз серёғ еёлмайдилар, тузни сал пастроқ қила-веринг, каби изоҳлар билан ёши катталарга эътибор, тарбия камол топади. Уйнинг паст-баландини „кўза синмас“-дан олдин тушунтира олган қайнона яхши қайнона бўлса керак.

2. Яхши қайнонаман дея олмайман. Чунки раҳматли қайнонам каби талабчан, қаттиққўл бўлишим керак эди. Астасекин ўрганаверади, файратим бор деб ўзим қиласверибман, бу билан атрофдагиларни бефарқ, (такасалтанг) қилиб қўйибман. Энди билсам, ёшликни аяш меҳрибончилик эмас, балки бир доно „болангни севсанг қаттиқ ишлат!“ деганидек, йўғон бўйинни иш билан эгишда экан, меҳрибонлик.

3. Тарки одат, ўзим ювиб қўяман. Дераза, эшикларгача ўзим ювганман. Кучим етмайдиган бўлганида мардикор олдириб ишлатганман. Олмайдигани олмас экан. Ҳозирда неварамни чақираман, ўргансин дейман... одатда қиз онасидан ўрганганини қиласди. Қиз келин бўлар экан, қилган иши сабаб қайнана билан „тўқнашади“. Менинг онам секин ишласалар-да, пухта ишлардилар. Қайнанамнинг мактабини ўзлаштиришим осон бўлмади. Бир куни қайнонам: „Меникига келганингда 19 ёшда эдинг, сени 29 ёшга етказдим. Нега мен қилган ишни қилмайсан?“ деб койиганларида ҳайрон, ичимда: „нима, мени орқалаб етказибдиларми“, деб хафа бўлганман. Кейин билсам, раҳматли жондили билан менга билганларини ўргатган эканлар. Шунинг учун келин хафа бўлса ҳам қайнана ўргатавериши керақ, инсофи бор келин вақти келиб тушунади, қайнанасига фойибона раҳмат айтади, деб ўйлайман.

4. Насиҳат қиласман. Бир хато қилса дарров айтмайман. Газетадами, ТВдами шунга ўхшаш бир мақолами, кўрсатувми бўлиб қолса, аввало яхши ишларини эсга оламан, кейин хув бирда шундай иш қилгандингиз, шуни бундай қилганингизда яхши бўларди, дейман. Мисоллар, ривояту ҳикоятлар, билаганимча оят, ҳадис билан тушунтираман. Эътиroz қилмай эшлишса, демак насиҳат зое кетмабди,

деб шукр қиласан. Осон эмас, оила куриш, уни чиройли олиб бориш, бировга раҳмат айтиш ва бировдан раҳмат эшитиш осон эмас. Элда бир гап бор: „Қиз вақтида ҳаммаси яхши, ёмон хотин қайдан чиқди?“ Шундоқ экан, бир-бировини тушунишга ҳаракат қилган қайнона ва келин учун оиласада ҳал қилиб бўлмас муаммо қоладими? Баркамол зур-риёдлар ҳам қайнона ва келинлар аҳил, оталар мард ва маърифатли оиласардан чиқади-да.

Суҳбатда фаол иштирок этган барча онахонларга миннатдорлик изҳор этиб, (насиҳатгўйлик билан келинларни ва бошқа ўқигувчиларни зериктирмаслик учун) жавоблардан утасини танладик. Бирни кўриб фикр қил, яна бировни кўриб (эшитиб), шукр қил, деганларидек онахонларнинг сўзлари беҳудага кетмайди, кимгадир нафи тегади, деган умиддамиз.

„Саодат“ журнали, 2011 йил. 8-сон



Онажоним – Қорабалығистонда
бүрінчі аёл мұағытама,
халқ. маориғи ағылочиси
Азизахоним Нұрим қызы.



Отаҗоним – Қорабалығистонда
хызмет күрсатған юқитуевчи
Рахмонберди Олғоберған үгли.



Қорабалығистондық майхур пактақор, Мөхнат
Қадраломони Олтынхон Камолова билан сұхбатдан әсдатык.



*"Содат" журнали жамоасидан бир лавҳа – (чандан) Лайло Салимжонова,
Мавжуда, мен, Дилобар ва Қутлубека. 1986 й.*



*Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси иштирокидаги
алмий-амалий семинардан бир лавҳа.*



*Тұртқыллық адебалар Гүлчехра Раҳимова ва
Курбонбека Юғусовалар билан.*



*Тапиқда журналист Ж. Рazzoқов хонадонида:
үй бекаси, қудам Улгабиби, истемдодлы шошра Гулстон Маттәқубова ва
тележурналист Мехрибон Курбонишаевалар билан мулоқот.*



Ўғлии Умиджон оиласи – келинин
Гуласалхон ва нағирам Мухаммад Султон билан.



Қизим Нодирахон оиласи Ойбекжон,
Нажмиддин, Марям Султонлар билан.



Кизим Одилзахон ва наебирам Аҳборзон.



*АҚШ сафаридан главча.
2004 и.*



*Мунирахон қизимини.
Истамбулда талабатик
йилларидан эсдалик, 1993 и.*



Одилахон қизалоқ,



Набираларим – Атилахон,
Нажмиддин, Азизахон,
Мафтунахон, Шоҳсанам
ва Ёсинжонлар. 2006 й.



Үглини дадаси (рахматлык)
Комилясон Машарип үгли
билин. 1993 й.



Қызларым Замирахон ва Нодирахон.



Үқиішда ва ишида аълочи жиянним
Ойдикхон Рашид қызы.



Набирал Әсінжон.

Ҳикоялар

СҮНГГИ БАЗМ

Ким бор, очинг эшикни!

Эринибина нонушта қилаётган Зевар хонимнинг кайфи учеб, кўзлари ола-кулаланди. Чарбоғнинг тўрида банд хизматкорининг келишини ҳам кутмай, „ким бу тарбиясиз, қайси итнинг олдинги оёғи экан, бу шанғи!“ дея эшик томон юрди.

Хонимнинг важоҳатини кўрибми, салтанатининг салобати босибми, чақирилмаган меҳмон ўз дардини бир зум унудти, „саломинг бўлмаса икки ямлаб, бир югардим“, дегувчи ялмоғизни эслаб, дарров салом берди:

— Ассалом...

— Бу на дағдаға, маданиятсиз! — Зевархоним уни кўчага ҳайдамоқчи бўлди-ю, „салом“нинг хосиятиданми, бироз юмшади.— Хўш, нима гапинг бор?

Фотиманинг тили оловли ва заҳарли эди:

— Зевар опа, мен дунёдан оларимни олиб, бераримни бериб бўлганман. Сиз ва эрингиз туфайли оқни қора, қорани оқ қилишди. Шуни билиб қўйинг, жони ёнган тангрисини қарғабди. Осмондан Худони этагини тутиб тушган бўлсангиз ҳам бир ичимни тўкаман. Мани ичимда ётгунича сизнинг ичингизда ётсин!

— Ўчир овозингни! Ҳаддинг сифиб, ёқамдан оласан?! Тилинг бошингга бало бўлгур!

— Мен ҳам тирик жонман. Боссангиз қурбақа ҳам „вақ!“ дейди. Сизлар жувонмарг қилган болаларимнинг отасини менга ҳеч ким, ҳукумат ҳам тирилтириб беролмайди. Мен энди айтадиганимни айтаман. Манглайимда не ёзғит бўлса

кўраман... Дунёни дамингизга тортсангиз ҳам борадиган жойингиз шу — менинг эрим ётган мозористон. Ийқантерганларингиз, илоё, сабиллар қолсин. Илойим, бугунги дабдабангиз, шу ўтириб-туришингиз, кўрмай-кўрмай кўрганингиз шу бўлсин, илойим мендан баттар хор бўлинг...

Телбасифат аёл юзига фотиҳа тортиб, нимага келганини ҳам унутиб, ҳўнграганича кетди.

Иzzat-ҳурмат, мулоим сўзга ўрганган Зевархоним ўзини тезгина қўлга олди. Шовқинга ҳайрон бўлиб ошхонадан чиқсан хизматкорига қаттиқ тайнлади:

— Анави Потма жинни-ку! Тутқаноги тутиб, адашиб, бизникига кириб қолибди. Эшикни занжирлаб қўйинглар, деб неча марта айтаман!

— Ҳозиргина бекитгандим-а!

Хизматкор эшик томон зипиллади. Зевархонимнинг нонуштаси аллақачон оғуга айланиб бўлган эди. Бир оғиз жўяли сўз айтмолмагани, Қарғишларга жимгина қулоқ тутгани ўзига алам қилиб, „юзинг терс дўнгур!“ дея ичидагудранганча хонасига кириб кетди.

Фотиманинг эри бундан олти ой олдин бир неча киши билан кўлга — балиқ овлашга кетганича қайтмаган, ҳафта ўтиб ўлигини топишганди. Фотима эрининг тайёрлов идорасининг мудири билан келишолмай қолганини, унга қандайдир ҳужжатга қўл қўясан, деб зуфум ўтказгандари ва кейинчалик ўртага одам тушиб, яраш-яраш бўлганидан хабардор эди. Лекин мудирнинг пўписаси қулоғидан кетмасди: „Нимага ҳа, деб экмаган жойда белбоғдан битасан? Ё эрингнинг орқасидан жўнагинг келяптими? Ҳей, эси йўқ, идорадан берилган ёрдам пулини ол-да, оғзингга қўрошин қуй! Тушундингми? Агар тек юрмасанг уруғ-аймоғинг билан қуритаман!“

Мудир яхши биларди. Туманда амалдор оти борки, янганинг атрофида парвона. Янга зўрми, ёшулли? Албатта янга зўр-да! Кадрлар бўлимининг норасмий бошлиғи лавозими ни ўтирган жойида гуллатиб қўйган янга хонимдай суюнчиғи бор экан, бирор кимса унинг мушугига „пишт“ деб

эсини ебдими? Аммо жиннига жинни десанг том бўйи ўсар, деганларидек вақт ўтган сари Фотиманинг ҳонури пасайиш ўрнига кўтарилиб борарди. У ўйлардики, ҳақиқат бир кун-мас бир кун ғолиб бўлади. Зевар хонимларни бу ерга умр-бод қоқиб кўйишмаган. Бирга еб, айри қусиб... юрган ким-салар, эрини осонгина нариги дунёга жўнатиб, ҳеч нарса кўрмагандек қолаверармиканлар? Юриб бўпти. Қотиллар жазосини олмагунича тиниб-тинчимайди. Нукусими, Тош-кантими, Москавими, ёзаверади. Ҳукумат ҳақиқат қилмаса, мана ўзи бор. Бир бошга бир ўлим. Ўзи қассос олади. Беш, ўн кун кечроқ ўлмаса, бурунроқ ўлади.

* * *

...Зевархоним „Ойнанайин сизлардан“ деб жиянлари билан сўрашаёттган синглисининг истиқболига юрди. Унинг у юзи, бу юзидан ўпиб, эркалаб, бироз вақт бағридан қўймай турди.

— Қандай, яхши юрибсизларми, тан-жонинг соғми, эринг ишлаб юрибдими, болалар ничик?

— Шукур, опажон, шукур. Ҳаммалари ўзингиз кўргандайлар. Ўзингизнинг соғлиқларингиз яхшими, язнам яхши юрибдиларми?

Зевархоним синглисини тўрга бошлар экан, э, қўй шу язнангни, деб қўлини силтаганча деди:

— Кўчада вақти хуш эркак уйда касал бўлади.

Малика кулди.

— Опа, ваҳимангизни қаранг. ўзингиздан ўзингиз бичиб-тикиб ётибсиз. Гумонларингиз ўринсиз. Язнамнинг беклиги ҳам, хонлиги ҳам сиз билан.

— Кайванижон, сенга қолса, язнанг фаришта. Майли, уни қўйиб турайлик, биласанми, бутун сени қандай маслаҳат билан чақирдим? — Зевархоним синглисининг гапларидан рози кулимсиради.

— Яхшиликка-да, ё меҳмон келади, ё меҳмонга борасиз. — деди Малика қошларини чимириб, топағонлик билан.

— Ҳар ҳолда түгри топдинг. 8 Мартта яқин қолди. Қоида бүйича байрам базми бизницида ўтиши керак. Язнанг эса, шу базмингни құятур, деб жаҳлимни чиқараётір.

— Аразингизнинг боши бу ёқда экан-ку. Язнам ҳам зиёфатлардан чарчагандирлар, охирги пайтда күз очирмас күпайиб кетди-да, ўзи ҳам. Биттасининг ўғли армиядан келген, биттасининг туғилған куни, биттасининг сигири туққан, хуллас, сизни меҳмон қилиш учун бу ёшулканларга баҳона топилади.

Зевархоним сезилар-сезилмас керилиб қўйди. Барибир эри ҳақидаги фикридан қайтмади.

— Малика, сен билмайсан, язнангнинг шу кундаги оёқ олишлари бошқача. Тўрсайиб келиб, тўрсайиб кетади, кеч қайтади, таппа ташлайди, эрта билан яна иш. Ҳафтадан бери шу ҳол, қовоқ-тумшуғи очилмайди, қўй шу зиёфатингни, дейди. Ахир, районнинг каттаси бу киши, хотинларнинг каттаси мен бўладиган бўлсам, — Зевархоним ўз гапи ўзига нашъя қилдими, жилмайди ва болаларча ёқимли манманлик, янги бойларга хос соддалик билан давом этди, — барибир каттадан-кичик табриклагани келади. Дастурхон тузалган турса, кўнгил тортгандар ўтиради, ўтирганлар ҳар галгидек табригини айтиб, совғасини бериб дегандай. Бор йўғи шу-да!

Малика ўйлаб қолди. „Ҳамма ишларингиз — байрам кутишингиз ҳам номингизга муносиб бўлиши керак“, демоқчи бўлди-ю, опамни қайрагандек бўламанми, деб истиҳола қилди.

— Опа, энди язнамнинг кайфиятига қарамасангиз қандай бўларкин? Бу гапнинг бир сабаби бордир. Йўқса, язнам ишингизга ҳеч аралашмасдилар.

Зевархоним тоқатсизланди.

— Сенингча базмни қолдирамизми?

— Қолдиринг демоқчимасман, — деди яна Малика опасининг жаҳлини чиқармасликка уриниб, — барибир язнамнинг кайфиятига қарашингиз керак-да. Қолаверса...

Зевархоним гапни бўлди.

— Гап зиёфатда эмас, гап отоқда, номда, обрўйда. Оғзиға кучи етмаган биттаси айтмайдими, Зевархонимнинг кай-

фияти йўқ, бир гап бўлса керак, демайдими? Улкан даргоҳ, шундай байрамда индамай, жи-им ўтириб бўладими?

Малика „узун қулоқ“ эшитган гапини айтадиган мавриди келса ҳам тилини тишлади.

„Ёшулилар ўзгарамиши, опанг ҳеч нарса демаяптими?“ деган эди бир дугонаси. Райком секретари бўлмасидан олдин ҳам шундай гап чиқиб, кўп одамлар пасайишини кутишган эди, язнаси эса кўтарилиб кетди. Зора, бу гал ҳам шундай бўлса.

— Нега хаёл сурив қолдинг? — деди опа, — мазанг йўқми?

— Йўқ-а. Мазам жойида.

Опа-сингил нари-бери тортишган бўлиб, охири базмда тўхташди, бир пасда режаем тузишди, рўйхатга қараганда дабдаба катта бўлади.

— Малика,— дея чимирилди Зевархоним рўйхатдаги фамилиядан биттасини ниқтаб, — шу Тамилла опани жиним сўймайди-да. Ё шунга айтмай қўяқолсакмикан, а?

— Тамилла опа? Қандай бўларкин, эри язнамга устоз, қадрдон бўлса, қўнглига келмасмикан?

— Э, эриям ўзидан баттар, бурнига сирқ етмай қолди, буларнинг. Вой-вой-вой-ей, бу ёрилиб кетмаганларига-эй, оламда ўзларидан бошқа олавой йўқ.

Кулишдилар.

— Опа, қўйинг, қаторда шу кишига ҳам айтаверинг, барибир келомасалар керак. Чунки уларницида ҳам базм бўлади. Пахтаси қанча эди, шуларнинг? Эллик мингмиди?

— мавзудан чалғиди Малика.

— Пахтаси бизницидан кам, аммо қоғозда ортиқ. Язнангнинг гапига қараганда улар қирқ прасантча пахтани осмондати ерларидан олар эканлар. Жуда ҳаддидан ошди, булар. Йигирма йиллик райком бўлиб, язнанг юрак ютолмайди-ку.

— Нима эди ҳали, „осмондан олиш“ деганингиз, бизницида қанча экан?

— Бизда ҳам бор шу осмон пахтасидан, ўттиз фоиз дегандай эди, язнанг. Ишқилиб, осмондан олди, ердан терди, режалар оширилиб бажарилди, оқ юзли, обрўйли бўлишди.

Энди Тамиллаларинг геройлик учун ўлиб-тирилиб ётишибди. Худди Брежневнинг қайнинглисидең гердаяди-ей, ўлгур. Нима дайсан, рўйхатда қолаверсинми, ё ўчирамизми?

— Вой, мунча яхши кўрмасангиз. Қайтанга қолгани яхши, нима қиласиз ёмон кўрганингизни сездириб. Келса келар, келмаса Султон бувам¹дан нари. Аммо шу Тамилла опа қачон қарасанг, шотирлари билан аэропортда, ялтироқ крокодиль сумкани кўтариб олиб, Нукус, Тошкент, Москвага кетаётган бўлади. Эр хотин иккаласи ҳам ер тагида илон қимиirlаса билишади. Қараб туринг, ҳали замон қаҳрамон ҳам бўлишади.

Зевархонимга „Тамилланинг уддабурролиги, эрини қаҳрамон қилажаги“ маъқул келмай чимирилди. Малика дарров хатосини тузатди.

— Опа, мен бутунлай бошқа маънода айтдим-ов. Тамилла опа ит қуйругини булғаган жойдан қолмайдиган хотин. У отоқ учун, мол-дунё учун „Исмомут² да ис бор“, десангиз бир исқаб келиш учун боради.

— Ҳа, қўявер, бунча нақл қайтармасанг? Ит қуйругини булғаган деганинг нимаси? — деди ҳамон ғашлиги тарқамаса ҳам синглисининг гапга чечанлигидан бир мамнун, бир энса Зевархоним, — ҳаёт ўзи шу-да, бир ҳисобда шуники тўғри.

— „Ит қуйругини булғаган“ деганим, ўзидан пастлар, қаланғи-қасанғи чақирса, имласа ҳам деганим-да, — деди Малика яна мақолига урғу бериб. — Гапимга хафа бўлманг, опажон. Язнам, „Минг уй“нинг пойдеворини қўйган одам, буни улли ҳам, киччи ҳам яхши билади. Шу Тамилла опа деганингиз эрининг райкомлигини айтмаганда, „қатламага ўраб ташласанг ит исқамайдиган“ бир хотин бўлса. Дунёси ачиб ётганидан кейин бурнини жийиради-да. — у опасининг кўзларига синовчан тикилди, — сизга бир сўзим, биринчи навбатда шуларни чорланг, қанча ёмон кўрсангиз, шунча иззат қилинг ва қулиб қаранг.

¹ Султон Увайс Қараний назарда тутилмоқда.

² Исмомут — қабристон.

Зевархоним қотиб-қотиб кулди.

— Доносан, балосан? Онам раҳматлик „Ҳаммангни со-тиб, шу Маликага едиришим керак“, дердилар-а. Бўпти се-нинг сўзинг сўз. Унда асосий меҳмонларинг ким? Трест бошлиғи Гулсараҳон, Ижроком Марямой (ўзаро суҳбатлар-да улар бир-бирларини эрларининг мансаблари билан атайди-лар), пахта министри — икки отли Шосанам-Шоирсанам, райкомлардан Тамиллабегим, Хурсанд опа, ўзимиздан директор ва раис хотинлар. Яна кимларни айтамиш?

Матлубот жамияти, маданият бўлими-чи?

— Шу маданият бўлимингни ҳам жиним сўймайди. Шуни ўчириб ташлайқол, обкеладиган уч метр атласи, қуртлаган шоколади бошида қолсин. Очдан қоч, деб шундайларга айтса керак-да.

— Тўғри, дардисар буларингиз.

Шундай қилиб, танланган меҳмонлар ҳафта олдин хабардор қилинди.

* * *

— Гапга тушунсанг-чи?!

Обод Янгиев у ёқдан бу ёқقا асабий юраркан, синиклика билан давом этди:

— Ҳамма гапинг тўғри, омад менга қўшалаб келди. Ми-лёнермиз хоним, милёнермиз! Аммо гап бошқа ёқда. Кеча марказга борганимдан хабаринг бор. Каттанинг шашти паст, „кўзингизга қаранг, об-ҳаво ўзгарадиганга ўхшайди“, деди. Тушуняпсанми? Ортиқча мол-дунё, қўша-қўша машиналарни йўқотинг, дейишиди.

Эр кейинги гапни шивирлаброқ айтди. Кутимаган янгилик осмонда турган Зевархонимни пастга томон чорласа ҳам пинак бузгиси келмади:

— Қўрқяпсизми? Қўрқманг, бизнинг номимида машина йўқ, еримиз, мулкимиз ҳам йўқ. Биз бир ижарачидай одаммиз. „Қайта қуриш“и ҳам бир сиёсат-да, энди қўриб турганимиз йўқ. Назрини олишнинг йўли бу, қайта қуриш деганлари. Биз ҳам ўзимизда худди шундай қайта қуриш

қиласиз, — беписандлик билан ҳингиллаб кулди у, — Келинг энди, шу даврингизда, ўзимизнинг спесбайрам¹ да бир ярайлик. Бу ёғига Худо пошто.

Эр индамади, у ҳам ичида „қайта қуриш“ни хотини ўйлагандек ўйлаб бошилган ва ўйлари аллақачон ишончта айланыб улгурдими, табассум билан „билганиларингни қилинглар, мен бандман“, деди-да, кабинетига кириб, менга тегманглар дегандек эшикни ичдан итариб ёпди.

...Эр розилигини олган Зевархоним байрам ҳаракатига тушиб кетди. Зални бутунлай ўзгартирди. Дераза ва эшикларга энди урфга кирган заррин, ҳашаматли пардалар, деворнинг қарама-қарши томонларига эри билан ўзининг суврати туширилган гилам-портретларни остирди. Полда оёғинг ботадиган қалин ва юмшоқ, қип-қизил эроний, туркманий гиламлар. Биллур гулдонларда анвойи атиргуллар. Столларга бўртиқ гулли оппоқ дастурхонлар ёйилди. Қоғозини очишга кўзинг қиймайдиган турли-туман чет эл шоколадлари, ҳўл-куруқ мевалар керагидан ортиқ кўйилди. Маликанинг сўзига қараганда, қуюқ-суюқ овқатлар билан стол синмаса ҳам, қайишадиган бўлди. Тайёргарликлар тугагач, Малика залга кираверишдаги даҳлизга енгилгина исириқ тутатди. Ёмон кўздан асрайди, деб чиройли ўсган майда гармдорининг бир шохласини эшик пардасининг тепасига осди.

Меҳмонларнинг олди — Зевархонимнинг қиз дугонаси, пахта тозалаш заводи директорининг хотини Насиба ҳаргалгидек, қучогидан меҳр-муҳаббат, тилидан мақтов ёғилиб, тўлиб-тошиб кириб келди.

— Туф, туф, кўз тегмасин, қадрдоним. Гул-гул очилиб, кундан-кунга хушрўйлашасиз-а, ўзимнинг чиқонжоним. Хотин-қизларнинг байрами йилда бир келса, озод бўлган кунимизда бир шоғлар эканмиз-да.

— Қани ичкарига, ўргилай ўзимни эски қадрдонимдан. Дўстнинг эскиси, кийимнинг тоза (янги)си деб шуни айтадилар-да...

¹ Спесбайрам — маҳсус байрам.

Улар олдинма кейин залга киришди. Дугоналар ўн йиллик мактабда ҳам, тиббиёт билим юртида ҳам бирга, ким ўзарга мусобақалашып ўқишиган, никоҳ тўйлари ҳам бир ҳафтада бўлиб ўтганди. Зеварнинг эрга чиққанидан кейин баҳти янада очилди. Эри мансаб поғоналарига давомли кўтарилиб борди. Икки дугонанинг дўстлиги, борди-келдиси сабаб бўлибми, авваллари шунчаки таниш эрлар ҳам ўзаро яқин ва қадрдан бўлиб қолдилар. Обод Янгиевда мансабпастлик, худбинтабиатлик, шундай сезилиб тургани ҳолда, Насибанинг эри унинг бутунлай акси, яъни кам сўз, хаёлпаст, техника тараққиёти, темир-терсаклар дунёсида ўз ишига андармон бир одам эди. Зевархоним тўйларидан кейиноқ эрларни таққослаган, ўзида дугонасига нисбатан устунликни ҳис қилиб, нимагадир қувонган, нималигини тушумасди-ю, аммо бу қониқарли бир ҳол эди. Эрига ҳам фикрини билдирган, бу инженер дўстимиз сузма халта билан пешонасига урса ҳам оқи юқмайдиганлардан экан, деганди.

... Насиба дугонасининг хаёлларидан узоқ, уйни томоша қиласар экан, қўлларини икки томонга ёзид, „беқиёс гўзал, ўзингиздай гўзал“, дея дугонасига яна бир қават хушомад тўнини кийдирди.

- Меҳмонлар келгунича озроқ қарашиб юборай, деб эртароқ келабердим чиқонжон, бизга қандай хизматлар бор?
- Сизга хизмат — чой ичиб, гаплашиб ўтирамиз.
- Зеварпошшо, жинларим сезиб турибди, ҳар галгидек бу сафар ҳам кечанинг гули ўзингиз бўласиз, Худо хоҳласа.
- Менимча, бугун омад менга кулиб боқмас, дейман. — Зевархоним биринчиликдан безгандамо жилмайди. — Соврин Олияхонда бўлади бу гал.
- Ростини айтсан, мен ҳам унинг яхши раққосалигини эшитганман. Аммо юзида хусунбузари бор дейишади, кўзлари-ю, қош-қабоқларини светафор қилиб бўяб юрармиш. Шунақаям бўладими, яна раҳбар ходим, хотин-қизлар етакчиси эмиш. Унинг кимлигини, шу қош-қўзи кўрсатиб турибди-ку, — дерди у Олия Мирзабоевнага шахсий адовати бордай ёмон кўриб.

— Опа, меҳмонлар, — ташқаридан Маликанинг хуш-чақчақ овози эшитилди. Ҳудди аҳдлашишгандай беш, олти-та аёл бирданига ғувиллаб кириб келишди. Сўз сўзга, савол саволга, жавоб жавобга қоришиб кетди. Буни ўзбекчиликда сўрашиш дейилади. Одатдаги аралаш-қураш чуфур-чуфур тутагач, сочидан тирноғигача кибрга ботган, чўдек тилла тишларининг шуъласи лабига урган хоним, „трест бошлиғи“ Гулсараҳон эрилиб сўз бошлади:

— Зевархоним, биздан сўрасангиз, уй тўла меҳмонларнинг ўзларини ўзларига қолдириб, „бормасам уят бўлади“, неча йиллик қадрдонмиз, ҳар кимнинг ўрни бошқа, деб чиқавердим. Қандай, чарчамадингизми? — у сўзига жавоб кутмай давом этди — Маликахон борлар-ку, вазирларни кутиб ўрганган шу синглингизга ҳавасим келади. Менинг ҳам шу Маликажондай биттагина синглим бўлмаган эканда. Бегона бегоналигини қиласди, ҳар қанча бағрингни очсанг ҳам бир кун доғда қолдиради.

Зевархоним меҳмонларни тавозе билан залга бошлади.

— Азиzlар, қани ичкарига, қани Гулсараҳон, Насиба-хон, марҳамат!

Меҳмонлар залга ўтишди ва иккита-иккита бўлиб, ҳудди музейга келгандай хонани томоша қилишга киришишиди.

— Пардаларингиз бирам ярашибди, беҳиштнинг бир бўлагини кўчириб келибсиз, қўйибсиз.

— Гулларнинг ҳидини айтинг. Шу совуқда қандай ўстиришдийкин-а?

— Бунча содда бўлмасангиз. Буларни, шундай Тошкентдан, иссиқхонанинг ўзидан кесиб олиб, тўғри самолётга чиқишган-да.

— Рост-а, мани гапимам қизиқ, — кулади содда хоним.

Жиҳозларни, зални ҳар ким маҳорати етганича мақтар, яхшироқ, маънилироқ фикр айтиш ҳар бир меҳмон учун муҳимдан муҳим эди. Бироздан кейин улар бир-бирлари-нинг кийимларини мақтай кетишиди. Зевархоним ичкаридан билур қандилдай жилоланиб чиққанида Насиба қарсак чалиб юборди. Бошқалар беихтиёр унга қўшилишиди.

- Байрамингиз қутлуғ бўлсин!
- Либосларингиз қутлуғ бўлсин!
- Қандай тикиришни ҳам биласиз-да! Бунисини ҳам ўзингиз чизиб берганимисиз?
- Зевархонимни кийим эмас, кийимни бу кишим очадилар. Шунинг учун нима киймасинлар, бирдек ярашиб кетаверади.
- Ҳамма гап қадди-қоматда!
- Бирам яшнаб кетибсиз!

Аёллар мансабларига қараб жой-жойларига, Зевархоним таклиф қилган ўринларга ўтирилар.

- Опа, меҳмонлар.

Ташқаридаги қаҳ-қаҳа ичкаридаги нозикликни босиб кетгандай, зал беихтиёр жим бўлиб қолди.

- Ассалому алайкумлар, ҳаммага саломлар! Узр, кечи-киб қолдик, эсон-омонмисизлар, азизлар?

Олияхоним „келинг-келинг“ қилиб, ўринларидан турган, столнинг қўйирогида ўтирганлар билан елка қоқишиб кўришди. Истиқболига юрмаган ёки жамоада, дастурхон устида кўришиш одобига амал қилган „бефаросат хонимлар“га қаратса, ўзича „сен кимсан-у, мен кимман“ дегандай кулимсираб: „кўрганимиз — кўришганимиз“, дея чиройли таъзим қилди. — Узримни қабул қиласиз, Зевархон опа.

- Албатта, албатта. Қани марҳамат, мана бу ёқдан.

Олия Мирзабоевнанинг баланд овозда дам кулиб, дам сўзлашлари бировларга ёқди, бировларнинг ғашини келтирди. Айниқса, Тамилла опанинг чимирилиши бошқаларнинг эътиборини тортди. Вазиятни тушунган Робия дўхтири Тамилла опага шипшиди:

- Опа, бу Олияними, ўша гуноҳи бошида қолсин, ростмикан-а?

— Ким билади, бунинг гапи бошида қолсин. Оқсоқолнинг бир оғиз сўзи, ҳурмати туфайли юрибди, итнинг отини Маржона дегандай.

— Дүстлар, қызлар! Мен ҳамма мәхмонарни, қадрдан Зевархоним опамизни 8 Март — ўз байрамимиз билан табриклайман. — деда жамоани ўзига қаратиб сүз бошлади косагул хоним, — Юртимизнинг асл аёл-қызларининг бошини бириктириб, чиройли ўтириш ташкил қылганлари учун ҳаммамизнинг номимиздан миннатдорчилигимиз ва беҳад хурсандлигимизни изҳор қилиб, табрик сўзини у кишининг энг яқин дўсти, қадрдонимиз Тамилла опага бераман. Марҳамат, Тамилла опа, сўз сизга.

— Менга оқидан қуя қолинг, — деди бека хоним. — Ўзимизнинг „Столичний“га нима етсин, бизнинг киши ҳам „Столичний“дан бошқасини ичмайдилар, чет элникини безаги демасангиз, ортиқ жойини кўрмадик...

Тамилла опа гапни илиб олди.

— Ҳа, тўғри айтасиз, айрим нарсаларнинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлади, дейишади-ку.

„Ўзимизники“ баҳона Тамилла опа очиқдан очиқ Олия Мирзабоевнага киши билмас бир-икки нишини саншиб, чиройли табригини тугатди. Қадаҳлар охиригача кўтарилиди. Олияхоним ҳеч нарса бўлмагандай Тамилла опага бир қараб олиб, Зевархонимни мақтай кетди.

— Сиз ҳаққингизда доим яхши гаплар эшитаман. Очиқ кўнгиллигингиз, дилкашлигингиз, бағри кенглигингиз билан бир бор суҳбатлашган кишингизнинг ёдида қоласиз. Айтгандай, сизнинг тановарга тушишларингизга ўлиб қоламан, тўғрисини айтсан, яхши маънода озгина ҳасад ҳам қиласман. Шунинг учун бизга енгилроғи ҳам бўлаверади. Қани, ўйноқисидан битта бўлсин, илтимос, ўзим бошлаб берайин-да, нима дейсиз?

У кула-кула қўлларини қарсиллатиб ўрнидан турди. Зевархонимнинг атрофидан гир айланаркан, майнин овозда қўшиқ ҳам айтди.

Ўйна гулгинам ўйна,
Жони дилгинам, ўйна,
Кокилларинг силкитиб,
Хипча белгинам, ўйна.

- Яшанг, Олияхон, ҳеч қачон кам бўлманг.
- Вой-бўй, бу усулларингизни эркаклар кўрмасин, Қўл-оёқдан тушади қолади.
- Ҳар аёлда бир шайтон бўлармиш.
- Бизда бир неча шайтон! — қийқирди Олияхоним ва қанотларини ёзиб, енгил суза кетди.

Кейин мезбоннинг истаги билан „Тановор“ қўйилди. Бунга Зевархонимнинг битта ўзи, оққуш каби сузид, ўзини буткул унугиб, кўрган кўзларни лол қолдириб, ўйнар эди... Дам сұхбат, дам соз, дам табрик билан бири-бирига ўхшаган мақтov сўзлари ярим тунгача давом этди.

Хйла мастлигидан нафақат гап-сўзларнинг, ақлларининг тизгинини ҳам ўз ҳолига ташлаб, бўшашиб, бир сўз билан айтганда „би-ир яйраган хонимлар“ машиналарга чиқаётгиб ҳам худди пиёниста эркаклар каби бир-бирлари билан қайта-қайта ўпишишар, қучоқлашишарди. Кечанинг хайрлашув қисми чўзила-чўзила, ниҳоят тугади.

* * *

...Баланд бўйли, доим қулимсираб юрадиган бу одамнинг бўзариб туришини тасаввур ҳам қилмаган Зевархонимнинг юраги шувиллаб деди:

- Нима гап Каримберди, тинчликми?
- Тинчлик, тинчлик эмас! Ҳозиргина прокурорнинг, РайПО бошлиғи, яна бир қанча катталарнинг уйини бошиди. У ёқ, бу ёқни йигиштириб Қўйишсин, деб оқсоқол телефон қилибдилар.

— Нега?

Саволи жавобсиз қолгач, бир нарсага тушунгандай яна сўради:

- Қаерда экан, ўзлари?
- Марказда бўлишлари керак. Кечирасиз, янга, мен борай.
- Келинга салом айтинг.

Дарров эшикнинг занжирини туширишди. Зевархоним йигиндан қолмайдиган „министр хоним“нинг Тошкентдан келолмаганини ҳам ўзича тушунди. Бу гапларда бир гап

бор, ўйлади у. Маликага, тез етиб кел, дея қўнгироқ қилди-да, шкафни очиб, анграйганча қотди.

Бу кийимлар, асл кундуз, ипак, жундан тикилган ҳар бири камида етти юз, саккиз юз, минг сўм турадиган пальто, плашч, дубблёнкалар... Ҳозиргина кийишга кўйлак то-полмаётган эди-ку, энди бу кийимларни қаерга тиқади? Сервант ва буфетлардаги биллур, асл чинни сервизлар, шиддаги қандиллар, полдаги гиламлар. Ҳар хонада ҳар ким-нинг ўз шахсий телевизори, магнитофони, гарнитурларни айтинг, Зевархоним ойнаванд деворда анграйиб турган ўз аксидан қўрқиб кетди. Шошилиб шкафнинг сўнгги ғаладо-нини тортди. Саллафан халтачадаги тахи бузилмаган юзта-лик пулларни бағрига босганча қотди. Яна бир ғаладонни тортди, унда қизларига аталган тилла, гавҳар тақинчоқлар аждаҳонинг кўзларида учқунланди. Қўрқиб кетган Зевар-хоним дарров тортмани беркитди. Пулларни бағрига босга-нича залдан ётоқقا, ётоқдан залга телбадай бориб келарди. Ҳеч нарсани йиғиширолмай қолса-я. Ҳозир босиб ке-лишса-я!

Эшик қўнгироғи „сайради“. Зевархонимнинг юраги ор-қасига тортди.

— Опа, нима гап?

Малика опасининг бағридаги халтачани олиб каравот тагига отди-да, ошхонага югурди. Сув обкелиб Зевархоним-нинг юзларига сепди, ичкизди.

— Келдингми? Тамом бўлдик! Юрагим сезяпти, ҳозир бостириб келишади, прокурорни олишган бўлса, бизники-га келди деявер. У сиплик¹, язнанг билан сал келишмаган-дай юрганди сўнгги вақтларда.

— Ёмон ният қилманг, ҳеч гап бўлмайди, опажон. Қўрққанингиз қутлуғ келиб, ўзим суюнчи оламан ҳали...

— Хоҳлаганинг сеники жоним, бир йўлини топ! Язнан-гинг шкафида мўйналарми, ҳар нарсалар бор.

— Мен, ҳозир, тез келаман, буларни гумлаб, тез қайтаман. У тез-тез юриб залдан чиқди.

¹ Ахлат, ифлос.

Үй бир лаҳза сукунат оғушида қолди. Зевархоним синглисининг қадам товушлари узоқлашгунча, ҳовли эшиги очилиб ёпилгунча қулоқ солиб турди. Хайрият бало-қазодан омон, кетди. Энди ўзиникини ҳам, буни ҳам етти қатчуқурга кўмади, жуда пухта, ҳатто эрига ҳам сир бермайди.

Малика яна етиб келди.

— Опа, қоронги тушгандан кейин қўшнимизнинг ўғли машинасида келади, ҳалиги нарсаларни йўқотамиз.

У битта қоп топиб қимматбаҳо мўйна, „олтин сур“ териларни ўнг, чап ўраб тиқа бошлади. Унинг назарида хавфли кўринган нарсалар ўн қопга ҳам сиғмасди.

— Язнам ҳам роса йиққан эканлар-да, ўзи ҳам.

— Атай йиғибдими, одамлар олиб келаверса, ташлаб кетаверса, тома-тома кўл бўлади. Ҳали ҳам келиши қанча бўлса, кетиши ҳам шунча. Бошқалар нима қилди экан-а?

— Нима қиласди, дейсиз, ҳозир ҳамманинг уйида худди бизницидақа аҳвол.

Улар уйни йиғишириб бўлишганда уйга уч киши кириб келишиди.

Зевархоним ҳам, ҳар қанча ботир кўринган Малика ҳам турган жойида тахтадай қотиб қолишиди...

Зевархонимнинг қулоғида қачондир ҳайдаб согани, Фоти жиннининг овози жаранглар, кўриб турганларига ҳеч ишонгиси келмасди. У атрофдагиларнинг эрига ва ўзига муносабатларига шу қадар кўникиб қолган эдики, унинг учун районда энг катта хўжайн райком секретари, областда обком секретари, қолаверса, балки том маънода ҳам уларнинг хотинлари хўжайн эди. Бу қоидани тақдирга айлантирган ўша ҳукми мутлоқ яна бир ҳақиқатни — Фоти жиннилар ҳам инсон эканлигини эслатгани сари унинг ҳар бир гапи миясига замбаракдек гумбурлаб уриларкан, Зевархоним юрагини чангллаганича гурсиллаб йиқилди. Масковдан келган исқабтопарлар „ўгрини қароқчи урди“ қабилида қайинсингилнинг қўй қўрасига кўмилган бир хум жавоҳиру тиллаларни ҳеч бир ҳужжатсиз, ҳазм қилиб юборсалар-да, бир мард „нима қиляпсиз?“ деб сўролмади. „Халқ-

нинг қони ва қарғишидан бино бўлган бу бойлик борган жойини албатта қуидиради, бизга буюрмаган уларга ҳам буюрмайди“, — дерди Зевархоним бу заминда ҳалқ атальмиш жонли тириклик борлиги ёдига тушиб. Чунки унинг ўзи ҳам ҳалқдан чиққан ва дунёниг ҳашамати қошида лол қолиб, чорифини унугланлардан эди-да.

...Туманда „Обод Янгиев қамоқда ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганмиш“, дея гап тарқалди. Зевархоним эса юрагини ҳовучлаб судни кутарди. Тергов ҳали-бери тугайдиган эмас. Худди тонналаб кирган дард мисқоллаб чиқаётгандай. Уй-жойлари-ю, мол-мулки мусодара қилинган Зевархоним ёлғизлик отли ялмоғизнинг чангалида нима қилишини билмас, маслаҳатлашадиган на дўсти, на ёри бор эди. „Минг уй“да унга қайишадиган бир жон топилмади. „Ёгини ялашган ётлар“нинг „қайда кўрдим қора эшагим“ қабилидаги муомалалари юрагини ўртаса-да, чидамай иложи йўқ. Аламини ичига ютиб, юз ўғирган давроннинг яна бир бор айланиб, келиб қолишидан умидини узолмасди. Жонига оро кирадигани шу битта-ю, битта синглиси Маликанинг маслаҳати билан беш-үн киши чақириб, худойи қилди, чоллар олдига сарпо қўйиб, розиризолик сўради, дуоларини олди. Катта йўл ёқасидаги қабристон масжидига ва болалар боғчасига уч-тўрт гилам, майда-чуйдалар жўнатиб, эртасига икки машина юк ва болалари билан ота юртига қўчиб кетди.

1984 – 86 йиллар.



ЯНГИ ЎҚИТУВЧИ

Замира муаллималикни бошлаганига бир йил ҳам бўлмади. Дорилфунундаги орзулари, болаларнинг сирли олами, ўқитувчиларнинг баҳсли давралари ҳақидаги ўйлари, ўзигагина хос қувонч тўла режалари ўзи ишлаётган мактаб ҳаётига мос тушмаёттанидан ҳайрон бўларди у. Болаларнинг билимини тўғри баҳолаш кундалик тарбиянинг зарур шарти эмасми? Тўғри-да! Ҳамма гап мактабдан бошланади. Бола яхши билан ёмонга, эгри билан тўғрига, атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга лоқайд қарашга ўрганса... Бебурдлик, икки юзламачилик ўз-ўзидан пайдо бўладими? Илмий мудирнинг баҳони биттагина ошириб қўйиш ҳақидаги фикри ва талаблари бошқалар учун арзимас кўринса-да, Замира учун ҳеч бир ўлчовга сифлас ноҳақликка айланган эди.

Хўш, нега энди у, ўттиз нафар ўқувчининг кўз ўнгигида, ҳеч бир қийналмасдан, асл баҳоси „тўрт“ бўлган ўқувчига „беш“ қўяр экан? Йигирма саккиз ўқувчига йўлини топиб, илмий мудир айтганидай, „қўшиб ёзиш“ сабабини изоҳлаб ҳам берар. Лекин виждонига-чи? Болалар ҳозир англамагани билан кейин тушунадилар, юзига айтмаса ҳам ўзаро сұхбатларида: „Инсофсиз математика ўқитувчимиз шундоғ-шундоғ, адолатсизлик қилгандилар,“ деб айтмайдиларми? Улар нафақат келажакда, ҳозирнинг ўзида ҳам бир-бирларининг нимага қодирлигини яхши биладилар, ҳақиқий билим ва баҳонинг фарқига борадилар. Буни илмий мудир Даврон Сардорович ҳам яхши билади, аммо болаларнинг туйғуларини беписандларча оёқ ости қилишининг сабабини тушуниб етолмасди у. У ҳам барча бошқа математиклар каби математиканинг „фанлар подшоси“лиги билан фахрланар, иқтидорли ўқувчиларни эса бошқача

бир меҳр билан яхши кўрарди. Фанлар подшосига қаролларча муносабатда бўлган илмий мудир эса бир гапни такрорлагани тақрорлаган: „Баҳони сотиб оласизми? Жамоатчи ўқувчиларни сал суяш керак. Бу йил икки ўқувчини „олтин медал“га тайёрласак, мактабнинг обрўси. Ахир Гулшан билан Нодир ўзимизнинг ўқувчилар. Бегона эмас. „Зеҳн“да мактабимиз обрўсини олиб берган талантларимизку, булар! Олтин медални, албатта, шуларга бериш керакда. Тушунинг Замирахон, улар ҳам жамоат ишларига қатнашмасдан фақат ўқиганларида, сизнинг марҳаматингизсиз ҳам „беш“ олишарди. Қанчалик қимматли вақтлари жамоат ишларига кетганинги ҳам қадрлаш керак! Шундай масми, ўртоқ ўқитувчилар?“

Кечаги педагоглар кенгашида ҳам асосий гап яна ўша, олтин медаль, мактабнинг обрўси масаласига бориб тақалди. Даврон Сардорович „мактабнинг обрўси ҳаммамизнинг обрўмиз!“ дея ўқитувчиларни музокарага чорлаш билан нутқини тугатди. Келишиб олишган каби ҳамма жим. Биринкии киши: „биз қарши эмасмиз“, дея фикр билдирган бўлди. Замира эса шунча гапдан кейин ҳам юмшамади. Мажлис жанжалга айланиб кетаёзди:

— Барibir „аъло“ деган баҳо ўз номи билан „аъло“. Шунинг учун ҳам биз „аъло“ни жамоатчилик ишини, ҳам ўқишини уддалаган болаларга қўйишимиз керак! — деди Замира.

— Замирахон, жудаям қаттиқлик қиляпсиз. Ўтинаман, бу ишининг яхши эмас, бировга яхшилик қилишга одатланинг, ўртоқ ҳали ёшсиз!

Даврон Сардорович ички бир таҳдид билан оҳиста-оҳисста гапирав экан, овози баландлаб кетганини ўзи ҳам билмай қолди:

— Яна айтаман, яхшимас! Бунаقا ўжар бўлманг, қиз боласиз. Аллома бўлсангиз ҳам қиз боласиз, сал нафисроқ, юмшоқроқ, меҳрибонроқ бўлишинтиз, аввало ўзингиз учундир. Ҳали ҳаёт олдингизда, бировнинг уйига борадиган қизсиз, Замирахон!

Замира гапнинг иззат-нафсга тегишли қисмини эшитмаган каби, очиқлик билан деди:

— Азизлар, нима деганда ҳам математика аниқ фан. Ҳар ким билимiga яраша баҳосини олади, билмаса, сира ҳам ошириб ёзолмайман.

Илмий мудирнинг жазаваси қўзий бошлади:

— Тушунарли, тушунаман, ўртоқ математик. Лекин биз сиздан ҳам илтимос, ҳам талаб қиляпмиз. Болаларнинг меҳнатини қадрлайлик, деяпмиз.

— Иложи йўқ, ўртоқ илмий мудир. Ахир уларнинг жамоатчилиги, фаоллиги вақтида баҳоланди. Фақат жамоатчи бўлишнинг ўзигина „олтин медаль“ олишга ҳуқуқ бермаслигини билиб туриб, яна талаб дейсиз, илтимос дейсиз... Кечирасиз-у, бизга бундай таълим беришмаган.

Даврон Сардоровичнинг ранги қув ўчди. Лаблари асабий пирпираб, қўз қорачиқлари олаланди. Бир кўнгилсизлик юз беришидан чўчиган муаллимлар ишларини баҳоналаб ўринларидан қўзғалишди. Замира ҳам қўзғалган эди, илмий мудир Қўлидаги ручкасини столга „тиқ-тиқ“ уриб, секин, аммо важоҳатли, таҳдидли оҳангда сўз бошлади:

— Шошилманг, Қодирова, дарсингиз қайси синфда?

— 7-„Б“ га кирмоқчиман.

— Айланма дафтарларингизни кўрсатинг, яъни биринчи ва иккинчи дафтарлар?

— Кеча тарқатиб, иккинчи дафтарларни йиғиб олгандим, текшириб кейинги ҳафтада бераман.

— Бугун нимани текширдингиз?

— 8-синф дафтарларини. Мана, кўришингиз мумкин.

— Нима учун баҳони ён чизиқдан чиқариб қўйгансиз?

Қани ёзувдаги эстетика?

— Узр, сал ўтиб кетибди, бошқа тақрорланмайди.

— Шундай бўлсин, ўртоқ, дарс сизга ўйинчоқ эмас. Унуманг, коммунистик таълим-тарбия бераётганингизни!

— Хўп бўлади. Рухсатингиз билан дарсга кирсам, болалар кутиб қолишяпти.

— Намунча маҳмаданасиз! Ҳали сиз дарсга тайёр эмасиз, қани конспектингиз?

— Марҳамат, эрталаб кўргандингиз.

У лаблари „пир-пир“ учганча конспектга тузатишлар кирилди.

Куч билан ёзишидан қоғоз йиртилиб кетай дерди.

— Янги тема, дарснинг бориши, мақсад — буларнинг ҳар бири рим рақамлари билан кўрсатилади.

Замира кулгисини ичига ютди. Ҳар қанча баджаҳл ва жиддий бўлмасин, мудирнинг шу кўриниши кулгили ва аянчли эди. Замиранинг унга раҳми келди. „Бечора, намунча бўғилмаса!? Майли, бир гапдан қолганим бўла қолсин“. Аммо мудир Замиранинг жим туришини мулзам бўлиш деб тушундими, овозини баландлатди:

— Сизга бир гапим, сизга ўшаганларнинг кўпи билан ишлатиганман. Билиб қўйинг, муштумдай ҳолингизга ўртага югуриб чиқаверманг, тушундингизми?

Замира чидаб туролмади. Даврон Сардоровичнинг ёшини ҳурмат қилган билан муомаласи, иш тутимиға тоқат қилиб бўлмасди, албатта. „Энди ўзидан кўрсин, — кечди қизнинг кўнглидан ва бир йўла дилидагиларни тўкиб соглиси келди. — Ҳурматни билмагач, баттар бўлсин“.

— Тўғри, Сиз раҳбарсиз, албатта ҳурматингиз бор! Лекин бу бошқалар фикрламасин, айтганингизни кўр-кўрона бажараверсин дегани эмас-ку?! Даврон Сардорович, ке-чирасиз-у, одамни индамаслигига қўймас экансиз-а, ё тавба. Ўқитувчиларга кун бермас экансиз. Ҳамма сизнинг фикрингиз билан иш кўрса! Ўқитувчи ҳам ижодкор, у ўз устидаги ишламаса, фикрламаса, янгиликлар изламаса, унинг роботдан фарқи қоладими? Гапнинг қисқаси, баҳони ошириб қўйишига келсак, бу ҳақда бошқа эшлишишни ҳам истамайман!

Замира шарттакилиги камлик қилгандай, тарс-турс юриб, ўқитувчилар хонасига кирди ва журнални олиб, дарс ўтадиган ҳоли қолмаганига қарамай, синфни бошига кия-ётган ўқувчилари қошига шошилди. Ҳар гал яйраб ўтади-

тан қирқ беш минутлик фурсат минг азоб билан кечди. Ҳар галгиларидан фарқли ўлароқ тўқнашув асорати танаффус пайтида ҳам худди миясидан босиб тургани каби ўқитувчилар хонаси шифтида ҳам осилиб турди гўё. Ёш педагогнинг дили оғриганини сезган адабиёт муаллими бошқаларга сездирмай, секингина таскин бермоқчи бўлди:

— Хафа бўлманг, Замирахон. Завучимиз ўзи аслида ёмон одам эмас-ку, лекин сал қизиқёнроқ, гиначироқ-да. Ўча-кишиб нима қиласдингиз? Энди изингиздан қолмайди, ип олиб, калтак олиб, қувгани-қувган. „Сизники маъқул“, демагунингизча кутилмайсиз, энди.

— Мен уни овора қилиб қочиб юрмайман. Ошкоралик замони бўлса... Мақсад фақат яхшиликка бўлганидан ке-йин, нима десам экан, менга шуниси маъқул.

Замира ўзидан рози жилмайди. Унинг тетик қарашлари, ўзига ҳақлиги, илмий мудирни бир даража эсанкиратиб кўйганлиги бу жамоа учун янгилик эди.

— Бизда ҳам об-ҳаво ўзгарадиганга ўхшайди, — деди ким-дир.

География ўқитувчиси харитани оларкан, гап қўшди:

— Иқлиминг ўзгариб туриши кишини чиниқтиради, дўстим! Табиат ҳодисалари муҳитни ўзгартиради, поклайди, вулқонлардан тоғлар ҳосил бўлади.

Замира сўз ўйинини эшишмагандай эшикка йўналди. Касбининг нақадар машақкатини биринчи бор ҳис қилди. Ташқарида ҳаво мусаффо эди.

„Саодат“ журнали, 1984 й. 9-сон

ХУТ КИРГАН КҮНЛАР

Ётаверишдан безор бўлиб, неча кунки, мени тўшакка михлаган „сим-сим“ оғриқقا чидолмай оёқларимни батареяга тирадим. Сирқиллаётган бўғинларим ўлашга ҳалақит берар, ер юзини қоронғилик, кўк юзини булут босгандан, дунёда бир соғ одам йўқдек.

Ётиб қолганимни эшишиб қўшнилар, бригада аъзолари келиб кетишяпти. Касалим айтишга ташвишли эмас-у, аммо тиззадан пастим хари тагида тургандай „сирқ-сирқ“, „сирқ-сирқ“... Онам ҳар галгидай ёд бўлиб қолган сўзларини так-порлайди.

— Болам, тузукроқмисан? Кунлар исиши билан сени Чортоққа юбораман, жонингни ўйламайсан ўзинг ҳам. Иш, иш деганинг деган. Ўтган йили ўтирим бўлиб қолган Давлатёрни Чортоққа суюб олиб борган эдилар. Қайтишда ўзи юриб келди. Сен ҳам кўрмагандай бўлиб кетасан, болам.

Юзимни кўрпага буркаб олдим. Кайфиятимни англадиларми, онажоним: „хўп болам, эй, майли дамингни олақол“, деганча ташқарига чиқдилар. Шу пайт дард устига чипқондай, ўзи ёмон аёл эмас-у, лекин нима учундир азалдан таъбим сўймайдиган қўшнимиз кириб келди ва саломалик ўрнига менинг касалимни ёзғира кетди.

— Вой, дунёning ишларини. Ревматизм, радикулит дегани дунёда бир ёмон, бир беор дард экан-да. Ҳаво намчил бўлди дегунча оёқда, белда камчил, зирқироқ бошланади. Вақтида даволатмасангиз, юракка таъсир қиларкан.

Эшитсам-да, тескари қараб ётавердим. Ухлаб ётибди деб ўйлади шекилли, онамга қараб, овозини пастлатиброқ давом этди у:

— Фотима қалай, бироз тузукми? Далада-челда кўринмади, бетоблигини болалардан эшийтдим. Нимасини айта-

сиз, бу дунёда тиниб-тинчимас жоннинг касал бўлишидан осони йўқ. Мана, қўлим икки кундан бери лўқиллаб жонимни оляйти. Лўқиллайди, бирам лўқиллайди, бирам лўқиллаб оғрийди... Ювган кирларимни совуқ сувга чайганимгами, „иссиқ-совуқ“ бўлибман. Кечаси туз сиқимлаб ётсанг кўрмагандай бўласан, дейишганди, бекор экан. Ҳар ким ҳар нарса дейди. Анави Гулчи кинначи бор-ку, нима деганини эшитинг. Ҳар касалда камида ўттизта табибнинг ризқи бор эмиш. Иштаҳаларини кўрдингизми? Тузалгунингизча ўттиз пора қилиб, еб битиришар экан булар. Лекин нафини кўрмадик... Фотижон уйғонсалар сўраб қўйинг, энди мен чиқай.

Қўшнимиз кетиши билан: „Опа, энди ким келса, нариги хонадан кузатинг, илтимос сиздан“, деб гапим тугар-тугамас, чап ён қўшнимиз Дилфузा келин кирди ва катта хонимлардай сўраша бошлади.

— Салом Фотима опа, тузукмисиз? Анча яххисиз. Туфтутуф, кўз тегмасин, бугун кечагидан яххисиз, эрга-индин ишга чиқмасангиз бўлмайди, ўрнингиз жуда ҳам билингпти. Биласизми, мен Сизга нима обкелдим? Райҳон! Ўзимнинг жажжи боғимдан.

У райҳонларни силкитиб эди, ўткир, ёқимли ҳиди уйни тутди.

— Кузда дераза олдига, тувакка экувдим. Нимжонроқ бўлса ҳам ҳиди ўткир. Куёвингиз яхши кўради-да. — У гуноҳ иш қилгандай нигоҳларини олиб қочди. — Сизни чарчатиб қўймай, Фотима опа, энди мен чиқай, тезроқ тузалиб кетинг.

Райҳон ҳидидан бошим айлангандай бўлди. Биттасини онамга узатдим.

— Олинг, чаккангизга тақиб қўйинг. Қўшнимизнинг ажойиб келини бор-да. Гўзал деса гўзал, дилбар деса дилбар.

— Ҳа, жуда ҳам ажойиб қиз, илойим қўшгани билан қўша қарисин.

— Онажон, қани энди бир мириқиб, тўйиб ухласам. Ухласам-у, туш кўрсам, райҳонзор, гулзорда югуриб юрсам.

Пахтазорда оппоқ пахталарни териб-териб, эгат бошига уйиб ташласам. Шу оғриқлардан бир қутулсам эди, захда яланг оёқ юрмасдим, шудрингда далага чиқмасдим...

Ташқарида участка врачимизнинг овози эшитилди.

— Пахтакорнинг аҳволлари яхшими? Қизингизга кўз тек-канмикан дейман-да? Кимга қараманг, Фотиманинг гапи. Фотима ундинай, Фотима бундинай. Фотима ойдинай, Фотима кундинай... Кўз тегади-да, тўғрими?

Мен ҳам кулишга ҳаракат қилдим. Доктор таниш саволла-рини яна бошлан такрорлаб, жавобларимни эътибор билан эшиитди. Оёқларимни силаб, болдириларимга бармоқларини ботириб-ботириб текширди, кўнгли тўлди шекилли деди: „Фотимаҳон, умуман айтганда, тўқсон тўққиз фоиз яхшисин. Бундан кейин ўзингизни эҳтиёт қилинг... Оёқнинг, ҳар бир аъзонинг ҳақини адо этинг, деган машойихлар, хўпми?“

Докторнинг хурматига ўрнимдан кўзғалдим, негадир бирданига тузалиб қолганга ўхшардим. Кайфиятимни қув-ватлагандай ҳаволар ҳам очилган. Онам таъбири билан айт-ганда: „Хут кирган, деҳқон патагига қурт кирган“, кунлар бошланганди.

— Опа, илтимос, менга телефонни беринг, — дедим.

— Нима қиласан, докторинг ҳозиргина кетди-ку.

— Йўқ, бошқа ишим бор.

Онам телефон ишини тортиб келаркан, юзларига ҳеч таъ-риф қилиб бўлмас шодлик қалқди.

— Болам, ернинг, пахтанинг қайғусига тушдинг-а. Бу дардинг аригани, айланай.

Оёқларимни силтаб-силтаб кўраман. Яхши. Авваллари шундай қилганимда, оғриқдан кўзларимдан ёш чиқиб ке-тарди. Соғайибман, қандай яхши, далаларни айланиш, эгат-лар оралаб юриш, тол тагида Чинни холанинг самовари атрофида чой ичиш... Онам рўпарамда жилмайганича: „Сени дардан халос қилган хутдан, баҳордан, шифобахш таш-вишларингдан айланай, болам“, дердилар.

1983 йил.



БИР ТОФОРА ГУЛ

„Сиз унинг қулоқ чаккасига туширдингиз. Газаб илҳом бағишилади. Газабнинг илҳоми ёвуз бўлар экан. Сиз қизни тена бошладингиз. „Одамлар кўриб қўйисин, бошқаларга панд бўлсин!“ Бир маҳал қонга кўзингиз тушди...“

Мен сизни, хурматли собиқ бригада бошлиғини эслар-канман, ададсиз пахтазорлар, оёқ-қўллари чиллакдек но-жарам қиз-жувонлар, ярим ўқувчи-пахтакорларни эзиш учун замона салтанати ёвузвлаштирган манқуртий қиёфангиз кўз олдимга келади.

Сиз истиқдолдан кейин ўзингизни оқлаш учун кўп баҳо-налар қидирдингиз, аммо уларнинг ҳеч бири Сизнинг виж-лонингизни тинчлантиrolмаганига ўзингиз ҳам икрорсиз. Бир мурфак новданинг барг ёзмаган баҳорларини жаҳолат қорла-ри кўмди. Бу 19.. йил кузида содир бўлган эди. Ўша куни ҳам сиз далани ҳаёт-мамот майдонига айлантириб, жон олиб, жон берардингиз. Ўша мудҳиш кунда бригадангизга райкомнинг котиби вакил бўлиб келган эди. Вакил қўз олдидা ўз вазифа-сини ўлда-жўлда бажараётган Гулсара исмли қиз кўзингизга ёмон кўриниб қолди. Бунинг устига у тушликни анча чўзиб юборди. Яъни, ишга 15 минут кечикиб келди.

Сиз қўлларингизни орқангизга тутганча минг бир қўр-кувда шошилиб эгатга шўнгиётган қизни чақирдингиз.

— Ҳей, сенга айтаман, бу ёққа кел!

Қиз бир аланглади-ю, теримга кириша берди. Сизнинг қонингиз қайнади. „Ит эмган, писанд қилмаяпти. Эшит-маганга ўхшаб ишга берилишини қара!“ Шайтон ғайратин-тизни жўштириди, кўзларингизга қон тўлди.

— Ҳей, карқулоқ. Ҳозир сани қулоғингни очиб қўяман. Бу ёққа кел, манглайи қора!

„Манглайи қора“ қиз құрқиб-писиб олдингизга келди. Бош эгиб турди. Сиз унга йүғон, соатли билагингизни тутдингиз.

— Ничча бўлди?

— ...

— Санга айтаман, соат ничча бўлди?

— Икки, — титради қиз.

— Ярим saatдан бери қайси гўрда эдинг, сўлла!

— Ўзим абеда геч чиқиб эдим, шунга гечикдим.

— Ина сонга гечикиш, ина!

Сиз уни қулоқ чаккасига туширдингиз. Фазаб илҳом бағишилади. Фазабнинг илҳоми ёвуз бўлар экан. Сиз қизни тепа бошладингиз. „Одамлар кўриб қўйсин, бошқаларга панд бўлсин!“ Бир маҳал қонга қўзингиз тушди. „Тур ўрнингдан! Айёрик қилиб ерга думалашини қара бунинг. Тур дадим!“ Қиз ичини ушлаб, икки букилиб инграради. Кўзларининг ёши, бурнидан оқаётган қон қўшилишиб, юзлари бежалиб қолди.

Сиз қизнинг аҳволини кўриб, юмшаган бўлдингиз: „Тур, юз-кўлингни ювиб, ишингга бор.“

Қиз инқиллаб дала ёнидаги ариққа йўналди. Бошқа „манглайи қора“лар бу даҳшат ўз бошига тушишидан қўрққанидан даланинг ичкарисига интилардилар. Аҳволни англаб етган райком вакили сизга танбеҳ берган бўлди.

— Тезда дўхтирга олиб бориш керак.

— Ўлмайди, буларнинг жони қаттиқ. Беор булар, — дедингиз фидойилик, паҳтага жонкуярлик билан.

— Йўқ, дўхтирга олиб боринг. Аҳволи яхшимас!

Вакилнинг совуқ оҳангидан ҳушёр тортдингиз. Ўлиб кетиб бошингиз favfoga қолсинми?

Колхоз медпунктига ўзингиз олиб бордингиз қизни.

— Офтоб урибдими, чарчабдими, бурни бироз қонади. Тез тузалиб кетадиган доридан беринг. Отизда одам кам, паҳта қолиб гетаётир. Планимиз оғир.

Дўхтири шошилмай қизни кўрди.

— Қиз касалхонада ётиши керак, — деди у совуққонлик билан, — на бўлди, синглим, қаерингиз оғрияпти?

Бир оғиз меҳрли сўз алам тўғонини бузиб юборди. Силкиниб-силкиниб, эзилиб-эзилиб йиғлар эди қиз.

— Ина, гўрдингми? — ўдағайлади бригадир. — Яхши гап ярашмийди булара, ита сариёф ярашмас, дагани шунинг дал ўзи.

— Синглим, кўпдан бери бошингиз оғирмиди? — сўради врач.

Қиз „ҳа“ дегандек бош иргади. Сиз дўхтирга дўқ ура бошладингиз.

— Нага гапни чўзасан? Доринг бўлса бер, бўлмаса уйина бориб, бир-икки кун ётиб, дамини олсин. Ҳозир пахта билан ўйнашиб бўладими? Пахта сиёсий кампания, сиёсатга боғланиб гетсанг дардингта даво йўқ. Ёшулли — элнинг эгаси ўзи юрибди отизда.

„Элнинг эгаси“ ҳақидаги гап дўхтирни ҳам, қизни ҳам сергаклантирди. Сизнинг кўксингизни тўрт энлик ўстирди. Ахир сиз шу долзарб паллада пахта учун тунни кунга улаб, жон олиб жон берар, пахта деганда отангизни ҳам танимасдингиз.

Медпункт врачи қизга далда берган бўлди, нималарнидир уқтириди. Кейин сиз уни уйига элтиб, онасиға ҳам врачга айтган гапларингизни такрорладингиз ва пўписага ўтдингиз.

— Қизнинг ўзи ярамас, ножарам! Қорни тўйиб нон есин, булар. Ана аҳволи. Уйи ичингнан пахтага бир киши чиқади, калхозни еринда ўтириб, бошқа ерда талаб ишлийсизлар. Бу йилдан кейин гўраман силарни, қани ничик баҳона то-пар экансилар?

Она қизининг аҳволини кўриб қўрқиб кетди. Гапингиз қулоғига кирмади.

— На бўлди санга, болам? Бугун борма деб айтқан адим-қу. Даррув ёт, илоё пахта қурғай, калхоз қурғай, санга пахта тердириб уйда ўтирган ман қурғайман!

Она қизини қўлтиқлаб уйига кириб кетди. Сиз сўкина-сўкина далага йўналдингиз:

— Икки гун дам олиб отизга чиқсин. Мани менчик еримда ишлиётирғони йўқ. Терса ҳукуматни пахтасини теради. Ҳукумат сиёсат билан ўйнашадиганларни уйини куйдиради, билдингми? Нонкўрлар, манглайи қоралар...

Эшигадигани нуқул шунақа гап бўлгани учунми она ҳам „оиласининг пахтага қарши“ лигига ишониб қолёзган эди. Аввало сиёсатдан қўрқиб, яна бир чеккаси қизига қўмак бўлсин, деб радикулит белини пўта билан танғиб, уйи атрофидаги отизларда пахта териб юарди.

Хуллас, қиз яна теримга чиқди, ётиб-туриб юриб қаторидан қолмасликка ҳаракат қилди. Аммо бўлмади. У касалхонага тушди, сал ўзига келгач, туман касалхонасида ётган ерида турли жойларга шикоятлар ёзди. Чунки у мактабни аълога битирган, кўп орзу-ҳавасли, файрати ичига сифмаган бир қиз эди. Айни пайтда унинг нафақат жисми, бутун жаҳони оғрир, бошини ёстиққа буркаб, қасос ўтида ёнарди. Аммо шикоятлар туманга қайтиб келаверди. Бригадирнинг бир туки ҳам тўкилмади. Қайтанга шифокорларни сикувга олишди. Соппа-соғ бир одамни, ашаддий шикоятчи ни сақлаб ўтирганини алоҳида уқтиришгач „Сен ҳали кўп даволанишинг керак“, деган шифокорлар „энди тузалдинг“, дея унга рухсат бериб юборишиди.

Қиз ҳали дунёдан умидини узмаган эди. Мактабда ўқигани адолатнинг барқарорлигига ишонар, машина ҳалокатига учраган ҳақиқатгўй тоғасига ўхшагиси келарди. Яхши одамларнинг борлигига, советлар элида ҳақиқат албатта қарор топишига ишонар эди. У адолат истаб Тошкент, Москвага хатлар ёзди. Хатлари қадами етганича бориб, яна районга қайтаверди. Қиз туманда ҳақиқат тополмаслигини биллиб вилоят касалхонасида даволанадиган бўлди. У ердагилар ҳам ўз тинчлигини ўйлашди, қизга касалингиз йўқ, уйда ётиб дам олсангиз кифоя, дейишди. Шу билан қиз кўз ёшларидан фойда йўқлигини, ёзувлари нафсизлигини, ўзи билган најжот эшиклари тақа-тақ беркилганини билди. Онасининг таваллолари, ҳали бир кун ҳамма ёвузлар жазо олишини кўражаклари ҳақидаги орзулар, назарида, пашша-

НИНГ ФИНГИЛЛАШИГА ЎХШАБ ҚОЛДИ. ДАРДИНИ КИМГА АЙТСИН?
У НУҚУЛ ЙИГЕЛЭР ЭДИ. „ТЕЛЕВИЗОР КҮРСАНГ-ЧИ, БОЛАМ“, ДЕРДИ
ОНА ҚИЗИННИ ОВУТИШ ЙҮЛЛАРИНИ ТОПОЛМАЙ.

Телевизорда эса ҳамма баҳтли, одамлар қаерга борса, ишлари силлиққина битган, кулган, яйраган. Наҳотки ҳақиқатлар кинода-ю, китобларда, телевизорда, мактаб дарслигиде... Дарҳақиқат, қиз күрган ва күраётган ҳақиқатлар шундай эди. У тамоман чарчади. Ахир 6-синфдан бери далада, пахта ичида, тупроқقا беланиб ўси. Ўқиб илмли киши бўлмоқчи эди. Унинг дилида ширин орзулар барг ёзган, кинодаги қизларнинг баҳтига ўхшаган баҳт хаёлан бошини айлантирас, тезроқ улғайгиси келарди. Ярим умри далада, ярим умри мактабда, ўн йилликни битирди, ўн саккизга тўлди. Шу билан том маънодаги қайгули кунлар бошланди. Ўқишига борган чаласавод болалар йиқилиб қайтишарди. „Танка“си борлар кирадиган замонлар бошланганди. Қишлоқда ошкор гапки, фалончи фалонча бериб кириди. „ТошМИ 5 минг эмиш, юрфак 8 мингга чиқибди“. Миш-мишлар уни гангитиб қўйди. Демак ишлаб пул топмаса, фақат чала билим билан одим отиб бўлмайди. Пул йиғиш учун ишларди у. Касалга чалинди, камқонлик! Ранги синиққанига парво қилмай, дардини енгиб, тиришиб ишлайверди. „Касал бўлмайдиган одам борми, ётсанг ётаверасан, касал босқилайверади“. Оқибат аёвсиз меҳнат, қалбсиз, туйғусиз бошлиқлар енгди. Ишончи топталган қиз ҳаётдан зерика бошлади, турган жойида чўкиб бормоқда эди, қўл чўзай деса бир чўп кўринмасди. Бир йўла чўкиб кетгиси, шу тақир ерга чўзилиб ётиб, қаттиқ ухлагиси ва бошқа уйғонгиси келмасди.

— Куйдим, ёндим — деди у бир куни онасига йиғлаб, — ичим кулга тўлиб кетганга ўхшаяпти, энажон. Энди шу чаляжон сиртим кимга керак?

Она қизининг қораҷиқлари кенгайиб кетган кўзлари, қонсиз чехрасига қўрқиб тикилди. Йўқ, боласи ақлинни йўқотмаган эди. Она ўзини қарғарди.

— Күйиш учун туққан аканман силарни, болам. Қайси бир ўтингга ёнайин, анавининг ўти ўчмай сани ўтинг күйдирсінми мани, болам?

Она ўлган болаларини айтиб йиғларди. Қиз онани юпатмади, ўзидан нафратландими, ўрнидан секін құзғалди, ерга қараган күйи онасидан узоқлашы. Унинг аҳволи, нигоҳла-ри құрқулик эди. Она қизини пойлаб юриб, гафлатда қолиб кетди. Ҳар күн уйқуга ётиб, әрталаң уйғонишни истамаган, сизнинг гапингиз бүйіча „васвасага йүлиққан қиз“ бир баҳтсиз тонгда устидан лампамой қыйиб, ўзи ўзига гугурт чаққанини билмай қолди. Шундай қилиб, дўзах азобида узоқ қийналған қизнинг аччиқ ҳаёт шами сүнди, достони тугади. Унинг қийналғанларини күраверіб чидамаган олам эса қиз жасадини ерга, руҳини күкка кузатар экан, енгил тортди. Шўрлик онанинг дарди юзага тепди, уни ҳеч нарса билан овугиб бўлмасди, ичининг олови күн-кундан күкка ўрлар, аламлари мунгли бир куйга айланар, юрса-турса йиғлаганнамо хиргойи қиласидиган дардга йўлиққанди.

*Ўртаниб ўлган болам,
Очишмай сўлган болам,
Ёна-ёна кул бўлиб,
Ерлара гирган болам.
Ўтларинга ёнаман,
Дудларинга куяман,
Нишатиб бу дунёда
Кўкларингни гияман?
Очишмай сўлған болам?
Ерларга дўлғон болам.*

Она кўк кийди. Юрагининг ўтлари пасаймай Сиз қамоқдан кутилиб чиқдингиз, ўртоқ биргадир. Она сизни абадий қамоқда қолсин, деб сира ўйлаётгани йўқ эди. Ўйлашга унинг қуввати ҳам етмасди. У куйган пайтда „Оҳ болам, бағрим!“ деб фарёд чекарди, бағрини ерга ташлаб узоқ ётар, ётиб-ётиб яна ишга чалғимай иложи йўқ эди.

Чироқ ёқса ёришмайдиган юрагида армон ажриқлари ёйилган сари ёйилиб борарди. Ошқозоними, қорними оғрийдиган бўлди. Кейинги вақтларда овқати сингмай қолди. „Оти йўқ“ касалдан бўлмасам эди, дея кўнглига келиб, қўрқувга тушди. Ўлиб гетсам бир уй бола-бақра кима қолади?“

Ҳақиқатан унга ошқозон раки деб ташхис қўйишди. Аҳволи кун-кундан оғирлаша бориб, охири қўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Энди ҳамма нарса унга, у ҳамма нарсага бефарқ эди. Тушларига қизи киарди. Бир тоғора оловни кўтарганича пахтазорларда чопиб юарди. Бир пайт олови гулга айланиб, юринг онажон, бу ёқда боғлар кўп, дерди қиз жилмайганича. „Дунёни сақлаб турган улуғ бир куч бор, – шивирлайди онанинг хаста руҳи. У бир кун юзага чиқади. Ахир Худойим кўриб турибди. Қизима жаннатларидан жой берди, ўтларини гула айлантириди“ ...

Минг афсус, афсус. Онагина бу дунёда рўшноликни кўра олмади. Жон таслим қиласидиган куни эрталаб болаларини, кириб-чиқиб юрган қариндошларини ёнига чорлади. Сал тетиклашгандек яноқлари қизғишланиб, кўзлари ёришганга ўхшади. Қизини эслади, тез орада, Худо ҳоҳласа қовишман, деди кучини йигиб ва бир оз жим қолди-да, бўлиб-бўлиб: „дўст қўлдан гетди, рози бўлинглар, жигарлар“, деди. Кўзларидан қорачиқларими, ёшми, яноқлари устидан сир-ғалиб тушди. Шу билан кўзини бошқа очмади.

Эртасига жаноза ўқилиб, тобут кўтарилиганда жамоатни ҳайрон қолдириб, уч-тўрт парча оқ булат майийт устига ёғди. Гёё қизининг ҳуллаларга ўралган руҳи уни қабристонга кузатиб борди, тупроқда жисмини топшириб, она бола сиздан ва зулматга чўмган дунёдан узоқ-узоқларга, нурли манзилларга парвоз қилдилар. Сиз эса ўртоқ бошлиқ, ҳамон ичи ичингиздек қорайиб кетган пахтазорларда ўзингизча гёё жон олиб, жон берардингиз...

1991 йил ёзилган.
„Карвон қўнғироғи“ 2011 й. 28 сон.

ЎН КУН

Гулгинани меҳмонхона фойесида навбатчи мўйсафид амаки қаршилади.

— Хуш келибсиз, меҳмон қизим, келинг, келинг. — Тавозе билан жой кўрсатаркан, Гулгинанинг савол беришини ҳам кутмай изоҳ бера бошлади, — Қизим, администратор бугун бир жойга чиққан эдилар. Энди Сиз, ўзингизга ўхшаган бир ёқимтой қизимиз бор, кеча келганлар. Ўша билан ҳамхона бўласиз. Истасангиз биратўла — курс тугагунича бирга тураверасиз. Худди ўзингиздек, истараликкина.

Гулгина самимиятга жавобан мамнун жилмайганича амаки узаттан пиёлани оларкан, қаршисида ўзига ҳайрон қараб турган собиқ курсдоши Эшбекка кўзи тушиб, янада хурсанд бўлиб кетди. Анча тўлишибди, юзларининг қизили ерга томади, қарашлари қувноқ ва қув. Беш йил ўқиш давомида бирор маротаба қизлар билан қўл олишиб кўришмаган одам бугун Гулгинани ҳайрон қолдирганча қизларникидек юмшоқ кафтини чўзиб, азamat гавдасига мос тушмаган мулојимлик билан сўраша кетди.

— Ўзингизмисиз, Гули? Тинчмисиз, омонмисиз, элъюрт, бола-чақалар, Бухорийлар саломатми?

— Шукур, шукур. Кўринишингиздан амалдорларданмисиз, дебман. — Хурсандлигини изхор қиларди Гулгина ҳам Эшбекнинг „бухорийлар“ини ўзича тушуниб. Ҳасан-Хусанларим борини қаердан эшитибди, кечди кўнглидан. Йиллар уни бутунлай ўзгартириб юборибди. Саволга жавоб бергувчи, курсдаги энг камгап болалардан эди. Ҳечкимнинг, айниқса қизларнинг сўзини ерда қолдирмасди. Ўғил болалар унинг кийимларини кийиб кетишлиари, узоқдан келган меҳмонларини уницида бир неча кунлаб қолдиришлиари, конспектларидан истаганча кўчиришлиари мум-

кин бўлган, хизматига ҳақ талаб қилмайдиган, фидойилиги сезилиб қолишидан уяладиган, бошқаларга сира ўхшамайдиган, бир фаройиб бола эди у.

— Худо урибдими амални биз томонларда адашиб. Ҳамишаги қишлоқ мухбири, юрибмиз интервью, репортаж дегандай.

— Билиниб турибди қандай мухбирлигингиз. Анойи бечорага ўхшамайсиз.

Курсдошлар, гўё, бир пайтлари жуда яқин бўлишган-у, уни орадан кўп йиллар ўтгач, эндигина пайқаб қолишганларини англаб, иккалалари ҳам дувв қизаришди. Айниқса Гулгина Эшбек билан ўқиган беш йиллик талабалик йилларининг бирор кунини ўзини Эшбекка шу кундагидек яқин ва қадрдон ҳис қилмаганди. Ҳеч қачон хурсанд-у, хафалигини, бойу камбағаллигини билиб бўлмайдиган, курснинг фахри — писмиқ — авлиё Эшбек ҳам Гулгинани қамраб олган қувноқлик тўлқинида кутилмаган сўзамоллик, ғайри ишонч ва яқинлик билан собиқ курсдошини „Гулижон“ дея эъзозлар экан, ўтган йиллар давомида бирор марта ҳам бундай сўз тилига келмаганини ўйлаб, юзининг қизиллиги янада ортди. Агар ўртада эркак ва аёл деган тушунчалар бўлмаганида эди, Эшбек Гулгина билан қадрдон жўралар каби қучоқлашиб кўришган бўларди. Бу беғубор лаҳзалар ўн беш йиллик мозийдан туриб, ҳеч ҳаёлга келмаган яқинликни кашф қилмоқдайдики, ҳар икки томон ҳам буни бутун вужуди, руҳи или ҳис қиларкан, „нега шундай?“ дегандек бир неча лаҳза бир-бирларига ҳайрон тикилиб қолишиди.

Кўпни кўрган амаки Эшбекка чой узатар экан, у ҳам гўё уларга умрлик ҳамроҳ каби учрашувдан чехраси ёришиб, гап қўшди:

— Буни қаранг, бу ажойиб учрашувни, дўстликнинг бебаҳо неъматини қаранг. Талабалик йилларингиздан мутлақо бехабар бўлсан ҳам бир нарса аниқ — ҳозир сизлар ўша олтин даврларингизга қайтдингиз. Яхши инсонлар кўришмай

юриб күришишса шунақа бўлади ўзи. Ёшликка не етсин, болалар? — Амакининг гаплари уларга ва уларни тинглаётган бошқаларга хам бирдек хуш ёқаётган эди.

— Амаки, омон бўлсак, эллик йилдан кейин малака оширишга келганимизда кўрасиз, — ҳозиржавоблик қилди Эшбек.

— Ким билади, амакингиз у пайтда жаннатларда юрадиларми, омонёрни айтиб.

— Яхши ният-да, амаки.

— Айтганингиз келсин ўғлим. Ёшлар билан, яхшилар билан ҳамроҳ бўлсанг ҳам яшарасан, ҳам умринг узаяди, деб тўғри айтишган. Узр, энди қизим, гапга берилиб кетганимизни қаранг. Сиз йўлдан келгансиз, биз эса... жойингиз ўттиз саккизинчи хонада, мана калитингиз. Дамингизни олақолинг.

— Амаким тўғри айтяптилар, — дея тасдиқлади Эшбек ва Гулгинанинг каттакон сумкасини кўтариб йўл бошлади. — Рухсатингиз билан хонангизгача кузатиб қўяман. Сиз жойлашиб олаверинг, ҳали замон ҳамхонангиз ҳам келиб қолар. Дарслардан ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Бугун семинаримизнинг биринчи куни танишиш, суҳбат билан ўтди. Мана биз ҳам танишиб олдик.

Эшбек сумкани эшик ёнига қўйди-да, орқасига қайтди. Хона Гулгинага ёқди. Агар икки кипи туришадиган бўлса, шу хонада туравераман, амакининг гапига қараганда, ҳамхонам ҳам дилкашгина аёлга ўхшайди. Ҳозирча нарсаларим турга турсин. Ҳали шеригим не дейди, не қўяди, кечди кўнглидан. Сумкасини бир четга қўйиб, бўш каравотнинг чеккасига омонат ўтириди. Ўн кунлик семинар бир дам олишдек гап, Худо хоҳласа. Ҳар ҳолда мияси дам олади, фикрлари янгиланади. Ўзи ҳам чарчаган экан. Неча йилки, хирмонга қўшилган от каби бир жойда айлангани айланган. Гўё, экади, ўради, янчади, ун қилади. Шу иши бир умр такрорланиб келади. Газетачининг иши шу. Кун ора маҳсулот бериши керак. Одамлар газета ўқимаса туролмайдиган бўлиб қолишган, газета одамлар учун эрталабки нонушта-

дир, деган эди устозлардан бири бир йиғилишда. Газета дўконига зеҳн солган киши одамларнинг газетахўрларини дарров ажратиб олади. Мана энди шу газетанинг орқасидан уй-жой, бола-чақани уйга қолдириб семинарларда юрибди. Турли жойлардан келган ҳамкасабаларини кўради. Ҳаммадан ҳам собиқ курсдошини кўрганини айтинг. Балки бошқа курсдошлар, қизлар ҳам келишгандир? Келишганида, Эшбекнинг ўзи айтган бўлар эди. Эшбек яхши журналист бўлганга ўхшайди. Бурунгидек эмас, анча очилган. Жамият, одамлар орасида юраверсанг бошқаларнигина эмас, ўзингни ҳам кашф этасан, киши. Эшбек азалий табиати билан ҳаммага тегишли, ҳаммага ёқадиган бола бўлса-да, унинг ўзига ёқадиган алоҳида бир қизи ёки йигитлардан бўлсин, хос ўртоғи бўлганлигини эслолмади. Ҳамма билан бирдек эди у. Аммо бугун Гулгинага муомаласига қараганда анча бошқача одамга айланиб қолгандек. Оиласи, болалари бормикан...

Гулгина хаёл билан кўзи илинган эканми, эшик қўнгириғи жиринглаб, уйғониб кетди. Кун ботиб, шом тушиб қолибди. Ҳамхонаси амаки таърифлагандан ҳам зиёда хушсуврат, ёқимтой жувон кўринди кўзига. Гулгина рўпарасида: „узр, сизни безовта қилиб қўйдим“, деб хижолатли жилмайиб турган аёлни анчадан бери биладигандек илиқ қарши олди.

— Йўқ, йўқ, аксинча мен сизни безовта қилиб қўйдим. Йўғингизда хонангизга кириб, ётиб олибман, қотиб ухлабман ҳам. Яхши келдингизми? Сиз ҳақингизда кўп яхши гаплар айтишди, танишганимдан хурсандман. Исмим Гулгина, яъни вилоят газетаси ходими, қишлоғи мухбир Гулгина Карим. Марказий матбуотда камдан кам чиқаман.

— Мен ҳам хурсандман. Хуш келибсиз. „Палакларда фалакий олам“ мақолангизни ўқиганман. Шундан бери Бухоро зардўzlари билан суҳбатлашишга орзумандман. Исмим Саида, туман газетасида ишлайман. Марказий матбуотда эсда қоладиган нарсалар ёзганимча йўқ, Гулгина опа.

- Ёзасиз Саидахон, ёзасиз. Мана танишиб ҳам олдик. Келишингизни кутиб, жойлашмаган ҳам эдим.
- Бемалол жойлашиб олаверинг. Шифонерда кийим илгичлар етарли. Сиз жойлашгунча мен чой қўяман.

Эртаси кунги дарс ҳам домла йўқлама қилғач, деярли танишув, турли фикр-мулоҳазалар билан ўтди. Суҳбат давомида ҳар ким беихтиёр ўзининг ишхонаси ва иш тартиблари, матбуотнинг маҳаллий шароитдаги ўрни ва вазифалари ҳақида баҳс очиб, жавобсиз саволларига бошқаларнинг диққатини тортмоқчи бўлишарди. Ким қандайлиги дарров маълум бўлди-қолди. Бирорлар масала талашиб, ҳаммани ўзига қаратса, семинарни беш-ўн кун дам олиб кетиш деб тушунган айримлар „йўқолиб қолиш“ пайида бўлаётганликлари ҳам кўриниб туради. Эшбек билан Гулгинани кузатиб турган, кўринишдан учарроқ ҳамкасаба Гулгинага ҳазиллашганинома гап қотди:

- Агар мен ҳам собиқ курсдошим билан шундай кунда учрашиб қолганимда эди, бошқача кўришган бўлардим.
- Қандай кўришардингиз? — қоқчаккарок шериги гапни гап олдириш учун қийшанглади.
- Э, ўзимизнинг курсдошлардан бўлмаганидан кейин айтиб нима қиласдим. Эҳ, бизни курсдошларни сиз билмайсиз. Кизлар ўт-олов, шаддот, пари-пайкар, йигитларимиз жангари, файласуф, азамат. Мана, тўртта-бешта яхши болалар чиқишли. Республикада машҳур, баъзилари казо-казо жойларда — амалдор бўлиб кетишган. Баъзилари тўрттабештадан бола боқишияпти. Яхши ота-оналар ҳам яхши журналистлардан чиқишиади-да. Инсон ўстириш осон ишми? Ҳа, айтгандай сизда жужуқлардан нечта?

Савол Гулгинага қаратилган эди.

- Биздами, атиги бештагина, — жилмайди Гулгина. Бошқалар „қаҳ-қаҳ“ отиб кулиши. Орадан бегоналик кўтарилиб, „олди-қочди“ давра бироз кенгайди. „Гув-гув“ кулишмадан кейин тингловчилар икки-бир, икки-бир гурингга киришиб кетиши. Неча йиллардан бери ҳар кун бир хил кун тартибида яшаб, зериккан бу жамоа учун айни пайтда,

„қуюшқондан чиқиши“нинг ўзига хос шифобахш жиҳатлари ҳам йўқ эмасди. Масъул котиб ва бош муҳаррир ўринбосарлари лавозимларидаги ўрта ўшларга етиб қолган тингловчилар, аллақачон, ёш болаларга айланганларича, ҳар бири ўзини кўрсатмоқчидай, гапдан гап, чўғдан ўт чиқариб, матбуотдаги тагига сира етиб бўлмайдиган мавзуларни қўзғаб юборгандилар. Аммо тартиб-интизом, иш жадвали деган темир қоидалар бу ерда ҳам ўз ҳукмига эгалигини кўрсатиб, қўнғироқ чалинди ва ҳадемай гавдасига нисбатан анча оғир ва беўхшов папка кўтарган жиккаккина домла, кечикиб қолмадимми, дегандек пилдираб кириб келди. Ҳар қанча ишchan кўринмасин, хонанинг кайфияти унга юқдими, домла мавзудан анча чекиниб, ўтлаб кетган аудиторияга ҳайрон қараб турди-да, оғирдек кўринган портфелини эпчилик билан столга кўйди. Ичи бўш эканми, папка қийшайиб бориб „тап“ этиб ётиб қолди. Сал нарсага „гувгув“ кулги кўтариб дам олаётган дарсхонаага папканинг қулашиб қитиқлагандек таъсири қилди. Домла ҳам худди шуни кутиб тургандек, кўпчиликка қўшилиб, мириқиб қулиб хуморини ёзгач, „Матбуотда шов-шув“ деган мавзуда маърузасини бошлади.

Аввало зерикарлидек сезилган дарс журналистлар тили билан айтганда „ўтлаб кетганлар“ни магнитга тортилган майда-чуйда темир-терсаклардек домла томон тортди. „Шундай кишиларни ўз касбининг устаси“ деса бўлади кўнглидан кечди Эшбекнинг ва Гулгинага маъноли қараб қўйди. Ён тарафда Гулгинага еб қўйгудек тикилиб қолган бир жуфт кўзга кўзи тушиб фashi келди. Дарс тутагунича бир неча бор беихтиёр „кўз“ томонга кўзи кетди. „Кўз“ ҳар гал Гулгинанинг сувратини чизаётган каби унга ғарқ чўйкан кўринарди. Эшбек тушунолмади, нега тушуниши кераклигини ҳам билолмади, бепарво ҳам бўлолмади. Маърузага ҳар қанча қулоқ тутмасин қулоғига гап кирмас, нуқул „кўз“нинг кўзини пойлашига ўзи ҳам ҳайрон. Муҳаммаджон исмли бу ҳамкасабани Эшбек кеча – дарснинг илк кунидаёқ ёқтирамай қолганининг сабабини энди англади. „Хижолат ҳам

бўлмайди!“ Эшбек турли хаёллар билан бўлиб, дарснинг қандай тугаганини ҳам билмади. Қўнғироқ чалинини билан Муҳаммаджон Гулгинанинг қошига келди, қўлини кўксига қўйиб сўрашди.

— Кеча кўринмадингиз, яхши келдингизми? Исмингиз Гулгинахон экан, танишганимдан хурсандман. Хушомад қиляпти деб ўйламанг-у, агар қарши бўлмасангиз, мен сизга, зерикиб қолмаслигингиз учун қизиқ нарсалар айтиб берардим.

— Фамхўрлигингиз учун раҳмат.

— Биласизми, бир таклиф: мен сизга, рухсатингиз билан албатта, қизлар билан саргузаштларимни гапириб бераман. Кейин сиз менинг кимлигимни айтасиз. Энди бу ҳам вақтни мароқли ўтказишнинг бир тури-да, нима дейсиз?

— Кечирасиз, узр, дейман, холос. Шу!

Гулгина гапга гап қўшмагани учунми, суҳбат совиди, ҳазил-мутойиба ҳам тўхтади.

Кечкурун қизлар чой ичишаётганида эшик тақиллади.

— Ким?

— Мумкинми қизлар?

Остонада Муҳаммаджон. Пишган калладек нуқул тиржаяди.

— Э, қизларжон, юрагим тарс ёрилиб кетяпти. Ҳамхонамнинг уйқудан бошқа пешаси йўқ экан. Бир ўзим қўрқяпман. Ё мени таклиф қилинглар, ё бизникига чиқинглар, жон қизлар.

— Келинг, чой ичаётувдик. Сизга қанақасидан, кўкми ё памил? — деди Саида қариндошини кутиб олаётгандай хуш муомала билан. Муҳаммаджоннинг кўзлари Гулгинани излади.

— Сиз нима десангиз шу, Саидахон. Яхшиям рухсат этдиларинг, йўқса юрагим ёрилиб, ўлиб қолардим шу бугун.

— Умр кунингиз бор экан, мана тирик қолдингиз.

Саида Гулгинанинг ҳазил-мутойибани анча хушламаётганини сезиб, ўзини нокулай хис қилди, гапга жиддий тус берганича давом этди.

- Бу оилангизни соғинганингиздан-да, түғрими?
- Топдингиз. Қизчаларимни күрмагансиз-да. Мана бундай, бундай, бундай. Бири биридан сал-салгина фарқ қилишади. Худди Фоти-Зухролардай ўзлари ҳам. Яна билағон-ликларини айтмайсизми, худди кампирни кичрайтириб қўйгандай.
- Қизчаларингиз онасиға ўхшашибадими? — Қизиқарди Саида гўё бунинг муҳим аҳамияти бордай.
- Ҳа. Аммо кенжатойим худди қуйиб қўйган ўзгинам. Қорача, кишмишдаккина, бирам ширин. Катталари кетвортган қиз бўлишади, онасиға ўхшаб оқморқа, аслзодалиги ҳалитдан билиниб туради, киприклари Гулгинахонникидақа, қовоқлари томон қайрилма, жиддийликларини айтмайсизми? — У жиддийлашишга ҳаракат қилса-да, оғзи қулоги томон кетди: — Ўртоқ қизлар, бугун кўп гапираётганимни билиб турибман. Кеччирасизлар, жиндек ичган эдим. Собиқ курсдошим, вазир муовини Носирбек билан эдик. Учрашувимизни қиттак нишонладик. Шунча қистаса ҳам ўтирумадим, аммо. Оёғим Сизлар томон торта-верди...

Чақирилмаган меҳмоннинг ўзини тутишидан Гулгина-нинг энсаси қота бошлади. Саида бўлса, тоғасиникига ке-тиш ҳаракатига тушди. Муҳаммаджон гўё „қиз ўртоғи“ каби ундан тортиниб ўтирумай, соchlарини тўғрилаб, нари-бери пардоз ҳам қилиб олди.

— Мен борай бўлмасам, майли Гулгина опа, яхши қолинг, узр энди Муҳаммаджон ака.

— Бемалол, bemalol,— деди Муҳаммаджон ҳам айни муддао бўлди, дегандек янада очилишиб. Гулгина эса „сизга ҳам рухсат“, дегандек пиёлаларни четга олиб, дастурхонни йиғиширишга ишора билди. Бу ҳаракат Муҳаммаджонга бориб етмади. Саида Гулгинанинг ҳаракатини ўзича ўнғайсиз тушундими, елкасини қисганича эшикка йўналди. „Журналист дегани сал фаолроқ бўлса керак эди, бунча ўзини четга олмаса?“ Гулгина эса Муҳаммаджонни

тезроқ хонадан чиқариб юбориш пайида эканини Саида ҳам билишини истагандек, яхши бориб келинг, салом деб қўйинг қариндошларга. Мен ҳам чарчабман шекилли, дам олсам деяпман, деди.

Ўзини Ноқулай сезган Саида хонадан чиқаркан, Гулгинанинг ҳолатига бўлароқ, эшикни хиёл очиқ қолдирганича оҳиста юриб кетди. Оёқ товушлари ҳам тинди. Гулгинани қандайдир юқ босди, Муҳаммаджон эса, кетишни хаёлига ҳам келтирмасдан гапга киришди:

— Ўртоғингиз кетиб қолди-да, Гулгинахон.

Гулгина эса бу, „ўзича содда“ одамнинг дилига озор бермай, ўрнидан қўзғатиши лозим сўзни ахтараётib кўрдики, бу одам аксинча, бегона аёл киши билан бир хонада ёлғиз қолиш андишаси у ёқда турсин, қайтанга ҳаракатидан мустаҳкамроқ ўрнашди. Қўлларини кўкси узра чалиштириб, стулнинг суюнчиғига ястаниб олди. Нигоҳлари эса бошига бир мушкулот тушган кишилардек илтижоли, сўзлари эса ғашга тегувчи... Гулгинага шундай туюлди, бу ёқимсиз саҳнага тезроқ парда тортишни истарди.

— Кетишимни хоҳлаяпсизми? Биз замонавий одамларгина эмас, аҳли қаламлармиз. Нима қилишлигимизни яхши биламиз. Мени кечирасиз-у, ўз ҳамкасбидан тортиниб турган киши қандай қилиб жиддий мавзуларга қўл ура олади?

У Гулгинани гапиришга қўймай, сўзида давом этди.

— Менинг аёллардан дўстларим кўп. Ўзингизга маълум, сафарларда кўп бўламан, ахир.

— Анча малакали эканлигингиз кўриниб турибди, — кулади Гулгина.

— Йўқ, Гулгинахон, Сиз айнан тушунганингиз маънода эмас. Айтинг-чи, менинг ҳолатим сизга ҳеч таъсир қилмадими? Масалан, мен ҳар қандай аёлга ёқаман, деб ишонман. Келишган, чиройли, ҳазилкаш йигитман. Бир пайтлари шундай шўх эдимки, йўлда кетаётиб ҳар қандай қизни тўхтатиб: „Сиз гўзалсиз, ҳуснингиз йигитларни ўлдиради“, дердим.

— Шилқим экансиз-да!

— Хулосага шошманг-да. Шунчаки ҳазил, самимият билан айтардим. Дунёнинг ишлари шундаки, эркакларни шайдо қилиш учун аёлда минг хил фазилатлар яратган. Билмадим, ҳар ҳолда ҳазилкашлик енгилтаклик эмас. Мен кўнглим ёқтирган аёлни бир умр ёқтираман. Сиз, сиз, очиғини айтаман, кўнглимга ёқдингиз, кўзимда қолдингиз...

— Ё тавба, — юраги сиқила бошлади Гулгинанинг. Сўзни қийналиб бошласа ҳам, гапнинг индалосига келганда овози дадиллашди. Нима, ростдан ҳам эркак киши ишорага тушунмаса, андиша қилмаса, қараб ўтирсинми? — Гапларингиз жуда чиройли ва ёқимли, аммо мени маъзур тутинг. Кўнглингизга келса ҳам айтай, ўзингиз тушунасиз, буёги ўзбекчилик, газеталаримизда ёзганимиздай миллий қадриятларимиз, дин-диёнатимиз, деган гаплар бор. Шеригим бўлганида ҳам бошқа гап эди, бир пас суҳбатлашиб ўтирадик. Энди, энди сизга хуш келибсиз, дейман меҳмон. Энди дам олиш керак. Уйли уйига, тепа тўйига...

„Томдан тушган тараша“ бош ёрмаса ҳам ҳамкасабани хушёр тортириди. Фурури оғриди, ҳалигина қарогига йифилган мафтункор ҳарорат ўрнини пушаймонлик эгалласа-да, кайфиятини билдиримасликка уриниб жилмайди.

— Тўғри айтасиз, дам олиш керак. — Эшикка йўналаркан, унутган нарсасини эслагандай, бир пас тўхтади ва „хайр“, деди-да чиқиб кетди.

1985 йил

ЧИННИГУЛЛАР

Бугун ишхоналарда кайфият ўзгача.

Хуллас, аёллар олдидағи ишларини четга суриб қўйиб, эрталабданоқ ўзларига қарашган, силанишган, сийпанган. Қўпгина столларда гуллар пайдо бўлиб қолган. Ҳозиргина биздан бир қават пастда ишловчи дугонам уч дона гул қўтариб кириб келди. О, унинг қадди қоматини-ю, лиbosларини. Аслида у мени табриклишдан кўра ўзини намойиш қилгани келган, десам тўғрироқ бўларди. Ана, гийбатни ҳам бошладик. Барibir ўша, ўзига ишонган, бошқалар наздидаги „лидер“лиги билан танилган дугонамга ҳавасим келди. Кайфиятни одам ўзига ўзи яратади, деганлари ҳаққос рост. Кўринишга қараб илк тасаввур ҳосил бўлади. Айниқса, бизнинг замонда буни инкор қилиб бўлмайди. Кўнглимдан: „мен ҳам сал ўзимга қарасам бўларми“, деган фикр ўтди. Ўрнимдан туриб шкафнинг ич томонидаги ойнага қарадим. Шу ҳам кайфият бўлдими? Бу ҳақда уйда, эрталаб ишта чиқаётуб ўйлашим керак эди-ку. Ҳеч бўлмаса, уч кундан бери кийиб юрганим, мана бу кўйлагимни бугун киймасам бўларкан... Чехрамда байрамнинг „Б“ ҳарфи ҳам сезилмайди. Шу пайт Гулхумор лола кўтариб кириб келди.

— Байрамингиз муборак бўлсин, Жамила опа. Ў-ӯ, гуллар ҳам келиб қолибди, кимдан?

— Гулларми? Ўзимиздан ўзимизга, — кулдим. — Келинг қақажон, ҳақиқий байрам, мана, сизга ярашади. Жуда чиройли бўлиб кетибсиз. Доим шундай бўлиб юринг. Гулларингиз учун раҳмат.

Сал ўтмай эшик тақиллаб, бир арава қаҳқаҳа — қўшни идоранинг бошлиқ муовини Маҳбуба кириб келди:

— Ҳов, дўстим бормисиз? Нега сизда иккита гул, менда битта ҳам йўқ? — У хохолаганича одатдагидек қўлларини

бир-бирига қарс-курс урди. — Мана, келмаяпти. Соат ҳам ўн бир сари кетиб борадур.

— Ким экан у сизни интизор этган баҳтиёр...?

— Ҳали телефон қилдилар, тушдан кейин ўтармишлар. Менинг тушдан кейин ишім бор, дедим. Келса келар, кутмайман.

Лекин унинг кутаётганилиги борлиғига, кўзларига ёзилиб турибди-ю, яширмоқчи бўлади.

— Менга қаранг, дўстим, — деди у бошига чақмоқдек урилган хаёлидан хурсанд, — шу гулингиз менинг хонамда турсин. Бировларнинг ичини бир ёқайин. Ўзи ҳам чиройли, чўғдек гуллар экан. Энди у мендан кўрадиганини кўради. Розимисиз?

— Гуллар айлансин сизгинадан. Ўзим ҳам сизни табриклимоқчи бўлиб турувдим.

У шипиллаганича гулларни ўз хонасига элтиб, яна чиқди.

— Бу ёққа юринг, гап бор, — деди у қошини сирли учирив, — ҳозир ўзимизни ўзимиз хурсанд қиласиз.

Унинг кабинетига чиқдик.

У китоб жавонининг пастки эшигини очиб, мусаллас шишиасини қўлига олди ва жимитдеккина қадаҳчаларга қуя бошлади.

— Дуппа-дуруст аёллар, яна иш вақтида... бу нима деган гап, ўртоқ?

— Эй-ай! „Дуппа-дуруст“ингиз нимаси? Нозингизга бало борми? Ойдек бўлади, ўнтўрг кунлик ойдек. У эшикни очиб: „Гулхумор!“ дея чақирди.

Ҳаяжонланганидан лов-лов ёнади. Негадир ё хандон отгиси, ё ўкириб йифлагиси, гув-гув тўкилгиси келади, ўзига сифмайди.

— Эй дўстим, бу дунёда бир кун ўласан-кетасан. Ким сени ўйлайди? А? Ким сени шу одам ҳам бор эди, деб ўйлаб ўтирибди? — Сурмали кўзлари бир пасда ёшланди-ю, кучлироқ чўғланди.

— Нега ўйлашмас экан, ўйлашади. Ҳали замон гуллар кўтариб келиб қолишади...

— Шундай деб ўйлайсизми, қани күрайлик-чи, кимлар келаркан?

У ғамга чўкиб бораётган жойидан бир пасда қувноқ юксакликка учиб чиқди.

— Ҳе-ҳе-ҳе-йй! Башоратингиз чин бўлсин-да, ўргилай. — У қия эшикни сал очиб жўшқин овозда қичқирди:

— Гулхумор! Келмайсизми бу ёққа?! — кейин мен томон ўгирилди-да, қўлларини бир-бирига урди: — Ахир бугун байрам бўлса? Аёллар байрами, ўзимизнинг байрамимиз-а! Биласизми, дунё аёллари бу байрамни қандоқ қўлга киритишган? У шунчаки байрам эмас. У бизнинг ҳақ-хукуқимиз байрами. Халқаро майдондаги бирдамлигимиз ҳақида бошингизни қотириб ўтирмайман-у, лекин катта кучмиз, ўртоқжон. Бизнинг вазифамиз ҳам, бурчимиз ҳам, севгимиз ҳам катта. Шу билан бир қаторда ҳасратимиз ҳам. Агар биз кулар бўлсак, дунёни лолазор қоплади, агар биз йиғлар бўлсак, дунёни сув босади. Кулиб-кулиб яшашимиз кепрак, дўстим.

У гапни айлантириш билан ўзига ўзи далда беришга ҳаракат қилмасин, кўнглиниңг қайси бир бурчларидан ўғринча мўралаётган оғриқни яширолмасди. Мен гапни бураман.

— „Кулиб-кулиб...“ дейсиз. Бундай ходим қайси бошлиқقا ёқсин? Ўзингиз ҳам бошлиқсиз, айтинг?

— Тўғри, тўғри. Гапингизга гап йўқ — у эшикка бир қараб олди, — Аммо бошлиқларга ёқиш учун уларни ҳам баъзан баъзан кулдириб туриш керак. Бошлиқ ҳам одам. Унга ходими эътибор қилмаса, ким эътибор қилади? Унинг уйида сизникидан аъломи? Уйида у шўрлик ҳам оддий ходим бўлади қолади-да. Қозон-товоқ ювади, уй супуради. Шу ишларни унга сен бошлиқ экансан, деб аммаси қилиб бермайди. Аксинча, сен бошлиқсан, менга ёрдам бермасанг ким ёрдам беради, ёшлигингда боққанман. Шу жияним бошлиқ бўлсин, деб дуо қилганманки, мана мартабаларинг улуғ, дейди. „Амма, жим бўлинг“, дёёлмайсан. Шунинг учун айтаман-да, фақат амма-холалар, қариндошлар учун яшяпман. Миннат эмас-у, ҳақиқатан шундай, бу аҳволда ўзим

учун қачон яшайман? Қачон? Дод дейишига ҳаққим борми, чинингизни айтинг, борми?

- Бор, бор бўлганда қандоқ...
- Одамни тушунасиз. Шунинг учун ҳам сизни яхши кўраман, азизим **Жамилахон**.

Гулхумор кириб келди.

- Нима гап? — Шивирлаброқ сўради у, — бирорвга бир нарса бўптими?

Гулхумор аввал қадаҳчаларга, кейин менга қараб сирли жилмайди.

— Бу кишига мумкин эмас.

- Бу ёғидан ташвишланманг, кемага тушганнинг жони бир, азизам,— деди Маҳбуба ва жажжигина табрик нутқи сўзлади. — Доим омон бўлайлик. Ҳамма кунларимиздан байрам нафаси келиб турсин. Бетгачопар ходимдан ўзи асрасин, ҳаммамизга инсоф берсин. Гулхуморга яхши күёв ато қиласин. Қани олайлик, кам бўлмайлик.

У қадаҳни бўшатди ва чаққонлик билан шкафга яшириди ва бизни шоширди:

- Олингиз энди, ноз қилавермай...
- Хўп-хўп, ўртоқ бошлиқ, байрам куни эркинлик беринг, ҳеч бўлмаса.

Гулхумор қадаҳчасини тезгина бўшатди-ю, худди бирор кўриб қоладигандек шишани шкафга беркитди. У байрам баҳона ўзи айтганидек „темир юрак“ опаларини бир хурсанд қилгиси келганди. Ҳар ҳолда унинг кўнглида ёмон нияти йўқ. Унинг фикрича бу опалар батъян-баъзан йигилишиб, хурсандчилик қилиб туришлари керак. Юракларидаги тошларга айланиб кетган дардларини вақти-вақти билан тўкиб туришса, бир оз самимирироқ бўлишармиди? Ҳаёт фақат иш-у, ташвишдан иборат эмас. Бирорвнинг қувончташвишини бўлишиб яшаган одам қувноқроқ, одамшавандароқ бўлади. Бу одамлар ё ўта билимдон, ё ўта сохта. Айниқса мажлис қиссалар, гаплари бир-бирларига етиб бормагани шундоқ билиниб туради. Барчалари ичларида ниманидир яшириб, дилидаги қолиб, тилидагини айтишади. Бир-

бирларидан қўрқишадими-ей, ҳуркишадими-ей. Ишқилиб, муҳитларида Гулхумордек ёш ходимлар тушунмайдиган нимадир бор. Шу боис гаплари тош деворга урилган кесакдек тап-тап ушалиб, ерга тўкилаверади. Ҳар ҳолда Гулхуморнинг наздида шундай. Шунинг учун бу дарднинг давосини байрам баҳона, ўзича топгиси келганди-да. Мана икки йилдирки, анча куйди-пишди бўлиб қолди. Ёш бўлса-да, ўз таъсирини кўрсатяпти. Илойим, шу қизгинанинг бахти очилиб кетсин-да.

- Жамила опа, совиб қоляпти, олмайсизми?
- Биласиз-ку, менга мумкинмас, ўргулай.
- Ҳеч бўлмаса, қўлингизга битта олинг, бу ёғини ўзимиз тўғрилаймиз.

Гулхуморнинг ҳаёт кўрган хонимлардек ҳаракатини кузатиб турган Маҳбуба хафа бўлгандек бош чайқаб, қадаҳчани қўлига олди: „Бу ёққа беринг. Аёлларнинг марди-майдони мана ўзимиз, аммо сиз учун азизам Жамилахон. Доим шундай бўлиб қолинг, сизга шу туришингиз жуда ярашади!“. У қадаҳчани бир ҳўплади-да, уни ҳам аввалгиси ёнига қўйди ва деди: „Мана азизлар, байрамни ҳам элдан бурун нишонладик, дилдорликларингиз учун раҳмат, аммо чиндан ҳам хурсандман. Жамилахон, дўсттинам сиз мени тушунасиз, энди ҳар ким ўз ишига, тағин бошлиқлардан дакки эшитиб қолмайлик.“

Қисқача қўнгилочар дақиқалар ниҳоя топиб, менинг хонамга ўтдик. Мен иш столимга ўтириб, хотиржамлик билан ишга киришдим. Гулхумор бир пас тикилиб турди-да, хафсаласи пир бўлди, қўйди.

- Тавба, бу одамларга ҳеч тушунолмадим, ўзи сизлар қандайсизлар-а? Ҳаммаларингиз ичингиздан пишгансизлар.
- Э, хафа бўляпсизми, Гулхумор? Сингилжон, мана бу ишларни байрамдан кейинга қолдириб бўлмайди-да. Агар бугун тутатиб қўймасак, кейин ҳар қандай доридан наф йўқ.
- Баттар бўлинглар, мен ишламайман! — У хиргойи қилганича эшикни очди. Унинг ёқимли овози анча вақтгача эшитилиб турди:

*Оқ илон оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?
Сен мени ёмон дединг,
Яхшини топганинг қани?*

Соат бирга яқынлашиб қолганда эшик очилиб маҳаллий комитет раиси күринди ва ҳар галгидек намойишкорона түнгиллади:

— Бунча ишchan бўлиб кетмасанглар? Дастурхон совиб қолди-ку. Худди ойликка ишлагандек ишлайман. Ўтиришади ҳаммалари, тайёрига ҳам борақолай дейишмайди.

— Заҳарларига ейишмайди ҳам дeng, яхшиям баҳтимизга сиз борсиз, бўлмаса бир йўла қирилиб кетсан, кейин кимга профком бўлардингиз? — Унинг авзоини кўриб, бошқачароқ гапиришга тўғри келди: — Аслида сиз ўзи каттароқ жойларга бошлиқ бўладиган аёлсиз-да, ўртоқ маҳаллақўм. Айтиб қўяй, бир куни шундай бўлади ҳам, ўшанда бизни қабулингизда куттириб қўймасангиз бўлди.

— Бу дастурхон зўр бўлди, — унинг рангги очилиб, кулимсиради ва бошлиқларга хос сокинлик билан давом этди, — бўлинглар тезроқ, ош совиб қолади.

Дам олиш хонасида байрам руҳи. Стол ўртасида каттагина гулдаста — чиннигуллар. Кўшиқ ҳам аёлларнинг гўзали — Лолаҳон ҳақида.

*Лолазорга Лолаҳон чиқди бугун,
Пойига пешвоз жаҳон чиқди бугун...*

Ҳаммаларингизни байрам билан табриклайман, — дедим-у, элдан бурун, кўшиққа ҳамоҳанг ўйинга тушиб кетдим. Кайфиятим кўпчиликка бир пастда юқди.

— Вой, байрам сизга ёқибди, очилиб кетяпсиз, — деди аҳоли талабини ўрганиш бўйича инструкторимиз, бўлагина аёл.

— Тўғри айтдингиз, дастурхонлар тўлиб-тошиб, мусиқа янграб тургандан кейин ҳам байрамга ўхшамасинми?

Маҳалла қўмитамизга раҳмат. Байрам бўлса шунчалик бўлади-да.

— Тўғри айтдингиз. Бугун ўйнаб-кулсак икки ҳисса ярашади, Худога шукур ишларимиз ҳам жойида.

Бир нарсани билгандек, Гулхумор яйраб кулди.

— Гулхумор қизимизга ҳам раҳмат. Ёшларга ёндошсанг, ёшлиги юқар экан. Шу қиз бир йилдан бери муҳитимизни қайта қуриб ётибди, ҳар ҳолда бугун сал-пал бўлса-да, натижа сезилганидан хурсандман.— деди ёши улугроқ опахон.

Зулхумор ёнидаги аёлнинг қулогига нимадир деди ва икковлари хонадан чиқиб кетишди, бир оздан кейин жилмайиб кириб келишди. Ходим садафдек тишларини ярқиратиб кулар, жуда пишиқсизлар-ей, ҳеч хаёлимга келмаганини қаранг, — дерди у „сир“га шерик бўлганидан қувониб.

Икки ярим соатлик байрамдан кейин дастурхон йиғиширилиб, ҳар ким ўз хонасига, иш ўрнига кетди. Иккита-учта бўлиб чойхўрлик бошланди. Бизнинг хонамиздаги қувноқлик коридордан ўтиб бораётган бошлиғимизнинг диққатини тортди.

— Бу ёқда давом қиляпсизларми? — деди у, бугунча майли, дегандек табассум билан.

— Ҳа, энди опажон, байрам куни бир қошиқ аччиқ қонимиздан ўтасиз. Чойга сизни ҳам чорламоқчи бўлиб турувдик..., — катта ёшлилар туриб, қақажонлик қилди Гулхумор.

Бошлиқ яйраб кулди:

— Бугун сизларда бир гап бор-а, Гулхуморжон? Байраммимиз анча қувноқ ўтяпти.

Гулхумор кўзларини пирпиратиб баҳтиёрликдан тери-сига сифмасди. У ўзини гуноҳкор сезганида „шу бутефосдан заҳарланган бир қошиқ қонимдан ўтинг“, дея жилмайиб тураверарди. Бугунги „гуноҳи“дан икки ҳисса фахрланиб яна ўша гапини такрорлади: „Бутофесдан заҳарланган бир қошиқ қонимдан ўтинг“. Гап гапга уланиб бир пиёла чой ҳам ичилди. Эрталаб Маҳбуба айтганидек „бошлиқ билан кулишиб ўтириш“ ҳам ўз натижасини берди. Мехри товла-

ниб кетган бошлиғимиз: „бугун сал вақтлироқ кетсак ҳам бўлади“, деди.

— Сиз нима десангиз шу-да,— қувватлади касаба хоним, — чиндан ҳам ҳаёт гўзал, бор бўлсин байрамлар ва яхши бошлиқлар!

Аввало бошлиқни кузатдик. Бошлиқ чиқаётиб яна бир сидра хушсуханлик қилди:

— Раҳмат қизлар. Ҳақиқатан жуда чиройли кун бўлди. Раҳмат, Гулхумор сизга ҳам, касаба уюшмаси-ю, Жамила-хонга ҳам, ҳаммаларингизга яхшилик тилайман. Яхши дам олинглар.

У кишини бир тўп бўлиб лифтгача кузатдик. Шу пайт ўрта бўйли, хушбичим бир эркак оппоқ чиннингуллар кўтарганича Маҳбубанинг хонасига кириб кетди.

— Зўр-ку, — деди Гулхумор, — Ким бўлди экан-а, тавба. Аммо Маҳбуба опа боплайди, ҳамма томондан зўрлар у киши, лекин у кишига мумкин.

— Муҳокама қилишингизни, — танбеҳ берган бўлдим мен. — Кимлигини нима қиласиз? Курсдошидир, дўстидир, бирорвудир.

— Ҳеч замонда курсдош шундай ҳиммат кўрсатадими? Ким билади ҳозир курсдошлари ер ютиб, қаерларда юришган экан. Маҳбуба опани ўйлаб ўтиришармиди? — деди ҳавасдан кўзлари чақнаб.

Йигит кўп ўтирмади. Маҳбуба уни коридорда, беш-олти қадамча кузатиб, хонасига қайтди. Эшиги очиқ, гулдонда еттига бир текис, фоят зебо, магрут, оппоқ чиннингуллар турарди. Лекин негадир, Маҳбубанинг шашти паст кўриниб, дедим:

— Нега хўмраясиз? Саҳарлаб югурсинларми эди? Барibir келибдилар-ку. Гулларининг чиройлилигини. Ҳақиқатан диди баланд экан.

Маҳбубанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ўзи унда ёш дегани доим тайёр туради.

— Ўладиган дунёда пешонам шу экан. Менга нуқул шунақаси йўлиқади. Бу иш энди бўлмайди, икковлон истасак

ҳам бўлмайди. У фарзанд кўриши керак. Иккинчи оила қуришдан мақсади ҳам шу. Мен эса...

У томогини ғиппа бўғиб келган ҳамишаги „дод“ларидан кескин фарқли бир „дод“ни ичига ютиб, дераза томон ўгирилди. Нима дейишимни билмай қолдим. У эса овозлари рангланиб, ҳамсиққан ҳолда давом этди:

— Ана шунаقا, дўстим. Кўрдингизми ҳеч нарса дея олмадингиз. Ўйинга оила қуриб бўлмайди-ку? Бир икки йил яшаш мумкин, бир-бировга алданиб, умидвор бўлиб. Кейин... бир-бировга тикили-иб ўтиромаймиз-ку? Жин урсин, яна ажрашиш керак. Яна... Ахир оила қўлқоп бўлса экан, ҳар қишида янгилайверсанг.

У бироз жим қолди. Айтарини айтиб бўлган, ўзи қаноатланган, бу масала тугади дегандек, сўлғин табассум билан менга таскин беришга ўтди.

— Мен сизга айтсам, кам-кўст учун қайгурувчи бўлманг, болаларингиз ҳадемай одам бўлишади. Сиздан кейин қолиб чироғингизни ёқади, номингизни айтиб юришади. Бу ўладиган дунёда одамга бундан ортиқ яна нима керак?

Унинг дам ёниб, дам сўлиб турувчи гулгун яноқларидан уммон янглиғ қалби тубидаги ноёб садафлар тарс-тарс ёрилиб, ичидан гавҳар қиёс мунглари думалайверди. Бу аёлми, жодугарми? Шунда ҳам кулиб турибди. Кулиб туриб йиглайди, йиглаб туриб кулади. „Биров“нинг ташрифи натижасини олдиндан сезган эса-да, учрашувга рози бўлганидан алами келар эди.

— Маҳбуб, — сўзимни йўқотиб каловландим. Биров...

Гапим оғзимда қолди. У кутилмаганда бир юз саксон даражা ўзгариб, қуёшдек чараклаб кетди. Менинг таскин бол сўзлар ахтараётганимдан хижолат, мен уни қутқараман, десам у аллақачон мени кутқаришга киришган эди.

— Э-й! Дўсттинам, юринг уйга олиб кетаман. Била-ман, дарров „болаларим“ дейсиз. Тўғри қиласиз. Майли, бир кун болаларингизга хўжайнингиз қарап. Ўтирамиз, яrim кун бўлса ҳам ўзимиз учун яшаймиз, нима дейсиз, жонгинам?

- Нима ҳам дердим, албатта жон-жон дейман.
- Яшанг, дўстгинам яшанг, беш-олти сўм ташанг!
- У оппоқ гулдастани қофозига ўради, менинг хонамдан олиб чиқсан гулларни ўзимга узатди.
- Узр энди, дўстим.
- Қўяверинг, бу гуллар ҳам сизга.
- Ўладиган дунёда гулга кўмилиб ўлсин, дейсиз-да мен бечорани. Ҳа-ҳа-ҳа-е! Гулингиз ўзингизга буюрсин, жонгинам. Сизга мингдан минг раҳмат.

Маҳбуба гул-гул очилиб, ўзини ютмоқчи дунёлардан аллақачон тортиб олган, гўзал бир манзилларга мени ҳам эргаштириб кетмоқда эди. Жўлдираб турган қора кўzlари, тўлқин-тўлқин соchlари, нақш олмадек яноқлар, бағрида бир кучоқ оппоқ чиннингуллар... Оҳ, дунё, дунё! Унинг боғларини шарбатга, осмонларини қушларга, бағринирайхонларга тўлдиргун, эй Парвардигор. Шугинаниям бағрини фарзанд ҳиди билан тўлдирсанг, гулистонингда бир гул камайиб қолармиди, эй Аллоҳим... Унинг жарангдор овозидан хаёлим бўлинди.

— Нима бўлди, ўйланиб қолдингиз, файласуф дўстгинам. Унудингиз қўйдингиз, ҳалигина қандоқ дўстлар эдик бизлар? — У қандай қаҳ-қаҳа отган бўлса, бир пасда маъюсланиб давом этди: — Байрам ҳам ўтди. Барибир биз бахтиёрмиз, кўнглимизда умид бутун экан, шунинг учун ҳам йўқ бўлиб кетмаймиз. Келинг, шу қўшиқни сиз учун бағишлайнин:

*Дунё менинг кўнглим нетай, ярим этди,
Ярим кўнгил куйласа ҳам дунё тўлар...*

Лаблари қанча ҳийла қилмасин, мунглари тилга кириб, кўзларига тошиб чиқсан ҳалқоб пастга думалади. Лабларидан эса бағридаги оппоқ гуллар устига унинг қалб боғида битган чўғдек қизил чиннингуллар тўкилаётганга ўхшарди. Ҳар ҳолда менга шундай туюлди. „Яна бир бор байрамингиз билан, Маҳбубаҳон“, дедим. У қучоини очди: „Сизни ҳам жонгинам, Жамилаҳон...“. У лифт томон кетди, мен столимни йифишириш учун хонамга кирдим.

1988 йил.

ВАҚФ ЎРИК

Бобом ул ўрикни экканларида уч қаричча күчат эди. Күчатни яхши бир ўрикка пайванд қилишди. Оти Нуқули. Пишса бир ёғи оқ, бир ёғи қизил, сариқ бўлиб пишар экан. Күчат ўсиб, дараҳт бўлди. Ҳар баҳорда оппоқ, ним пушти гуллаши билан асаларилар бошига ёпирилардилар. Бир неча кун ўрикка мақтөв, муҳаббат қўшиқлари бағишлинар, гул шираси ишқ шеваси ила болга айланарди.

Ўрик ҳар баҳор шигил довуччага кирганда атрофидан шўх-шодон болалару, келинчаклар назарига тушарди. Қўшни келинчак ўрик тагидан ўтар экан, ҳар гал кўзлари ёшланиб, довуччалар узиб, енгига яшиаркан, „Рози бўл, ўрикжон“, дейди ичида. Ўрик ҳамма ўриклардан бурун пишади. Уни кимлар ошкор, кимлар ўгринча узаверадилар. Болалар тош отадилар, шохларини синдириб кетадилар. Бобом болаларни уришмасалар-да, яхши сўзлар, насиҳат қиласдилар: „Мевасини енглар-у, ўзига озор берманглар, ахир унинг ҳам жони бор, қийналади“. Кейин синган новдалар ўринларини хиралашган кўз нурлари билан силаганларича, ўрикжонга далда берадилар: „хафа бўлма, тошни ҳам мевали дараҳтга отадилар“.

Бобом қариган сари ўрик ҳам қариб борди, танасига ғадир-будир, қават-қават ажинлар тушди. Шохларининг бандида елим— конфетлари кўпайди. Болакайлар ҳамон унга тирмашадилар. Мункиллаб қолган бобом болаларни авайлади: „Кўзингга қара, эт-бетинг шилинмасин“.

Кунлардан бир кун уйимиизда фарёд кўчди. Бобомиз оламдан ўтдилар. Бир кам тўқсон ёшда, тўқсон икки деб ердан кўтардилар. Келишиб олгандек ҳамма бир сўзни такрорлайди: „Жаннати одам эдилар, мўмин эдилар, илойим яхши жойлардан ато этган бўлсин“.

Бобомнинг маракаси қунида биздан уч уй нарида турадиган отахон дадамдан сўрадилар: „Оллаберган бобонинг ёдига қайси дараҳтни вақф қиласизлар?“

Дадамнинг кўзлари ёшланди:

— Отамлар боғимизнинг боғбони эдилар...

Отахон пича ўйлаб, мушкулни осонлаштириди.

— Бобонгиз йўл чеккасига бекорга эммаганлар, анави „Нуқули“ни. Шуни вақф-ҳайрия қилақолайлик. Ўтган-кетганинг оғзи тегади. Бобога савоби етиб туради. Энди менга бир болтача беринглар.

Отахон болтачанинг юзасини, дасталарини силаркан, бир туп ёшлиар, қўшнилар қуршовида Нуқули ўрик ёнига бориб, бисмиллаҳи... деганича бобом ёди учун ўрик танасига иримига болта уаркан деди:

— Энди бу ўрик тура-тургунича бобонгизнинг вақфи, ҳайрияси бўлди. Ким узса-да, ким тегса-да индамайсизлар. Савоби бобонгизга етиб туради...

Йиллар ўтди. Ўрик атрофида данагидан кўкарған кўчатлар пайдо бўлди. Нуқулижон ҳам қариби, кўп шохлари қуриб, танаси дағаллашди. Минг томиридан бир томиридагина ҳаёт суви жилдираб, яккам-дуккам шохлари гўё дунё билан розилашарди: „Дунёга келдим. Меҳрга сазовор бўлдим. Неча йиллар гуллаб, яшнадим. Руҳим аллақачон танамни тарк этган. Биз муҳаббат ила кетяпмиз, қолганлар омон бўлишин...“ Кейин ўрик барг ёзмай, гулламай кўйди. У ҳам бобом каби ўзидан бир олам авлод қолдириб, олам билан хайрлашган эди.

Кишлоқда бир дурадгор амаки бор эди, бир қуни келиб қуруқ дараҳтни тубидан арралашга киришди. Ундан нима қиляпсиз, деб сўратпомаса-да, йигилганларга ўзи изоҳ берди:

— Энди ундан бешик, ўқлоғи, чакич, пичоқ дасталар ясаймиз, майда шохларини тандирга ёқинг, нон ёпинглар.

Танасини, йирик шохларини уста, майда шохларини кўни-кўшнилар талашиб олдилар. Кимdir нон ёпди, бир ҳафта давомида у қўшнидан бу қўшнига иссиқ нонлар чиқди, ҳамма уйларда Оллаберган бобомнинг, ўрикнинг вас-

фи бўлди. Шундай қилиб, Нуқули ўрик ўтинга, бешигу чакичга айланиб, неча йиллик достони ниҳоя топди. Астасекин бобом ҳам ўрик ҳам унудилди.

Йиллар ўтди. Ёшлик сарҳадлари ортда қолиб, умрниң сокин босқичи яна қишлоқ йўлларига туташ чиқди. Не кўз билан кўрайки, Нуқули ўрик ўсган ерда ўрикзор гуркираб турарди. Ҳаётимда биринчи бор файри ҳолга тушдим. Кўнглимда, юрагимда навқирон Нуқули ўрикни ва ўрикзор аро бобожонимни кўргандай бўлдим. Ҳаёл олиб кетди ва ул оламда кўнгиллар тўлганича сухбатлашдик. „Энди хайрлашамиزم?“ деди кимдир. „Йўқ, — дея жавоб бердим мен, — энди фақат саломлашамиз. Ассалом, ота боғим. Мен сизга қайтдим, энди Сиздан асло йироқ кетмасман...“

„Дўст, Друг“ газетаси,
1999 йил, март



СИРЛИ ОДАМЛАР ДУНЁСИ

(Воқеий ҳикоялар)

1. ҚОРА СЕШАНБА ЁКИ ГЎЗАЛНИНГ КЕЧИНМАЛАРИ

Биз унга ўрганиб қолганмиз, келмай қўйса „Гўзалга нима бўлдийкин?“ деб хавотирга тушамиз. Бугун ҳам „Гўзал кўринмай кетдими?“ деб бир-бири миздан сўраб турсак, ўзи кириб келди.

— Мени соғиниб қолмадингларми? Мен эса сизларни кўргим келди, шеригимга „ярим соат ўрнимни билдирмай тургин“, дедим-да, чиқавердим.

— Ажаб қилибсиз. Ҳақиқатан ҳам Сизни гапириб тургандик. Қайнанангиз яхши кўраркан-да, дастурхон устига келдингиз. Қани, энди янгиликлардан, антиқа гуринглардан бошланг.

— Қайнанамнинг яхши кўриши ҳам тўғри. Юрагимни очгани чиқдим-да. Эшишишга вақтингиз борми, йўқми, деб сўраб ҳам ўтирумай гапга тушиб кетаман-а! — кулади у. — Сизларга гапирсанро ҳаштланаман. Бугун онамни туш кўрибман. Яхши туш. Гўзал жойларда, гўзал либосларда ҳурлиқолардай юрибдилар. Эрталаб туриб, қуръон бағишладим-да, яна вафот этган кунларини эсладим. Ўшандаги онамнинг ўлимлари бир ён, ўша кунги гап-сўзлар бир ён бўлган эди-да.

Онажонимизни сўнгги йўлга кузатган кунимиз кечқурун, бағрим қон, йиғлаб ўтирасам, бир аёл „буғун қайси кун?“ деб сўради. „Буғунги кун сешанба“, дедим. Ёнимда ўтирган қариндошлардан бири эса секин қулоғимга „ундай демагин, чоршанба дегин“, деб шивирлади. „Йў-ғе, буғун сешанба“, дедим яна. Қариндош бошини чайқаб, секин деди: „Сешанба бўлса ҳам иримига чоршанба дейиш керак. Сешанба куни ўлган кишига яхши бўлмас эмиш“.

У яна нимадир деди, қулогимга кирмади. Демак, она-жоним ёмон одам бўлгани учун Аллоҳим унинг жонини олишни сешанба кунига қўйган экан-да... Демак, онамнинг биздан яширин, ғайри, ёмон бир ҳаёти бўлган эканда. Онамнинг қандайдир оғир гуноҳлари бор эканда... каби мудҳиш ўйлардан юракларим эзилиб, келган-кетганни буткул унугиб, онамнинг биз билан кечган неча йиллик умрларини қайта-қайта кўз олдимдан ўтказаман. Шу оғир аза кунида онажоним бирла қайта бошдан яна бир ўтиз йилни яшадим ҳамки, у кишини қоралаш мумкин бўлган бир ёмон феълини кўз олдимга келтиролмадим. Балки онажонимиз шу қадар уддабурро, маккора бир аёл бўлганларидан кечирилмас гуноҳларни бошқаларга билдиримай қилганлару, жонларини олишни Аллоҳ „Қора сешанба“ кунига қолдирган экан-да... Оҳ, онажоним, мунисим, ҳокисорим, меҳрибоним, нималар қилиб қўйдингизки, бу ўтирган жамоа сизнинг оғир азобларни кечираётганингизга ишониб ўтиришибди? Оҳ, онажон, онажон... биз учун пахтадан-да оқ кўнгилли туюлган онажонимизнинг кечириб бўлмас гуноҳлари нима экан, албатта ўзинг билгувчисан, деб ичимда Аллоҳга илтижо қиласман. Биз билган онажонимиз ҳокисор бир аёл эдилар, икки ҳовуч тилла тақинчоқлари бўлгани ҳолда, отам у кишини ипак кийимликларга кўмиб қўйганлари ҳолда бирор марта ярқираб кийинмасдилар. Отамиз кўнгли учун у кишининг олдида ясаниб юрсалар-да, кўчага жуда оддий кийиниб чиқардилар. Аксинча, аёл зоти уйида эски-тускисини кийиб, кўчага ясаниб чиқади-ку, сиз нега бор нарсангизни киймайсиз, десак ҳокисоргина: „Отанг учун уйда майли, аммо кўчада ясаниб юришга уяламан“, дердилар. Бир тансиқ таом пишса қўни-қўшнига илинмай туриб, ўзлари емасдилар. Менга нуқул „сенга оқ ипакдан узун қилиб, беллари бурма кўйлак тикиб берсам, устидан товар нимча кийсанг худди паришталарга ўхшаб қолардинг, ҳур қизлар шундай кийинсалар керак-а, Гўзал-ой“, дердилар. Албатта ҳар бир она учун ўз

қизи ҳурга ўхшайди-да онажон, десам онам: „түгри, аммо сен бошқачасан“, деяверардилар. Ким билади, шундай очиқ қўл, уятчан, ҳаё пардасидан, ҳатто ўзи билан ўзи қолганида ҳам бир бор мўраламаган онажонимга „қора сешанба“ насиб қилган бўлса?

Ҳар хил ўйлар исканжасида саҳарга яқин кўзим илиндиши йўқми, туш кўрибман. Уни сиз учун туш деяқолай, ўзим эса уни аниқ, молдий дунёда кўргандек кўрдим. Мени бир уйга кирилдишлар. Наздимда уй кенгайиб, шифтлари ҳам кўтарилиб кетганга ўхшади. Шунда кимдир: „тепага қара“, деб овоз берди. Бошимни кўтарсам, онажоним булутдек бир қуюқлик устида, марварид шодалари билан безалган тахтда, ёқасидан этагигача марварид ва дурлар қадалган оппоқ кўйлакда ўтирибдилар. Чехралари бир нуроний, бир тоза, бирам ёш ва чиройлиларки, уни сизга тасвирлаб беролмайман. Онажон, дейману овозим чиқмайди. Онам гапиряптилар-у, лаблари қимирилмайди. „Болам, мана менинг аҳволимни кўрдинг, жуда яхшиман, ортиқ хафа бўлаверма, Аллоҳга шукур қил, болажоним, энди борақол“, дедилар. Мен эса хўнг-хўнг йиғлайман. Йиғи билан уйғонибман. Рӯҳим еп-енгил, аввалгидек мотомсаро эмасман. Онам абадий роҳатга эришганини Аллоҳим менга кўрсатди. Шукур қилиш ўрнига нега фарёд чекайин, дўстлар дейман. „Сешанба“ хабарини берган қариндош ҳам гапимни эшишиб, чеҳраси очилиб, кувониб кетди. „Ўзим ҳам, наҳотки бу гаплар рост бўлса, деб роса ҳайрон эдим, қаранг-а. Тушингизни холангизга айтдингизми?“, деб сўради. Нариги хонада ўтирган холам ҳам айнан мен кўрган ҳолни кўрган эканлар. Кимдир „мўъжиза“, кимдир „каромат“ деб онажонимнинг сифатларидан гапиравар, кимдир ошкор, кимдир ичидаги зикрга берилган эди. Мен эса „қора сешанба“ ҳақидаги гапларга хафа ҳам бўлмадим, балки, бизни хотиржам қилган, онажонимизнинг ҳолидан хабар бериб, хурофотчиларни ҳам ҳайрон қолдирган меҳрибон ва раҳимли Аллоҳга ҳамдлар айтардим.

2. ЎЗИМ ЎЗ ТАНАМГА КИРДИМ...

...Шундай қилиб, онажонимизсиз ҳам яшаб турибмиз, деб ҳикоясини бошлади Гўзал. Онамизсиз ҳам кун ботиб, тонг отяпти. Аммо юрагим ўзининг бир азиз нарсасини қўмсад, оламга сифмасди. Ишимда, уйимда файз-барака қочиб, кайфиятим кун-кундан тушиб боради. Кўнглимдаги бўшлиқни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмасди. Бир куни нима қиларимни билмай, тўрдан-тўр бир хонага кириб, эшикни ичидан беркитиб олдим. Нима қиласман? Нима қилмоқчи эдим? Тиззаларимни ерга ташладим, бағримни қарвотга бериб, неча замон тўлғониб, инграб ётдим, охири ичимдан бир фарёд отилди: „Онажон, онажоним, каъбам онажоним!“

Билмадим, ичимдан товуш эмас, бир қиёфа, ўзимнинг соямга ўхшаш сувратим сугрилиб кўкка ўрлади. Жисмим бўшашиб, кучизланиб қолдим. Ожизона бир ҳолда тилимдами, дилимдами Аллоҳга ёлворардим. „Меҳрибон Аллоҳим, раҳимлисан, шафқатлисан, икки дунёда ҳам сенсиз ҳечкиммасман. Илтижо қиласман, ёлвораман, Онажонимни, мушфиқамни яна биргина кўрсам эди, Аллоҳим. Жонларни олувчи, хоҳлаган ишини қилувчи қодир Эгам, мендек бир нотавон, ожизага онасини кўрсатиши қийинми? Қиёматда ўликларни тиргузадирган, парчаланиб кетган суякларни йигадиган, Ернинг қозиқлари бўлмиш тоғларни қум қилиб совирадиган қудратли Аллоҳим, агар истаса, онамнинг ҳолини билдириши ҳам осондир, ёлвораман, ёлвораман...

Хушдан кетдимми, ухлаб қолдимми бу ёфи қоронғу... Мени бир ғалати жойга олиб киришди. Эшик ёпилгач, кафтларингни очиқ тутиб, қўлингни елка баробарида кўтар, деган овоз эшишилди. Шундай қилиш им билан зувиллаб кўтарилиб кетдим. Бир вақт оппоқ булутга ўхшаш юмшоқлик қошида туриб қолдим. Парда очилиб париллардай ясанган, бир вақт тушимда кўрганимдай ғоят хуш-

суврат онам кўриндилар. Уларга қараб чопай десам, қимиirlай олмадим. Онам: „сенга мумкин эмас“, ишорасини қилдилар. Рўпараларида жуда чиройли, балериналардан ҳам нозик бир қиз пайдо бўлди. Олтингдек товланган чойнак, пиёлаларда онамга чой тутиб турардилар. Онам эса: „мана мени кўрдинг, ҳеч нарсага зарурчилик жойим йўқ, кўнглингни тўқ тутиб ишингни қиласвер, энди боргин“, дейишлари билан зувиллаб пастга индим. Кўтарилиб кетган жойга тушдик. Ҳалиги овоз: „тезда хонангга кир ва ухла“, деди ва ғойиб бўлди. Эшик очилиб уйга кирдим. Ўзимнинг хонам-ку. Ўринда эса ярим гавдам Каравотда, полга тиззалаганча ухляяпман. Ё Аллоҳим, у ерда ётган мен бўлсан, унда бу, уни кўриб турган ҳам ўзим бўламанми? Саволимга жавоб топишга ҳам бўлмай, ғалати бир ҳолатда ўзимнинг танамга кира бошладим. Борлиғим қақшаб оғриганидан анча вақт ўзимга келолмай ётдим. Бу туш эмас эди. Ўзим деганим, балки руҳимдир. Нима бўлганида ҳам осмондан тушган ҳам ўзим, каровотда ётган ҳам ўзим эдим. Ўз танамга кирганим аниқ-равшан ҳақиқатлигини ҳазм қилолмай, вужудим оғриқларига қулоқ тутиб анча ётдим. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, агар мен танамга қайтиб кирмаганимда, албатта бу дунёда ўлган ва чин дунёда онажоним қошида бўлган бўлардим.

Гўзал бегимнинг кўзлари ғалати порлаб, яноқлари нақш олмадай товланди. Ҳикояси таъсирида у яна ўша иқлим ҳавосига бир шўнғиб чиққандек руҳи тозариси, ички шуъладан чеҳраси ёришиб кетганди. Унга ҳавасим келди. Кимдир уни рад этар, кимдир ҳайратланар, нима бўлганда ҳам инсон ўзи кўрмаган нарсаларни рад қилиб ўргангани учун буни муҳокама қилиб ўтириш бизнинг ишимиз эмас. Ҳар ким бир тақдир билан дунёга келади ва ўз ҳаётига эга бўлади. Ахир биз билган ва билмаган оламлар қанча?

„Сирли олам“, 2002 йил

3. ШАЙТОН ХУРРАГИ

Ишхонамизнинг юқори қаватида бир аёл бўларди. Негадир уни кўрсам ғалати бўлиб кетардим. Ичиди қандайдир, руҳим суймайдиган нимасидир бор эди. У ҳам мени ёқтириласди. Сабабини ҳеч тушунолмасдик. Бир-биримиз билан бирор маротаба тўқнашмаган, айтишмаган, уришмаган бўлсак? Хуллас, шу йигирма қаватли бино бизга торлик қиласди гоҳида. Буни сезган танишлар: „иккаланг бир кўз еганмисизлар, нима бало? Бўлишадиган хазиналаринг бўлмаса...“, деб ёқа ушлардилар.

Бир куни мени юқори қаватга чақириб қолишиди. Чиқсам, ўшанинг ишхонаси экан. У йўқ эди. Хонадаги аёл мазаси қочиб, ранглари бир ҳол ўлтирарди. Юраги ёмон бўлиб қолди, дейишди. Мен уни кўриб, ўқиб қўйдим. Мен бир сабабчи, ҳаммаси меҳрибон Аллоҳимдандир, шукур, ўзига келиб қолди. Раҳмат Гўзал опа, деб миннатдорчилик билдириди. Барча мақтов ва раҳматлар Аллоҳ таборак ва таологадир, дедим. Хонамга тушиб ишимни қилавердим.

Эргаси куни яна чақиришиди. Чиқсам, ўша жинимиз қаршилашган аёл, хўмрайган, жаҳлга минган. Ўзидан ўзи: „Нега сен бу ёққа чиқдинг, нега менинг касалимни қарадинг? Нега пичоқ билан қарайсан? Пичоқда қарашиб бир менга берилган. Агар касал қарамоқчи бўлсанг, бошқача қара, тушундингми?“ – дейди.

– Чакиришиди, чиқдим. Иккинчидан, бу одамлар сизга тегишли эканини билмабман. Янада аниқроғи, бу олам барча бор-йўни билан ягона Эгамга қаравшилир. Кечирасиз, менинг сиз билан бошқа гапим йўқ, деб чиқиб кетдим. Аммо у менга ёпишиб олди. Кўча-кўйда дучлашсак ҳам дўқ оҳангда ўқрайиб ўтади. Бир феълим Эгамга ёқмади шекилли, ўша аёл билан мени сазойи қилияпти, деб ҳар куни тавба қиламан, истигфор айтаман. „Кошки шу аёлга рўпара келмасам?“ дейман. Аёл эса баттар жазавага миниб борарди. Бир куни кўчада одамлар орасида мени изза қила кетди: „Сен қаёқдан ҳам одам кўрадиган бўлиб қолдинг? Йиғиштир майнавозчиликни, ўргилдим сендақа янгича табибдан!“.

Уйга келгач, жуда алам қилди. Нега ахир? Мен ўзим хохлаб одам күраётганим йўқ-ку. Кўрганимда ҳам бу аёлга нима алоқаси бор? Эй қудратли Аллоҳим, менга ўзинг сабр бер, кўриб турибсан, унинг билан ҳеч ишим йўқ. Шайтоннинг шарридан ўзинг бизга паноҳ бер. Агар шу табиблигим, одам қарашиб менга шайтондан ё жиндан бўлса, мени бу дардан ўзинг халос қил, дея дуода ётиб, кўзим илинибди. Туш кўрибман. Ишхонамизга чиқаверишдаги зинапоя ёнида иккиучта кучук, бир каттароқ ит вовилляяпти, мен ҳайдайман. Каттаси худди ўша аёлмикан дейман. Нола чекиб ириллайди, депсиниб хириллайди. Бор-е, деб ҳайдайман. Уйғониб кетдим. Тавба, бу не ҳол бўлди? Тушимда ҳам тинчлик йўғ-а, Аллоҳим. Ўзинг кечир, ўзинг бизга шифо бер. Қўнглимда бир ёруғлик билан ишга келдим. Кўп ўтмай тепага чақиришди. Чиқмайман десам ҳам, „бир чиқиб кетинг“, деб қўйишмади. Чиқдим. У креслода ағдарилган хумдек суялиб ётарди.

- Мени қараб қўй, — деди кўзларини зўрға очиб.
- Мен сизни қарай олмайман. Мен бир омий одам бўлсам, „Алҳамду“ ва „Ихлос“дан бошқа нарсани билмайман ҳам.
- Йўқ, қараб қўймасанг бўлмайди, Гўзалой, — деди у титраб. Қаратишни хоҳламаса ҳам гайри бир куч таъсирида бу сўзларни айтиётганлиги фижинишидан билиниб турарди.

Аллоҳим, ҳикмат эгаси ўзингдирсан, ўзинг ҳакимдирсан, биз ожизу бечорамиз, ўзинг мадад бергин, дея ишга киришдим. У бир пасда ухлаб қолди. Худди тушимда кўрган итнинг ириллашига ўхшаб хуррак отарди. Кўрқиб кетдим. Наҳотки бунинг ичига ит шаклли шайтон жойлашиб олган бўлса? Аузубиллаҳи минаш шайтониррожим, дейишим билан хуррак тўхтади. Ишимни қилиб бўлгач, уйғотдим.

- Туринг энди, тузукмисиз?
- Ҳа, тузукман. Нима қилсанг қилавер, ишим йўқ, — деди у шукурона ўрнига тўнғиллаб ва жилмайиб қўиди.

Аллоҳга ҳамд айтиб ўрнимдан қўзғалдим. Ҳикмат эгаси бўлган буюк Аллоҳим хоҳласа, жини сўймасларни ҳам сўйдириб, душманларни дўст қиласар. Илоҳим, дўстларнинг душман бўлиб қолишидан Ўзи асрасин.

АРВОХ ҲАДЯСИ

Опа-сингиллар неча кунки, бир хил туш кўришади. Оналари „менинг либосимни топинглар“, деб йиглаган ҳолларидаги кўриниб, тезгина фойиб бўлади. Хайр-эҳсон қилишиди, куръон ўқитишиди, фойдаси бўлмади. Ўн йилларча олдин вафот топган онагина ҳамон безовта. Қизлар маслаҳатлашиб, оналаридан қолган сандиқни очишиди. У ерда ўлимлик кўрпа билан онасининг бир неча яхши кийимлари сақланиб турарди. Онажонининг хитойи плашчлари кўринмади. Оталари эса: „Нима қиласизлар? Орадан шунча йил ўтиб, сизларга плашч керак бўлиб қолдими?“ деди жаҳли чиққандай, бир томони қандайдир безовталик билан.

— Онамизнинг нарсаси бўлганидан кейин сўраймиз-да, отажон. Шу ерда турувди. Онамиз шўрлик неча вақтдан бери безовта, кийимларимни топинглар деб қўймаяптилар, ахир, — деди катта қизи юмшоқлик билан, — ростдан ҳам кийимлар қаерга кетиши мумкин?

Ота бош чайқади.

— Марҳумага кийим нега керак экан? Қуръон ўқитиб юборамиз, безовта бўлмайди. Марҳумнинг либоси ҳам, озиги ҳам дуодир.

Ота маъқул гапни айтгандек бўлса-да, қизларининг кўзига қарашга ботинолмай ерга тикилганича ўйга толди. Қизи ҳам аёли каби раҳимли эди, ичидаги эзилди: „Отам қариган чоғида ёлғизланиб қолгани озми? Тағин ранжитиб қўймайлик, диллари оғриб юрмасин“. Синглиси эса бошқа гап топиб қўйган эди. Қишлоқ этагида турувчи Саригул дудуқ Камола чеварга яп-янги устки кийимларни олиб бориб, буздириб, бошқатдан тиктираётган экан. Чевар, туппа-тузук нарсаларни бузиб нима қиласиз деса, ўзимга тўғри келмайди, қизларга мослаб бир нарса қилиб беринг, деб

қолдирған эмиш. Опанинг юраги шувиллаб кетди. Чеварникига чопди. Күзларига ишонмасди. Чеварнинг „ҳай-ҳай“-лашига қарамай ҳали битмаган камзилларни ўраб-чирмаб синглисенинига юурди. Опа-сингил биргалашыб Саригулникига учишди.

— Менда гуноҳ йўқ, менда гуноҳ йўқ, — дея даф-даф титрарди аёл.

Опа-сингил бир зум қотиб қолиши. Ҳақиқатда унда гуноҳ йўқ эди, лекин у барибир гуноҳкор эди... Отаси билан кўнгиллашиб юрган аёлга на раҳмат, на лаънат айттолмаган опа-сингиллар бўшашганича уйларига қайтиши. Оталарига бир оғиз сўз қотишмаса ҳам сир очилгани отага ҳам аён эди. Ҳеч нарса билмаганга ўхшаган ота эртаси куниёқ домла чақирибириб аёли хотирасига қуръон бағишлиатди. Қизлари уй-уйига кетиб бўлгач, хонасини ичдан беркитиб ёш боладек ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Тонгга яқин ухлаб қолди. Мархума аёлинини туш кўрди. „Эгнида хитойи плашчи, ясанган аёли уйига келибди. Дастанхонга бир тутун қўярмиш, хафа бўлманг, сизда гуноҳ йўқ дермиш-у, лаблари қимирламасмиш ва чоли гапираман дегунича бўлмай ғойиб бўлармиш. Дарров ўрнидан туриб тугунни очса нон, новвот...“

Уйғониб кетди, эндиғина тонг ёришиб келарди. Ўзининг ичида ҳам бир ёришиш туйди. Хотини ундан рози, уни кечирди, унга умр тилаб, насиба қўйиб кетди. Тириклигида қандоғ меҳрибон эди, еру кўкка ишонмасди, арвоҳи ҳам меҳрибон, кечиримли...

Ота ўрнидан турди, таҳоратланиб келиб, бомдодни ўқиди. Саждада узоқ-узоқ қолди. Ҳўл юз-кўзларини рўмолчаси билан артиб ўрнидан турди. Чой қўйди. Нон олиб чиқиши учун талак уйга кирди. Саватда ҳалигини тушида кўрган тугунми, шунга ўхашими, кўриб қўлини узаттанича тўхтаб қолди. Кимdir унтиб қолдирған бўлиши мумкин. Балки қизларидан бири обкелгандир. Нима бўлганида ҳам ота тугунни қўлига олди, тушидаги каби қўллари титраб очди. Нон ва новвотлар, „аёли қолдирған ҳада“дан юраги гуп-гуп уриб, эшикка суюнганича туриб қолди...

„ХЕЧКИММАС“ЛИК МАҚОМИ

Негадир яқындагина танишганим, табиб ва ғалати инсон Фарида Собрияни күргим келди. Кеч соат түққиз ярим бўлиб қолибди. „Шу маҳалда уйларидамикан, балки меҳмондадир“. Яхшиси эртага эрталабдан хабарлашарман деб ўзимнинг ишларимга шўнгидим. Эртасига ишдан телефонлашиб, кейин кўришдик. Кечаги ҳолатимни айтдим. У эса мутаассирлик билан деди:

— Қаранг-а, кеча мен ўзим сизникига шундай боргим, суҳбатлашгим келдики, истагимни аранг енгдим. Андиша қилдим, уйингизда келди-кетди, меҳмонларингиз бордир деб ўйладим. Агар қўнгироқ қилганингизда, жон деб борган бўлардим.

Ҳақиқатда Фарида опа учун кеча билан кундузнинг фарқи йўқ эди. Ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан деб билгандаридан ярим тунда чақиришса ҳам машинами, яёвми деб ўтирумай йўлга тушаверардилар.

...Ўшанда ярим тун эди. Ой ёришишини пойлаб йўл чешида ўтиаркан ўйлади: „Насиб қилган бўлса бирор келар, шундай ёнимда тўхтар, келмаса ҳам майли, бироз дам олиб, яна йўлга тушавераман-да“ Ўйлади-ю, қўрқиб кетади ва тавба қила бошлайди. „Эй, худойим, мен ишларимни миннат қилиб, яна таъма қилгувчилардан бўлиб қолмадимми? Мени ўзинг кечир. Тақдир ўзингдандир. Мен эса сенинг ҳукмингдан ташқарида ҳечкиммасман-ку..“

Узокдан қўш чироқ кўринди, секин ёнига келиб тўхтади. Машина эшиги очилди, ҳайдовчи тавозе ва марҳамат аралаш ёқимли бир овоз билан салом бериб таклиф қилди: „Ўтиринг, опа. Манзилингизга элтиб қўяман“.

— Автобус вокзалига бормоқчи эдим...

— Марҳамат, қаерга десангиз ҳам фарқи йўқ. Бугун ўзи шундай ният билан уйдан чиққан эдим. Онам раҳматлиниг хотираси ҳаққи, эрталаб қаршимдан бир ажойиб онахон чиқса-ю, мен уни сўраган жойигача элтиб қўйисам. Қарасам, йўл чеккасида бирор муштипаргина бўлиб ўтирибди, ёнида бир тугам нур. Худога шукур, тилагимга етказди. Шунинг учун ҳечхижолат бўлманг. Саҳарлаб йўлга чиқишингиз ҳам хайрли бўлсин, онахон,— деди йигит.

— Раҳмат, эй яхши онанинг фарзанди, Аллоҳнинг суюкли бандаси,— деди у йигитга изоҳ бериши кераклигини тушуниб,— кеча бир беморга боргандим. Кечикиб қолдим. Эрталаб яна бир жойга боришим билдирилганидан кейин ўтиrolмай йўлга чиққан эдим. Бу сизга ҳам менга ҳам Худойимнинг марҳаматидир. Сизга ҳам, онажонингизнинг боқий манзилларига ҳам раҳматлар ёғилсин.

Фарида Собрия хоним кўнглимдан кечганларини сезгандек табассум қилди. Мен „ҳечкиммас“ кипилар мақоми ҳақида ўқиганларим, эшитганларимдан нимадир айтмоқчи эдим, қовушмади. Сўзга зарурат ҳам йўқ эди.

ЯШИЛ ҚУШНИНГ ВАТАНИ

Худо ҳохласа шу ерга ўзи ўз қўли билан ўзига қабр қуради. Баланд, баҳаво жой экан. Бунинг устига бир томони қавмларига яқин. Ўғли йўқлигини билинтирмаслик, куёвига оғирини солмаслик учун тириклигига ўз ғамини ўзи еб қўйса, эртага бир кун олдидан чиқади. Фалончининг ўғли йўқ эди. Куёв барибир куёв-да. Куёв ҳеч қачон ўғил бўлолмайди. Бечора Эгамбой яшаб яшамагандай эди, энди ўлиб ўлгандай бўлмади дейишмайди. Асосийси, қизини миннатдан, қиёмат қарздорликдан саклайди. Нима кўп уй отли саройда қошиқнинг косага, пиёланинг чойнакка тегари кўп. Шунда куёв қизига, „ҳа, сен номард, отангни ўз қўлим билан қабрга қўйдим, маракаларини қилдим, билмадинг“, деб гапириб юборса-чи! Куёви мўмингина йигитку-я, аммо энди инсонни билиб бўлармиди? Эр-хотин орасида нималар кечмайди? Ўзи ҳам шу шўрлик, муштипар хотинини куни келганда итдан ўтказган. Ёшлика ҳар нарса бўлар экан. Йўқ эса ўғил тумадинг, деб аразлаб, янги ўзлаштирилган ерларга бош олиб кетармиди? Роза пашшага таланиб, таъзирини еди ўзи ҳам. Кейин яна... „ити ўпкалади, эгаси билмайди“, деганларидай уйини, қизчаларини соғиниб, маккажўхоризорнинг ичкарисига кириб кетиб, тўлибтўлиб йиғлаганларини-чи! Айниқса тўнғичининг меҳрибонлигини, асалтойлигини эслаб юраклари эзилди. Икки-уч кунгами, бир жойга кетса, отасининг эски дўпписини қўлидан қўймай, ётса ёстиғи тагига қўйиб ухлайдиган қизчасини соғиниб ити чиқди.

Эй ношукур, бировлар тирноққа зор, бировлар боладан безор. Шундай қизчаларингни кўзинг қийиб, ўзингни хорзор қилиб, пашшаларга ем бўлиб юришингдан уялмайсанми? Бунинг устига бир инсон йўқлаб келмади. Хотини ке-

лиши мумкин эди. Сувдай чақалоқ билан бу тупканинг тагига, ит топмас жойларга қандай келсин?

Үзини ўзи айблади, сўкли, ҳовиридан тушди. Охири бўшашиб, иложисиз сўмрайиб, қандай кўринмай қишлоқдан чиқиб кетган бўлса, шундай кўринмасдан қишлоққа кириб келди. Эл оёфи тиниб қурт-қумурсқалар ҳам уйқуга кетганида. Аммо хотини шўрлик уйғоқ, кўнгли сезибми, сезмайми йўл кутган. Эгам ака шундай деб ўйлади ўшанда. Лекин эзилиб пушаймон бўлса-да, билдирмади. Гё ѡч айби йўқдай, уйдан эрталаб чиқиб кетгандай кириб келаверди. Хотини ҳам қаерда эдингиз, деб сўрамади. Секингина туриб чой қўйди, ҳали чилласи чиқмаган Ўфилбўлди, қизчасини олиб унга узатди. Одам зоти қизиқ-да. Эгам ака ҳам чақалоқни жимгина қўлига олди, нима қилгани эсида йўқ, ҳидлади шекилли. Ҳа, ҳидлади. Узо-оқ ҳидлаб турди, кейин хотинига узатди. Кир эгнига тушган томчини билдирмайтина артиб, томоғидан кўтарилиб келаётган ғалати бир оғирликини ичига ютди, енгди. Ҳеч нарса кўрмагандек чойни қайтариб, иккита пиёлага қуиди. Иссик-иссиқ хўплаб, яна қуиди. Бўғзидаги оғриқни куйдириб, пастга тушириб юбордими, чеҳрасига табассум ёйилди, зўр чой бўпти, деди.

Шунинг билан орадан губор кўтарилиб, уй ёришиб кетди. Ана шундай, эркакнинг феълига тушуниб бўлармиди? Бугун оғзидан бол томиб турган бўлса, дам ўтмай заҳар томиши мумкин. Қизчалари ҳам онасининг ўзгинаси. Юзингга тик қарамайдиган бўлиб ўсишди. Шундай аёлининг қадрига не замонлар ўтиб, етиб ўтирибди-ку. Ёшлар эса чўғ, оловнинг ўзи. Гув этиб ёнади, пов этиб ўчади. Нима бўлганда ҳам ўзининг хотирасига гард қўнмаслиги керак.

... Эгам ака ўша жойни танлаб тўғри қилганига яна бир бор ишончи ортганича уйига қайtdи. Бугун бўлмаса эртага, охир бир кун келиб оламдан ўтади-ку. Ўлимни бўйнига олган киши яхши киши, мўмин кишидир. Хулосасидан ичи ёришиди, отли-обрўли бўлиб кузатилиш хаёли билан уйига етганини ҳам билмади. Уйларидан ярим бескатча нарида,

Обод сувчининг эшиги олдида уймалашиб турган оломонга кўзи тушиди. У ерда бир гап борга ўхшади. Ҳар ҳолда шодиёна эмас. Тўйнинг ҳавоси бошқачароқ бўларди. Сувчига бир гап бўлдимикан? Анчадан бери ётиб-туриб юарди.

Қадами беихтиёр сувчининг уйи томон қайрилди, кўнгли эса тилга чиқмаган тахминни такрорлаб борарди. „Ҳарқачон ҳам сувчига бир гап бўлган. Сувчининг иши туғаган“.

Йифи-сиги овози эшитилди. Ичкарига оғирлик қилган „дод“ ни шамол теварак-атрофга барадла сочиб юбормоқда эди. Гўё бу „дод“ лар бир жойда туриб қолса, ўша жойни ўйиб юборадигандек. Эгам аканинг юраги „зирқ“ этди. Ҳеч қачон туйилмаган хайриҳоҳликдан жисми жони бўшашиди. Юрагининг нозик бир жойлари, ҳеч назарга тушмайдиган бурчакларидан қулт этгандек бир ютумгина оғриқ бўғзининг ҳароратида „пов“ этиб эриди-ю, миясига кўтарилиди. Кўз томирлари зўриқди. „Бечора Обод сувчи, яхши одам эди! Бир беозор одам эди, ғариб эди. Қизиққонлиги бор эди-ю, кўнглида кири йўқ эди. Во дариг ишингнинг оқибати шу-да!“

Одамзод шу экан. Бир-бирининг қадрига етадиган лаҳ-залари бўлар экан. Аммо сувчи Эгам аканинг ўзи ҳақида шундай юраги куйиб ўйлаши мумкинлигини билмай, кўрмай ўтиб кетди-да. Эгам аканинг ўзи ҳам ҳайрон. Сувчи қачон кўнглига шунчалар ўрнашиб олди экан. Худди у билан бир уйда яшагандек, жуда қадрдан кунларни бошдан кечиргандек ҳис қиласди ўзини. Лекин бирор марта ҳам у ҳақда ҳозиргидагидек рост ва самимий ўйламаган экан. Умуман шундай одам борлиги ҳақида ўйлаб ётишга зарурати ҳам, эҳтиёжи ҳам йўқ эди. Сувчи ҳам ҳамма қатори турмуш ташвишлари билан андармон бир кимса эди-да. Эгам ака ҳам худди шундай. Ким уни ўйлаб, ёдлаб ўтирибди, қандайлиги билан кимнинг неча пуллик иши бор? Ҳар кимнинг ўз ташвиши ўзи билан бўлгандан кейин, тирикликнинг, бу ҳаволардан олиб турган нафасимизнинг хасчалик қадри йўқ. Мана шу сувчини қаранг. Бинойидек яшаб юрувди.

Хоҳласа ётарди, хоҳласа турарди, лекин бирор марга олиб турган нафасининг, еб-ичиб турган ризқ-насибасининг қадрига етармиди? Йўқ! Чунки буни мушоҳада қили-иб, ўйлаб ўтиришга на фурсати, на ҳафсаласи, на эҳтиёжи бор эди? Тугилишди, яшашади, бир кун кетишади. Тамом. Лекин қачон бир жойда йиғилишмасин, кам-кўстнинг, етаретмаснинг гапи давом этарди. У керак, у етишмайди, бу етишмайди, фалончи ундоқ, фалончи бундоқ каби гаплар билан вақт ўтарди. Мана энди ҳаммаси қолиб кетмоқда. Энди уни сизга ким етказиб беради-ю, ким битказиб беради. Фалончининг иши битди, дегани шу экан-да. Ана энди битгани ҳам битмагани ҳам битди.

Йиғилиб турганлар қўни-қўшнилар-у, сувчининг шу яқин атрофдаги қариндошлари эди. Нафасинг бўғзингдан чиқиб-чиқмай қисматинг шу! Дарров элтиб, ерлашади. Аллақачон қабристонга машина ҳам жўнатишибди. Шағал, қум тўкиб келар экан. Эрта билан жойи тайёр бўлади, чошгоҳга қолмай дафн. Дафн қилинадиган жойни эшитиб, Эгам аканни ток ургандай қотиб қолди. Гап унинг ўзи учун танлаб қўйган жойи ҳақида бораради. Балки ёнма-ён тушиб қолишар. У ерда бемалол уч кишилик ўрин бор эди. Агар жойни яйратиб қуришса, икки киши пошшоликдек жойлашади.

Жойлашмаган тақдирда ҳам нима дея олади? У ерга мени кўмасизлар дейдими? Қизиқ. Кулгиси қистади. Ўзини қўлга олмаса „Обод сувчининг жанозасида кулдинг“, деган ма-ломатга қолади. Аммо Обод сувчи билан у дунёда ҳам қиёмат қўшни бўлажагидан дили ёришди. Агар Худойим таоло гўрларидан жаннат томон туйнук очса борми, қиёматгача маст, вақт ўтганини билишмас. Агар аксинча бўлса, икковлон қўшилиб куйиб, тутини кўкка ўрлаб ётса-чи? Навзамбиллоҳ! Ўзи асрасин. Илойим туйниклари жаннат тарафга очилган бўлсин.

Эгам ака алламаҳалда уйига қайтди. Уйқуси келмади, устахонасига ўтди. Аввалдан тайёрлаб, силлиқлаб қўйган ходаларини яна бир сидра кўздан кечирди. Ҳар эҳтимолга қарши (нега шундай ўйлади, ўзи ҳам ҳайрон бўлганича)

тобутнинг зангисини ясаб қўйгиси келди. Маҳалладаги тобутнинг ёғочи гижирлайдиган бўлган экан, ўзидан билиб ясаб бергани савоб-ку. Мабодо, куни битиб ўлиб қолса, ўзи ясаган тобутда яйраб ётишини тасаввур қилиб, аввал мийигида кулди, кейин эса, кўксига туфлаб, айтган жойдан йироқ-ей, деди ва атрофида бир шарпани сезгандай ён-верига аланглади. Хаёлида узоқ сафарга тайёрланаётгандай ҳис қилди ўзини. Ичиде эса номаълум бир соғинч ва хавотир дамо-дам ўрин алмашарди. У худди шу атрофда юргандай! Ким экан У? Наҳотки, Аэроил алайҳиссалом?! Нима фарқи бор, келса келар, куни битган бўлса, ким ҳам ундан қочиб қутила оларди? Бўладиган иш бўлмай қолмас, деб тақдирга тан берганича ичиде калима ўгира бошлади. Ла илаҳа иллаллоҳу Мұхаммадан Росулуллоҳ. Вой, Мұхаммад-дек (алайҳиссалом) бир инсон бу дунёдан кетганида, мендек бир фақир, (ўғли йўқнинг ўрни йўқ) ғариб банда ким бўлибманки, бу ёлғон дунёсида юз йиллаб яшаб юришни орзу қилсан? Нималар деягти ўзи, уят! Аммо шу олиб турган нафаси қайтиб кирмаса, сувчига ўхшаб, ҳамма иши бир пастда битади қўяди...

Тайёр тахталарни улаб чиқиш қийин кечмади. Бўйига тутиб, ўлчаб ҳам кўрди. Бошидан бир қарич баланд келди. Эни ҳам кўнгилдагидек. Занги кўзига жуда чиройли кўринди, унга қайта-қайта разм солиб, кам-кўстларини қидирди, аммо тополмади. Ўзи қўли гул уста-да, раҳматли отасидан ўзди. Ёғоч қўлида ипакдек эшилади, товланади, эгилади. Бир жойида чўтиризизи кўринмайди. Илоннинг оғзидан чиққандек силлиқ „Тулпори“га қараб туриб, эти сесканиш ўрнига, тушуниксиз бир ҳузур қоплади жисмини. „Бундай тобутни кўрган жон ҳеч қийналмай жисмини унга топширади“.

Эгам ака эгни бошини қоқиб, кийимларини даҳлиздағи михга илди. Қўлини ювиб, ошхонага ўтди. Ярим сархум сувни уч бўлиб ичди, изидан ўзингга шукур, деб қўйди. Болалар, хотини ҳам аллақачон ухлаб қолишган экан, уларни безовта қилмаслик учун яна изига қайтди. Бир йўла

оёқларини ювиб, кейин ётгиси келди. Күмғонни түлдириб сув олди. Эшик оллидаги ғұлага оёғини құйғанича, бармоқ оралари билан құшиб, ишқалаб-ишқалаб ювди. Сувни сирқитиб бир пас үтириди, кейин уйга кирди.

— Ҳали ҳам ётмадингизми? — шивирлади хотини, — тун алламаңыз бўлиб қолди.

— Ҳа, құявер, уйқум ўчиб кетди, — кейин фалсафа сўқди, — одамнинг умри оз, унинг ҳам кўпи уйқуда үтади. Кейин яна уйқу.

— Ухланг, ухланг, — деди хотини мулойимлик билан эрининг гапларига унча тушунмай. — ҳали замон тонгнинг кўзи йирилади.

Эгам ака ўрнига чўзилди. Шивирлаб калима қайтарди. „Ла илаҳа иллоллоҳу Мұхаммадур расулиллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам“ . Уч бор тақрорлади. Ўзи билган бошқа калималарни ҳам бир сидра дилидан үтказди. Ҳеч уйқуси келмади. Баданлари бўшашиб, кўнгил кўзлари чараклаб очилиб ётарди. Нима бўляпти ўзи? Кўзларини юмди. Осмон уларнинг уйи тепасига жуда яқин келди. Юлдузлар кумушдек товланади. Эгам ака уларга ҳавас билан термилади. Жисмида шу пайтгача, бутун умр тўймаган бир ҳисдан қуш бўлиб учгиси келади. Агар қушга айланиб қолса борми, хув анави энг ёруғ юлдузга бориб қўнап эди. Юлдуз ҳам уни тушунган каби имлайди, жилвасидан қанотлар ўсиб чиқади. Кумуш қушга айланади ва оҳиста учеб пастлай бошлайди. Эгам ака қушга айланиб кетарди-ку-я, аммо нимадир халақит беряпти. Аслида у қачонлардир қушга айланажагидан бир вақтлари хабари борлигини элас-элас эслади. Қуш унинг кўксида. Вақти келганида у қафасдан учеб чиқади, қанотлари ипакдек майин бўлса-да, кучли. Лекин унга ҳозир нимадир халақит беряпти. Қуш эса барча тўсиқларни енгишга қодир. Тугмадек туйнук ҳам унга кифоя. Олтин бошчаси чиқса бўлди. Яшил қанотларини биқинига йиғиб, шувиллаганича кўкка кўтарилади. Кейин парашютга ўхшаб бир олам бўлади. Осмондаги кумуш қуш уни қаршилаб олиш учун ҳамон пастламоқда. Нима

қилиш керак? Ҳозир Эгам ака унга қабрстондаги жойини күрсатгиси келаётган эди.

Кўкси потирлади. Пардек юмшоқ сезилган қанотлар чўяндек оғир, кучли экан. Кўкрак қафасларини оғритди. Эгам ака чидади. Майли туйнук очса бас, бўёғи осон. Утишларини қисди. Қуш яна бир ҳамла қилди. Кўкси пичоқ санчгандек ўйилди, кейин увиб тушди. Ана, ана бўлди, туйнук очилди. Осмондаги қушдан тушиб турган нур унинг кўксидаги қушнинг тожидан таралиб турган нурга уланди, гўё кўқдаги қуш кўксидаги қушга шу нур орқали куч бермоқда ва уни кўксидан тортиб олмоқда эди. Эгам ака бу мўъжизаларни ҳайрон кузатиб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Шунакаси ҳам бўладими, умрида кўрмаган, эшиитмаган ҳол содир бўлмоқда эди. Осмон қуши унинг кўксидаги қушни аллақачон қафасидан тортиб олди. Ҳудди ўйлаганидек қушчанинг митти қанотлари қирқ газ кенгайди, парашютдек ёйилди-да кўкка кўтарилди. Осмон қуши эса уни йўлга бошлаганча баландлаб борарди.

Эгам аканинг жисми инграб юбордими, ўзи инградими билолмади, қуш орқасига қарамай кўтарилар, қафасга урилгандаги зарбини ҳали ҳам пасайтиrolмасди. Бир пайт у епенгил бўлиб қолганини, осмонда ўзидек сон-саноқсиз қушларни кўрди. Бошқа оламга тушиб қолганини тушунди. Бир пас ҳавода муаллақ турди-да, жондек азиз бир нарсасини унугтан каби пастга шўнғиди. Қушнинг Эгам ака номи билан аталган Ватанининг кўзлари ва оғзи очилган қўйи чехрасида оғриқли табассум, қўллар эса ўша машаққатли туйнукни беркитганича бепарво ётарди. Қушча энди бу мақонга асло қайта олмаслигини билди. Умрида биринчи марта йиғлади. Қушчанинг кўзидағи дурлар, гўё Эгам аканинг жонсиз кўзларидан думалади. Қачонки, тия игна тешигидан ўтар кунда, у ҳам шу қафасга қайта кириши мумкинлигини англади. Ўшандагина бу қадим ва қадрдон Ватанин зиёрат қилиши мумкин...

Шу пайт қий-чув кўтарилди. Қушгина гангид қолди. Нега фарёд? Ўзининг қайта олмаслиги учунми? Шунчалар азиз

ва мұкаррам әканлигини билмаган әкан... Хүрлиги келди, бириңчи марта пушаймон түйғусини ҳис қилди. Кимнингдир қули Эгам аканинг нурсиз күзларини оқиста юмид қўйди. Оёқ-қўлларини тўғрилади. Яшил қуш яна бир неча лаҳза бу ҳолни томоша қилиб турди, тоқати чидамади, шаҳд билан осмонга кўтарилди. У кўтарилиган сари кўтарилилар, дам-бадам ортига қараб, муаллақ ҳолда тўхтар, яна кўтарилиларди.

Тушга яқин Эгам акани кечагина ўзи ясаган тобут зангисига солиб кўтарилилар. Обод сувчи билан ёнма-ён ерладилар. Ер яйраб кеттанидан икки қулоч жойни айвондек кенгайтириб берди. Осмондаги ёруғ юлдуздан тушган нурдан қабр уйи ёришиб кетди. У нур яшил қушни бир неча фурсатга яна уйига чорлади. У ўзининг қадим макони, мусофирихонасининг янги манзилини яна бир бор зиёрат қилмагунча осмон кўшкига кўнолмаслигини биларди ва шу боис пастга томон қарчигайдек шўғиди...

„Қалб кўзи“ газетаси,
1998 й. май сони



БҮРИ ЕМАГАН ТУРДИНИСО ПОША...

„У ерларни Адир қишлоқ дейишади. Қишлоқнинг қуи томонида, пастда, шовиллаган теракзорлар ичидаги күримсизгина бир уйда мўйсафид киши аёли билан яшайди. Отакон етмишни қоралаб қолганига қарамай, қадди-басти йигитлардек тик, нигоҳлари тийрак. Бирорга қарагудек бўлса, нигоҳи тушган жойни „ўйиб олгандек“ из қолдиради. Кўзи қаттиқ. Буни ўзи ҳам билади. Шунинг учун одамларнинг таънасидан қўрқибми ё бошқа бир билгани борми, одамларга камдан-кам қўшилади. Унда ҳам аёлининг турткиси таъсирида тўй-маракага чиқади. Индамай, бир чеккадан жой олиб, олдига қўйғанни еб-ичиб, дуога қўшилгач, секингина уйига шошилади. Шу пастак уйча, қушларнинг чугурига тўлган боғчада сигир-бузоги, қўй-эчкисига овора, бешўнта товуқларга дон сепиб, тоат-ибодат билан куни ўтади. Жуда зерикса томорқанинг у ер, бу ерида ўзича бир нарсаларни ковлаштириб, қазиб, яна кўмиб, куйманиб ётади.

Мана, бугун чошгоҳда ҳовлига чиққанича, кун пешиндан оғди ҳамки, уйга кирай демайди. Уй томонга ўқтин-ўқтин қараб қояди. Зора бир хушхабар бўлса? Аслида, уйдаги аҳволни ўйлашга-да қўрқади. Дамо-дам юзини қиблага буриб: „Ишқилиб, икки жонини бир берсин-да. Шуниси турсин-да, шуниси яшасин-да. Шуниси яшаб кетса, қўлига ҳам олмайди, назарини ҳам солмайди. Эсон-омон ўсса, одам бўлиб кетса, бас!“ дея ичидаги дуо қиласи... Қўра деворига суюнганича хаёлга толган Даврон чол ўрнидан туриб, жунлари жингалакланиб кетган қора қўчкор томон юрди. Бир сиқим кўк ўтни қўчкор олдига ташлаб, гўё қўйларга оворадек кўринса ҳам ички бир қўзини уйдан узмайди, қулоқларини динг қилиб хабар пойлайди.

Хуллас, исми-жисмига мутлақо зид бўлган бу киши, яъни, Давронбек отанинг бугун ўн биринчи фарзанди дунёга келяпти. Ҳозир унинг қил сифмаган кўнгли фақат Худо билан. „Агар „тоқ“да тўхташи рост бўлса, Худойим гуноҳларимизни кечириб, дуоларимизни ижобат қилган бўлса, шунисини қолдиради, агар шуниси ҳам турмаса, бошқа фарзанд кўрмаса ҳам майли, хотини қон бўлиб кетди, ахир. Худойим, бу гал раҳминг келсин. Шу шўрли онага раҳминг келсин. Дев бўлса ҳам, бўёғига чидолмаса, дунёдан армонда кетади. Мени кечир, Художон, кечир... Хотинимга раҳминг келсин, Художон...“

Лекин Худо синов берганига сабр ҳам берар эканми, хотини Кумриниса эллик бешларга кириб қолган ва ўнта туккан бўлса-да, кўринишдан, „қилт этдим“ демайди. Бўйлари сарвдек тик, қошлари куюққина, дўрдоқ лаблари дунёning ишларига парвосиз, кинояли бурилган. Худойимнинг бир билгани бордирки, дунёning бир чеккасида, назар-у нафас етмас бир жойларда, қариндош-у, кўшнидан бегона, ўзи билан ўзи овора, жимитдек оила устида шунча синовларини юритиб ётади. Ўн нафар бола-я! Беш қиз, беш ўғил. Ҳаммаси, дояларнинг айтишича, вақти-соати етиб туғилади. Туғилади-ю, бир соат, ё ярим кун туради-да, шу дунёни дунё деб яшайманми, дегандек юмган кўзларини қайта очмайди. Она ҳам чақалоги билан келишиб қўйган каби „ғинг“ деб товуш чиқармайди. Боласи ухляяпти-ю, элликми, юзми, йилдан кейин уйгонади, шунда улар ўтириб олиб, барча воқеаларни эслашадилар. Ана шунда чақалоқлари нима учун бу дунёни хоҳламаганликларини ўzlари гапириб берадилар. Шунданмикан, Давронбек ота аёлининг кўпинча „ўзи билади, ўзи билади, ўзи билади...“ каби хиргойисини эшитиб қолганида, ўзини эшитмаганга олади. Лекин фарзанд отли бир парча этдан ўн нафарини ерга берган эр-у, хотиннинг кўзларида бизнинг ақлимиз етмайдиган нимадир яширинган. Уларга чўнг бир ишонч, чўнг бир бардошни бериб қўйганига қараганда, Яратганинг бир билгани борлиги Ўзига аёндир. Кўпни кўрган доя айтмоқчи: „Худойимнинг адолатга зид бирор ҳукми йўқ“...

„Суюнчи!!!“ деган овоз ер-күкка ёйилиб, Давронбек ота акс-садолар тагида қолиб кетди. Аъзойи бадани ток ургандек титраб, бир лаҳза довдираб турди-да, „Аллоҳу акбар!“ дея саждага йиқилди. „Аллоҳим, акбарсан, роббиал аъло-сан, шугина неъматингни биздан қизғанма, кампиримдан қизғанма!“

— Суюнчи-хуу!!! Кулогингиз том битдими?

Давронбек ота бир тўқлини ҳовли сари етаклади.

— Мана шуни кўп ўрнида кўринг, доя бувиси. Онаси-нинг сандигидан танлаганингиз ўзингизники.

Доя дуо қилди.

— Илоҳим, умри-куни, ризқи-рўзи, имон-эътиқоди, хайр-саҳовати, меҳр-муҳаббати, икки дунёда азиз-у, му-каррамлиги билан берган бўлсин. Омийн.

— Омийн.

Давронбек ота ҳаяжонланганидан англолмай ҳам қолди: „Ўғил дедими, қиз дедими?“ Анигини сўрамоқчи бўлди-ю, нима фарқи бор, ишқилиб умри билан берган бўлсин, деб қўй қўра томон юрди. Икки ракаат шукур намози ўқиди, кейин бошқа намозларини намозга улаб, хуфтонгача жой-намоз устида қолиб кетди. Доя кампир эса чақалоқни неча кун олдин тайёрлаб қўйгани калла суяк – бўри оғзига яқин-лаштириб, яна тортиб оларкан шивирлаб дуо қилди:

— Ё меҳрибон, беҳожат Тангри, Ўзинг гувоҳсан, кўриб турибсан, бу чақалоққинани Ўз изнинг билан бўрига едир-мадинг. Шугинани сийлаб берган бўлгин, унга узоқ умр, баҳт-саодат ато қилгайсан. Уни хосиятли бандаларингдан қилгайсан, Аллоҳим.

Доя яна нималарнидир шивирлай-шивирлай, икки каф-тини юзига тортди. Кейин йириккина „тирик балиқ“ни ча-қалоқнинг бошидан уч бор ўғирди, пичирлаб дуо қилди ва бир газча оқ сурпга ўраб, кафандагач, олиб чиқиб, ҳовли-даги мевали даражалардан бирининг тагига кўмди. Яна Ху-дога ёлбориб, дуога қўл очди: „Эй меҳрибон Аллоҳим, Ўз изнинг ила шу қизалоқни бўридан омон қолдирдинг, бир маҳлуқингнинг жонини жонига бағишладинг. Шу чақалоқ-

ни хосиятли бандаларингдан қилгин, Аллоҳим. Унга узоқ умр, хайрли тақдир ато эт, Пайғамбар алайҳиссаломга муносиб умматлардан қил. Ота-оналарининг гуноҳларини, биз ожиз бандаларингнинг гуноҳларимизни афв эт, эй Роббим!“

Режадаги ишларини битириб, кейин она-бола ётган хонага кирди. Бир сирли „жим“ликдан юрагини ҳовучлаганича, она-болани кузатди. „Худога шукур, тирик, илойим умрини берсин, умрини берсин...“

Аёлнинг қорнини секин-секин босди. Қўлларини силади, пешанасига кафтини қўйиб, нималарни дир аниқдаган бўлди. Сариёғга пишган бир коса хушбўй аталани, косани ерга қўйдирмай туриб, аёлга ичкизди. Кейин чақалоқни „Бисмиллоҳ“ деб қўлига олиб, онанинг кўкси устида „Ўнгми, ўнг?“ „Ўнгми ўнг?“ қилиб, ўнг томонига ётқизди.

- Фарзанд муборак, Қумрихон!
- Ўзига қуллиқ, қуллуқ...
- Илойим, иймони, умри, баҳти билан берган бўлсин.
- Айтганингиз келсин.

Аёлнинг овози бир титранди ва мулоҳим жилмайди.

- Ўғилми, қизми, энака момоси?
- Вой, энака момосининг кирди-чиқди эсини кўринг. Айтмабманми? Қизалоқцина! Кокиллари тақимига тушадиган, қийма қош бир пари қиз бўлади, Худо хоҳласа. Исми ҳам ўзи билан: Турдинисо пошиша!

— Раҳмат. Ўзига шукур.

Аёл толиқдими, кўзлари илина бошлади ва қаттиқ уйкуга кетди. Туш кўрди. „Ним қоронғи уй эмиш. Чироқни қидиравмиш. Шунча чироқдан ҳеч бўлмаса биттаси йўғ-а, дермиш. Шунда, деразадан ўтқир нур тушиб, уйи ёришиб кетармиш. „Ана-ку, чироқ, — дермиш чоли нурни кўрсатиб. — ҳаммаёқ ёришиб кетди“.

Аёл қушдай енгил бўлиб уйғонди. Доя индамаса, ўрнидан туриб уй ишларига уннагудек ғайрат сезди ўзида. Доя энаси „ҳали кучга киришингиз керак“, деб руҳсат бермади. Уч кун ўтиб, тушини айтганида эна ҳайратдан „Субҳонол-

лоҳ! Дуоларимизни ижобат қилган Аллоҳга Ҳамд бўлсин“, дер эди нуқул. Чунки доя ҳам, Даврон ота ҳам худди шундай туш кўришгани ҳолда, негадир айтишга ботинолмаётган эдилар...“

Меҳмон ҳикоясини тугатаркан, „турса-турақолсин“, деб Аллоҳ раҳим қилган Турдинисо пошиша ойининг невараси бўладилар бу кишим“, деб сұхбат давомида гапга бир гап кўшмаган дугонасини таништириди. Умри бино бўлиб қишлоғидан чиқмаган Турдинисо ойининг невараси бугун бувисига тортиб доривор гиёҳларга муҳаббат қўйибди экан. Шу гапдан кейин невара (исми ҳам Невараҳон) сумкасидан бир неча гиёҳлар аралашмаси солинган пакетча – шифобахш чойни олиб, столга қўйди. Биз меҳмонларимизни ўзлари олиб келган хушбўй, гиёҳ-чой билан меҳмон қилдик. Илож қанча, улар гиёҳ дамлама турганда бизнинг чойни ичишмас экан. Дарвоҳе, Турдинисо ойи ҳам юз ёш билан юзлашиб яшаб, умрлари давомида фақат гиёҳ дамламаларни ичганлар ва зурриёдларига ҳам шуни васият қилган эканлар. Илоҳим, Турдинисо ойининг жойлари жаннатда бўлсин.

Изоҳ:

Турдинисонинг яшаб кетиши сирини ирим-сиримларга боғлаб эмас, балки Даврон отанинг астойдил тавбаси-ю, дуоларининг ижобати ва Қумриниса ойининг Аллоҳ синовларига чиройли сабр, шукур қилишига берилган илоҳий мукофот деб тушуниш тўғридир.

„Кўнгил кўчалари“ газетаси
2009 йил, март, 3-сон

МУНДАРИЖА

„Күшлар бермас қарзға қанот..“ 3

ПУБЛИЦИСТИКА

Ватан — севгандарницидир	9
Давлат байроғининг тили	15
Тил билмак илмдир, аммо	20
Тўйларимиз ҳақида ўйлар	22
Мустақиллик сабоқлари ёки тижоратчи бўлаёзганимиз	29
1. Тадорик	29
2. Дарвоза оллида	30
3. Йўлочар	32
4. Пермъ аэропортида тонггача	34
5. „Русь“ меҳмонхонасида	37
6. Йўл. Чегара. Қароқчилар	40
7. Туркия. Чегара	43
8. Бозорда	44
9. Иштаҳа	45
10. Ватанда	49
Элнинг улуғлиги она қадри билан	51
Қаҳрамонимни севар эдим	56
Умрда бир марталик хизмат	67
Доя	67
Доя эна	69
Фаришталар йўргаклаган зотлар	70
Хосиятли қирқ кун	72
Фаросат — мисоли кўзгу	74
Фахрий, „буш врач“ ёки яхшилик билан учрашув	78
Хоким ўринбосари — Муаттар она	85
Ўзбек қизини излаб...	93
Туғилганида фариштадек эди	99
Йўқ, бу ўзга сайёра эмас эди	103
Борингга шукр, яхшилик	
„Ўтиш даври“ ҳикоялари	107
Нуфуз ёки „Хоразм мадоннаси“	114
Омон қолган болалик	121
„Ақллилар саломланмайди...“	128
„Рўзгор қолига ямоқ..“ ва бошқалар	
Одамийлик фани	130
Илм қоринга урса	130
Ботмон ва мисқол	131
Хосиятли ямоқ	131
Кетма Қуёш, порла Ой	131
Келин бўлайтган қиз	133
Яхши қайнона қайда бор, яхши келин-чи?	139

6 000 сур.

ҲИҚОЯЛАР

Сүнгги базм	145
Яңи ўқитувчи	161
Хут кирган күнлар	166
Бир тогора гул	169
Үн кун	176
Чиннингуллар	186
Вақф ўрик	196
Сирли одамлар дүнёси	
1. Қора сешанба ёки Гүзалнинг кечинмалари	199
2. Ўзим уз танамга кирдим	202
3. Шайтон хурраги	204
Арвоҳ ҳадаси	206
„Ҳечкиммас“лик мақоми	208
Яшил күшнинг ватани	210
Бўри емаган Турдинисо пошша...	218

Адабий-бадиий нашр

РАҶНО РАҲМОНБЕРДИ ҚИЗИ

ВАҚФ ЎРИК

Ҳикоялар, сұхбатлар, мақолалар

«ISTIQLOL» – Тошкент – 2013

<i>Мұхарріп</i>	<i>Ж. Рассоқов</i>
<i>Рассом</i>	<i>Х. Еқубов</i>
<i>Мусаҳҳих</i>	<i>Н. Атабалева</i>
<i>Саҳифаловчи</i>	<i>С. Нұлатов</i>

Лицензия рақами АІ № 217. 03.08.2012 й. Босишга рухсат этилди 27.11.2013 й.
Бичими 60×84¹/₁₆. Times Tad гарнитурасида. Шартли босма табоги 14,0 б.т. +
0,5 б.т. вкл. Адади 500 нусха. Оффсет қофози. Буюртма № 64.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ, Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-й.

Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. почта: istiqlo-i-nashr@mail.ru.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Тошкент ш.,
100129, Навоий кўчаси, 30-й.